В статье рассмотрены вопросы повышения эффективности предприятий нефтегазовой промышленности посредством совершенствования инвестиционной деятельности. Освещены направления повышения экономической эффективности инвестиционных проектов, роль модернизации и внедрения цифровых технологий в нефтегазовой отрасли Узбекистана. Особое внимание уделено актуальности привлечения инновационных инвестиций и их влиянию на экономический рост.

Ключевые слова: инвестиции, нефтегазовая промышленность, эффективность, цифровизация, модернизация, инновации, экономический рост.

The article discusses the improvement of investment activities to enhance the efficiency of oil and gas industry enterprises. It analyzes the economic efficiency of investment projects, modernization processes, and the role of digital technologies in Uzbekistan's oil and gas sector. Particular attention is paid to the importance of attracting innovative investments and their impact on economic growth.

Keywords: investment, oil and gas industry, efficiency, digitalization, modernization, innovation, economic growth.

Jahonda iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirilgan sharoitida cheklangan resurslar qatorida neft va gaz o‘rin olmoqda. Neft va gaz sanoatining mahsulotlariga bo‘lgan talabning keskin ortib borishi bir tomondan mavjud resursdan samarali foydalanish, ikkinchi tomondan esa ishlab chiqarishning raqobatbardoshligini oshirishda resurslar bilan ta‘minlanganlik darajasini nazorat qilishni talab etmoqda. “Ma‘lumotlarga ko‘ra 2021-yildagi pasayishdan so‘ng, 2022-yilda dunyoda tasdiqlangan neft zaxiralari 1,1% ga oshdi va 1,564,441 trln. barrelni tashkil etdi. Yaqin Sharq neft zaxiralari bo‘yicha dunyo mintaqalari orasida yetakchi bo‘lib qolmoqda, bu jahon zaxiralarining 55,7 foizini tashkil etmoqda. 2022-yilda dunyoda tasdiqlangan gaz zaxiralari hajmi esa 2,4% ga o‘sdii va 2021-yilga nisbatan 210,063 trln. m³ga yetdi”. Bunda strategik muhim texnologik va istiqbolli loyihalar va foydali yangiliklarni turli mexanizmlar asosida joriy etish orqali yetakchi ishlab chiqarish tarmoqlarini modernizatsiyalash va texnologik yangilash hisobiga iqtisodiyotning taraqqiyotiga erishilmoqda.

Bugungi kunda jahon mamlakatlarida neft-gaz sanoati korxonalaridagi iqtisodiy faoliyatni zamonaviy ko‘rinishda tashkil etish, tashkiliy-iqtisodiy hamda texnologik tadbirlar tarkibini kengaytirish kabi mexanizmlarni takomillashtirish yuzasidan ilmiy izlanishlarga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Bu borada texnologik jarayonlarni yashil raqamlashayotgan iqtisodiyotga moslashtirish, xarajatlarni ichki resurslar hisobiga optimallashtirish, unumdorlikni investitsion jarayonlardagi mexanizmlarning takomillashgan ulushini ko‘tarib borish hisobiga oshirish, yuqori texnologiyalar sohasida integratsion jarayonlarni chuqurlashtirish kabi ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda.

Yangilanayotgan mamlakatimiz sharoitida neft va gaz sanoatini xalqaro talablar asosida rivojlantirish, ishlab chiqarishda investitsion loyihalarning manbalari turlarini kengaytirish, ishlab chiqarishning jahon bozoridagi raqobatbardoshligini raqamli va innovatsion texnologiyalar asosida ta‘minlash kabi sifat ko‘rsatkichlariga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

“Iqtisodiyot tarmoqlari va aholiga neft-gaz mahsulotlarini uzluksiz yetkazib berilishini ta‘minlash. Tabiiy gazni qayta ishlash darajasini 8 foizdan 20 foizga yetkazish” kabi vazifalar belgilangan. Bu borada faoliyat olib boruvchi subyektlarni qo‘llab-quvvatlash, yashil mahsulotlar bozorini rivojlantirish hamda tarmoqda ularni shakllantirish mexanizmini takomillashtirish, innovatsion faoliyatga asoslangan samarali mexanizmlarni ishlab chiqish yo‘nalishidagi izlanishlarga ustuvor darajada e‘tibor qaratilmoqda.

2030-yilga qadar O‘zbekiston Respublikasi hududida tabiiy gaz qazib olish hajmi 66 mlrd. kub metrdan oshirishni tashkil etishi rejalashtirilgan. O‘z navbatida iste‘mol hajmi 56,5 mlrd. kub metrga yetishi prognoz qilingan. Bu esa ichki iste‘molchilar talabini qondirish va tabiiy gazni chuqur qayta ishlash yo‘nalishlarini yanada rivojlantirish yo‘nalishini kengaytirishga zamin yaratishi kerakligini anglatadi.

Ushbu maqsadlarga erishish uchun neft va tabiiy gazni chuqur qayta ishlash hamda uning samaradorligini oshirish, raqamlashayotgan bozor munosabatlariga o‘tkazish maqsadida tarmoqni tubdan isloh qilish jarayonlarini muvofiqlashtirish bo‘yicha keng ko‘lamli loyihalar bosqichma-bosqich amalga oshirilishi talab etilmoqda. Mamlakatimizda neft va gaz mahsulotlarini qayta ishlashni kengaytirish bo‘yicha joriy etilgan loyihalar O‘zbekiston neft-gaz tarmog‘i oldiga qo‘yilgan vazifani amalga oshirishga xizmat qiladi. (1-jadval)

2022 yilda O‘zbekistonda jami 790 ming tonna neft kondensati qazib chiqarilgan bo‘lib, bu ko‘rsatkich 2000-yilga nisbatan qariyb 4,5 barobarga va 2010-yilga nisbatan qariyb 2,5 barobarga

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

kam hisoblanadi. Lekin shuni ta’kidlash lozimki, 2022-yildagi neft kondensatini qazib chiqarish bo’yicha ko’rsatkichlar 2018-2021-yillardagi ko’rsatkichga nisbatan o’sganini ko’rish mumkin.

Buning asosiy sababi tarmoqdagi yangi xususiy korxonalarining paydo bo’layotganligi bilan ifodalanadi.

1-jadval

Neft va gaz kondensati qazib chiqarish (mln.tonna)

Nomi	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2022/ 2000 %	2022/ 2010 %	2022/ 2021 %
Jami	7,54	5,45	4,04	3,74	3,34	3,17	2,87	2,73	2,62	2,77	2,89	3,01	2,78	2,87	2,07	27,5	51,4	72,3
Neft kon-densati	4,17	3,44	2,02	1,90	1,57	1,28	1,03	1,00	0,87	0,81	0,75	0,70	0,75	0,77	0,79	18,9	39,0	102,7
Gaz kon-densati	3,37	2,01	2,02	1,84	1,77	1,89	1,84	1,73	1,75	1,95	2,15	2,31	2,03	2,10	1,29	38,2	63,7	61,3

Gaz kondensati qazib chiqarish 2022-yilda sezilarli darajada oqsaganligini sezish mumkin. Xususan 2022-yilda 1,29 mln. tonna gaz kondensati qazib chiqarilgan bo’lib, 2000 yilga nisbatan 2,5 barobarga, 2010-yilga nisbatan 46,3 %ga kamaygan. Shuni ta’kidlash lozimki, 2021-yildagi 2,1 mln. tonna nisbatan 48,7%ga pastlagan. Ushbu natijalarning salbiy oqibatlari qish mavsumida ham sezilarli darajada bo’lganligini aytish zarur. Tarkibiy o’zgarishlarning to’liq tugatilmaganligi va tarmoqdagi foydalanilayotgan texnika va texnologiyalarning yetarli darajada yangilanmaganligi sababli ko’rsatkichlarning pastlaganini izohlash mumkin. Bugungi kunda neft va gaz sanoatida jahon yetakchilari – “Lukoil”, “Gazprom”, “BP”, “Total” kompaniyalari, shuningdek, Koreya, Xitoy va boshqalar kabi mamlakatlar kompaniyalari bilan faol hamkorlik mavjud. jadvaldagi neft mahsulotlarining ayrim turlarini ishlab chiqarish bo’yicha dvigatel yoqilg’isi (benzin) 2022-yilda 1,26 mln. tonna ishlab chiqarilgan bo’lib, 2000-yilga nisbatan 26,4 %ga va 2010-yilga nisbatan 11 %ga kamroq bo’lganini ko’rish mumkin. Lekin bu ko’rsatkich 2021-yilga nisbatan 11,4 %ga yoki 130 ming tonna ortgani aniqlangan. Dizel yoqilg’isida ham so’nggi yillarda sezilarli darajada pasayish kuzatilgan bo’lib, 2000-yilga nisbatan qariyb 3 barobarga pasaygan. Bu mahsulot turi 2015-yilda ko’proq hajmda ishlab chiqarilgan bo’lsada, hozirga kelib, pasayish tendensiyasi kuzatilmoqda.

Aviatsiya kerosinini ishlab chiqarish 2022-yilda 0,18 mln. tonnaga yetib, 2021-yilga nisbatan 53 %ga ortgan. Lekin 2010-yilga nisbatana qariyb teng barobardan ham ko’proqqa qisqarib ketgan. Aviatsiya benzini 2022-yilda umuman ishlab chiqarilmagan. 2021-yilda esa 400 tonna ishlab chiqarishga erishilgan xolos. IES larida hozirgi davrgacha qo’llanilib kelayotgan mazut mahsuloti 2022-yilda 130 ming tonnani tashkil etib, 2021-yilga nisbatan 180 ming tonna kamroq bo’lgan. 2000-yildagi ko’rsatkichlarga nisbatan esa bor yo’g’i 7%dan biroz ko’proqligini ko’rish mumkin.

Ammo shuni ta’kidlash kerakki, boshqa ijobiy natijalarga erishilgan komplekslar bilan bir qatorda so’nggi yillarda respublikaning muhim sektori bo’lgan neft-gaz tarmoqlarining faoliyat yuritish sur’atlari, faoliyat ko’rsatish darajasi va salbiy yoqilg’i tendensiyalari, neft sanoati obyektiv va subyektiv tomonidan ta’sir o’tkazgan. Ularga quyidagi sabablar kiradi:

- Neft va gaz kondensati qazib olishning sezilarli pasayishi. 2005-yildan boshlab suyuq uglevodorodlarni qazib olish pasayib bormoqda. Faqat davr uchun 2005-2021 yillar yillik neft qazib olish ikki baravar kamaydi, 5,4 million tonnadan 2,7 million tonnagacha.

- O‘zbekistonda tabiiy gaz qazib olish cho‘qqisiga chiqqandan keyin 2008-yilda uning doimiy pasayishi kuzatilmoqda, 2008-yildan 2021-yilgacha bo’lgan davr mobaynida pasayish 17 foizdan ortiq yoki 10 milliard kub metrdan ortiqni tashkil etdi.

- Korxonalaridagi asosiy fondlari eskirishining yuqori darajasi. 2020-yilda bu ko’rsatkichdan 40% ortiqni tashkil qildi, ya’ni uskunalarning 2/5 qismi jismonan eskirgan va yangilanishi kerak.

- Mahsulot birligi uchun xarajatlar koeffitsiyentining doimiy yuqori qiymatlarni qayd etishi, so’nggi uch yil ichida u 10,7% dan ortiqroqqa oshdi.

Alohida ahamiyatga ega bo’lib, unda davlat ishtirokini qisqartirish, texnologiyalarning energiya samaradorligi darajasini oshirish, shu jumladan energiya tejovchi texnologiyalarni ishlab chiqish

hisoblanadi. Energetika sanoatining rivojlanishi sharoitida mamlakatlarda xorijiy davlatlar ishtirokida energiya loyihalarini amalga oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda, masalan, O‘zbekiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi hamkorlik asosida “Surxon-Puli-Xumri” elektr uzatish liniyasi (EUL) qurilmoqda.

Shuni ta’kidlash kerakki, maqsadlarga erishish uchun va yoqilg‘i-energetika kompleksini rivojlantirish maqsadida mamlakat neft-gaz kompleksini rivojlantirishdan tashqari, sanoat va texnologiyalarning raqobatbardoshlik darajasi oshirish ham kiradi.

2010-2020-yillar davomida mamlakatimiz, neft-gaz sanoatida chuqur tarkibiy islohotlarni amalga oshirish natijasida investitsion loyihalarni ishga tushirishdagi faollikni yuqori sur’atlarda ta’minlash imkonini berdi. 2010-yilda mamlakatimiz iqtisodiyotiga jalb etilgan investitsiyalarning umumiy qiymati 2,8 mlrd. AQSh dollarini tashkil etdi. 2011-2017-yillarda respublika iqtisodiyotiga jalb qilingan jami investitsiyalar tarkibida neft-gaz tarmog‘iga yo‘naltirilgan investitsiyalarning ulushi o‘rtacha 80 foiz atrofidagi ko‘rsatkichga teng bo‘lgan. 2018-2019-yillarda bu ko‘rsatkich, o‘rtacha 40 foizni tashkil etganini ko‘rish mumkin.

Shuningdek, respublikamizdagi 250 dan ortiq neft va gaz konlarida ekologik toza yonilg‘i - suyultirilgan gaz ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilgan. Bu o‘z navbatida boshqa konlardan yetkaziladigan, tarkibida oltingugurt birikmalari yuqori bo‘lgan tabiiy gazni qayta ishlash hajmini jadal sur’atlarda oshirish imkonini beradi. Tarmoqning kelajakdagi investitsion loyihalarning faolligini ta’minlashiga ijobiy turtki bera oladi. “O‘zbekneftgaz” AJning 2020-2030-yillarda neft-gaz va kimyo sanoati korxonalarini rivojlantirish, shuningdek mahalliy lashtirilgan mahsulot ishlab chiqarilishini ta’minlash bo‘yicha investitsion loyihalarda tarmoqni yangi darajaga olib chiqish bo‘yicha chora-tadbirlar o‘zining majmuaviy ifodasida namoyon bo‘ladi.

2025-yilgacha bo‘lgan davrda tabiiy gaz eksportining to‘xtatilishiga erishish maqsad qilib qo‘yilganligi va ichki ehtiyojlarni qondirish hamda uning mamlakatda yuqori qo‘shimcha qiymatga ega mahsulotlarni yaratish imkonini beradigan qayta ishlashni joriy qilish asosida “O‘zbekneftgaz” AJning imkoniyatlarini oshirish belgilab qo‘yilgan. Neft va gaz sanoatini modernizatsiyalashda investitsiya talab qilinadigan yo‘nalishlarning muhimligiga qarab energetik loyihalarni respublika iqtisodiyotini rivojlantirish uchun yo‘naltirishga ham qaratilgan. O‘zbekistonning yoqilg‘i-energetika kompleksida zamonaviy va xalqaro darajadagi fond bozorining vositalaridan foydalanish kengaytirib boriladi. Shu bilan birga mamlakatning neft va gaz sanoatida xizmat ko‘rsatish sifati va ishonchliligini oshirish uchun ISO standartlarini joriy qilish ishlari amalga oshirilishi rejalashtirilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.
2. Umurzoqov, J. (2020) “Investment activity to implement structural changes in the oil and gas industry role in supply,” *International Finance and Accounting*: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/19>
3. O‘zbekiston Respublikasi Statistika agentligi ma’lumotlari

**ФОСФОГИПС ЧИҚИНДИСИ АСОСИДА ОЛИНАДИГАН ГИПСЛИ
БОҒЛОВЧИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ.**

**ПОКАЗАТЕЛИ ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГИПСОВОГО
ВЯЖУЩЕГО, ПОЛУЧЕННОГО НА ОСНОВЕ ОТХОДОВ ФОСФОГИПСА.**

**INDICATORS OF TECHNICAL AND ECONOMIC EFFICIENCY OF GYPSUM BINDER
OBTAINED ON THE BASIS OF PHOSPHOGYPSUM WASTE.**

Кадирова Д.Ш.

Тошкент архитектура қурилиш уневерситети доцент т.ф.н.

Аннотация

Иккиламчи ресурсларни ишлатиш жараёни катта миқдорда энергия ва хом-ашё захираларини тежашга хизмат қилади. Уларни фойдаланишга йўналтириш учун экологик, иқтисодий ва техник талабларга жавоб бериши

лозим булади.

Ушбу мақола мавзусининг долзарблиги ҳозирги кунда сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, маҳаллий хом-ашёлар саноат чиқиндиси фосфогипс ва минерал қўшимча доломитдан фойдаланиб, гипс боғловчи моддани техник иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

Калит сўзлар: доломит, фосфогипс, иқтисодий самарадорлик, минерал қўшимча, гипс боғловчи, экология.

Процесс использования вторичных ресурсов служит для экономии большого количества энергетических и сырьевых ресурсов. Направление их использования должно соответствовать экологическим, экономическим и техническим требованиям.

Актуальность данной статьи заключается в том, что на сегодняшний день при производстве высококачественных строительных материалов рассчитана технико-экономическая эффективность получения гипсового вяжущего с использованием местного сырья, промышленных отходов фосфогипса и минеральной добавки доломита.

Ключевые слова: доломит, фосфогипс, экономическая эффективность, минеральная добавка, гипсовое вяжущее, экология.

The process of using secondary resources serves to save large amounts of energy and raw material resources. The direction of their use must comply with environmental, economic, and technical requirements.

The relevance of this article lies in the fact that to date, in the production of high-quality building materials, the technical and economic efficiency of obtaining gypsum binder using local raw materials, industrial waste phosphogypsum, and mineral additive dolomite has been calculated.

Keywords: dolomite, phosphogypsum, economic efficiency, mineral additive, gypsum binder, ecology.

Миллий иқтисодиётни бозор иқтисодиёти шароитида самарали ва барқарор ривожланиб боришида миллий иқтисодиёт тармоқлари билан бир қаторда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоғини иқтисодий жихатдан самарали ва барқарор ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда чиқиндисиз инновацион технологияларни жорий этиш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Аммо технологияларни тўла мукаммаллаштиришлиги ва бошқа ташкилий тадбирларнинг қурилмаганлиги сабабли миллионлаб тонна чиқиндилар

хосил булмоқда. Улар хосилдор ерларни эгаллаб туриш билан бирга атроф -мухитни экологиясига зарар уетказмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини утилизациялаш ,улардан қурилиш материаллар ва буюмлари тайерлаш кўплаб Вазирликларнинг хамкорлиги натижаси бўлиши керак.Хозирги кунда қурилиш индустрияси корхоналари йиғилиб қолган чиқиндиларининг бир-неча фоизини қайта ишламоқда ёки компонент сифатида материал таркибига киритилмоқда.

Чиқиндилар хосил бўладиган саноатни бошқарадиган Вазирликлар авалло уларни стандарт талабларга биноан таркибларни мукобилаштириш, зарарли моддалардан тозалаш, нодир компонентларни чиқариб олиш ва бошқа тадбирларни кўриб чиқиш керак. Республика қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хом-ашё захираларига бой.Аммо ушбу ресурслардан унумли фойдаланиш, тежамли ишлатиш зоналарини белгилаш келажак авлод турмуш тарзини таъминлашига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қарорлари айнан ушбу муаммоларга қаратилган бўлиб куйидиганлардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги PQ-4198-сонли “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”

-Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжанлаган стратегияси тасдиқланди ва қабул қилинди.

Шу муносабат билан Республикада мавжуд бўлган фосфогипс конлари ва улардан хосил бўлган чиқиндилар ўрганиб чиқилди ва уларнинг асосида олинадиган гипсли боғловчини техник-иқтисодий самарадорлигини ўрганиб чиқилди ва ҳисобланди.Бунинг учун 1 тонна маҳсулот олишда сарфланадиган фосфогипс, доломит ҳамда қурилиш гипси миқдори аниқланди:

Фосфогипс Ф-1000кг *17,5%/100 175 кг.

Доломит Д-1000 кг *52.5%/199 525 кг

Қурилиш гипси Қ 1000 кг* 30%/100 300 кг.

1 кг фосфогипс ўртача таннархи 200 сум деб олинди , 1 кг доломит таннархи еса 250 сум ва 1 кг Г6 маркали қурилиш гипсни таннархи 400 сум олинди.

Шундан келиб чиқиб 1 т фосфогипс асосида олинган гипс боғловчини таннархини келтириб чиқарилади:

Фосфогипс $\Phi = 175\text{кг} * 200 \text{ сум} = 35000 \text{ сум}$

Доломит $\text{Д} = 525\text{кг} * 250 \text{ сум} = 131250 \text{ сум.}$

Қурилиш гипси $\text{Қ} = 300 \text{ кг} * 400 \text{ сум} = 120000 \text{ сум}$

Юқоридаги ҳисоблардан келиб чиққан ҳолда 1 тонна фосфогипс асосида олинадиган гипс боғловчи учун сарф харажатлар миқдори:

$\text{Г}_\Phi = \Phi + \text{Д} + \text{Г} = 35000 + 131250 + 120000 = 286250 \text{ сум.}$

Иқтисодий самарадорлик 1 т маҳсулотдан:

$\text{Г} - \text{Г}_\Phi = 400000 - 286250 = 113750 \text{ сум}$ яъни 28% га тенг булмоқда.

1-жадвал

1 т. фосфогипс асосида олинган гипсли боғловчи учун кетадиган сарф харажатлари.

№	Материалларнинг номланиши	Миқдори 1 т учун	Нархи(сум)	Умумий(сум)
1	фосфогипс	175кг	200	35000
2	доломит	525 кг	250	131250
3	Г6 маркали қурилиш гипси	300 кг	400	120000
		Жами:		286250 сум

Фосфогипс чиқиндилари асосида олинган гипс боғловчини техник-иқтисодий тежамкорлиги 113750 сўмни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.В. Иваницкий, М. Ахмедов, К. И Саркисян. Гипс вяжущие из фосфогипса, получаемого сернокислотной переработкой фосфоритов Каратау. Тезисы докладов. Москва. - 1974. Стр.72-76.
2. Е.И. Золотарская. Разработка и исследование технологии производства полуводного гипса методом непрерывной обработки фосфогипса в жидкой среде. Дисс. Канд. техн. наук. Москва 1971 стр. 215.
3. Экономика строительства. Учебник под. Редакцией: проф. А.И. Арипова, А.Н. Нестеренко, А.К. Бальшакова. М.:Проспект, 2001 г.
4. Турманидзе Т.У. Анализ и оценка эффективности инвестиций: Учебник. М.:-ЮНИИТИ. 2015 г.

УДК: 331.421

**ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА НАЗАРИЙ
ҚАРАШЛАР**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОРГАНИЗАЦИИ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН В
ЭКОНОМИКЕ**

**THEORETICAL APPROACHES TO ORGANIZING WOMEN’S EMPLOYMENT IN THE
ECONOMY**

Исраилова Дилфуза Каримовна

“University of economics and pedagogy” NOTM

Иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Аннотация

Мақолада бугунги кунда жамиятда аёллар бандлигини таъминлашга янгича ёндашувларни қўллаш, меҳнат муносабатлари соҳасида гендер тенглигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Аёлларнинг иш билан бандлиги, гендер тафовутлар, меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллиги, аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш.

В статье рассматриваются вопросы использования новых подходов к обеспечению занятости женщин в современном обществе и вопросы обеспечения гендерного равенства в сфере трудовых отношений.

Ключевые слова. Женская занятость, гендерная различия, экономическая активность женщин на рынке труда, обеспечение участия женщин на рынке труда, создание новых рабочих мест.

The article examines the use of new approaches to ensuring women’s employment in modern society and issues of ensuring gender equality in the field of labor relations.

Keywords. Women’s employment, gender differences, women’s economic activity in the labor market, ensuring women’s participation in the labor market, creating new jobs.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши аҳоли бандлиги билан ўлчанади. XXI асрга келиб бандликда фақатгина эркаклар эмас, балки аёллар ўрни ҳам муҳим санала бошланди. Аёллар тўланмаган ишларнинг катта қисмини бажарадилар ва ҳақ тўланадиган ишда, норасмий секторда ва камбағаллар орасида ишчиларнинг номутоносив

улушини ташкил қилади. Эркаклар бандлиги билан бир вақтда аёллар бандлигини таъминлаш иқтисодий ҳаётда уй хўжалигини даромадларини ошишини таъминлайди. Мамлакатларда аёллар бандлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланиб, бу орқали гендер тенглик таъминланади.

Гендер тенглик ҳаётнинг барча соҳаларида аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун ҳуқуқ, имконият ва муомала тенглигини англатади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи мунтазам равишда тегишли тадқиқотларни олиб борадиган турли халқаро ташкилотлар томонидан доимий эътибор ва ўрганиш мавзусидир. Хусусан, UNICEF хисоботида аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки кўп сабабларга кўра муҳим аҳамиятга эга. Бу аёлларнинг иқтисодий мустақиллигининг манбаи бўлиб, уларга ижтимоий таъминот ва тегишли соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради, шунингдек, ижтимоий мавқеини ошириш ва шахсий ривожланиш имкониятларини беради.

БМТ бош Ассамблеясининг 1967 йил 7 ноябрда қабул қилган аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Бутунжаҳон декларациясининг

1-моддасида “Аёлларга нисбатан камситиш, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини рад этиш ёки чеклашга олиб келадиган ҳолатлар қайд этилса ўз моҳиятига кўра адолатсизлик бўлиб, инсон қадр-қимматига қарши жиноят содир этилган ҳисобланади”, деб таъкидланган.

Иқтисодий ҳаётда аёлнинг роли эътиборсиз қолдирилиши ёки инкор этилиши мумкин эмас. 1980 йил бошидан буён саноатлашган ва ривожланаётган мамлакатларда барча янги ишчи кучининг асосий қисми аёллар учун ҳисоб-китоб қилинади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, иқтисодий фаол аҳоли орасида аёлларнинг улуши дунё минтақаларида сезиларли даражада фарқ қилсада, 15-64 ёшидаги аёлларнинг 45,0 фоизи иқтисодий фаол аҳолини ташкил этади. Аёллар бутун дунё бўйлаб камбағалларнинг деярли 70,0 фоизини ва саводсизларнинг 65,0 фоизини ташкил қилади. “Аёллар бандлиги индекси” ҳисоботи муаллифлари, пандемиянинг таъсири эркакларникига қараганда аёлларда кўпроқ сезилганини таъкидлашади. Ишлаб чиқаришларнинг ёпилиши иш ўринларининг қисқаришига олиб келган, натижада олдинги йилларга нисбатан ишсизлик даражаси аёллар ўртасида 1,7 фоизга ўсган. Тадқиқот иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлари бўлган 33та мамлакатда ўтказилган. [1] Ҳисобот маълумотларининг кўрсатишича, аёллар бандлигини таъминлашдаги бир қатор институционал ва инфратузилмавий тўсиқларни бартараф этиш ва хотин-қизларни меҳнат соҳасида амалга оширишга тўсқинлик қилаётган тўсиқларни бартараф этиш механизмлари таклиф этилган.

Республикада аёллар иш билан бандлигини ошириш борасида барча ижтимоий ва ҳуқуқий шароитлар яратилганига қарамай, бу соҳадаги бугунги вазият замонавий иқтисодий ривожланиш суръатлари талабларига жавоб бермайди. Бу вазиятни яхшилаш учун гендер масалалари доирасидан чиқиш зарур, чунки уларнинг аксари бозор трансформацияси шароитида меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг умумий муаммоларидан келиб чиқади, бу муаммолар эса аҳолининг, айниқса, аёлларнинг иш билан бандлиги даражасига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган Тараққиёт стратегиясининг 85-мақсадида “...аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 бараварга камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини-ўзи банд қилиш бўйича” вазифалар белгилаб берилган [2].

Аёлларнинг иш билан бандлиги муаммолари бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган, хусусан, аёллар иш билан бандлиги ҳолатининг ўзгариши ва жамиятдаги роли рус олими Л.Дегтярь ишларида тадқиқ этилган [3]. Бозор шароитларида аёлларнинг касбий карьерасига ёндашув Л.Прокофьева, С.Картошовларнинг тадқиқотларида ўрганилган [4]. Иқтисодий ҳаётнинг норасмий секторида аёлларнинг иш билан бандлиги рус иқтисодчилари З.Хоткина, Л.Ржаницына, Д.Нестеровлар томонидан тадқиқ қилинган [5].

Ўзбекистонлик олимлар томонидан меҳнат бозорида аёлларнинг бандлик ҳолати, ишсизлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотлар

орасида Р.А.Убайдуллаева [6] (меҳнат бозорида аёллар мавқеи), Д.Х.Бобоназарова (қишлоқ аёллари иш билан бандлигининг ижтимоий - иқтисодий механизми), Н.Раҳимова (меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш) каби илмий тадқиқотларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу тадқиқотларда бозор шароитларида аёлларнинг касбий карьерасига инновацион ёндашув, иқтисодиётнинг норасмий секторида аёлларнинг иш билан бандлиги, аёлларнинг иқтисодий фаоллиги, унга таъсир этувчи омиллар, қишлоқ жойларида аёлларнинг иш билан бандлигини оширишнинг йўналишлари ва механизмлари таҳлил этилган.

Хусусан, иқтисодчи олима Д.Н.Раҳимованинг фикрича, “... меҳнат бозорида иқтисодий фаол аёлларнинг бандлик даражасини ҳисоблаш, асосий ижтимоий- иқтисодий ҳодисаларни янада тўлиқроқ ва табақалашган ҳолда таҳлил этиш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни тартибга солиш имкониятини бериши” таъкидланган [7].

Олима Ж.Х.Бобоназарованинг таъкидлашича, “... меҳнат бозорини тартибга солиш аёл ишчи кучининг ижтимоий рухий, иқтисодий молиявий, ташкилий, демографик тавсифларини ҳисобга олувчи фаолият соҳаларига йўналтириш билан белгиланади. Мазкур вазифалар оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, ташкилий, моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислохотларни амалга оширишга таянади”[8].

Профессор Ш.Р.Холмўминов тадқиқотларида “...ҳозирги вақтга келиб, ижтимоий эҳтиёжлар нуқтаи –назаридан қаралганда қишлоқ жойларидаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқлар асосий иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратиш қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини ташкил этиш, норасмий иш билан бандликни камайтириш, ҳамда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш имкониятини яратиши” таъкидланган[9].

Гарвард университети иқтисодчиси Клавдия Голдин ўз тадқиқотларида ишчи кучининг иштироки ва даромадларидаги гендер фарқларининг сабабларини аниқлади. Клавдия Голдин 2023 йилда иқтисод бўйича Нобель мукофотини эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат бозорида чуқур илдиз отган иш ҳақи тенгсизлиги сабабларини очиқ бергани учун қўлга киритди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, аёлларнинг 50 фоизи ишлайди ёки иш қидиради. Осиё, яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг айрим ҳудудларида бу фарқ 50 фоиздан ошади. Хотин- қизлар меҳнати иштирокининг ўсиши эҳтимоли ўтган асрдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлардан биридир. Бироқ, уларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини “тенглаштириш” ўз-ўзидан гендер тенглигини англамайди. Дунё бўйлаб, жумладан, ривожланган мамлакатларда аёллар бир хил иш учун эркакларникига қараганда камроқ маош олади. Меҳнат бозорида аёлларга нисбатан тенгсиз муносабат нафақат адолат, балки имкониятларнинг тенгсизлиги, агар улар қобилиятлари ва истеъдодларига мос келадиган иш билан шуғулланмаса, жамият учун катта харажатлар юзага келиши мумкин. Масалан, McKinsey компаниясининг 2023 йилдаги ҳисоб-китобларига кўра, охириги ўн йил ичида дунёда тўлиқ гендер паритетига эришиш глобал ЯИМ нинг чорак кўшимча ўсишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилди[10].

Клавдия Голдиннинг “Гендер фарқлари эволюцияси” тадқиқотлари АҚШнинг 200 йилдан ортиқ давом этган маълумотларига асосланган. Олиманинг тадқиқотларига қадар меҳнат бозорида аёллар меҳнатини ўрганишга бундай изчил ёндашув бўлмаган. У иқтисодиёт, тарих соҳасидаги барча тадқиқотларни бирлаштириб, туғилиш, таълим ва меҳнат бозоридаги аёллар бандлигидан келган иқтисодий самарадорликни ижтимоий ва институционал ўзгаришлар билан боғлайдиган концепцияни тақлиф қилган.

Клавдия Голдиннинг хулосалари Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки улар ўз хулқ-атворини ўзгартиришни алоҳида аёлларга юклашдан кўра, тизимлар ва

маданиятни яхшилаш зарурлигига ишора қилади. Клавдия Голдиннинг аёллар меҳнатини ташкил этиш борасидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, гендер фарқлар кенгрок омиларнинг ўзаро таъсирдан келиб чиқади, хусусан: ижтимоий меъёрлар, технологик ютуқлар, институционал тузилмалар ва сиёсий муносабатлар аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ўрганишга ундайди.

Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш бўйича стратегиянинг қабул қилиниши хотин-қизларнинг муносиб бандлигини таъминлаш борасида муҳим қадам бўлди. Бироқ, олимларнинг фикрича, “барча хотин-қизларда ҳам меҳнатга муносабатнинг аниқ шаклланмаганлиги, юқори профессионал малакали мутахассис-кадр хотин-қизларнинг камлиги, бунда оилавий хўжалик юритишда уларнинг етакчилик роли ортиб бораётганлиги, мос ҳолда аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга нисбатан муносабатидаги стереотипларнинг ҳануз сақланиб келаётганлиги, бу борадаги ижтимоий тасавурларда гендер тавофутларнинг мавжудлиги сингари сабаблар бугунги кунда қишлоқ аёлларининг профессионал карьера ва раҳбарликка даъвогарлиги пастлигида намоён бўлмоқда”.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги эркакларникига караганда нисбатан паст. 2022 йил яқунларига кўра, бу кўрсаткич аёллар орасида 66,9 фоизни, эркаклар орасида эса 80,0 фоизни ташкил этди. [11]

Ўзбекистон аёлларининг меҳнат бозоридаги фаоллиги 30 ёшдан бошланади. Сабаби, улар ўртача 22,3 ёшида турмуш куради ва ундан кейин камида 2 йилни туғруқ таътилида ўтказади. Ундан сўнг меҳнат бозорига қайтади, лекин қисқа вақтдан кейин уларнинг тақрорий туғруқ таътиliga чиқиш эҳтимоли юқори. Аёлларнинг тез тез декрет таътили ва фарзандлари саломатлиги туфайли касаллик таътиliga чиқиши иш берувчилар орасида аёлларнинг потенциал ходим сифатида самарадорлигини пасайтиради.

1 - жадвал

Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси, %

№	Худудлар	Йиллар				
		2019	2020	2021	2022	2023
1	Ўзбекистон Республикаси	75,0	73,8	74,1	73,7	74,0
	аёл	57,6	66,6	66,7	66,9	70,4
	эркак	81,3	80,5	80,8	80,0	80,5
2	Андижон вилояти	77,2	74,7	75,7	76,5	77,0
	аёл	58,9	64,8	67,0	65,7	65,5
	эркак	84,6	83,7	83,6	86,2	86,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари

Маълумотлар тахлилининг кўрсатишича, вилоятларда, хусусан, Андижон вилоятидаги аёллар фаоллиги кўрсаткичи Республика кўрсаткичидан бирмунча фарқ қилади. Ўрганилган давр бошида яъни, 2019 йилда бу фарқ ижобий ўзгаришни (+1,3 пунктга Республика кўрсаткичидан юқори)ни кўрсатган бўлса, 2023 йилга келиб 4,9 пунктга камайганини кўриш мумкин. Бу фарқ вилоятларда туғруқ ёшидаги аёллар сонининг кўплигини, фарзанд кўришга мойиллигининг юқорилиги ва туғруқ таътили билан боғлиқ меҳнат бозоридаги фаоллигини пастлигини кўрсатмоқда. Оналикни муҳофаза қилиш ва бола парвариши бўйича таътилнинг амалдаги тизими аёлларнинг иш билан таъминланишини қийинлаштириб, уларни уч йилгача таътилда қолишга мажбур қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аксарият аёллар бажарадиган ишлар жисмоний меҳнат туркумига кирмоқда. Булар асосан ўрта мураккаб ва паст малакали, меҳнат сарфи юқори меҳнат ҳисобланмоқда. Аёлларнинг меҳнат мазмунига касблар ва аёлларнинг ишлаши борасида стереотип қарашлар, маълумот даражасининг пастлиги ва касбий тайёрлаш тизими талаб даражасида эмаслиги, болаларни парваришлаш, майший хизмат соҳаларига етарли даражада инвестициялар ажратилмаётганлиги таъсир кўрсатмоқда. Мазкур омилар аёлларга ишлаб чиқариш ресурслари, даромад ва иш билан бандликка тўсиқлар қўймоқда. Шунингдек,

уйдан ташқари иш билан бандлик ва бола парваришлаш, оилавий юмушларни баробар олиб бориш мажбуриятлари аёллар учун жиддий муаммоларга олиб келмоқда.

Аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари орасида малака даражаси, касбга йўналтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, демографик омиллар, меҳнат миграцияси ва инновацион иш билан бандлик бўйича тарғибот ишлари сингари кўрсаткичлар асосий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида аёллар фаоллигининг паст даражасини келтириб чиқарган асосий сабаблар бўлиб, уларнинг оилавий юмушлар ва фарзандлар тарбияси билан машғуллиги, уй рўзғорда иш ҳақи тўланмайдиган уй бекаси сифатидаги вазифаларининг кўплиги билан ҳам ифодаланади. Болаларнинг соғлиги, маълумот даражаси, моддий фаровонлигини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади, шунингдек, аёллар болаларга улар улғайганларида муайян вазифаларни бажаришлари учун оналар намуна бўлиб ҳам хизмат қиладилар. Республикамизда иқтисодий фаол аҳоли таркибига кирадиган аёлларнинг 48,0 фоизга яқини бевосита туғруқ ёшидаги аёллардан иборат. Бу эса аёллар ўз иқтидорларини намойиш қилишлари шарт- шароитларини янада кенгайтиришни талаб қилади. Аёллар ишчи кучи таклифини камайтириш сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида ижтимоий-иқтисодий механизмлар самарадорлигини ошириш, иш билан бандликнинг ўсиши ва ишсизлик камайиши, қишлоқда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ қисқаришига эришиш вазифаларини белгилайди. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айти пайтда аёл ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказиши мумкин. Ишчи кучлари таклифини камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин.

Аёллар иш билан бандлигини оширишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда аёл ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида меҳнатга лаёқатли аёлларни иш билан самарали бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу фақат жамият ва давлат барқарор ривожланишининг асоси бўлибгина қолмасдан, моҳиятига кўра ҳар бир инсон ҳаётида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Чунки меҳнат фаолияти инсон ҳаётининг салмоқли қисмини эгаллаб, уни жамиятга интеграциялаштириш, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мавжуд шарт-шароитларни умумлаштириш орқали муайян ва ижтимоий мақомга эга бўлишини ҳам таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. PwC. Буюк Британиядаги тадқиқот марказининг 2021 йилдаги “Women in Work Index 2021” номли тўплами
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
3. Л. Дегтарь. Процесс трансформаций и положение женщины. Вопросы экономики. 2000 г. стр 66-73.
4. Л.Прокофьева. Профессиональная карьера женщин. М.: 1998. Стр 74-83., С.Картошов.Поиск работы: проблемы и решения. М.: 1995 стр 87-93.
5. З.Хоткина. Женская безработица и неформальная занятость в России. Вопросы экономики № 3.2000. стр.85-94., Л.Ржаницына и др. Женщины на рынке труда.//Общественные науки и современность, 1992., Д.Нестерова. Инвестиции в человеческий капитал в переходной период России.М.: 1998.

- 6 Р.А.Убайдуллаева. Женский труд ва колхозах Узбекистана. Дис...кан.экон.наук. 08.00.10. – Т.: 1964, - 217 стр
7. Д.Н.Рахимова.Управление процессами развития трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. Диссертация док.экон.наук.- Т.:2000.-143 стр.
8. Ж.Х.Бобоназарова.Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш. “Экономика и социум”. № 6 (97) -2 2022
9. Ш.Р.Холмўминов., К.З.Хомитов..Н.У.Арабов, Ж.Х.Бобоназарова , Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидова. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). –Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.43 бет
10. Глобальный институт McKinsey. 2023 йил якунидаги хисобот маълумотлари.

УДК: 334.02

ЗАРУБЕЖНЫЙ И ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ ОПЫТ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ КОМПАНИЙ

QURILISH KOMPANIYALARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XORIJIY VA MAHALLIY TAJRIBA

FOREIGN AND DOMESTIC EXPERIENCE IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF CONSTRUCTION COMPANIES

Мирсаидова Ш.А.

Доцент кафедры «Экономика и менеджмент промышленности», ТГТУ

Аннотация

В статье рассматривается зарубежный и отечественный опыт повышения эффективности строительных компаний. Проанализированы современные подходы к управлению строительными проектами, включая внедрение технологии информационного моделирования зданий (BIM), принципов бережливого строительства (Lean Construction), цифровизации и японских методов управления качеством. Особое внимание уделено опыту Узбекистана, где строительная отрасль демонстрирует впечатляющий рост (24,5% в январе 2024 года) на фоне активной модернизации нормативной базы. Исследование показывает, что интеграция BIM и Lean-подходов позволяет сократить время проектирования до 50%, снизить стоимость бюджета и повысить производительность труда. Выявлены ключевые барьеры внедрения инновационных технологий в строительной отрасли и предложены рекомендации по их преодолению.

Ключевые слова: эффективность строительных компаний, BIM, Lean Construction, управление качеством, цифровизация строительства, японский опыт управления, строительство Узбекистана

Maqolada qurilish kompaniyalari samaradorligini oshirishda xorijiy va mahalliy tajriba ko‘rib chiqiladi. Qurilish loyihalarini boshqarishning zamonaviy yondashuvlari tahlil qilingan, jumladan, binolarni axborot modellashtirilishi (BIM) texnologiyasi, tejamkor qurilish (Lean Construction) tamoyillari, raqamlashtirish va yapon sifat menejmenti usullari joriy etilishi. O‘zbekiston tajribasiga alohida e‘tibor qaratilgan, bu yerda qurilish sohasi tartibga soluvchi bazaning faol modernizatsiyasi fonida ajoyib o‘shishni (2024 yil yanvarida 24,5%) namoyish etmoqda. Tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, BIM va Lean yondashuvlarining integratsiyasi loyihalash vaqtini 50% gacha qisqartirish, byudjet xarajatlarini kamaytirish va mehnat unumdorligini oshirish imkonini beradi. Qurilish sohasida

innovatsion texnologiyalarni joriy etishning asosiy to‘siqlari aniqlangan va ularni bartaraf etish bo‘yicha tavsiyalar taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: qurilish kompaniyalari samaradorligi, BIM, Lean Construction, sifat menejmenti, qurilishni raqamlashtirish, yapon boshqaruv tajribasi, O‘zbekistonda qurilish

The article examines foreign and domestic experience in improving the efficiency of construction companies. Modern approaches to construction project management are analyzed, including the implementation of Building Information Modeling (BIM) technology, Lean Construction principles, digitalization, and Japanese quality management methods. Special attention is paid to the experience of Uzbekistan, where the construction industry has demonstrated impressive growth (24.5% in January 2024) against the backdrop of an active modernization of the regulatory framework. The study shows that the integration of BIM and Lean approaches allows for reducing design time by up to 50%, lowering budget costs, and increasing labor productivity. Key barriers to implementing innovative technologies in the construction industry are identified, and recommendations for overcoming them are proposed.

Keywords: construction company efficiency, BIM, Lean Construction, quality management, construction digitalization, Japanese management experience, construction in Uzbekistan

Строительная отрасль является одной из важнейших отраслей экономики, однако она характеризуется относительно низким уровнем производительности по сравнению с другими секторами [1]. По данным McKinsey, строительная индустрия занимает предпоследнее место по уровню цифровизации среди всех экономических секторов [2]. В то же время строительные проекты представляют собой сложные многокомпонентные задачи, где множество переменных может влиять на их успешное завершение [3].

В рыночных условиях строительные компании постоянно сталкиваются с проблемами недостатка инструментов для контроля расходов и распределения ресурсов, управления рисками и обеспечения качества [4]. Эффективное управление позволяет минимизировать риски, связанные с бюджетом, сроками и качеством, что снижает вероятность задержек и перерасхода ресурсов [3]. Исследование базируется на методе систематического обзора литературы (Systematic Literature Review) с анализом современных научных публикаций, посвященных повышению эффективности строительных компаний [5].

Для анализа использовались:

- Научные статьи из рецензируемых журналов (ScienceDirect, SpringerOpen, MDPI)
- Материалы международных конференций (International Group for Lean Construction)
- Данные исследовательских центров (McKinsey, Leibniz Center for European Economic Research)

- Аналитические отчеты строительных компаний и отраслевых ассоциаций
- Статистические данные по Узбекистану (Госкомстат, отраслевые агентства)

В исследование включались публикации за период 2019-2025 гг., содержащие эмпирические данные о применении инновационных методов управления в строительных компаниях различных стран, включая страны Центральной Азии.

Исследования показывают значительную эффективность интеграции технологии информационного моделирования зданий (BIM) с принципами бережливого строительства (Lean Construction).

Ключевые результаты:

Согласно исследованию Eldeer, применение BIM в качестве инструмента бережливого строительства позволяет [6]:

- Сократить время проектирования почти на 50%
- Обнаруживать ошибки, пропуски и коллизии до начала строительства
- Снизить количество изменений заказов на 11% от общей стоимости контракта
- Сократить общее время контракта на 25%
- Уменьшить время ожидания при выполнении работ на полтора месяца

Таблица-1

Эффекты от внедрения BIM в строительных проектах

Показатель	До внедрения BIM	После внедрения BIM
Время проектирования	100%	50%
Изменения заказов	11% от стоимости	Близко к 0%
Время контракта	100%	75%
Время ожидания	Базовый уровень	-1,5 месяца

Источник: составлено автором на основе [6]

Исследование китайского кейса в г. Дэчжоу (2024) продемонстрировало, что комплексное применение BIM-LC методологии с использованием системы Last Planner System (LPS), принципов Just-In-Time (JIT), методов Kanban и Value-Stream Mapping позволило повысить эффективность строительства, снизить объем строительных отходов и уменьшить выбросы углерода [7].

Согласно систематическому обзору научных статей, интеграция Lean и BIM в фазе проектирования приводит к следующим результатам [8]:

- Оптимизация процессов проектирования
- Снижение проектных вариаций на поздних этапах
- Улучшение качества управления проектом
- Сокращение затрат
- Повышение удовлетворенности заказчиков

Международное исследование (2024) показало, что интеграция Lean и BIM улучшает эффективность строительных проектов за счет повышения производительности труда, сокращения затрат от общего бюджета и уменьшения сроков поставки [9].

Японская система управления качеством имеет следующие основополагающие характеристики [10, 11]:

1. Всеобъемлющее управление качеством на уровне фирмы с участием всех работников
2. Система кружков качества (Quality Circles), функционирующая с 1950-х годов [12]
3. Непрерывное обучение кадров в области управления качеством
4. Культ потребителя – воспитание исключительно уважительного отношения к заказчикам [13]
5. Система Канбан – точное выполнение производственных операций в срок [14]
6. Ротация труда – периодическая работа сотрудников в разных отделах для получения дополнительных навыков [15]

Ключевой принцип японского подхода, сформулированный профессором Каору Исикава: "нельзя экономить на качестве, поскольку качество само является экономией" [10].

Таблица-2

Принципы японской системы управления качеством

Принцип	Характеристика
Всеобъемлющее управление качеством	Вовлечение всех сотрудников фирмы в процессы контроля и улучшения качества
Кружки качества	Добровольные группы работников, решающие производственные проблемы (с 1950-х гг.)
Непрерывное обучение	Систематическое повышение квалификации всех категорий персонала

Принцип	Характеристика
Культ потребителя	Воспитание уважительного отношения к клиентам на всех уровнях компании
Система Канбан	Точное выполнение операций точно в срок (Just-In-Time)
Ротация труда	Периодическая смена должностей для получения разностороннего опыта

Источник: составлено автором на основе [10-15]

Германия является одним из лидеров по внедрению цифровых технологий в строительстве, несмотря на то, что отрасль остается одной из наименее цифровизированных [2].

Основные достижения:

- BIM стал обязательным для проектов государственной инфраструктуры с 2020 года [16]

- Префабрикация достигла 23% нового жилищного строительства благодаря цифровым технологиям [17]

- Потенциал цифровизации: по данным McKinsey, целенаправленная цифровизация строительной отрасли может высвободить около 30% планировочных мощностей [2]

- Роботизация производства: использование роботизированных рук, станков с ЧПУ и автоматизированных пил в модульных заводах обеспечивает точность до миллиметра [17]

Строительная отрасль Узбекистана демонстрирует впечатляющую динамику роста и активную модернизацию. В январе 2024 года объем выполненного строительства достиг 6,7 трлн сумов (примерно 534 млн долларов), что на 24,5% превышает аналогичный показатель января 2023 года [23, 25].

Динамика роста объемов строительства:

С 2021 по 2024 годы объемы строительных работ в Узбекистане существенно возросли [25]:

- 2021 год: 9,9 млрд долларов
- 2022 год: 21,0 млрд долларов (рост более чем в 2 раза)
- 2023 год: 24,5 млрд долларов
- 2024 год (первое полугодие): свыше 80 трлн сумов (рост более 10%)

В структуре выполненных работ за первые пять месяцев 2024 года выделяются [23, 25]:

- Строительство зданий и сооружений - 40,4 трлн сумов
- Строительство объектов гражданского назначения - 12,5 трлн сумов
- Специализированные строительные работы - 6,0 трлн сумов

Одним из важнейших шагов является проект "Модернизация градостроительных норм и правил Узбекистана", который осуществляется в сотрудничестве с Республикой Корея на основании меморандума, подписанного 19 октября 2018 года. В рамках этого проекта планируется модернизировать 256 градостроительных норм и правил на основе корейского опыта в период с 2022 по 2025 годы [25].

В настоящее время в Узбекистане действует около 12,5 тыс. предприятий по производству строительных материалов, количество видов которых превысило 180. К 2020 году принято 626 международных стандартов производства качественных и безопасных строительных материалов [24].

Ключевой тренд - внедрение BIM-технологий (Building Information Modeling). В рамках стратегии "Цифровой Узбекистан - 2030" запланированы меры по цифровизации всех процессов внутри строительных компаний [26, 27, 28]. BIM-технологии только набирают

обороты, но уже проводятся специализированные форумы и открываются учебные центры для подготовки специалистов.

В качестве эксперимента планируется использовать "объемный" метод на некоторых социальных объектах и инфраструктуре, включенных в программу 2024 года. По результатам эксперимента планируется к 2025 году применить "объемный" метод к другим направлениям строительства и довести долю "объемного" метода в общем количестве объектов строительства до 50% [24].

Основные проблемы и пути решения:

Несмотря на впечатляющие показатели роста, отрасль сталкивается с рядом системных проблем [23, 24, 26]:

- Сейсмическая безопасность: около 70% зданий не соответствуют сейсмическим стандартам, при этом около 70% населения живет в сейсмически активных зонах [23]
- Недостаток финансирования и доступа к долгосрочным кредитам
- Нехватка квалифицированных кадров в области современных технологий управления
- Низкая цифровизация: BIM-технологии практически не представлены, используются устаревшие методы проектирования [26]

Для решения проблемы цифровизации разрабатывается дорожная карта по внедрению BIM-технологий при поддержке Госархитектстроя. В 2018 году открыт авторизованный учебный центр Autodesk в Ташкенте для повышения квалификации проектировщиков [26].

Анализ международного опыта показывает, что наибольшая эффективность достигается при интеграции BIM и Lean Construction, а не при их отдельном применении. Это подтверждается тем, что BIM обеспечивает технологическую платформу для реализации принципов бережливого строительства [21].

Ключевые синергетические эффекты:

- BIM предоставляет детализированную 3D-модель для идентификации потерь
- Lean-методы оптимизируют процессы использования BIM-данных
- Совместное применение сокращает переделки и время ожидания

Японский опыт управления качеством демонстрирует универсальность базовых принципов качества, которые могут быть адаптированы в различных культурных контекстах [13]. Ключевым является не простое копирование японских методов, а их творческое осмысление с учетом национальных особенностей [14].

Опыт Узбекистана показывает специфические проблемы развивающихся рынков [4, 20, 23-28]:

- Низкая зрелость управления проектами на начальных этапах
- Недостаток систематизированной информации по проблемам управления
- Необходимость адаптации международных стандартов к местным условиям
- Важность государственной поддержки при внедрении инноваций

В то же время динамичный рост строительной отрасли Узбекистана (24,5% в январе 2024 года) демонстрирует потенциал развивающихся рынков при условии активной модернизации нормативной базы и привлечения международного опыта.

На основе анализа международного опыта можно выделить следующие рекомендации:

- Поэтапное внедрение: начинать с пилотных проектов для демонстрации преимуществ [20]
- Инвестиции в обучение: непрерывное систематическое обучение кадров [13]
- Создание культуры качества: воспитание уважения к потребителю на всех уровнях [10]
- Адаптация международного опыта: учет национальной специфики при внедрении BIM и Lean [25, 26]
- Государственная поддержка: особенно важна на развивающихся рынках для стимулирования инноваций [24]

Анализ зарубежного и отечественного опыта показывает, что повышение эффективности строительных компаний достигается за счет комплексного подхода, включающего:

- Технологическую модернизацию через внедрение BIM, которое позволяет сократить время проектирования до 50% и снизить затраты на 11-25%
- Процессную оптимизацию на основе принципов Lean Construction, обеспечивающую снижение потерь и повышение производительности труда
- Культурную трансформацию по японской модели с акцентом на качество, непрерывное обучение и вовлеченность персонала
- Цифровизацию процессов, которая в развитых странах (например, в Германии) позволяет высвободить до 30% планировочных мощностей

Опыт Узбекистана демонстрирует, что даже на развивающихся рынках возможен значительный рост строительной отрасли (24,5% в январе 2024 года) при условии активной модернизации нормативной базы (256 документов к 2025 году), привлечения международного опыта (сотрудничество с Республикой Корея) и постепенного внедрения современных технологий (BIM, объемный метод строительства).

Для узбекских строительных компаний особенно актуальным является повышение зрелости управления проектами через регламентацию процессов, создание собственных программных решений и решение специфических проблем (сейсмобезопасность для Узбекистана).

Дальнейшие исследования должны быть направлены на разработку методик количественной оценки эффективности интегрированной BIM-LC модели в условиях развивающихся рынков и изучение возможностей применения искусственного интеллекта и больших данных для оптимизации строительных процессов с учетом региональной специфики.

Список использованной литературы:

1. Systematic review of Lean Construction: an approach to sustainability and efficiency in construction management // Journal of Infrastructure Preservation and Resilience. – 2025. – URL: <https://jipr.springeropen.com/articles/10.1186/s43065-025-00119-1> (дата обращения: 14.10.2025).
2. Digitalization of the construction industry: Germany is lagging // DMEXCO. – 2021. – URL: <https://dmexco.com/stories/digitalization-construction-industry/> (дата обращения: 14.10.2025).
3. Эффективное управление строительными проектами: стратегии и инструменты // Строительный бизнес. – 2024. – URL: <https://investicon.ru/upravlenie-proektami/> (дата обращения: 14.10.2025).
4. Юрьева Т.Б. Эффективность системы управления строительным предприятием на основе концепции контроллинга // Молодой ученый. – 2011. – №6 (29), Т. 1. – С. 176-177.
5. Lean-BIM Approach for Improving the Performance of a Construction Project in the Design Phase // Buildings. – 2023. – URL: <https://www.mdpi.com/2075-5309/13/3/654> (дата обращения: 14.10.2025).
6. Eldeep A.M. Using BIM as a lean management tool in construction processes // Ain Shams Engineering Journal. – 2021. – №12(4). – С. 3043-3049.
7. Implementing BIM and Lean Construction Methods // Sustainability. – 2024. – №16(2). – С. 656.
8. Lean-BIM Approach for Improving the Performance // Buildings. – 2023. – №13(3). – С. 654.
9. Integration of Lean-BIM Methodologies in Construction Projects // ResearchGate. – 2024. – 22nd LACCEI International Multi-Conference.
10. Японские подходы к качеству // Economy House. (дата обращения: 14.10.2025).
11. Японские методы управления // Quality.eur.ru. (дата обращения: 14.10.2025).
12. Японский опыт управления качеством // Studfile.net. – 2019. (дата обращения: 14.10.2025).
13. Японский опыт управления качеством // Finances.social. (дата обращения: 14.10.2025).
14. Японский менеджмент // Bitcorp. – 2023. (дата обращения: 14.10.2025).
15. Японская модель менеджмента // Happy Job. (дата обращения: 14.10.2025).
16. Digitalization of construction projects // ENGIE Deutschland. – URL: (дата обращения: 14.10.2025).

17. How Germany Is Prefabbing the Future of Construction // Built Blog. – 2025. (дата обращения: 14.10.2025).
18. How digital is the construction industry in the DACH region // Blog Digitall. – 2022. (дата обращения: 14.10.2025).
19. Эксперт: Строительная отрасль Узбекистана демонстрирует устойчивый рост // Aktualno.uz. – 2024. – URL: <https://aktualno.uz/ru/a/13624> (дата обращения: 14.10.2025).
20. Строительный потенциал Нового Узбекистана // E-cis.info. – 2024. – URL: <https://e-cis.info/news/566/113742/> (дата обращения: 14.10.2025).
21. Обзор строительной индустрии Узбекистана - 2024 // Anhor.uz. – 2024. – URL: <https://anhor.uz/stroitelystvo-v-uzbekistane/> (дата обращения: 14.10.2025).
22. В Узбекистане планируют внедрить BIM-технологии в строительстве // Podrobno.uz. – 2017. – URL: <https://podrobno.uz/cat/economic/> (дата обращения: 14.10.2025).
23. BIM-технологии повысят качество строительства в Узбекистане // Nuz.uz. – 2025. – URL: <https://nuz.uz/2025/09/28/bim-tehnologii> (дата обращения: 14.10.2025).
24. Цифровая трансформация Узбекистана // GlobalCIO. – 2023. – URL: <https://globalcio.ru/discussion/36575/> (дата обращения: 14.10.2025).

УДК:658

ТУРИЗМ И ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ТУРИЗМ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

TOURISM AND DIGITAL TECHNOLOGIES

Солиева Гулбахор Ахмаджановна

Наманганский Государственный технический университет PhD, доцент

Аннотация

В статье рассматриваются особенности цифровой трансформации в туризме, применение инновационных цифровых технологий в туризме и влияние их на развитие туристической отрасли.

Ключевые слова. Туризм, туристический продукт, цифровые инновационные технологии, туристические услуги.

Maqolada turizmdagi raqamli transformatsiyaning xususiyatlari, turizmda innovatsion raqamli texnologiyalardan foydalanish va ularning turizm industriyasini rivojlantirishga ta'siri yoritilgan.

Kalit so'zlar. Turizm, turistik mahsulot, raqamli innovatsion texnologiyalari, turistik mahsulotlar.

The article discusses the features of digital transformation in tourism, the use of innovative digital technologies in tourism and their impact on the development of the tourism industry.

Keywords. Tourism, tourism product, digital innovative technologies, tourism services.

Туризм—это не только вид коммерческих услуг, сегодня устойчивое развитие туристических рынков дает возможность создавать новые рабочие места и развивать смежные отрасли. Туризм являются одной из крупнейших отраслей сферы услуг, развитие которой зависит от эффективных форм коммуникационного взаимодействия туристических организаций и потребителей. Появление новых технологий и растущий спрос на взаимодействие с потребителями в режиме реального времени меняют способы ведения бизнеса, при этом инновационные цифровые технологии играют решающую роль в разработке

инновационных стратегий туристических организаций. Стремительный рост инновационных цифровых технологий значительно изменил формы и методы ведения бизнеса, в том числе и в сфере туризма. В последние десятилетия технологическое развитие оказало значительное влияние на туристическую отрасль. Необходимость координации различных субъектов туристской деятельности, в том числе туроператоров, поставщиков услуг, потребителей турпродукта, привела к внедрению ИТ-технологий в туристический сектор, в том числе разработке платформы электронного коммуникационного взаимодействия.[1]

Теоретико-методологические вопросы развития рынка туристических услуг можно наблюдать в научных работах зарубежных ученых, таких как И.Енджейчика, Ф. Шерера, Д. Росси, Ф. Котлер, Дж. Боуэн, Дж. Мейкенц, М. Энрайт, В.И. Азар. Научные труды узбекских учёных-экономистов, таких как: Абдурахманов К.Х., Тухлиев Н.Т., Пардаев М.Г., Тухлиев И.С., Эштаев А.А., Сафаров Б.Ш., Пардаев О.М., Алиева М.Т., Хамидов О.Х., Норчаев А.Н., Мирзаев А.Т., Ибрагимов Н.С., Матякубов У.Р., Арабов Н.У. посвящены различным вопросам туризма в нашей стране.

В американских учебниках по туризму написано «Туризм-деятельность, имеющая в жизни народов большое значение; источник валютных поступлений в страну, третья по счёту индустрия в сфере обслуживания, в которой занят каждый пятнадцатый из работающих людей».

По мнению профессора Каролин Купера, «Туризм-мощное экономическое средство, которое может быть использовано слаборазвитыми странами для создания притока валюты, необходимой для успешной конкурентной борьбы на международном уровне». Другой американский учёный Джон Вокер утверждает, что «Туризм-это наука, искусство и бизнес привлечения, обустройства и развлечения людей, путешествующих ради удовольствия или по делам».[2]

И.С.Тухлиев в своём учебнике «Туризм, теория и практика» даёт следующее определение: «Туризм – это не только способ узнать прошлое, познакомиться с другими нациями и народами, их обычаями, традициями, национальным наследием, насладиться их культурными памятниками, но это также прекрасный источник бизнеса», «Туризм-это выезды (путешествия) физического лица из постоянного места жительства без занятия деятельностью, связанной с получением дохода от источников в стране (месте) временного пребывания»[3]

В Указе Президента Республики Узбекистан УП-5611 от 5 января 2019 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию туризма в Республике Узбекистан»,[4] УП-5781 от 13 августа 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию туристической сферы в Республике Узбекистан»,[5] № УП-6165 от 9 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан»,[6] №УП-60от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»[7] и в других нормативно-правовых документах указаны главные задачи для дальнейшего развития туризма.

Сегодня сфера туризма быстро развивается, а ее социально-экономическая значимость определяется следующими факторами:

- создание новых рабочих мест;
- развитие всех сфер, связанных с производством туристических услуг;
- развитие социальной и производственной инфраструктуры в туристических центрах;
- ускорение развития деятельности центров народных промыслов и формированиеных направлений;
- обеспечение повышения уровня и качества жизни местного населения;
- способствование увеличению процента валютных доходов;
- положительное решение проблемы безработицы.

Туристским продуктом является комплекс туристских услуг, необходимых для удовлетворения потребностей туриста и экскурсанта, который формируется туроператором исходя из конъюнктуры туристского рынка или по заказу туриста или экскурсанта.

Формированием туристского продукта является деятельность туроператора по заключению и исполнению договоров с лицами, оказывающими отдельные туристские услуги, входящие в туристский продукт.

Турист–потребитель туристской продукции (туристских услуг, работ и товаров).

Туристские продукты состоят из основных туристических услуг (бронирование, трансфер, проживание, питание, экскурсии), дополнительных услуг (фотоуслуги, страхование, информация, финансы, банковское обслуживание) и туристических товаров (сувениры, различные товары, товары народного потребления - парфюмерия, табачные изделия, алкоголь, бытовая техника, одежда). [3]

Инновационная деятельность в сфере туризма направлена на создание нового или изменение существующего продукта, на совершенствование транспортных, гостиничных и других услуг, освоение новых рынков, внедрение передовых информационных и телекоммуникационных технологий и современных форм организационно-управленческой деятельности.

Цифровая трансформация туристической отрасли основана на применении современных информационных и коммуникационных технологий для улучшения всех аспектов производства и потребления туристического продукта, включая планирование поездок, бронирование, перемещение, проживание, а также взаимодействие с субъектами туристической отрасли.

Большие данные (Big Data) в туризме представляют собой огромные объемы разнообразной информации, собираемой из разных источников — банков, телекоммуникаций, поисковых систем, агрегаторов путешествий и соцсетей. Их анализ позволяет туроператорам и властям получать детальную статистику о туристических потоках: количество туристов, продолжительность поездок, предпочтения по направлениям, виды транспорта, а также демографические и экономические характеристики путешественников.

Применение больших данных помогает создавать персонализированные туристические предложения, улучшать маркетинговые кампании и оптимизировать управление туристической инфраструктурой. Геоаналитика на базе Big Data позволяет выявлять популярные маршруты, распределять туристические потоки, планировать строительство объектов и проводить тематические мероприятия. Также данные помогают прогнозировать сезонные колебания спроса и эффективно реагировать на изменения рынка.

Использование искусственного интеллекта (AI) также способствует более осознанным решениям в туризме. Сегодня существует множество платформ, которые используют AI для того, чтобы рекомендовать путешественникам экологически чистые варианты проживания, транспортировки и локальных впечатлений. В том числе:

Персонализация сервиса: благодаря искусственному интеллекту и анализу данных формируются индивидуальные рекомендации, позволяющие туристам выбирать наиболее подходящие маршруты, отели и развлечения.

Упрощение планирования и бронирования: мобильные приложения и онлайн-платформы позволяют удобно искать, бронировать жильё, транспорт и экскурсии, снижая временные и финансовые затраты.

Виртуальная и дополненная реальность: возможность виртуально посетить достопримечательности и получить интерактивный опыт позволяет лучше познакомиться с местом перед поездкой.

Автоматизация обслуживания: чат-боты и голосовые помощники обеспечивают круглосуточную поддержку клиентов, ускоряют решение вопросов и улучшают коммуникацию.

Эффективное управление ресурсами: цифровые системы помогают оптимизировать работу гостиниц, транспортных служб и других участников туристической отрасли, сокращая издержки и повышая качество услуг.

Современные приложения играют важную роль в поддержке осознанного и устойчивого туризма, предлагая путешественникам удобные инструменты для выбора экологически чистых и ответственных вариантов отдыха.

Технология блокчейн в туризме предлагает значительные преимущества, включая повышение безопасности данных и прозрачности транзакций. Она позволяет исключить посредников, снижая издержки и повышая эффективность бизнес-процессов в бронировании отелей, авиабилетов и прочих туристических услуг. Блокчейн обеспечивает надёжное хранение и верификацию документов, что ускоряет прохождение таможи и иммиграционных процедур. Кроме того, технология открывает возможности для создания программ лояльности с токенизацией, что улучшает взаимодействие с клиентами и повышает их лояльность. Платежи с использованием криптовалюты на базе блокчейн позволяют осуществлять быстрые и безопасные трансграничные операции без лишних комиссий. Всё это способствует развитию более эффективной, прозрачной и ориентированной на клиента туристической индустрии.

Цифровая трансформация открывает перед туристическими организациями новые возможности для выхода на новые рынки, разработки новых туристических продуктов и услуг, внедрения новых бизнес-моделей и процессов, интеграции в цифровые экосистемы. Цифровизация приносит значительные потенциальные выгоды малому и среднему бизнесу. В современных социально-экономических условиях цифровизация является важным фактором стимулирования инноваций и конкурентоспособности. Современные технологии становятся неотъемлемой частью устойчивого туризма, помогая путешественникам принимать более осознанные решения, которые учитывают экологическую составляющую.

Список использованной литературы:

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-v-sfere-turizma-tendentsii-i-perspekti-vy-razvitiya>
2. Услуги, технологии и продукты в туризме. Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева. -Т.Гос.науч.издат. «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2009-624 стр.
- 3.И.Тухлиев. Туризм: теория и практика: Учебник/Самаркандский институт экономики и сервиса - Самарканд. Издательство ООО «STAP-SEL», 2024 – 332 стр.
4. Указ Президента Республики Узбекистан УП-5611 от 5 января 2019 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию туризма в Республике Узбекистан»
5. Указ Президента Республики Узбекистан УП-5781 от 13 августа 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию туристической сферы в Республике Узбекистан»
6. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6165 от 9 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республике Узбекистан»
7. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ” — ХАВФСИЗЛИК ВА
ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

«ЗЕЛЕНЫЙ» ПУТЬ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА – ФАКТОР
БЕЗОПАСНОСТИ И ПРОЦВЕТАНИЯ

"THE "GREEN" PATH OF DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN" - A FACTOR OF
SECURITY AND PROSPERITY

Шариф Қобилов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори

Аннотация

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли” ғоясининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар. Яшил иқтисодиёт, экология, экотизим, экологик вазият экологик маданият, иқлим ўзгариши, табиий ресурслар, сув ресурслари танқислиги, биохилма-хилликнинг бузилиши, табиий офатлар, қурғоқчилик ва чанг бўронлар.

В данном тезисе подчеркивается важность идеи «зеленого» пути развития Нового Узбекистана.

Ключевые слова: Зелёная экономика, экология, экосистема, экологическая ситуация, экологическая культура, изменение климата, природные ресурсы, нехватка воды, потеря биоразнообразия, стихийные бедствия, засуха и пыльные бури.

This thesis emphasizes the importance of the idea of a “green” path of development for New Uzbekistan.

Key words: Green economy, ecology, ecosystem, environmental situation, environmental culture, climate change, natural resources, water scarcity, biodiversity loss, natural disasters, drought and dust storms.

Сўнгги йилларда дунёда табиат “чекинмоқда”. Ҳарорат ошиши ва ёгингарчиликлардаги ўзгаришлар дарахтзорлар камайиши, қишлоқ хўжалиги деградацияси каби ёмон оқибатлар кучаймоқда. Инсоният қилмишлари туфайли Ер юзининг учдан икки қисмида салбий ўзгаришларга сабаб бўлди. БМТ маълумотларига кўра, миллионга яқин ўсимлик ва ҳайвонот турлари йўқ бўлиш арафасида. Сўнгги 50 йилда ёввойи табиат дунёси 69 фоизга қисқарди. Сўнгги 50 йилда Ер юзидан иқлим ўзгариши, ноқонуний ов ва савдо каби жиддий таҳдидар натижасида ҳайвонларнинг генетик ресурслари қисқариб кетди. Натижада Ер юзидан уларнинг 100 дан ортиқ тур, Марказий Осиёда эса 26 турдаги қушлар, 12 турдаги сут эмизувчилар, жумладан Турон йўлбарси, Осиё қоплони ва бошқа эндемик турлари бутунлай йўқ бўлиб кетди. Булар дунё аҳлини оғоҳликка ундовчи маълумотлардир [1].

Очиғини айтганда, узоқ йиллар давомида юртимиз бойликларини пала-партиш ўзлаштирилгани, яқин вақтларгача қишлоқ хўжалиги соҳида “пахта яккаҳоқимлиги” ҳукмрон сургани учун табиат билан иқтисодиёт ўртасидаги мувозанат бузилгани сир эмас. Айниқса бойликнинг онаси бўлган ер-сув ресурсларидан оқибатини чуқур ўйламасдан, нотўғри фойдаланиш натижасида экин майдонларимиз ярқисиз, унумсиз ҳолга тушиб кетди. Орол денгизининг қуриши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, нафақат қишлоқ хўжалигига, балки миллий иқтисодиётимизга, халқимизнинг турмуш даражаси ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

2024 йилнинг 20 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган устувор вазибаларни эълон қилгандан сўнг, 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили деб номлашни тавсия қилди. Давлат раҳбари йил учун танланган номга изоҳ бериб, бу ҳақда жуда кўп муддат ўйлаганини таъкидлаб, ...”Қўллаб-қувватласангизлар, 2025 йилни Атроф-муҳитни асраш ва „яшил“ иқтисодиёт йили деб эълон қилсак? Йил номини шундай қўйганимизни мен жуда кўп ўйладим, табиатни асраш деган жумла ичида жуда катта нарса мужассам.... Ҳеч ким бизга ишонмаган эди: Ўзбекистон шамол, қуёш ва гидроэлектр бўйича шундай қилишига. Яшил иқтисодиёт йили деганда тажриба ўрганамиз. Ҳар бир қарор, қонун, фармонни яшилликка олиб борсак, ўйлайманки, яхши бўлади”[2], — деган эдилар.

Бизнинг фикримизча, табиат ва иқтисодиётни бир-бири билан уйғун ҳолда барқарор ривожлантириш яшил иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Яшил иқтисодиёт – инсоннинг азиз умри ва ҳаёти учун зарур бўлган ресурслар: тоза ҳаво, дарёлар ва денгизлар, ўрмонлар, боғ-роғлар, ям-яшил қир-адирларни бир бутун, аслича сақлаб қолган ҳолда, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизимлари билан уйғунлашган иқтисодий фаолиятнинг янги туридир.

Тан олиб айтиш керак, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Бугун озиқ-овқат таъминотини барқарор етказиб беришдаги қийинчиликлар ҳамда глобал савдодаги тўсиқлар ҳам миллионлаб инсонлар ҳаётида салбий из қолдирмоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, айти пайтда дунёдаги 22 та давлатда озиқ-овқат танқислиги кузатилмоқда.

Мамлакатимиздаги аҳолининг ўсишини инобатга олиб, шунингдек, ер майдони кенгайиб қолмаслиги, унинг чекланган ресурс эканлигини эътиборга олиб, ер ва сув ресурсларининг сифатига таъсир қилувчи об-ҳаво шароит ўз кучини кўрсатаётган шароитда “яшил иқтисодиёт”ни яратиш йўлига ўтиш долзарбдир. Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сайёрамиз бўйича сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатдан бирига айланади. Ҳосилдорликнинг камайиши мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов балансини таъминлаш борасида жиддий оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз керак.

Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” йўналишида ҳамма соҳада “она табиат” деган жумланинг маъносига етиш, ёзувчилар, шоирлар шеър, дostonлар ёзиб, кинолар чиқарилиши муҳимлигини, қолаверса, газета, радио, ижтимоий тармоқларда мана шу йўналишни баралла гапириш орқали муҳит яратишни таклиф қилган эди[2].

“Яшил” макон барпо этиш бўйича амалга ошириладиган дастурлар шаҳар ва қишлоқ ҳудудларда экологик барқарор муҳит яратиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича муҳим қадамлар бўлади. Бу орқали нафақат аҳолининг ҳаёт сифати ошади, балки экологик хавф-хатарлар ҳам камайишига эришилади.

Дарҳақиқат, “Авесто”да “ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ” деб, халқ хўжалиги соҳасида деҳқончиликнинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. “Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир”, дейилади унда. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланган. “Авесто”да озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонларини ва чорва молларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган[3].

Биз жамият тараққиётида иқтисодий таълимотларнинг ўрни ва аҳамиятини ёшлар онгига синдиришда “Авесто”га мурожаат қилганмиз. “Авесто”да ер, сув, ҳавони булғаш, ифлослаш оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади. Бундай ибратли тасдиқлаш бугунги авлодларни ҳам табиатга, атроф-муҳитга ваҳшиёна муносабатда бўлмасликка ундайди. Китобда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш тўғрисида шундай дейилади: “Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади. ... ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади” [3].

Бу ерда биз соғлом авлод тарбияси, иқтисодий ва маданий, маънавий юксалиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида фикр юритилганлигини кўраимиз. Ўша даврда айtilган бундай фикрлар аждодларимиз қадимги дунё маданиятида юқори ютуқларга эришганидан далолат беради.

Шу ўринда яқинда мамлакатимиз Парламенти томонидан “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонунни қабул қилингани ҳам эътиборга лойиқлигини таъкидламоқчимиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги сўзлаган нутқида: “Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик кўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда “яшил тараккиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ”, деб таъкидлаганларида умумий уйимизга кўзга кўринмас хавф-хатарни олдини олишда барчамиз масъул эканлигимизни назарда тутиб, асосий мақсад Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай-атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсади мужассам эди[4].

БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2030 йилгача атроф-муҳитга ташланадиган глобал-углерод чиқиндилари ҳажми 45 фоизга қисқариш ўрнига, аксинча, 16 фоизга ортиши кўрсатилган.

“Яшил иқтисодиёт” иқтисодиёт фанларининг бир йўналиш сифатида ХХ асрнинг охирида пайдо бўлган. Яшил иқтисодиёт деганда, инсоннинг энг ҳаётий муҳим манфаатлари, яъни ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни асраб-авайлаган ва унга зарар етказмаган ҳолда сақлаб қолиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг замонавий йўналиши тушунилади.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси этиб белгиланди. Чунки, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига зарарли таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон қарори[5] қабул қилинганини эслайлик. Мазкур ҳужжат билан 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастури тасдиқланди. У қуйидаги стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган:

- иссиқхона газларининг ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВт га ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғига етказиш;
- sanoat соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш;
- ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоиз камайтириш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 млн гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш;

- йилига 200 млн кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 млрд дан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш;

- қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65%дан ошириш ва бошқалар.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “яшил” иқтисодиётни илгари суриш ва “яшил” ўсиш тамойилларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона газлари ташланмаларини қисқартиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган, Энергетика вазирлиги – “яшил” энергетикани ривожлантириш, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари ва водород энергетикасини кенг жорий қилиш, шунингдек, энергия самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг энергия сифимини камайтириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2023 йилнинг 17 май куни Самарқанд шаҳрида Европа Иттифоқи, Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришга қаратилган битим имзолангани ҳам Европанинг “Глобал шлюз” стратегияси ва ЕИнинг яшил сиёсати устувор йўналишларига мувофиқ, келишувнинг мақсади юқори экологик стандартларга риоя қилиш учун шароит яратиш, ҳукуматнинг турли соҳаларда яшил иқтисодиёт сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда имкониятларини ошириш ва аҳолини барқарор иш билан таъминлашдан иборат.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки баробар кўпайди. 2030 йилга бориб 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватлари барпо этилади. “Яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича илк амалий қадамлар ташланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” асари(2024)да[1] ёзилганидек: “Глобал микёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарурлиги, бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари инобатга олиниши жуда муҳимдир”.

Ўзбекистоннинг “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” дастурини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббуси кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани эътиборга лойик.

Ўзбекистон биохилма-хиллиги 27 мингдан ортиқ турларини ўз ичига олади. Ўсимлик дунёси 11 минг турни ташкил этади (ўсимликларнинг 324 тури ва кўзқориннинг 3 тури Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ига киритилган. Шунинг учун ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришимиз керак.

Яна бир муҳим масала экологик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш зарур. Атроф-муҳитни бекаму-кўст асраш, экологик мувозанатни сақлаш фуқароларимизнинг фаол иштироки, теварак-атрофга масъулият ҳисси, жамиятдаги экологик маданиятга боғлиқ. Фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг кенг иштирокини таъминламасдан туриб, “яшил макон”ни яратиб бўлмайди. Бунда аҳолимизнинг экологияга оид билим даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий секторлар фаолиятида аҳолига, айниқса мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларга табиатни тушуниш, экологик таълим-тарбия, эзгулик, кўнгилчаклик, раҳмдилликка давъат этувчи онг, экологик тафаккурни шакллантиришдаги ролини ошириш зарур бўлади.

Атроф муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Худудларимизда “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни барпо этишдек эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида лойиҳа доирасида 588 гектар озик-овқат ва экологик хавсизликка хизмат қиладиган “яшил боғлар”, инсон саломатлигига хизмат қиладиган 662 гектар “яшил жамоат парклари”, Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида 40 км масофада “яшил белбоғ”лар барпо этилди.

Эътиборлиси шундаки, аҳоли масканлари ва маҳаллаларда “яшил майдонлар”ни кўпайтириш учун мақсадли маблағлар ажратилмоқда. Барча давлат идоралари, корхоналар ва олий таълим муассасалаида ўзларининг “яшил боғлар”ини яратмоқда.

Бугунги кунда янги уй-жой қуришда пудратчиларга “яшил ҳудуд” ва автотураргоҳ барпо этиш мажбурий талаб қилиб қўйилмоқда. “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри шаклланган “Яшил боғлар”, “Яшил жамоат парклари”, “Менинг боғим” лойиҳалари молиялаштириладиган бўлди. Юқоридаги ана шундай ишларимиз орқали 2030 йилгача кўкаламзорлик даражаси мамлакатимизда 18 фоиздан 30 фоизга етказилади.

Президенимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бунинг учун, дарахт ҳавас билан экилиши, халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланиши лозим” [6].

Маълумки, яқинда бўлиб ўган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этган Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши йўлида бугунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, хавфсиз ва самарали яшил иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат уйғунлиги устувор бўлган барқарор жамият барпо этиш ғоясини илгари сурганликлари билан аҳамиятлидир. Буларнинг айримлари:

- барча ҳудудларда ҳавони яхшилашга қаратилган “Мусаффо ҳаво -- 2030” миллий дастурин яратиш;

- муқобил энергияни 2,5 баробарга ошириб, умумий энергияда улушини 40 фоизга етказиш;

- сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш тизимини жорий этиш;

- қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган Яшил энергетика стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Автомобиль йўли қатнов қисми ҳисобидан скутерлар ва велосипедларда ҳаракатланиши учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш;

- қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тартибини жорий қилиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солишни қонуности ҳужжатларидан, қонун асосида тартибга солишга ўтказиш;

- экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича ихтисослашган судларни ташкил этиш;

- 2009 йил 1 январдан туғилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш;

- боғча ва мактаблар ўқув дастурларида экология фанини алоҳида фан сифатида киритиш;

- минтақадаги йирик нодавлат ташкилотларидан бири сифатида Марказий Осиё экологик иттифоқини ташкил этиш орқали табиий ресурслар, биохилма-хилликни сақлаб қолишга эришиш.

“Яшил иқтисодиёт” қуйидаги тадбирларни амалга оширишни биринчи навбатдаги кун тартибига қўймоқда:

Биринчидан, аҳолининг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириб, уларнинг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун моддий неъматларни яратишни барқарор равишда экология ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан кўпайтириб бориш лозим.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун энергия ресурслари керак бўлади, буларни қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан кўпайтириш, жамоат транспортини ҳам электр қуввати билан юрадиганларига алмаштириш, энергияни тежайдиган биноларни барпо қилиш каби йўналишларда ишларни олиб бориш.

Учинчидан, атроф муҳитга зарарли газларни чиқармайдиган, атроф-муҳитни асрайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали экологик тоза маҳсулотларни етиштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Тўртинчидан, бир томондан, табиатдаги барча ресурслар чекланган бир пайтда инсон эҳтиёжлари чексизлигини инобатга олиб, уларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни табиий ресурсларни камайтирмасдан амалга ошириш чораларини ҳам кўриш долзарб масалалар сирасига киради.

Бешинчидан, аҳолига, айниқса мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларга табиатни тушуниш, экологик таълим-тарбия, эзгулик, кўнгилчаклик, раҳмдилликка давъат этувчи онг, экологик онг, экологик маданиятни шакллантиришдаги ролини ошириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-90-сон Фармони[7] қабул қилинди. Фармонга мувофиқ малакали мутахассисларни тайёрлаш белгиланди:

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ва унга бириктириладиган “яшил” техникумларда:

(а) ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида йўлга қўйилади;

(б) илмий-амалий машғулотларни ташкил қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ботаника ёки дендрология боғлари барпо этилади;

(в) уруғчилик, кўчатчилик, иқлим ўзгариши соҳаларида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилиб борилади.

2025 йил якунига келиб, республикада яшиллик даражасини 14,1 фоизга етказиш чоралари кўрилмоқда. Илмий даражага эга бўлган кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ҳамда ихтисослашган илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди.

2025 йилда нашрдан чиққан “Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли” китобида Президентнинг иқлим ўзгариши сабаблари, оқибатлари, уларнинг жаҳон мамлакатлари барқарор ривожланишига таъдиди, мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасида бундай салбий оқибат ҳамда таъдидларни бартараф этиш йўллари - “яшил” тараққиёт мақсадлари ва уларни амалга оширишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар тавсифига бағишланган 2017-2025 йилларда ёзилган асарлари ва нутқларида айтилган 310 та иқтибос ва 54 та ташаббуслари тўпланган. Давлатимиз раҳбари экологик таъдидлар қуршовида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун барқарор ривожланишга эришишнинг ягона тўғри йўли сифатида “яшил” тараққиёт йўлига ўтиш эканлигини таъкидлайди.

“Муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ва “яшил” водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, Марказий Осиё минтақасини барқарор ривожлантириш мумкин эмас. Биз қайта тикланувчи энергия ресурсларига бой Марказий Осиё жаҳон энергетика бозорларига “яшил” энергия етказиб берадиган йирик экспортчига айланиши учун катта қадамлар ташляпмиз. Марказий Осиёни “яшил” иқтисодиёт ва “тоза” энергия марказларидан бирига айлантирамыз”, - деб таъкидланади асарда.

Китобни ўрганиш Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли назарияси ва амалиёти Ўзбекистон Президентининг глобал, минтақавий ва миллий миқёсда юз бераётган иқтисодий, сиёсий, экологик, ижтимоий-гуманитар жараёнларга оид стратегик қарашлари, концептуал ғоя ва ёндашувлари асосида шаклланганлигини англайсиз.

Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли” китобида баён этилган глобал иқлим ўзгариши муаммоси, унинг оқибатлари, инсоният бугуни ва келажакига таъдидларни идрок эттириш зарур. Сабаби ушбу китобда Президент глобал иқлим ўзгаришининг асосий сабаби одамзоднинг минглаб йиллар мобайнида табиат билан муомалада йўл қўйган хатолари, салбий фаолияти натижаси эканлигини таъкидлаган. Иқлим ўзгариши ва экологик вазиятнинг кескинлашуви оқибатида бутун дунёда табиий бойликлар ва сув ресурсларининг танқислиги, биохилма-хилликнинг бузилиши, табиий офатлар, қурғоқчилик ва чанг бўронларининг тез-тез такрорланиб туриши, хавфли юқумли касалликлар тарқалиши, озик-овқат хавсизлигига путур етиши, мамлакатларнинг иқтисодиётига жиддий

зарар етиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси экотизимларининг заифлашиб бориши ва бошқа жиддий хатарларни юзага келтираётганлигини бўлажак мутахассислар англаб етиши зарур.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг илгари сурган ва рўёбга чиқаётган “Яшил” тараққиёт дастури” иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” саноат қувватларини ишга тушириш, “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган.

Хулоса ўрнида таклифлар. 1. Талаба ёшларга Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққиёт йўли” китобини ўргатиш орқали дунё аҳлини огоҳликка ундовчи маълумотлардан хабардор этиш сенаторлар, депутатлар, профессор-ўқитувчиларнинг вазифасига айланиши керак.

2. “Яшил” тараққиёт йўли - бу атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали мамлакат ёки бутун минтақадаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт мувозанатини таъминлаш йўлини ифодалайдиган тушунчадир.

3. “Яшил” тараққиётда инновацион ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, юқори энергия самарадорлигига эришиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш йўли билан атроф-муҳит муътадиллигига мутаносиб иқтисодий ўсишга эришиш, пировардида, одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш орқали умр давомийлигига эришиш назарда тутилади. Бунинг учун барқарор ўсишни таъминлайдиган ва янги иқтисодий имкониятлар яратадиган инвестициялар ва инновацияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқида “Таъкидлаб айтаман, атроф-муҳитни асраб-авайлашда масъулият барчамизнинг зиммамизда. Бу кун тартибимиздаги энг муҳим масаладир”... “Бугунги кунда бизнинг вазифамиз – келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаши учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат”, эканлигини... “Биз Ерни ажодларимиздан мерос сифатида эмас, балки фарзандларимиздан қарзга олганмиз” [8], деган машҳур ҳикматли иборани эслатиб ўтишни истар эдим, деган сўзларини унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Т., – 2024. – 460 б.
2. Президент 2025 йил нега “Атроф-муҳитни асраш ва „яшил иқтисодиёт” йили деб номланганига изоҳ берди. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/21/yil-nomi/>
3. Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик: / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – 2019. -768 б
4. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-yashil-osish-va-global-maqsadlar-uchun-hamkorlik--2030-p4g-ikkinchi-xalqaro-sammitidagi-nutqi>
5. <https://lex.uz/docs/6303230?ONDATE=03.12.2022&action=compare>.
6. Шавкат Мирзиёев: Аҳоли кайфияти – ислохотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. <https://president.uz/uz/lists/view/5599>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-90-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/7552003>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/8025>

**HUDUDLARDA AGROSANOAT MAJMUASINI KLASTER ASOSIDA ISHLAB
CHIQRISHNI TASHKIL ETISH**

ОРГАНИЗАЦИЯ КЛАСТЕРНОГО РАЗВИТИЯ АПК В РЕГИОНАХ

**ORGANIZATION OF CLUSTER-BASED DEVELOPMENT OF THE AGRO-
INDUSTRIAL COMPLEX IN THE REGIONS**

Boboyev Akmal Choriyevich (Buxoro davlat texnika universiteti,
“Iqtisodiyot va menejment” kafedrası mudiri, iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor)

Annotatsiya

Hududlarda agrosanoat majmuasini klaster asosida ishlab chiqarishni tashkil etishda iqtisodchi xorij olimlarning nazariy qarashlari, agrosanoat majmuasini barqaror va samarali rivojlantirishda milliy iqtisodiyotning ishlab chiqarish korxonalarini bilan uzviy bog‘liqlikda rivojlanib borishi bo‘yicha takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Agrosanoat majmuasi, hudud, mintaqa, qishloq xo‘jaligi, klaster, hududning raqobatbardoshligi, ishlab chiqarish barqarorligi, rivojlanish bloklari.

Представлены теоретические взгляды зарубежных экономистов на организацию кластерного производства АПК в регионах, а также предложения по устойчивому и эффективному развитию АПК, при котором национальная экономика развивается в тесной связи с производственными предприятиями.

Ключевые слова: Агропромышленный комплекс, территория, регион, сельское хозяйство, кластер, региональная конкурентоспособность, устойчивость производства, блоки развития.

Theoretical views of foreign economists on the organization of cluster-based production of the agro-industrial complex in the regions, as well as proposals for the sustainable and effective development of the agro-industrial complex, are presented, in which the national economy develops in close connection with manufacturing enterprises.

Key words: Agro-industrial complex, territory, region, agriculture, cluster, regional competitiveness, production sustainability, development blocks.

Keyingi yillarda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini isloh qilish, xususan sohada davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish, bozor munosabatlarini keng joriy qilish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtiruvchi, qayta ishlovchi va sotuvchi sub‘ektlar o‘rtasidagi munosabatlarning huquqiy asosini mustahkamlash, sohaga investitsiyalarni jalb qilish, resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish hamda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarni zamonaviy texnikalar bilan ta‘minlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, qishloq xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha uzoq muddatga mo‘ljallangan strategiyaning mavjud emasligi yer va suv resurslaridan samarali foydalanishga, sohaga investitsiyalarni keng jalb etishga, ishlab chiqaruvchilarning yuqori daromad olishiga va mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirishga to‘sqinlik qilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 - 2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini amalga oshirish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonida qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali ravishda rivojlantirish zarurligini ko‘rsatadi.

Hududning raqobatbardoshligini oshirish uchun innovatsion rivojlanishga yo‘naltirilgan klasterlarni shakllantirish va samarali faoliyatini ta‘minlash lozim. Hududiy klasterlar dunyoning

yetakchi davlatlari va mintaqalarining iqtisodiy rivojlanishida muhim o‘rin tutadi. Hududlarda agrosanoat majmuasini klaster asosida ishlab chiqarishni tashkil etish mehnat unumdorligining oshishiga, yangi ish o‘rinlari yaratilishiga, hududning innovatsion salohiyati ortishiga, raqobatdagi ustunliklar hamda mintaqaning investitsiyalar oqimini oshiruvchi imidji shakllanishiga yordam beradi.


Klaster usulida ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish XIX asrdan boshlab rivojlana boshlagan. Klaster usulida ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali tashkil etishning zamonaviy nazariyasi XX asrning 80 yillarida to‘liq tashkil topgan.

Klaster usulida ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali rivojlantirishning iqtisodiy va ijtimoiy mohiyatini ochib bergan olim Amerikalik iqtisodchi Maykl Porter hisoblanadi. Maykl Porter klaster asosida ishlab chiqarish jarayonini tashkil etilishi geografik, ya’ni hozirgi iqtisodiy mintaqalar xususiyatlaridan kelib chiqqan holda bir guruh ishlab chiqarish jarayoni omillari asosida o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ixtisoslashgan ishlab chiqarish sub’ektlarini o‘zaro birlashmasida ko‘rgan.

Klaster so‘zi bugungi kunda fanning turli xil sohalarida keng qo‘llaniladi. Klaster so‘zi inglizcha «cluster» so‘zidan olingan bo‘lib, u turli xil narsalar yoki odamlarning guruhi, birlashmasi degan ma’noni anglatadi. Iqtisodiyotda esa klaster deganda avvalo, hududiy jihatdan yaqin bo‘lgan hamda funksional jihatdan bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan turli xil subektlar, ya’ni tashkilotlar, ishlab chiqarish hamda xizmat ko‘rsatish korxonalarini, ilmiy-tadqiqot va ta’lim maskanlarining birlashmasi tushuniladi [1]. Agrosanoat majmuasi qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni iqtisodiy, mintaqaviy darajada barqaror rivojlantirishning klasterli yondashuvi yangicha boshqaruv texnologiyasi bo‘lib, ushbu yondashuv nafaqat alohida hudud yoki tarmoq, balki butun mamlakat raqobatbardoshligini oshirish imkoniyatini beradi.

Jahon mamlakatlari miqyosida ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali rivojlanib borishi uchun zarur bo‘lgan shart-sharoitlarni yaratilishi AQSh, Buyuk Britaniya, Italiya, Fransiya, Braziliya, Argentina, Kanada, Yaponiya, Hindiston, Avstraliya va Yevropa Ittifoqi hamda Janubiy Osiyo mamlakatlaridan Janubiy Koreya va boshqa mamlakatlarda ishlab chiqarish jarayonini progressiv usuli bo‘lgan klaster usulidan foydalanilmoqda.

Klaster usulida ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali ekanligini quyidagi rasmda keltirilgan.



1-rasm [2]. Jahon mamlakatlarida soha yo‘nalishlari bo‘yicha asosiy klaster ishlab chiqarish usuli hissasi, 2020 yil bo‘yicha.

Klaster nazariyasi XIX asrda dastlab nemis iqtisodchisi Iogan Genrix fon Tyunen va uning izdoshlari V.Launxard hamda A.Veberlar tomonidan ilgari surilgan. A.Marshall o‘zining “Iqtisodiyot fani prinsiplari” ishida tadqiqot ob’ekti tarzida shahar aglomeratsiyasi va industrial hududlarni tanlab, o‘tkazgan tadqiqotlarida samaradorlik va ishlab chiqarish geografik lokalizatsiyasi o‘zaro bog‘liqligini bayon etgan. U korxonalar va tashkilotlar samaradorligi ularning iqtisodiy zonalar yaqinida geografik joylashuviga bog‘liqligini isbotlagan. B.Lundval va B.Yonsonlar esa klaster nazariyasi bilan bog‘liq “rivojlanish bloklari” konsepsiyasini taklif etganlar hamda soha yoki hududiy ishlab chiqarish birlashmalari, butun mamlakat aholisini uzluksiz o‘qitish jarayoni milliy iqtisodiy yuksalish va raqobatbardoshlik manbai ekanligini ta’kidlaganlar [3]. Klaster nazariyasining zamonaviy talqini XX asrning 80-yillarida to‘laqonli shakllandi. M. Poter yirik raqobatbardosh kompaniyalar ma’lum hududlarda konsentratsiyalashuvga moyilligini empirik jihatdan isbotlagan. Raqobatbardosh kompaniya o‘z atrofidagi xo‘jalik sub’ektlariga qoniqarli ta’sir ko‘rsatishi, o‘z navbatida o‘zaro bog‘liq barcha hamkorlarning raqobatbardoshligini oshiruvchi muqobil muhit yaratishini bayon etgan. Uning fikricha “Klaster bu hududiy (geografik) jihatdan bir-biriga qo‘shni, o‘zaro bog‘langan, ma’lum sohada faoliyat ko‘rsatuvchi, umumiy maqsad yo‘lida bir-birini to‘ldiruvchi kompaniya va u bilan bog‘liq tashkilotlar guruhidir”.

Hozirgi jahonda rivojlangan mamlakatlarda erkin raqobat konsepsiyalariga asoslangan bozor iqtisodiyoti sharoitida rivojlanib borayotgan va rivojlanayotgan mamlakatlar oldida asosiy vazifa aholini iste’mol talablarini va qayta sanoat asosida ishlab chiqarishni tashkil etish uchun zarur bo‘lgan miqdorda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hozirgi davrning dolzarb muammosini tashkil etadi.

Quyidagi 1-jadvalda dunyodagi eng yirik to‘qimachilik eksport qiluvchi mamlakatlar ro‘yxati keltirilgan (2023 yil)[8].

1-jadval

Dunyodagi eng yirik to‘qimachilik eksport qiluvchi mamlakatlar

Mamlakat	Eksport hajmi (milliard AQSh dollari)
Xitoy	176
Germaniya	38,99
Hindiston	37,11
Italiya	36,57
Bangladesh	34
Vetnam	27
Turkiya	19,7
Meksika	13,8
Amerika	11,6
Indoneziya	11

Dunyodagi eng yirik to‘qimachilik sohasida eksport qiluvchi mamlakat bu Xitoydir[9]. To‘qimachilik mahsulotlarini bir mamlakatdan boshqa mamlakatga sotish va sotib olish “to‘qimachilik eksporti” deb nomlanadi. Ushbu sektor jahon iqtisodiyotida muhim rol o‘ynaydi. “To‘qimachilik eksporti” mamlakat ichida ishlab chiqarilgan va chet elda talab qilinadigan to‘qimachilik mahsulotlarini sotish amaliyotini anglatadi. Ko‘p miqdordagi to‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqaradigan mamlakatlarda eng muhim iqtisodiy omillardan biri bu to‘qimachilik mahsulotlarini eksport qilishdir. Millionlab ishchilar oylik daromad va ish manbai sifatida unga tayanadilar. Dunyo bo‘ylab bir nechta mamlakatlar kiyim-kechak va matolarni ishlab chiqarish va sotishda eng yahshi ko‘rsatgichga ega. Yengil sanoatda turli xil tovarlarni ishlab chiqaradigan Xitoy yetakchilik qilmoqda. Undan keyingi o‘rinda paxta va ipak kabi chiroyli matolari bilan tanilgan Hindistondir. Bangladesh, ayniqsa, tez va arzon kiyim ishlab chiqarishda ham asosiy raqobatchi hisoblanadi. Vetnam ham tez rivojlanib, ko‘plab malakali ishchilar va foydali savdo bitimlariga ega. Pokiston ko‘p miqdorda paxta ishlab chiqarish bilan mashhur, Turkiya esa yuqori sifatli matolari bilan. Germaniya va Italiya moda kiyimlari va matolarini ishlab chiqaradi, Qo‘shma Shtatlar va Tailand ham ko‘plab to‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqaradi va sotadi. Bu mamlakatlarning barchasi butun dunyo bo‘ylab odamlarning uy kiyimlari va matolariga ega bo‘lishini ta‘minlash uchun harakat qilmoqda.

To‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish va eksport qilish iqtisodiyotning kuchli raqobat sohasidir. Shuning uchun, jahon bozorida ajralib turish uchun to‘qimachilik ishlab chiqaruvchilari o‘z mahsulotlariga o‘ziga xos rang berishlari kerak. Eksportchilar har doim reduksionizm tarafdorlari bo‘lgan. Ular o‘z texnologiyalarini doimiy ravishda takomillashtirib boradilar va eng yangi texnologiyalardan foydalanadilar. Shuningdek, o‘z mijozlarini asosiy ehtiyojlarini qondiradilar. Joriy yilning 16 aprel kuni Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida to‘qimachilik sanoatiga eksport va investitsiyalar hajmini oshirish masalalari bo‘yicha videoselektor yig‘ilishi bo‘lib o‘tdi. Yig‘ilishda muammoli masalalar tahlil qilinib, sohaning ulkan imkoniyatlari sanab o‘tildi. Prezidentimiz to‘qimachilik sanoatidagi yirik muammolardan biri haqida aytib o‘tdi. Bu rivojlangan mamlakatlar bozorlariga yoki brendlarga eksport hajmini oshirish maqsadi bo‘lsa xalqaro standartlar va sertifikatlar talab qilishidir. Biroq, faqat 175 ta korxonalar ushbu talablarga javob beradi. 18 ta tumanda to‘qimachilik mahsulotlarining yillik ishlab chiqarish hajmi million dollarga ham yetmaydi. "Boston Consulting Group" konsalting kompaniyasining tahlili shuni ko‘rsatadiki, mamlakatimiz xomashyo bazasi kamida 15 milliard dollarlik mahsulot ishlab chiqarish va 500 ming yangi ish o‘rni yaratish imkonini beradi. Masalan, mamlakatimizda bir kilogramm ipning narxi global o‘rtacha narxlardan 28 foizga arzon. Bu tayyor mahsulot ishlab chiqarishni ko‘paytirish uchun katta imkoniyat va

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

raqobatbardosh ustunlikni anglatadi. Bundan tashqari, sanoat moliyaviy qo‘llab-quvvatlanadi. O‘tgan yilning boshida mato ishlab chiqarish, bo‘yash va pardozlash, shuningdek, tayyor tikuv-trikotaj mahsulotlari ishlab chiqarish loyihalari uchun 50 million dollar ajratildi. Ushbu mablag‘lardan foydalangandan so‘ng, yana 100 million dollar yo‘naltirish rejalashtirilgan. Davlatimiz rahbari hududlarda loyihalar va ish o‘rinlarini ko‘paytirish uchun ushbu imkoniyatlardan oqilona foydalanish zarurligi haqida aytdi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Ushbu sohadagi yagona ishonchli yo‘limiz – yuqori qo‘shimcha qiymat yaratish uchun mavjud xom ashyoni to‘liq qayta ishlash va eksportni an’anaviy arzon bozorlardan yangi, qimmatroq bozorlarga yo‘naltirish”- deb ta’kidladi.

To‘qimachilik korxonalarini uchun eng dolzarb muammolardan biri xom ashyodan foydalanishdir. Mamlakatimizda 1 million 300 ming tonna paxta tolasini qayta ishlash quvvati mavjud, ammo hozirgi vaqtda 1 million tonnaga yaqin tola ishlab chiqarilmoqda. Shuning uchun paxta yetishtirish tannarxini pasaytirish va dala hosildorligini oshirish zarur[11].

Bundan tashqari to‘qimachilik mashinalari parki ochildi hamda klaster strategiyasi amalga oshirildi. O‘zbekiston tekstil sohasiga tezkorlik bilan boshchilik qilmoqda. Mamlakatda to‘qimachilik sanoatining rivojlanishi uchun zamonaviy texnologiyalar holati o‘rganilib, katta investitsiyalar kiritilib,. 2021 yilda O‘zbekiston mashinalari parklari bunyod etildi.

2-jadval 2

O‘zbekiston davlatining to‘qimachilik sohasida asosiy eksport toifalari

Turlari	Eksport 2020yilda million (AQSH\$)	Ishlash (o‘shish 2016-2020)	7 oyda eksport qilindi 2021 (million AQSh\$)
Paxta iplari	941	X 2,3	905
Tayyor trikotaj	507	X 3,5	740
Trikotaj matolar	140	X 2,7	81
Paxta matolari	104	X 3,3	80
To‘qimachilik buyumlari va matolar	86	X 4,1	
Paxta momig‘i, kigiz va to‘qilmalar	31	X 2,7	
Gilam	29	X 1,5	17

O‘zbekiston mamlakatida barcha toifadagi eksport o‘shish sur‘atlari 2 yilda deyarli 2020 milliard AQSh dollariga yetdi. Asosiy eksport toifalariga paxta iplari va trikotaj kiyimlar kiradi[12].

Hozirda mamlakatimizda to‘qimachilik sohasining eng yetakchi o‘rinni paxta iplarini eksport qilish turadi. Paxta butun dunyo bo‘ylab to‘qimachilik tolasini iste‘molining deyarli 50% ni tashkil qiladi. Xitoy, AQSH, Rossiya Federatsiyasi, Hindiston va Yaponiya paxtani asosiy iste‘mol qiluvchi davlatlardir. Dunyo miqyosida har yili 80-90 million toya (17.4-19.6 milliard kg) paxta yetishtiriladi. Xitoy, AQSH, Hindiston, Pokiston va O‘zbekiston asosiy paxta yetishtiruvchi davlatlar bo‘lib, jahon paxta yetishtirishning 70% dan ortig‘i hissasiga to‘g‘ri keladi. Qolganlari 75 ga yaqin boshqa mamlakatlar tomonidan ishlab chiqariladi. 57 ga yaqin davlatdan paxta xomashyosi, 65 ga yaqin davlatdan paxta to‘qimachilik mahsulotlari eksport qilinadi. Ko‘pgina davlatlar importga qaramligini kamaytirish uchun mahalliy ishlab chiqarishga urg‘u beradi.

3-jadval

O‘zbekiston hududlarining to‘qimachilik sanoatini eksporti

Viloyat	Eksport hajmi % da
Namangan	3,925
Jizzax	3,828
Qashqadaryo	3,392
Xorazm	3,034
Farg‘ona	3,009
Andijon	2,929
Surxondaryo	2,497
Buxoro	1,971
Sirdaryo	1,696
Samarqand	1,657
Toshkent viloyati	0,908
Toshkent shahar	0,529

Keyingi o‘rinda esa tayyor trikotaj matolari turadi. 2023-yilning yanvar-oktabr oylarida mamlakatimiz xorijiy davlatlarga qiymati 507 mln. AQSH dollarlik tayyor trikotaj kiyimlar eksportini amalga oshirgan, bu ko‘rsatkich 6 oy mobaynida 740 mln AQSH dollarga yetdi. Eksport amaliyoti asosan Rossiya, Qozog‘iston, Qirg‘iz Respublikasi va Germaniya kabi davlatlarga amalga oshirilgan.

3-jadvaldan ko‘rinib turibdiki, so‘ngi yillarda sanoatning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash, xom-ashyo va yarim tayyor mahsulotlarni qayta ishlashning zamonaviy texnologiyalarini joriy etish natijasida, hamda jahon bozorida yuqori raqobatbardosh bo‘lgan ishlab chiqarishlarni manzilli qo‘llab-quvvatlanishi, ishlab chiqarishlar tarkibida qayta ishlash sanoatining ulushini oshishiga ko‘maklashdi[13]. O‘zbekiston hududining to‘qimachilik sanoati eksporti bo‘yicha eng yuqori ko‘rsatkichda Namangan viloyati eksport hajmi 3,925 % turibdi.

2023 yilda to‘qimachilik korxonalarini 27 xalqaro brendlar ostida mahsulot eksport qilgan. Bu haqda “O‘zto‘qimachilik sanoati” uyushmasi ma‘lum qildi. Yil yakuni bilan brendlarga 1,2 mlrd dollarlik to‘qimachilik mahsulotlari eksport qilinishiga olib keldi. Joriy yilda Germaniya, Rossiya, Fransiya, Ispaniya, Italiya, Turkiya, AQSH kabi mamlakatlarda 16 ta yirik xalqaro ko‘rgazmalarda 150 dan ortiq korxonalar ishtiroki ta‘minlangan. Qo‘shimcha ravishda elektron tijoratni rivojlantirish natijasida Wildberries, Ozon kabi marketpleyslar orqali 400 mln dollarlik mahsulotlar eksport qilindi. Qo‘shimcha qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish va raqobatni oshirish maqsadida joriy yilda 110 ming tonnadan ortiq sun‘iy tola va aralash matolar qayta ishlangan. Ushbu ishlar natijasida yil yakuniga qadar 3,5 mlrd dollar miqdorida eksport ta‘minlanishi

Xulosa qilib aytganda, to‘qimachilik sanoatida eksportni ko‘paytirish uchun kam mehnat xarajatlari ya‘ni mahsulot yaratgunga qadar ketadigan harajatlarni kamaytirish, xom ashyoga oson kirish, qulay davlat siyosati, rivojlangan infratuzilmani yaxshilash zarur. Bundan tashqari hozirda ko‘pgina rivojlangan mamlakatlar sun‘iy tolalarni yetishtirishga qaratmoqda. Biz ham diversifikatsiya qilgan holda paxtaga yo‘naltirilgan sanoatdan sun‘iy tolalar ishlab chiqarishga o‘tish hamda sintetikaga ortib borayotgan talabga javob berish uchun zaruriy loyihalarni amalga oshirishimiz darkor. Sun‘iy tolalarni avfzalliklari asosan, ipakning qisqarishiga qarshi, kuya o‘tkazmaydigan va saqlashni osonlashtiradi. NOU-XAU ya‘ni to‘qimachilik sanoatida ishlab chiqarish siri ya‘ni hali hammaga ma‘lum bo‘lmagan va keng tarqalmagan yangi ilmiy-texnikaviy, ishlab chiqarish-texnologik, boshqarish, moliyaviy-iqtisodiy, tijoratga oid bilimlar majmui va ularni amaliyotda qo‘llash tajribalarini amalga oshirish. Mehnat salohiyatini mustahkamlagan holda ishchi kuchimizni boshqa to‘qimachilik ishlab chiqaruvchi mamlakatlar bilan tenglashishi uchun kerakli loyihalarni yaratish zarur. Global integratsiya yosh sanoat sifatida, sanoatimiz to‘qimachilik va kiyim-kechak xaridorlariga nimani taklif qilishi haqida dunyoni xabardor qilishimiz kerak. Ishonchimiz komilki, shu tufayli “O‘zbekiston” ko‘pchilik brendlar uchun xarid qilish bo‘yicha afzal hamkor bo‘lishiga ishonchimiz komil.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. <https://www.skyquestt.com/report/textile-market>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi ““O‘zbekiston-2030” strategiyasi tog‘risida” gi PF-158-sonli Farmoni/
3. Легкая промышленность как важнейшая отрасль производства товаров народного потребления Российская таможенная академия (Россия, г. Люберцы)
4. Туркменского сельского хозяйственного университета им С.А.Ныязова. Туркменстан, город Ашгабад текстильная промышленность в экономике
- 5 <https://www.britannica.com/topic/textile>
6. To‘qimachilik sanoati klasterlari rivojlanishining nazariy va ilmiy asoslari // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences (E)ISSN:2181-1784 www.oriens.uz SJIF 2023 = 6.131 / ASI Factor = 1.7 3(6), June, 2023
7. Yuldasheva U. Soliq yukini optimallashtirishning xorij tajribasi va uni O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari // Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2022. ISSN: 2181-1016 1-11 b. ORCID: 0000-0001-9993-8629

8. Muallif ishlanmasi

9. <https://www.geeksforgeeks.org/largest-textile-exporting-countries-in-the-world/>

<https://cyberleninka.ru/article/n/>

10. <https://textileexpo.uz/uz/yangiliklar/ozbekiston-hukumati-toqimachilik-sanoatiga-yangi-imtiyozlar-berdi>

11. https://uzts.uz/wp-content/uploads/2022/03/pitch-deck-document_eng_final_print.pdf

12. Muallif ishlanmasi

13. Muallif ishlanmasi

14. <https://kun.uz/uz/news/2023/12/28/ozbekiston-toqimachilik-korxonalar-27-xalqaro-brend-ostida-mahsulot-eksport-qildi>

UDK: 338.32

**MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA’MINLASHDA SANOAT TARMOG’I
SALOHİYATINING ROLI**

**РОЛЬ ПРОМЫШЛЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА В ОБЕСПЕЧЕНИИ
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ**

**THE ROLE OF INDUSTRIAL POTENTIAL IN ENSURING MACROECONOMIC
STABILITY**

Anafiyayev Abdurashid Mamasidiqovich

Andijon davlat texnika instituti “Iqtisodiyot” kafedrasida dotsenti,

Annotatsiya

Mazkur maqolada makroiqtisodiy barqarorlik, investitsiya, investitsion jozibadorlik, sanoat korxonalarini iqtisodiy salohiyati, sanoat salohiyati, iqtisodiy o‘shish tushunchasining mazmuni, mamlakat iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda investitsion jozibadorligini oshirish bo‘yicha mahalliy olimlarimizning ilmiy tadqiqotlari o‘rganilgan. Bundan tashqari, mamlakatimizni investitsion jozibadorligiga ta’sir etuvchi omillar tahlil qilingan. Yurtimizda biznes muhiti va investitsion tavakkalchilik (risklar)ning darajasini baholovchi, xalqaro darajadagi ko‘rsatkichlar keltirib o‘tilgan. Mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni oshirish masalalari va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Makroiqtisodiy barqarorlik investitsiya, sanoat korxonalarini iqtisodiy salohiyati, sanoat salohiyati, sanoat, risk, omil, xalqaro savdo, yalpi ichki mahsulot, inflyatsiya, ish bilan bandlik

В статье рассматривается содержание понятий макроэкономической стабильности, инвестиций, инвестиционной привлекательности, экономического потенциала промышленных предприятий, промышленного потенциала, экономического роста, а также научные исследования отечественных учёных по повышению инвестиционной привлекательности страны в части привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику страны. Анализируются факторы, влияющие на инвестиционную привлекательность нашей страны. Приводятся международные показатели, оценивающие уровень деловой среды и инвестиционного риска (рисков) в нашей стране. Представлены проблемы и рекомендации по повышению макроэкономической стабильности в стране.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, инвестиции, экономический потенциал промышленных предприятий, промышленный потенциал, промышленность, риск, фактор, международная торговля, валовой внутренний продукт, инфляция, занятость.

This article examines the concepts of macroeconomic stability, investment, investment attractiveness, the economic potential of industrial enterprises, industrial potential, and economic growth, as well as research by Russian scholars on increasing the country's investment attractiveness through attracting foreign direct investment. Factors influencing the country's investment attractiveness are analyzed. International indicators assessing the level of the business environment and investment risk(s) in Russia are presented. Challenges and recommendations for improving macroeconomic stability in the country are presented.

Keywords: macroeconomic stability, investment, economic potential of industrial enterprises, industrial potential, industry, risk, factor, international trade, gross domestic product, inflation, employment.

O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlik milliy iqtisodiyotning uzluksiz o‘shishi, tashqi va ichki muvozanatlarni saqlash, inflyatsiya, valyuta kursi, ish bilan bandlik va boshqa asosiy ko‘rsatkichlarni nazorat ostida ushlab turish bilan bog‘liq tushuncha sifatida qaraladi. Sanoat tarmog‘i esa real sektorning bir unsuridir va uning salohiyati iqtisodiyotning raqobatbardoshligi, ichki ishlab chiqarishni rivojlantirish, eksportni kengaytirish hamda texnologik modernizatsiya orqali makroiqtisodiy muvozanatni mustahkamlashga xizmat qiladi. Shu ma‘noda, O‘zbekiston respublikasi tajribasi — sanoat tarmoqlarining rivojlanish sur‘atlari, ularning yalpi ichki mahsulotdagi (YaIM) ulushi, investitsiya jalb qilinganligi va tashqi savdo faoliyati orqali — makroiqtisodiy barqarorlikka qanchalik hissa qo‘shayotganini o‘rganish dolzarbdir.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” to‘o‘risidagi PF-60-son farmonida ham mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirishga doir qator maqsad va vazifalar nazarda tutildi. Jumladan, ushbu strategiyaning 26-maqsadida, mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSH dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralari ko‘rish ko‘zda tutilgan [1].

Maqolaning asosiy maqsadi – O‘zbekistonda sanoat tarmog‘i salohiyatini makroiqtisodiy barqarorlik nuqtayi nazaridan tahlil qilish, asosiy tendensiyalarni aniqlash va kelgusida uni yanada rivojlantirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Makroiqtisodiy barqarorlik – uzoq muddat davomida iqtisodiy o‘shish, past inflatsiya, valyuta kursining barqarorligi, tashqi muvozanatning saqlanishi, ish bilan bandlik darajasining yuqoriligi kabi sharoitlarni ta‘minlash deb tushunish mumkin. Unga erishish uchun bir qancha omillar mavjud. Jumladan, iqtisodiyotning diversifikatsiyasi, investitsiya darajasi, tashqi savdo salohiyati, real sektor, xususan sanoat tarmog‘ining rivojlanishi, tashqi ta‘sirlarga chidamlilik darajasi va boshqalar.

Sanoat salohiyati bu ishlab chiqarish quvvatlari, texnika-texnologik daraja, korxonalarining raqobatbardoshligi, mavjud infratuzilmalar holati, xom-ashyo bazasi, ishchi kuchining tajribasi va malakasi va boshqalar asosida aniqlanadi. Shuningdek, sanoat tarmog‘ining real sektordagi ulushi, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish o‘shish sur‘atlari, investitsiya va eksport hajmi bilan baholanadi.

Sanoat tarmog‘ining rivojlanishi iqtisodiyotni barqarorlikka erishishiga quyidagicha ko‘rinishga ega bo‘ldi:

- Mamlakatda ichki ishlab chiqarish hajmini oshirish – tashqaridan sotib olinadigan tovarlar hajmini kamaytirishga olib keladi.
- Mamlakatda ish bilan bandlik darajasini oshiradi, shuningdek, byudjetga soliq tushumlarini va daromadlarni ko‘paytiradi.
- Eksport salohiyatini oshirib, tashqi savdo balansini ijobiy tomonga o‘zgartiradi.
- Zamonaviy texnologik yangilanish va mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirish orqali qiymat zanjiridagi holatni yaxshilaydi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, sanoat tarmog‘i makroiqtisodiy barqarorlikning asosiy tarkibiy komponentlaridan biri sifatida ekanligini ko‘rish mumkin.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi tomonidan nashr etilgan ma‘lumotlarda sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi va real sektorning umumiy iqtisodiyotdagi

ulushi dinamikasi to‘o‘risidagi ma’lumotlar taqdim qilingan. Misol uchun “O‘zbekistonda raqamlarda” to‘plamida sanoat tarmog‘i bo‘yicha ma’lumotlar ham berilgan, ya’ni iqtisodiyotdagi muhim tarmoqlar – sanoat, qishloq xo‘jaligi, qurilish va xizmatlar – ichida sanoatning o‘rni ko‘rsatilgan.

Sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish bo‘yicha turli tarmoqlar – elektroenergetika, yoqilg‘i sanoati, metallurgiya, kimyo va neft-kimyo sanoati, mashinasozlik, qayta ishlovchi sanoat, qurilish materiallari sanoati, yengil va oziq-ovqat sanoati – bo‘yicha ko‘rsatkichlar e‘lon qilingan.

Sanoat tarmoqlarida investitsiyalarning o‘sishi, ishlab chiqarish quvvatlarining kengayishi, eksport salohiyatining oshishi – barqarorlikka erishishda muhim omillardir. Masalan, statistik to‘plamlarda “mavjud ishlab chiqarish quvvatlari va undan foydalanish” kabi ma’lumotlar keltirilgan.

Mazkur ma’lumotlar asosida aytish mumkinki, O‘zbekistonda sanoat tarmog‘i o‘shish bosqichida, biroq uning makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashdagi roli yaxshilanishi lozim. Masalan, sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmining o‘shishi ichki bozorni qamrab olish, eksportni kengaytirish orqali iqtisodiyotda muvozanatni yaxshilash potentsialiga ega.

Ilmiy maqolada respublikaning makroiqtisodiy barqarorligini ta‘minlashda sanoat tarmog‘i salohiyatini oshirish masalalarini chuqur tahlil qilish, shuningdek, induksiya va deduksiya, tizimli va qiyosiy tahlil, SWOD tahlili va iqtisodiy statistik kabi usullardan keng foydalanildi.

Bugungi kunda makroiqtisodiy barqarorligini ta‘minlashda sanoat tarmog‘i salohiyatini oshirish bo‘yicha bir qator monografiyalar, ilmiy ishlar, maqolalar chop etilgan. Barchasida makroiqtisodiy barqarorligini ta‘minlashda sanoat tarmog‘i salohiyatini oshirishga oid mavjud muammolarning turli jihatlarini yoritib berilgan.

O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni o‘rgangan mahalliy olimlar qatoriga iqtisod fanlari doktorlari, professorlar Sh.Sh. Omonov, U.A. G‘ulomov, R.N. Aripov, A.M. Shodmonov, U.A. Madrahimov, D.G‘.G‘ozibekov, M.A. Raimjonova, N.G. Muminov, Sh.I. Mustafakulov, B. Salimov, I. Xotamov, D. Yu. Xo‘jamqulov kabi olimlar kiradi. Ular O‘zbekistonda iqtisodiyotni barqarorlashtirish, iqtisodiy o‘shish, inflyatsiyani nazorat qilish, valyuta kursini barqarorlashtirish va makroiqtisodiy siyosatni takomillashtirish masalalari bo‘yicha tadqiqotlar olib borganlar.

Bugungi kunda mamlakatimizda makroiqtisodiy barqarorligini ta‘minlashda sanoat tarmog‘i salohiyatini oshirish milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirishida muhim o‘rin egallaydi. Buning asosiy sabablari bo‘lib quyidagilar:

1. Real sektor va makro muvozanat. Real sektor – xususan sanoat tarmog‘i – iqtisodiyotdagi yalpi ichki mahsulot (YaIM) o‘shishiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir qiladi. Sanoatni o‘shishi YaIMning barqaror o‘shishiga, shuningdek, iqtisodiy kutilmagan tebranishlarga chidamliligiga xizmat qiladi. Masalan, “Milliy iqtisodiyotda real sektor salmog‘i va uning o‘zgarish tendensiyalari” deganda sanoat, qurilish, qishloq xo‘jaligi va xizmatlar sohalarining YaIMdagi ulushi tahlil qilingan.

2. Sanoat salohiyatini inflyatsiya va valyuta risklariga ta’siri ham mavjud bo‘lmoqda. Sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish va eksport qilish imkoniyati oshganda, tashqi savdo salohiyati mustahkamlanadi, valyuta tushumlari ortadi va bu milliy valyutaning barqarorligini qo‘llab-quvvatlaydi. Shu bilan birga, ichki ishlab chiqarishni rivojlantirish importni qisqartirishga olib keladi, bu esa tashqi muvozanatni yaxshilashga xizmat qiladi.

3. Ish bilan bandlik va ijtimoiy barqarorlik. Sanoat tarmog‘ida ishlash imkoniyatlari oshganda, ish bilan bandlik darajasi oshadi, bu ijtimoiy barqarorlikni mustahkamlaydi. Ijtimoiy barqarorlik esa makroiqtisodiy barqarorlik uchun zarur shartdir.

4. Sanoat tarmog‘i va rivojlangan iqtisodiyotlar uchun chidamlilik holati. Inqiroz holatlarida – masalan tashqi savdo cheklovlari, xalqaro narxlarning o‘zgarishi, pandemiyalar – sanoat tarmog‘i qanchalik raqobatbardosh va xilma-xil bo‘lsa, iqtisodiyot shunchalik tebranishlarga chidamli bo‘ladi. Shu nuqtai nazardan, O‘zbekistonda sanoat salohiyatini kuchaytirish makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash yo‘lida strategik ahamiyatga ega.

Sanoat tarmoqlarining texnologik darajasi xalqaro

standartlarga nisbatan hali o‘rta darajada, bu esa raqobatbardoshlikni cheklaydi.

• Korxonalarda malakali ishchi kuchi, infratuzilma va xom-ashyo bazasi bilan bog‘liq muammolar mavjud.

- Eksport yo‘nalishlari ko‘pincha xom-ashyo va yarim tayyor mahsulotlarga taalluqli, yuqori qo‘shilgan qiymatli mahsulotlar salohiyati hali to‘liq ochilmagan.

- Sanoat va boshqa tarmoqlar (masalan qishloq xo‘jaligi, xizmatlar) o‘rtasida diversifikatsiya jihatdan kamchiliklar mavjud.

- Sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish, innovatsiyalarni keng joriy etish va yuqori qo‘shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarishni rag‘batlantirish.

- Malakali ishchi kuchi tayyorlash va kasbiy ta‘limni sanoat ehtiyojlari bilan muvofiqlashtirish.

- Sanoat bilan boshqa tarmoqlar o‘rtasida integratsiyani kuchaytirish (masalan, xizmatlar, R&D-yo‘nalishlari bilan) va tarmoq ichida vertikal integratsiyani rivojlantirish.

- Eksport salohiyatini kengaytirish uchun global bozorlarga yo‘naltirilgan strategiyalarni ishlab chiqish, tashqi savdo salohiyatini oshirish.

- Davlat siyosatini sanoat rivojlanishi bilan makroiqtisodiy barqarorlik siyosati doirasida uyg‘unlashtirish, investitsiyalarni rag‘batlantirish va tarmoqlararo muvozanatni saqlash.

- Ma‘lumot tizimlarini takomillashtirish: sanoat ko‘rsatkichlari, investitsiyalar, eksport ma‘lumotlari asosida monitoringni kuchaytirish, tahlil qilish imkoniyatlarini kengaytirish.

Xulosa qilib aytganda, sanoat tarmog‘i salohiyati — makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda muhim vosita hisoblanadi. O‘zbekistonda sanoat sohasida salohiyatli o‘shish kuzatilmoqda, biroq uning makroiqtisodiy barqarorlikka to‘liq hissa qo‘shishi uchun yuqorida sanab o‘tilgan muammolarni bartaraf etish lozim. Sanoatni diversifikatsiya qilish, yuqori qo‘shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarishni oshirish, malakali kadrlar tayyorlash va eksport salohiyatini oshirish — bularning barchasi milliy iqtisodiyotning barqarorligi tarafida. Shu tarzda, sanoat tarmog‘i rivojlanishi orqali O‘zbekistonda yalpi ichki mahsulotning o‘shishi, ish bilan bandlik, tashqi muvozanat va valyuta barqarorligi kabi makroiqtisodiy parametrlar yaxshilanishi mumkin.

Mamlakatimizda ham kelajakdagi sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish tarmog‘i salohiyatini oshirish siyosatini makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash darajasi bilan bir butun yakdil masala sifatida ko‘rib chiqish holati — olib borilayotgan iqtisodiy siyosatning samaradorligini oshirishga xizmat qilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” to‘o‘risidagi PF-60-son farmoni
2. Akromov A.B. Korxonalarining moliyaviy barqarorligini ta‘minlashda moliyaviy hisobotning rolini oshirish. «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» Ilmiy elektronjurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil.
3. Андрианова Е.В., Коновалова Л.В. Оценка потенциала региона как основа формирования программ социально-экономического развития в условиях глобализации. Журнал «Российское предпринимательство» 2015 г., №3 (273). 381-388 стр.
4. Kasimov A. “Sanoat salohiyati va omillar unumdorligini iqtisodiy-statistik baholash usullari” – Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, Ilmiy elektronjurnali. №2, 2023 yil
5. Xolxo‘jayev S.M. “Makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashning ilmiy-nazariy asoslari va omillari” – Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, Ilmiy elektronjurnali. №3, 2024 yil
6. Salimov B., Xotamov I. Investitsiyaviy faollik: tahlil va imkoniyatlar. TDIU koll.monogr. – T.: Fan va texnologiya, 2019, 93-b.
7. O‘zbekiston Respublikasida sanoat ishlab chiqarish statistikasi – davlat milliy statistika qo‘mitasi, 2023 yil)
8. O‘zbekiston Respublikasining Ochiq ma‘lumotlar portali.

O‘ZBEKISTON QURILISH SANOATIDA STRATEGIK BOSHQARUV

СТРАТЕГИЧЕСКИЙ МЕНЕДЖМЕНТ В СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ
УЗБЕКИСТАНА

STRATEGIC MANAGEMENT IN THE CONSTRUCTION INDUSTRY OF UZBEKISTAN

Mirzayev Sarvarbek Avazbekovich, University of Economics and Pedagogy NOTM,
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori, PhD

Annotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekistonning qurilish sanoatida strategik boshqaruv jarayonlari, ularning zamonaviy tendensiyalari va amaliy ahamiyati keng yoritilgan. So‘nggi yillarda texnologik innovatsiyalar, bozor talabining o‘zgarishi, urbanizatsiya jarayonining tezlashuvi hamda raqamli transformatsiya qurilish sektorining rivojlanish dinamikasiga kuchli ta‘sir ko‘rsatmoqda. Tadqiqotda SWOT va PESTEL tahlil usullari orqali qurilish kompaniyalarining ichki imkoniyatlari, zaif tomonlari, tashqi imkoniyat va tahdidlari chuqur o‘rganilgan. Shuningdek, qurilish sohasining hududiy rivoji, xususan Andijon viloyatidagi qurilish ishlarining hajmi va o‘sish tendensiyalari statistik ma‘lumotlar asosida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: Strategik boshqaruv, qurilish sanoati, SWOT tahlili, PESTEL tahlili.

В данной статье подробно рассматриваются процессы стратегического управления в строительной отрасли Узбекистана, их современные тенденции и практическое значение. В последние годы технологические инновации, изменение рыночного спроса, ускорение процессов урбанизации и цифровая трансформация оказывают значительное влияние на динамику развития строительного сектора. В исследовании с использованием методов SWOT и PESTEL проведён глубокий анализ внутренних возможностей и недостатков строительных компаний, а также внешних возможностей и угроз. Особое внимание уделено региональному развитию строительной сферы, в частности анализу объёмов и тенденций роста строительных работ в Андижанской области на основе статистических данных.

Ключевые слова: Стратегическое управление, строительная отрасль, SWOT-анализ, PESTEL-анализ.

This article provides an in-depth examination of strategic management processes in Uzbekistan’s construction industry, highlighting modern trends and their practical significance. In recent years, technological innovations, changes in market demand, rapid urbanization, and digital transformation have significantly influenced the development dynamics of the construction sector. Using SWOT and PESTEL analytical methods, the study offers a comprehensive assessment of the internal strengths and weaknesses of construction companies, as well as external opportunities and threats. Particular attention is given to regional development, especially the analysis of construction volumes and growth trends in the Andijan region based on statistical data.

Keywords: Strategic management, construction industry, SWOT analysis, PESTEL analysis.

Hozir kunda texnologiya, aloqa vositalari va bozorni rivojlanishi, vaqt, masofa va masofaviy chegaralar haqidagi global tasavvurlar qurilish sohasini tubdan o‘zgartirmoqda. Yigirma yil avval tashkilotlar o‘zlarini mahalliy, mintaqaviy, milliy yoki xalqaro miqyosdagi deb belgilashi va bu ta‘riflar aniq chegaralangan bo‘lishi mumkin edi. Biroq texnologik innovatsiyalar paydo bo‘lishi bilan bu chegaralar shunchalik xira bo‘lib qoldiki, endilikda istalgan tashkilot nazariy jihatdan dunyoning istalgan nuqtasida joylashgan dizayn yoki qurilish loyihasida ishtirok etishi mumkin. Shu bilan birga kompaniyaga sodiqlik, an‘anaviy raqobatchilar va xodimlarni rivojlantirish kabi

tushunchalar ham postindustrial ya’ni xizmat ko‘rsatish sektorining rivojlanishi, fan, ta’lim va axborotga asoslangan, sanoatdan keyingi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish bosqichi hozirgi davrda hech qachon kuzatilmagan tezlikda o‘zgarib bormoqda. Ayniqsa, qurilish tashkilotlari uchun strategik boshqaruv yondashuvini talab qilayotgan uchta masalaning paydo bo‘lishi alohida ahamiyatga ega - bular bilimga asoslangan xodimlar, yangi bozorlarga chiqish, va axborot texnologiyalaridir[1].

Qurilish sanoati - har bir davlat iqtisodiyotining asosiy tarmoqlaridan biri bo‘lib, infratuzilma rivoji, aholi turmush sifati va investitsion jozibadorlik darajasini belgilovchi muhim omillardandir. Bozor mexanizmlari chuqurlashib borayotgan sharoitda qurilish tashkilotlari ham o‘z faoliyatini samarali yuritishi uchun strategik boshqaruv yondashuvlaridan foydalanishga majbur bo‘lmoqda. Strategik boshqaruv - bu korxonaning uzoq muddatli maqsadlarini shakllantirish, resurslarni taqsimlash, tashqi sharoitdagi o‘zgarishlarni nazorat qilish va bozorga moslashish jarayonidir. Quyida zamonaviy qurilish sanoatida eng ko‘p qo‘llaniladigan strategik boshqaruv usullari keng yoritiladi.

Qurilish sanoati zamonaviy iqtisodiyotning asosiy tayanch tarmoqlaridan biri bo‘lib, infratuzilma barpo etish, aholining uy-joy bilan ta’minlanishi, sanoat korxonalarining qurilishi va hududlarning modernizatsiyasida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Ushbu soha doimiy ravishda o‘zgarib borayotgan texnologiyalar, bozor talabi, raqobat muhiti, davlat siyosati va me’yoriy hujjatlar ta’sirida rivojlanadi. Shuning uchun qurilish tashkilotlarida strategik boshqaruvni samarali yo‘lga qo‘yish, uzoq muddatli maqsadlarga erishishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Strategik boshqaruvning asosiy vazifasi bozor o‘zgarishlari va tashqi muhitga moslashgan holda kompaniyaning raqobatbardoshligini, samaradorligini va barqarorligini ta’minlashdir.

Quyida qurilish sanoatida eng ko‘p qo‘llaniladigan asosiy strategik boshqaruv usullari, ularning mazmuni va amaliy ahamiyati batafsil yoritiladi.

Qurilishda SWOT tahlili - bu pudratchilar, ishlab chiquvchilar va qurilish kompaniyalari o‘z faoliyatiga ta’sir qiluvchi ichki va tashqi omillarni baholash uchun qo‘llaydigan tuzilgan (strukturali) yondashuvdir. SWOT quyidagilarni anglatadi[2]:

Kuchli tomonlar (Strengths) - Kompaniyaga raqobat ustunligini beradigan ichki omillar, masalan: malakali ishchi kuchi, kuchli moliyaviy ta’minot yoki ilg‘or texnologiyalar.

Zaif tomonlar (Weaknesses) - O‘shisni cheklaydigan ichki muammolar, masalan: sust loyihani boshqarish, yuqori xarajatlar yoki eskirgan uskunalar.

Imkoniyatlar (Opportunities) - Tashqi omillar bo‘lib, ular o‘shisni qo‘llab-quvvatlashi mumkin. Masalan: barqaror (sustainable) binolarga bo‘lgan talabning oshishi yoki hukumat imtiyozlari.

Tahdidlar (Threats) - Biznesga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan tashqi xavf va risklar. Masalan: ishchi kuchi tanqisligi, materiallar narxining o‘zgarishi yoki qat’iy me’yoriy talablar.

Ushbu omillarni tahlil qilish orqali qurilish kompaniyalari faoliyatini yaxshilash, xavflarni kamaytirish va bozordagi imkoniyatlardan foydalanish uchun asosli strategik qarorlar qabul qilishlari mumkin.

Qurilish sanoatiga iqtisodiy, siyosiy, texnologik va ijtimoiy omillar juda katta ta’sir ko‘rsatadi. PESTEL tahlil ushbu omillarni tizimli baholash imkonini beradi[3]:

P - siyosiy omillar (Political): davlat siyosati, qurilish kodekslari, yer ajratish tartiblari.

E - iqtisodiy omillar (Economic): inflyatsiya darajasi, kredit siyosati, qurilish materiallari narxi.

S - ijtimoiy omillar (Social): aholining uy-joyga bo‘lgan talabi, demografik o‘zgarishlar.

T - texnologik omillar (Technological): BIM, 3D-printerlar, smart-texnologiyalar.

E - ekologik omillar (Environmental): ekologik talablar, yashil qurilish tamoyillari.

L - huquqiy omillar (Legal): mehnat qonunchiligi, sertifikatlash, davlat tenderlari.

Endi sizlar bilan Andijon viloyatida tumanlar kesimida qurilish ishlari bo‘yicha statistik ma’lumotlarni bilan tanishib chiqsak. Andijon viloyati 2020 yilda 4673,0 mlrd so‘mlik, 2021 yil 5657,8 mlrd so‘mlik qurilish ishlari bajarilgan 2020 yil avvalgi yillarga nisbatan 109,5 foizga o‘sgan bo‘lsada, 2021 nisbatan 108,7 foizga tushgan, lekin 2022 yil 109,2 foizga oshgan, 2025 yil yanvar-sentyabr oylariga kelib bu ko‘rsatkich 11421,9 mlrd so‘mlik qurilish ishlari bajarilgan ya’ni 112,7 foizga oshganini ko‘rishingiz mumkin (1-jadval).

Andijon viloyatidagi qurilish ishlari (mlrd. so‘m)[4]

Hududlar nomi	2020-y.	2021-y.	2022-y.	2023-y.	2024-y.	2025-yil yanvar-sentabr
Andijon viloyati	4 673,0	5 657,8	6 864,1	10 070,8	12 936,2	11421,9
Andijon sh.	1 630,3	1 929,8	2 391,3	3 146,3	4 523,2	3924,3
Xonobod sh.	120,3	134,5	178,7	150,3	168,3	139,4
<i>tumanlar</i>						
Oltinko‘l	303,9	350,0	421,0	357,1	456,3	413,1
Andijon	476,1	504,2	861,1	487,7	553,7	502,6
Baliqchi	132,3	161,7	211,2	266,3	319,4	277,6
Bo‘ston	173,4	184,6	244,7	320,9	379,8	322,4
Buloqboshi	95,0	123,8	149,7	198,8	259,1	237,8
Jalalquduq	216,2	237,8	211,7	207,3	267,0	221,1
Izboskan	170,6	192,7	172,0	322,1	389,6	343,5
Ulug‘nor	109,0	144,6	132,4	86,1	128,1	112,6
Qo‘rg‘ontepa	150,5	182,1	282,8	237,7	285,0	250,8
Asaka	214,0	298,9	241,0	299,7	381,5	368,4
Marhamat	206,1	259,4	280,7	207,8	240,0	212,7
Shahrixon	315,0	426,2	459,3	502,2	537,6	470,1
Paxtaobod	203,0	277,4	339,9	316,9	378,3	333,4
Xo‘jaobod	157,2	250,1	286,6	277,1	375,1	362,5

O‘zbekistonda bino inshootlar qurilishi jadal sur‘atlarda o‘sib bormoqda. Axoli soni yildan yilgan ortib borishi bu axoli uchun uy joyga bo‘lgan ehtiyojni ortishiga olib kelmoqda. Shu sababli fuqarolik ob‘ektlari bo‘yicha ham qurilish ishlari jadal o‘sib bormoqda. Aholi uchun uy-joy qurilish ishlari 2020 yilda 666,6 mlrd so‘mlik qurilish ishlari bajarilgan bo‘lsa, qurilish ishlarining yildan yilga o‘sish natijasida 2024 yilga kelib 1898,9 mlrd so‘mlik qurilish ishlari bajarilgan (2-jadval).

2-jadval

Fuqarolik ob‘ektlari qurilishi hajmi (yillik)[4]

Klassifikator	2020	2021	2022	2023	2024
O‘zbekiston Respublikasi	13949,5	23814,2	27638,5	33252,3	47210,3
Andijon viloyati	666,6	965,1	1647,2	1422,8	1898,9

O‘zbekiston iqtisodiyotida qurilish sohasi eng yirik va eng tez rivojlanayotgan tarmoqlardan biridir. Hududlarni kompleks rivojlantirish, infratuzilmani modernizatsiya qilish, sanoat zonalarini kengaytirish va aholining uy-joyga bo‘lgan ehtiyojini ta‘minlash kabi omillar qurilish ishlariga bo‘lgan talabni keskin oshirmoqda. Shu sababli, sohada strategik boshqaruv va uzoq muddatli rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda xalqaro standartlarga mos xizmat ko‘rsatuvchi qurilish tizimini shakllantirish bo‘yicha qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Muhokamalar shundan iboratki: Qurilish jarayoniga ISO, EN, va boshqa xalqaro standartlarni bosqichma-bosqich joriy etish zarur. Sifat nazoratini mustahkamlash uchun mustaqil ekspertiza markazlari faoliyatini kuchaytirish masalasi muhim. Loyihalash jarayonida BIM (Building Information Modeling) texnologiyasini keng tatbiq etish orqali loyihalarning shaffofligi va aniqligini oshirish talab etiladi. Bu strategiyalar qurilishdagi xatolarni kamaytirish, ishonchlilikni ta‘minlash va xalqaro bozorda raqobatbardoshlikni oshirishga xizmat qiladi. O‘zbekistonning barcha hududlarida, ayniqsa Toshkent shahri, viloyat markazlari, yangi turistik zonalar va sanoat hududlari misolida urbanizatsiya jarayoni tezlashmoqda. Muhokamalar shuni ko‘rsatadiki: Shaharsozlik rejalari ilg‘or GIS texnologiyalari asosida yangidan ishlab chiqilishi kerak. Transport, energetika va ijtimoiy infratuzilmani bir-biriga bog‘langan kompleks tizim sifatida rejalashtirish talab qilinadi. Balanslashgan hududiy rivojlanish siyosati - ya‘ni

faqat katta shaharlarni emas, balki kichik shaharlar va qishloqlarni ham rivojlantirish muhim. Bu strategik yondashuv aholi yashash sifatini oshirish va iqtisodiy o‘sishni barqaror ta‘minlashga yordam beradi. Butun dunyoda bo‘lgani kabi, O‘zbekistonda ham qurilish sohasida raqamlashtirish jarayonlari jadallashmoqda. Muhokamalarda quyidagi jihatlar alohida ta‘kidlanmoqda: Qonunchilik hujjatlarini raqamlashtirish va qurilish ruxsatnomalarini onlayn olish tizimini kengaytirish. Monitoring, nazorat va hisobotlarda dronlar, sun‘iy yo‘ldosh tasvirlari va mobil ilovalardan foydalanish. Pudratchilar, buyurtmachilar va nazorat organlari o‘rtasidagi axborot almashinuvini yagona platforma orqali muvofiqlashtirish. Raqamli transformatsiyaning asosiy maqsadi - shaffoflikni oshirish, korrupsion xavflarni kamaytirish va qurilish jarayonini tezlashtirishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Goulding, J. S. (2012). Strategic Management in Construction. In Construction Innovation and Process Improvement (pp. 155–179). Wiley-Blackwell. <https://doi.org/10.1002/9781118280294.ch7>
2. Yan S. A SWOT Analysis of Chinese Construction Firms at the International Market, Atlantis Press; 2017, p. 150–3. <https://doi.org/10.2991/msmi-17.2017.34>.
3. Olayiwola K, Perera S, Kagioglou M, Jin X, Sharafi P. PESTEL Analysis of Problems Associated with Adoption of Offsite Construction: A systematic literature review. 2025. <https://doi.org/10.13140/RG.2.2.21031.05284>.
4. Manba O‘zbekiston Respublikasi Milliy Statistika qo‘mitasi Andijon viloyati statistika boshqarmasi saytidan olingan. <https://andstat.uz/uz/rasmiy-statistika/construction-2>

УДК: 338.34

**TO‘QIMACHILIK SANOATINI RIVOJLANTIRISHNI HUDUDIY XUSUSIYATLARI
YUZASIDAN ILG‘OR XORIJ TAJRIBASI**

**ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНЫХ
ОСОБЕННОСТЕЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL
FEATURES OF THE TEXTILE INDUSTRY**

Sattikulova Gulnora Axmadxonovna

Andijon davlat texnika instituti Iqtisodiyot kafedrasida katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur tezisda to‘qimachilik sanoatini rivojlantirishning hududiy xususiyatlari ilg‘or xorij tajribasi asosida tahlil qilingan. Unda sanoat klasterlarini shakllantirish, xomashyo bazasini mahalliyashtirish, logistika infratuzilmasini modernizatsiya qilish va investitsion muhitni yaxshilash kabi omillar alohida ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, Turkiya, Xitoy va Hindiston tajribalari solishtirib, ularning hududiy rivojlanish modellari O‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlari asoslab beriladi.

Kalit so‘zlar: to‘qimachilik sanoati, hududiy rivojlanish, xorij tajribasi, innovatsiya, raqobatbardoshlik, strategiya.

В данной работе рассмотрены региональные особенности развития текстильной промышленности на основе передового зарубежного опыта. Особое внимание уделено формированию промышленных кластеров, локализации сырьевой базы, модернизации логистической инфраструктуры и улучшению инвестиционного климата. Путём сравнения опыта Турции, Китая и Индии обоснованы возможности применения их региональных моделей развития в условиях текстильной отрасли Узбекистана

Ключевые слова: текстильная промышленность, региональное развитие, зарубежный опыт, инновации, конкурентоспособность, стратегия

This thesis analyzes the regional features of developing the textile industry based on advanced international experience. It highlights key factors such as the formation of industrial clusters, localization of raw material supply, modernization of logistics infrastructure, and improvement of the investment environment. Comparative analysis of Turkey, China, and India demonstrates how their regional development models can be adapted and applied to the conditions of Uzbekistan’s textile sector.

Keywords: textile industry, regional development, foreign experience, innovation, competitiveness, strategy

“Hududiy siyosat” atamasi keng tarqalgan bo‘lsa-da hali uning yagona ta’rifi mavjud emas. Bu o‘rinda undan “Hududlarning iqtisodiy rivojlanishini davlat tomonidan tartibga solish” atamasiga sinonim sifatida foydalanamiz, chunki xuddi shunday mazmun G‘arb adabiyotlarida “Hududiy siyosat” atamasiga beriladi” [1].

Turli mualliflar “Hududiy siyosat”ga turlicha ta’rif berishadi. M.V.Stepanov tahriri ostidagi o‘quv qo‘llanmada aytilishicha, “Hududiy siyosat – davlat iqtisodiy siyosatining muhim tarkibiy qismi. U o‘z ichiga ham markaziy (respublika), ham mahalliy hokimiyat organlari tomonidan amalga oshiriladigan hamda ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish jarayonlarini tartibga solishga qaratilgan turli hil qonunchilik, ma’muriy va iqtisodiy tadbirlar majmuasini oladi” [2].

Aytish mumkinki, “Hududiy siyosat”ning ta’riflari ko‘p. Ularni umumlashtirgan holda aytish mumkinki, Hududiy siyosat markaziy (respublika) hokimiyat organlarining Hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga har tomonlama ta’sir ko‘rsatish maqsadidagi xatti harakatidir. Jumladan, Hudud siyosati hamda sanoat siyosati tushunchalariga to‘xtalib o‘tish mavzuning yanada dolzarbligini ifodalaydi” [3].

Sanoat siyosati iqtisodiy siyosatning bir qismi hisoblanadi. Iqtisodiy adabiyotlarda sanoat siyosatining juda ko‘plab ta’riflari mavjud bo‘lib, ularning aksariyatida sanoat siyosatiga biznes uchun qulay sharoitlar hamda faoliyat turlari yoki alohida tarmoqlarda barqaror rivojlanishni ta’minlash uchun ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmalarini yaratish siyosati deb ta’rif beriladi.

Jumladan, “jahon banki mutaxassislari sanoat siyosatini barqaror o‘shishni ta’minlash maqsadida ishlab chiqarish tuzilmalarini o‘zgartirish bo‘yicha davlatning faoliyati ekanligini ta’kidlaydilar. Lin va Chang esa sanoat siyosatiga yangi ishlab chiqarishni yaratish, xususiyl sektorni qo‘llab - quvvatlash, raqobat ustunliklaridan foydalanish yo‘nalishi deb o‘rgangan” [4].


“A.G.Polozyukning ta’rifiga ko‘ra, sanoat siyosati - milliy iqtisodiyotni rivojlantirish borasida davlat strategiyasining muhim vositasi bo‘lib, u xo‘jalik subyektlari bilan davlat munosabatlarini optimallashtirish, hamda iqtisodiy va ijtimoiy yo‘nalishdagi bozor mexanizmlarini tartibga solish (tarmoq, tarmoqlararo va hududiy)ni nazarda tutadi” [5]. H.R.Hamroyevning fikricha- sanoat siyosati bu milliy manfaatlar nuqtai nazaridan biznes rivojini rag‘batlantirish asosida iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan davlatning chora-tadbirlari shaklida tushunish mumkin. A.V.Vaxabov, Sh.X.Xajibakiyev, N.G.Muminovlar “Xorijiy investitsiyalar” nomli o‘quv qo‘llanmasida “Sanoat siyosati - bu ishlab chiqarishning o‘shishiga, fan - texnika yutuqlarini ishlab chiqish va joriy etishga, iqtisodiyotning tarmoq tarkibini yaxshilashga va tayyor mahsulot eksportini rivojlantirishga qaratilgan davlatning uzoq muddatli chora - tadbirlar majmuidir” [6]. Davlatning sanoat siyosatida hududiy sanoat siyosati alohida o‘rin tutadi va u mamlakat sanoat siyosatining bir qismi hisoblanadi.

Hududiy sanoat siyosati hududning sanoat salohiyatini rivojlantirish borasidagi kompleks iqtisodiy, huquqiy va tashkiliy chora-tadbirlar tizimi bo‘lib, mazkur siyosat hududlarda raqobatbardosh sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni ta’minlashga asosiy e’tiborini qaratadi. Shuningdek, hududiy sanoat siyosati hududning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish sur’atini, uning budjet hajmini, ichki raqobat muhiti xarakterini, ekologik holatini, resurs salohiyatini, infratuzilmaning rivojlanganligini, energiya ta’minoti hamda muayyan hududning investitsion siyosatini belgilaydi.

Hudud sanoati siyosatini amalga oshirishning asosiy yo‘nalishlari va uning talab hamda cheklavlari quyidagi 1-rasmda o‘z aksini topgan bo‘lib, uni amalga oshirish va shakllantirish quyidagilarga yo‘naltirilmog‘i lozim:

-barcha turdagi resurslar, ayniqsa, noyob resurslardan samarali foydalanishni muvofiqlashtirish, bozor mexanizmining kamchiliklarini yumshatish;

-hudud sanoat majmuasining tarmoq tarkibini optimallashtirish, investitsion va innovatsion faoliyatni rag‘batlantirish, kichik sanoat va innovatsion tadbirkorlikni hamda infratuzilmaning rivojlanishini qo‘llab - quvvatlash;



1-rasm. Hudud sanoati siyosatini amalga oshirishning asosiy yo‘nalishlari, uning talab va cheklavlari[7]

-“sanoat tarmoqlarini qo‘llab - quvvatlash va rag‘batlantirish, hududning sanoat salohiyatini va sanoatning raqobatbardoshligini oshirish;

-hudud iqtisodiyotida sanoat sektorining eksport salohiyati rivojlanishini rag‘batlantirish, umumiy eksport hajmida fan sig‘imi yuqori bo‘lgan va tayyor mahsulotlarning ulushini oshirish, import o‘rnini bosuvchi mahsulotlarni kengaytirish”[8].

Takidlash lozimki, hududiy sanoat siyosatining eng asosiy maqsadlaridan biri bu - hududning sanoat salohiyatini to‘la yuzaga chiqarishdan iboratdir. O‘z navbatida, “sanoat salohiyati” murakkab iqtisodiy kategoriya bo‘lib, uning yagona aniq umumqabul qilingan ta‘rifi mavjud emas. Biroq, mazkur so‘z lotin tilidan kirib kelgan bo‘lib, “potentia” - kuch degan ma‘noni anglatadi.

O.V.Bakanach va K.V.Gauslarning fikricha[9], “hududning sanoat salohiyati hudud korxonalarining raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish va yaratishga bo‘lgan yalpi qobiliyatlaridir. I.X.Sogoyev tushuntirishlariga ko‘ra” [10], “sanoat salohiyati hududdagi sanoat tashkilotlarining resurslardan foydalanish natijadorligining mumkin bo‘lgan maksimal

imkoniyatlarini ifodalovchi umumlashgan miqdoriy bahosidir. Sh.X.Nazarovning fikricha hududning sanoat salohiyatini oshirish asosiy maqsad sifatida, sanoat mahsulotining mehnat unumdorligini oshirish uchun sharoitlar yaratish, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash, hududning ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish hamda hudud sanoatining assortiment bazasini diversifikatsiyalash masalalari esa, uning vazifalari sifatida e’tirof etiladi” [11].

Turkiya, Xitoy va Hindiston to‘qimachilik sanoati hududlarda rivojlanishi uchun yetakchi omillar bo‘lib: klasterlashuv va sanoat parklarini yaratilishi, xomashyo bazasini hududda mahalliyashtirishi, malakali mehnat resurslarini jamlashi, transport va logistika infratuzilmasini yaxshilashi, vertikal integratsiya — bir hududda to‘liq ishlab chiqarish zanjiri barpo etishi, soliq va kredit imtiyozlari orqali investorni jalb qilishi, texnologiya va dizayn markazlarini barpo etishi bo‘lgan. Ushbular asosida hozirda Turkiya davlatida 2023 yil natijalari bo‘yicha to‘qimachilik va xomashyo mahsulotlari eksporti 12,6 mlrd dollarini, Xitoyda to‘qimachilik va kiyim-kechak eksporti 293,64 mlrd AQSh dollarini va Hindistonda 2023-yilda to‘qimachilik eksporti (tekstils va kiyim-kechak): 34 mlrd AQSh dollarini tashkil etgan ”[12].

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, samarali hududiy sanoat siyosati nafaqat hududning sanoat ishlab chiqarish salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarishga, balki uni klasterlashuv, vertikal integratsiya, logistika infratuzilmasining rivoji, mehnat resurslarining hududiy ixtisoslashuvi va texnologik modernizatsiya kabi omillar asosida yanada samarali tashkil etishga xizmat qiladi. Bunday siyosat hududda mavjud xomashyo bazasini chuqur qayta ishlash, ishlab chiqarish zanjirini bir joyga jamlash, malakali ishchi kuchi va kichik biznes subyektlarini jalb qilish orqali barcha resurs va imkoniyatlarning maksimal safarbar etilishini ta’minlaydi hamda natijada barqaror, raqobatbardosh va yuqori qo‘shimcha qiymat yaratuvchi zamonaviy sanoat tizimining shakllanishiga zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2023/12/Mintaqaviy-iqtisodiyot.-Darslik.-G.M.Shadieva-va-boshqalar.-Samarqand-2023.pdf>
2. Видяпина В.И., Степанова М.В. Регионльная экономика. Основной курс: учеб. под ред. М.: ИНФРА-М, 2010. – 16 с.
3. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2023/12/Mintaqaviy-iqtisodiyot.-Darslik.-G.M.Shadieva-va-boshqalar.-Samarqand-2023.pdf>
4. Chang H.J., Lin J. Should Industrial Policy in Developing Countries conform Comparative Advantage or Defy it? A debate between Justin Lin and Ha-Joon Chang // *Development Policy Review*. 2009. No. 27(5).
5. Организация сельскохозяйственного производства (учебник; издание второе, перераб. и доп.) (коллектив авторов; под ред. д-ра экон. наук М.П. Тушканова и д-ра экон. наук А.Ф. Максимова). - "ИНФРА-М", 2021 г.
6. Хамроев Х.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Монография. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Т.: 2008.- 7 б.
7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Молия”, 2010, 256 б.
8. Textile Industry and Sustainable Development in China <https://ieeexplore.ieee.org/document/5116286>
9. Баканач О.В. Типология регионов РФ по уровню развития промышленного потенциала / О.В. Баканач, К.В. Гаус // Проблемы совершенствования организации производства и управления промышленными предприятиями : межвузовский сборник научных трудов. - 2012. - № 1. - С. 15-21.
10. Цогоев И.Х. Роль государства в формировании и реализации промышленной политики в Северо-Кавказком федеральном округе : автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук : 08.00.05 / И. Х. Цогоев. -М, 2012. -29 с.
11. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов /

UDK: 332.2

QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGIDA MODDIY-TEXNIKA RESURLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ZAHIRALARI

РЕСУРСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛАВРЫ

RESOURCES FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF THE USE OF MATERIAL AND TECHNICAL RESOURCES IN AGRICULTURE OF THE REPUBLIC OF KARAKALPOGASTON

Ubaydullaev K. Qoraqalpoq davlat universiteti, i.f.d., professor

Annotasiya

Maqolada Orolbuyi ekologik sharoitidagi qishloq xo‘jaligi ishlab shiqarish resurslaridan, shu jumladan moddiy-texnik resurslaridan foydalanishning hozirgi holati va kelajakda samaradorlikni oshirish yullari tahlillar natijasida asoslangan va takliflar berilgan

Kalit so‘zlar: kapital, asosiy va aylanma mablaol, energiya ta‘minoti, daromadlar, samaradorlik

В статье анализируется современное состояние использования ресурсов сельскохозяйственного производства, в том числе материально-технических, в экологических условиях Приаралья и на основе результатов анализа даются предложения по повышению эффективности в перспективе.

Ключевые слова: капитал, основные и оборотные средства, энергообеспечение, доход, эффективность.

The article analyzes the current state of the use of agricultural production resources, including material and technical resources, in the ecological conditions of the Aral Sea region and provides suggestions based on the results of the analysis of ways to increase efficiency in the future.

Keywords: capital, fixed and working capital, energy supply, income, efficiency

Qishloq xo‘jaligining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, qishloq xo‘jaligi korxonalarini asosiy fondlar bilan jihozlash, ulardan oqilona foydalanish mehnat unumdorligini oshirish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, barcha sifat ko‘rsatkichlarini yaxshilashning asosidir.

Qishloq xo‘jaligi maqsadlaridagi ishlab chiqarish asosiy fondlari ishlab chiqarish jarayonida eng faol ishtirok etuvchi qismi bo‘lsa, xo‘jaliklarni asosiy fondlar bilan jihozlashning eng muhim ko‘rsatkichlari kapital ta‘minoti va kapital-mehnat nisbati hisoblanadi.

Shu munosabat bilan kapital taklifi va kapital-mehnat nisbatini tahlil qilganda, asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlari tarkibini hisobga olish zarur. So‘nggi yillarda mutlaq ko‘rsatkichlar va ularning passiv qismining asosiy fondlari: binolar, inshootlar va uzatish moslamalari tarkibida o‘shirildi. Shu bilan birga, asosiy fondlarning ayrim turlari, masalan, mashina va uskunalar, transport vositalari va boshqalar bo‘yicha sezilarli pasayish kuzatilmoqda. Moddiy-texnik resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish uchun ularning faol qismini oshirish kerak, ya‘ni. energiya ta‘minoti va ishchi kuchining energiya bilan ta‘minoti.

Yuqori mahsuldorlikka erishish uchun tuproq unumdorligini oshirish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish ishlarini tizimli ravishda olib borish zarur. Buning uchun har bir fermer xo‘jaligida dehqonchilik samaradorligini oshirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar ishlab chiqish zarur. Ular agroiklim, biologik, texnik, texnologik, tashkiliy, iqtisodiy va ijtimoiy omillarning butun majmuasini muayyan zonal sharoitlarga bog‘liq holda o‘zaro bog‘liq holda hisobga olishga asoslanadi.

Dehqonchilikning eng muhim tarkibiy qismi dehqonchilik tizimidir. U yerdan foydalanish samaradorligini oshirish va unumdorligini doimiy oshirishga qaratilgan. Dehqonchilik tizimining asosiy elementlari quyidagilardir: yer tuzish, shu jumladan almashlab ekish, tuproq eroziyasiga qarshi kurash usullari va boshqalar; yerni oqilona ishlov berish; mashinalar, o‘g‘itlar tizimi, sug‘orish qoidalari, urug‘chilik, tabiiy pichanzorlar va yaylovlarni o‘stirish, begona o‘tlar, zararkunandalar va o‘simlik kasalliklariga qarshi kurash, shuningdek, tashkiliy, iqtisodiy va ijtimoiy tadbirlar. Bu chora-tadbirlarni har bir xo‘jalik izchil kuzatishi va amalga oshirishi zarur.

Shuni ta’kidlash kerakki, energiya ta’minoti va mehnatni energiya bilan ta’minlash qanchalik yuqori bo‘lsa, qoida tariqasida mehnat unumdorligi shunchalik yuqori bo‘lishi kerak. Mehnatni energiya bilan ta’minlashning ortishi bilan mahsulot birligiga to‘g‘ri keladigan umumiy xarajatlar kamayadi. Shu bilan birga, jonli mehnatning ulushi avvalgi moddiylashtirilgan mehnatga qaraganda ancha kamayadi.

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini kompleks mexanizatsiyalash va avtomatlashtirishni amalga oshirish elektr energiyasi iste’molini keskin oshirish bilan uzviy bog‘liqdir. Kelgusida chorvachilik va issiqxona ishlab chiqarishda uning ortishi kuzatiladi. Qishloq aholisining kundalik hayotida tobora ko‘proq elektr energiyasi iste’mol qilinmoqda. Uning qishloq xo‘jaligida keng qo‘llanilishi katta ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega.

Qishloq xo‘jaligida elektr energiyasidan foydalanishning kuchayishi sharoitida undan tejamkor foydalanish katta xalq xo‘jaligi ahamiyatiga ega. Bu tejamkor, yuqori unumli elektr inshootlaridan foydalanish, elektr motorlarining ishonchliligini oshirish, elektr jihozlarini energiyani eng qat’iy tejash bilan ishlashni tashkil etishni takomillashtirish bilan bog‘liq.

Qishloq xo‘jaligi korxonalarida uzluksiz ishlab chiqarish aylanma ishlab chiqarish fondlariga, mehnat obyektlariga va ishlab chiqarish jarayoniga, aylanma fondlariga, tayyor mahsulotni sotish sohasiga doimiy ravishda mablag‘larni qo‘yishni talab qiladi.

Qishloq xo‘jaligi korxonalarining ishlab chiqarish faoliyati ko‘lami doimiy ravishda kengayib bormoqda, moddiy-texnika resurslarining bir qismi bo‘lgan aylanma mablag‘larni muntazam ravishda oshirish zarur;

Aylanma mablag‘larga bo‘lgan umumiy ehtiyoj xo‘jalikning hajmiga, uning ixtisoslashuviga, texnik jihozlanishiga, ta’minot tizimiga va mahsulotni sotish shartlariga bog‘liq. Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining mavsumiyligi tufayli alohida chorak va oylarda zarur aylanma mablag‘larga bo‘lgan ehtiyoj har xil bo‘ladi (1-jadval).

1-jadval

Qoraqalpog‘iston Respublikasi qishloq xo‘jaligida aylanma mablag‘larning o‘sish sur‘atlari

Yillar	Aylanma mablag‘larning yillik o‘sish sur‘ati, %	
	Jami	shu jumladan material
2018	100,0	100,0
2019	167,5	129,5
2020	124,3	110,5
2021	129,4	123,7
2022	127,8	133,4
2023	128,4	133,7
2024	129,3	134,1

Manba: Muallif ishlanmasi

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

Ishlab chiqarish (asosiy va aylanma) fondlaridan samarali foydalanish uchun ularning oqilona nisbatiga rioya qilish zarur.

Shu bilan birga, 2018-2024 yillar davomida asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlarining 1 so‘miga aylanma mablag‘lar hajmi o‘smaydi. Mos ravishda 0,20 va 0,08 so‘mni, shu jumladan moddiylari 0,14 va 0,06 so‘mni tashkil etdi. Bu asosiy vositalarni indeksatsiya qilish va qayta baholash natijasida ularning balans qiymatini sun‘iy ravishda oshirish natijasida yuzaga keladi. Ularning oqilona nisbatini, ya‘ni asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlarining 1 so‘miga kamida 0,50 so‘m o‘z aylanma mablag‘larini ta‘minlash kerak.

Agar o‘z aylanma mablag‘lari yetishmasa, ishlarni texnologiyaga muvofiq o‘z vaqtida bajarish, zarur ishlab chiqarish zahiralari o‘z vaqtida olish imkoniyati, kreditorlar oldidagi majburiyatlarni bajarish qiyinlashadi.

Binobarin, aylanma mablag‘larning oqilona hajmi barcha texnologik ishlab chiqarish jarayonlarini o‘z vaqtida amalga oshirishga, aylanmani tezlashtirishga va ulardan foydalanish samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Moddiy-texnika resurslaridan, jumladan aylanma mablag‘lardan foydalanish samaradorligi moliyaviy va buxgalteriya intizomini mustahkamlashga bog‘liq. Debitorlik qarzlarning o‘sishi maxsus manbalardan moliyalashtiriladigan aylanma mablag‘larni boshqa maqsadlarga yo‘naltirishga imkon bermasa, mablag‘larning aylanish tezligi oshadi.

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining moddiy-texnika resurslarining rivojlanish darajasi, birinchi navbatda, uning eng faol qismi, energiya mavjudligi, uning hosildorligi va umuman qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining samaradorligi bog‘liq bo‘lgan energiya quvvatlarining mavjudligi bilan belgilanadi (2-jadval).

2-jadval

Qoraqalpog‘iston Respublikasida paxta yetishtiruvchi fermer xo‘jaliklarini 100 gektar ekin maydonlariga energiya ta‘minoti bo‘yicha guruhlash (2018-2024-yillar uchun o‘rtacha)

Energiya ta‘minoti darajasi bo‘yicha fermer xo‘jaliklari guruhlari	Guruhdagi fermer xo‘jaliklari soni	1-guruh bo‘yicha ishlab chiqarish va daromadlarning o‘sish sur‘atlari foizda			Kapital unumdorligi,%
		Yalpi mahsulot	Yalpi daromad	Sof daromad	
1.50 gacha	7,17	100,0	100,0	100,0	100,0
2.51-65	14	104,7	106,9	112,1	104,4
3. 66-85	10	120,8	118,0	124,3	109,8
4. 86-100	9	132,7	136,1	137,2	118,6
5. 100 dan yuqori	5	141,4	140,2	140,2	123,3

Energiya ta‘minotini oshirish nafaqat mehnat unumdorligini oshirishga yordam beradi, balki samaradorlik va kapital unumdorligini oshiradi.

Qoraqalpog‘iston Respublikasida keyingi yillarda qishloq xo‘jaligi texnikasidan foydalanishni yaxshilash bo‘yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirildi, xususan, dehqon, fermer va boshqa fermer xo‘jaliklari texnikalariga texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlashni tashkil etish shakllari takomillashtirildi.

Shu bilan birga, 2024-yilda Qoraqalpog‘iston Respublikasi xalq xo‘jaligining umumiy elektr energiyasi balansida qishloq xo‘jaligida elektr energiyasi iste‘molining ulushi bor-yo‘g‘i 32,0 foizni, sanoatda esa 49,0 foizni tashkil etdi. Bu munosabatlar juda tabiiy. Shu bilan birga, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini elektrlashtirish darajasi hali ham o‘sib borayotgan talablarni qondirishdan uzoqda, ayniqsa, chorvachilikda ko‘p mehnat talab qiladigan jarayonlarni mexanizatsiyalash uchun elektr energiyasi ishlab chiqarishga to‘liq joriy etilmayapti.

Qishloq xo‘jaligi moddiy-texnika resurslarining eng muhim elementlari qishloq xo‘jaligi korxonalarining ishlab chiqarish fondlari hisoblanadi. Qishloq xo‘jaligida asosiy fondlar hajmining

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

o‘shining moddiy asosini yangi asosiy fondlarni (bino va inshootlar, mashina va uskunalari) yaratish, to‘ldirish va takomillashtirish xarajatlarini ifodalovchi investitsiyalar tashkil etadi.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini oshirish va uning samaradorligini oshirishning zarur sharti fermer xo‘jaliklarini asosiy fondlar bilan ta‘minlash va ulardan oqilona foydalanish darajasini oshirishdan iborat. Yillik o‘rtacha ishchiga to‘g‘ri keladigan don ekish yuklamasi past bo‘lgan fermer xo‘jaliklarida 100 gektar ekin maydoniga asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlari bilan ta‘minlanganlik darajasi ham past. Ekinlar yuki yuqori bo‘lgan xo‘jaliklarda g‘alla hosili yuqori bo‘lib, yalpi mahsulot va yalpi daromad ko‘proq olinadi.

Yuqoridagi tahlil natijalarini baholab, shuni xulosa qilishimiz mumkinki, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining o‘shining uning mablag‘larini ko‘paytirishdan haddan tashqari orqada qolishi, kapital unumdorligining pasayishi sanoatni rivojlantirishning shunday intensiv ko‘rinadigan yo‘ldan kelib chiqadi. u ko‘proq jihozlar, meliorativ o‘g‘itlar erlari va boshqalar. aslida bu rivojlanishning ekstensiv yo‘lidir. O‘z-o‘zidan foydalanilayotgan ishlab chiqarish vositalari massasining ortishi intensivlikning yuqori darajasiga erishish uchun faqat old shart-sharoitlar, potensial imkoniyat yaratadi.

Shu sababli, intensivlik jarayonini asosiy kapitalga investitsiyalarning o‘shiga va ishlab chiqarish fondlarining oddiy arifmetik jamg‘arishiga qisqartirib bo‘lmazligi aniq, chunki bu yo‘l boshqa chora-tadbirlar kompleksiz kutilgan iqtisodiy samarani bermaydi. Intensiv yo‘l o‘ziga xos yakuniy natijani to‘liq ifodalashda chinakam intensiv bo‘lishi uchun ishlab chiqarish fondlarini to‘plash bilan bir vaqtda ularning har bir tarkibiy qismidan samarali foydalanishga har kuni va doimiy e‘tibor berish kerak. ya‘ni, ularga kiritilgan har bir element.

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi samaradorligini oshirish, moddiy-texnika resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirishning muhim omili fermer xo‘jaliklarining asosiy va aylanma mablag‘lar bilan yetarli darajada ta‘minlanishidir. Shu bilan birga, moddiy-texnika resurslaridan foydalanish ko‘p jihatdan bog‘liq bo‘lgan ularning optimal nisbatlarini belgilash zarurati tug‘iladi.

Resurs salohiyatining barcha elementlarini muvozanatlash va uning ishlab chiqarish samaradorligiga ta‘siri muammosini o‘rganib, biz Qoraqalpog‘iston Respublikasida g‘alla yetishtiruvchi fermer xo‘jaliklarini asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlari va aylanma mablag‘lar nisbati bo‘yicha guruhlashtirdik (3-jadval).

3-jadval

2018-2024 yillar uchun o‘rtacha resurs salohiyatidan foydalanish samaradorligiga asosiy va aylanma mablag‘lar balansining ta‘siri

Ko‘rsatkichlar	Asosiy vositalarning 1 so‘miga aylanma mablag‘lar bilan ta‘minlanganligi bo‘yicha fermer xo‘jaliklari guruhlari			
	I	II	III	IV
	0,40 gacha	0,41-0,50	0,51-0,60	0,61 dan yuqori
Guruhdagi fermer xo‘jaliklari soni	10	12	14	9
Aylanma mablag‘lar guruh bo‘yicha o‘rtacha qishloq xo‘jaligi maqsadlari uchun asosiy ishlab chiqarish fondlarining 1 miqdorini tashkil qiladi	0,34	0,45	0,57	0,61
1-guruhdagi yalpi mahsulot %da ishlab chiqarilgan	100,0	106,9	115,0	98,7
O‘rtacha yillik xodimga %, 1 guruh	100,0	105,8	114,2	97,3
Qishloq xo‘jaligining asosiy ishlab chiqarish fondlarining 1 so‘mi uchun	100,0	106,3	114,2	93,2

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, eng yaxshi ishlab chiqarish ko‘rsatkichlariga 1 so‘m asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlari aylanma mablag‘larning 0,51-0,60 so‘mini to‘g‘ri keladigan III guruh fermer xo‘jaliklari erishgan. Bu guruhdagi fermer xo‘jaliklari 100 gektar ekin

maydonlaridan, o‘rtacha yillik ishchiga va asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlarining 1 so‘midan yuqori daromad oladi. Ular resurslarning ayrim turlaridan: yer, mehnat va asosiy fondlardan foydalanishda eng yuqori samaradorlikka erishdilar. Bu guruhdagi asosiy va aylanma kapitalning nisbati 1:0,55 ni tashkil qiladi. bular. xulosa qilishimiz mumkin: aylanma mablag‘lar taklifining yanada oshishi tadbirkorlik faoliyatining yaxshilanishiga olib kelmaydi, buning guvohi bo‘lgan to‘rtinchi guruh fermer xo‘jaliklarida yalpi mahsulot har 100 gektar haydaladigan yerga, har bir xodimga to‘g‘ri keladi. va asosiy qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish fondlari summasiga. To‘rtinchi guruhdagi barcha ko‘rsatkichlarning kamayishi, aylanma mablag‘larning ortiqcha bo‘lishi, shuningdek, etishmovchilik maksimal samaradorlikni ta‘minlamasligi bilan izohlanadi: birinchi holda, ular naqd pulda, tovar-moddiy zaxiralarda va tugallanmagan ishlab chiqarishda muzlatilgan; ikkinchi holatda esa asosiy vositalarning ishlashi sinxronligiga erishiladi, ish jarayoni cheklanadi. Bu ularning aylanmasini sezilarli darajada kamaytiradi, bu esa pirovardida resurslar samaradorligi ko‘rsatkichlariga salbiy ta‘sir qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. G‘ulomov S.S. va boshqalar. Qishloq xo‘jaligi va chorvachilik mahsulotlarini davlat standartlariga rioya qilish. - T.: “Davr” nashriyoti. 2012; Farmonov T.X. O‘zbekiston Respublikasi fermer xo‘jaliklarini tashkil etish va rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari. Avtoreferat. diss. iqt.fan.dok.- T. 2006 - 46 b.
2. Nigmatjanov U.X. Agropromishlenniy kompleks Respubliki Uzbekistan na puti k rinochnoy ekonomike. –T.: Mexnat, 1994.153

UDK: 338.1

“INTERNATIONAL EXPERIENCE: THE INTERRELATIONSHIP BETWEEN INDUSTRIAL INVESTMENTS AND ECONOMIC GROWTH”

XALQARO TAJRIBA: SANOAT INVESTITSİYALARI VA IQTISODIY O‘SHNING O‘ZARO BOG‘LIQLIGI

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ: ВЗАИМОСВЯЗЬ ПРОМЫШЛЕННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Quvondiqova Gulnoza Saidazim qizi

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Master’s student in Mathematical Economics

Abstract

This study explores the relationship between industrial investments and economic growth, drawing upon international experiences from both developed and developing countries. Industrial investments are a key driver of economic expansion, influencing productivity, employment, and technological innovation. By analyzing cross-country data, this paper identifies patterns in how industrial investments contribute to gross domestic product (GDP) growth. The research employs econometric models, including panel data regression and correlation analysis, to establish causal and correlative links. The findings indicate that higher industrial investment intensity is positively associated with sustainable economic growth, though the magnitude varies depending on institutional quality, infrastructure, and sectoral composition. Policy recommendations emphasize targeted industrial investments and complementary reforms to maximize growth outcomes.

Key Words: Industrial investment, economic growth, GDP, international experience, econometric analysis, panel data.

Ushbu tadqiqot xalqaro tajriba asosida sanoat investitsiyalari va iqtisodiy o‘shish o‘rtasidagi bog‘liqlikni o‘rganadi. Sanoat investitsiyalari ishlab chiqarish samaradorligini, bandlikni va texnologik rivojlanishni oshirishda muhim omil hisoblanadi. Turli davlatlar bo‘yicha o‘tkazilgan ekonometrik tahlil sanoat investitsiyalari darajasi va barqaror YAIM o‘shishi o‘rtasida kuchli ijobiy bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatadi. Investitsiyalarning samaradorligini institutsional sifat, infratuzilma va tarmoq yo‘nalishiga bog‘liq.

Kalit so‘zlar: sanoat investitsiyalari, iqtisodiy o‘shish, YAIM, xalqaro tajriba, ekonometrik tahlil.

В данном исследовании рассматривается взаимосвязь между промышленными инвестициями и экономическим ростом на основе международного опыта. Промышленные инвестиции играют ключевую роль в повышении производительности, занятости и технологического развития.

Эконометрический анализ данных различных стран показывает выраженную положительную связь между уровнем промышленных инвестиций и устойчивым ростом ВВП. Эффективность инвестиций зависит от качества институтов, инфраструктуры и отраслевой направленности.

Ключевые слова: промышленные инвестиции, экономический рост, ВВП, эконометрический анализ.

Economic growth is a fundamental objective for nations, aiming to improve living standards, reduce poverty, and enhance social welfare. Among various growth determinants, industrial investments play a crucial role in shaping the trajectory of economic development [1]. Industrial investments encompass expenditures on manufacturing, infrastructure, technology, and capacity expansion, which in turn influence productivity, employment, and innovation. Over the last few decades, numerous countries have implemented policies to attract industrial investments, recognizing their potential to stimulate long-term economic growth [2].

This paper focuses on the international experience in the relationship between industrial investment and economic growth. It examines empirical evidence from both developed economies such as Germany, Japan, and the United States, as well as emerging economies including China, India, and Brazil. The study aims to identify the mechanisms through which industrial investments influence economic growth and to provide policy recommendations that can be adapted across diverse economic contexts.

The literature on industrial investments and economic growth is extensive. Early works by Solow (1956) emphasized the role of capital accumulation in economic growth, suggesting that investment in productive assets drives output expansion [3]. Later studies highlighted the sectoral dimension, showing that industrial investments, particularly in manufacturing and technology-intensive sectors, have a disproportionately positive effect on GDP growth [4].

Recent empirical analyses using panel data have confirmed that countries with higher industrial investment rates exhibit stronger and more sustained economic growth [5]. For instance, in East Asian economies, investment-led growth strategies have been instrumental in rapid industrialization and modernization [6]. Similarly, in Latin America, targeted industrial investments combined with institutional reforms led to improved productivity and competitiveness [7].

Several studies also underline the conditional nature of the investment-growth relationship. Factors such as infrastructure quality, governance, human capital, and technological readiness significantly influence the effectiveness of industrial investments [8]. Moreover, research indicates that indiscriminate investment without strategic planning may lead to resource misallocation and lower growth efficiency [9].

This study employs quantitative econometric analysis to assess the relationship between industrial investments and economic growth across countries. The dataset includes 50 countries from 2000 to 2022, sourced from the World Bank and International Monetary Fund databases [10]. The

dependent variable is GDP growth rate, while independent variables include industrial investment as a percentage of GDP, manufacturing output, labor productivity, and infrastructure quality indices.

The methodology involves the following steps:

1. Descriptive statistics to summarize investment patterns and economic growth trends.
2. Correlation analysis to determine the linear relationship between industrial investment and GDP growth.
3. Panel data regression using fixed-effects and random-effects models to account for unobserved heterogeneity across countries.
4. Robustness checks, including lagged investment variables, to capture delayed effects of industrial investments on economic growth [11].

The choice of panel data methodology is justified as it allows controlling for country-specific factors while exploiting time-series variation to infer causality.

The analysis focuses on the impact of industrial investments on economic growth across a diverse set of countries, incorporating both developed and developing economies. The dataset includes 50 countries over the period 2000–2022, using GDP growth rate as the dependent variable and industrial investment as a percentage of GDP, manufacturing output, labor productivity, and infrastructure quality as key independent variables. Descriptive statistics provide an initial understanding of the data distribution and trends.

The average industrial investment across the sample countries is 21.5% of GDP, with a standard deviation of 8.3%, indicating significant variation among nations. Developed economies such as Germany, Japan, and the United States exhibit lower industrial investment shares (15–18%) due to mature industrial bases, while emerging economies like China, India, and Brazil report higher shares (25–35%), reflecting ongoing industrialization efforts [1][2]. The average GDP growth rate in the dataset is 3.8% per annum, with the highest growth recorded in China (average 9.2%) and India (6.8%), and the lowest in some European countries affected by post-2008 financial constraints (1.5–2.0%) [3].

Correlation analysis indicates a strong positive relationship between industrial investment and GDP growth, with a Pearson correlation coefficient of 0.62 ($p < 0.01$). This suggests that countries with higher industrial investment intensity tend to achieve higher economic growth. Further examination reveals sector-specific effects: manufacturing investment shows the strongest correlation with GDP growth (0.68), followed by technology-driven sectors such as electronics and machinery (0.61). In contrast, investment in less productive industries, including traditional textiles or basic services, has a weaker correlation (0.34).

Panel data regression was conducted using both fixed-effects and random-effects models to account for country-specific heterogeneity. The fixed-effects model results indicate that a 1% increase in industrial investment as a share of GDP is associated with a 0.35% increase in annual GDP growth ($t\text{-value} = 4.87$, $p < 0.001$), controlling for labor productivity, infrastructure quality, and manufacturing output [4]. The random-effects model produces a similar coefficient of 0.33, confirming the robustness of the relationship. The Hausman test supports the fixed-effects model as the preferred specification, indicating that unobserved country-specific effects are correlated with explanatory variables.

To capture delayed impacts, lagged variables were introduced. Lagging industrial investment by one year reveals that a 1% increase in investment translates into a 0.27% GDP growth increase in the subsequent year, suggesting that the effects of industrial investments are not always immediate but gradually materialize as projects are implemented and productivity gains are realized [5]. Countries with well-developed infrastructure and strong institutional frameworks, such as South Korea and Germany, experience faster transmission of investment into growth compared to countries with weaker governance or infrastructure deficiencies, where the effect may take 2–3 years to materialize [6].

Sectoral analysis provides further insight into industrial investment efficiency. Manufacturing-intensive countries, particularly those investing in high-tech manufacturing (semiconductors, automotive, machinery), show an average GDP growth multiplier of 1.5. This implies that each dollar

invested in these sectors generates \$1.50 in additional GDP. By contrast, countries investing predominantly in low-tech or resource-based industries report multipliers of 0.8–1.1, indicating lower productivity spillovers [7].

The analysis also highlights the role of industrial investments in promoting labor productivity. Regression results show that a 1% increase in industrial investment corresponds to a 0.22% rise in labor productivity, suggesting that industrial capital enhances output per worker and fosters skill development. This relationship is particularly strong in countries emphasizing vocational training and technology adoption alongside investment [8].

Comparative cross-country statistics reveal interesting patterns. East Asian countries such as China, South Korea, and Taiwan demonstrate both high industrial investment shares (25–35%) and rapid economic growth (6–9%). Latin American countries, including Brazil and Mexico, with industrial investment around 20–22%, achieve moderate growth rates (3–4%). European countries with lower investment intensity (15–18%) maintain steady but modest growth (1.5–2.5%), reflecting the maturity of their industrial bases [9].

The analysis also identifies potential diminishing returns to industrial investment. Countries exceeding 40% investment-to-GDP ratios, often due to aggressive industrialization policies, experience only marginal growth gains (0.1–0.15% per additional 1% investment), highlighting the importance of strategic allocation and complementary reforms [10]. This phenomenon emphasizes that while industrial investments are critical, their effectiveness depends on other economic conditions such as market size, institutional quality, and technological capability.

Additionally, correlation between industrial investment and GDP volatility was examined. High investment countries in emerging markets show slightly increased short-term growth volatility, as industrial projects are sensitive to external shocks such as global commodity price fluctuations or currency instability. In contrast, industrial investments in developed economies tend to stabilize growth by enhancing production efficiency and technological sophistication [11].

Robustness checks using alternative specifications, including controlling for foreign direct investment, government expenditure, and trade openness, confirm the positive and significant effect of industrial investment on growth. Models controlling for human capital index indicate that investment is more effective in countries with better-educated workforces, suggesting complementarity between physical capital and human capital in driving growth [12].

In summary, the statistical analysis confirms that industrial investment is a powerful driver of economic growth, particularly when directed toward high-productivity sectors and supported by strong institutions, infrastructure, and human capital. Emerging economies gain the most from investment-driven industrialization, while developed economies maintain steady growth with moderate investment shares. Policy implications point to the importance of strategic investment planning, sectoral prioritization, and complementary reforms to maximize economic outcomes.

The international evidence confirms a robust positive relationship between industrial investments and economic growth. Countries that prioritize industrial investment, particularly in productive sectors, can achieve faster and more sustainable growth. However, the effectiveness of investment is contingent on governance quality, infrastructure, and human capital development.

Policy recommendations include:

1. Targeted industrial investment: Focus on sectors with high productivity and technological spillover potential.
2. Institutional reforms: Improve governance, regulatory frameworks, and ease of doing business to enhance investment efficiency.
3. Infrastructure development: Invest in transport, energy, and digital infrastructure to support industrial activities.
4. Human capital enhancement: Strengthen education and vocational training to ensure labor can effectively utilize new technologies.
5. Balanced investment strategy: Avoid excessive concentration in a single sector to minimize risk and ensure broad-based economic growth.

By implementing these recommendations, countries can leverage industrial investments to stimulate economic growth, enhance competitiveness, and achieve long-term sustainable development.

List of references:

1. Solow, R. M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. *Quarterly Journal of Economics*, 1956, pp. 65–94.
2. World Bank. *World Development Indicators 2022*, Washington D.C., 2022, pp. 102–110.
3. Kuznets, S. *Economic Growth of Nations: Total Output and Production Structure*. Harvard University Press, 1971, pp. 45–78.
4. Chen, Y., & Dahlman, C. The Impact of Industrial Investment on Productivity in East Asia. *Asian Economic Journal*, 2010, pp. 30–56.
5. Lee, C. Investment-Led Growth in Emerging Economies: Panel Data Evidence. *Journal of Development Economics*, 2015, pp. 90–115.
6. Lin, J. Y. *Industrialization and Growth in East Asia*. Cambridge University Press, 2012, pp. 120–145.
7. Fajnzylber, P., & Lopez, J. H. *Industrial Policy in Latin America: Evidence from the 2000s*. World Bank Working Paper, 2013, pp. 25–49.
8. Acemoglu, D., & Robinson, J. *Why Nations Fail: The Role of Institutions in Growth*. Crown Publishing, 2012, pp. 200–225.
9. Aghion, P., & Howitt, P. *Growth and Investment: A Schumpeterian Perspective*. MIT Press, 2009, pp. 75–100.
10. IMF. *World Economic Outlook Database 2022*, Washington D.C., 2022, pp. 50–68.
11. Baltagi, B. *Econometric Analysis of Panel Data*. Springer, 2013, pp. 33–65.
12. UNIDO. *Industrial Development Report 2021*, Vienna, 2021, pp. 112–135.
13. OECD. *The Role of Manufacturing in Economic Growth*. OECD Publishing, 2019, pp. 88–102.
14. Rodrik, D. *Industrial Policy for the 21st Century*. Harvard University Press, 2014, pp. 55–79.

УДК: 338.45

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЖРИБАСИ: DIGITAL MARKETS ACT (DMA) ВА DIGITAL SERVICES ACT (DSA)

ОПЫТ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА В РЕГУЛИРОВАНИИ ЦИФРОВЫХ ПЛАТФОРМ: DIGITAL MARKETS ACT (DMA) И DIGITAL SERVICES ACT (DSA)

THE EUROPEAN UNION'S EXPERIENCE IN REGULATING DIGITAL PLATFORMS: DIGITAL MARKETS ACT (DMA) AND DIGITAL SERVICES ACT (DSA)

Сапаров Ислом Ўлмасович
мустақил тадқиқотчи (PhD)

Аннотация

Мазкур мақолада Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиёт ва платформа бозорларининг жадал ривожланиши шароитида антимонополия сиёсатини такомиллаштириш тенденциялари илмий таҳлил қилинган. Digital Markets Act (DMA) ва Digital Services Act (DSA) регламентларининг мазмун-моҳияти, улар орқали йирик технологик компаниялар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмлари ёритилган. Шунингдек, Европа тажрибаси асосида Ўзбекистонда рақобат сиёсатини рақамли бозор шароитига мослаштириш бўйича амалий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли платформалар, Digital Markets Act (DMA), Digital Services Act (DSA), gatekeeper, фойдаланувчи ҳуқуқлари, маълумотлар асимметрияси, рақамли иқтисодиёт.

В данной статье научно проанализированы тенденции совершенствования антимонопольной политики в Европейском Союзе в условиях стремительного развития цифровой экономики и платформенных рынков. Раскрыто содержание и сущность регламентов Digital Markets Act (DMA) и Digital Services Act (DSA), а также правовые и институциональные механизмы регулирования деятельности крупных технологических компаний. Кроме того, на основе европейского опыта разработаны практические выводы и предложения по адаптации конкурентной политики в Узбекистане к условиям цифрового рынка.

Ключевые слова: цифровые платформы, Digital Markets Act (DMA), Digital Services Act (DSA), gatekeeper, права пользователей (права потребителей), асимметрия данных, цифровая экономика.

This article scientifically analyzes the tendencies for improving antimonopoly policy in the European Union amidst the rapid development of the digital economy and platform markets. The content and essence of the Digital Markets Act (DMA) and the Digital Services Act (DSA) regulations are illuminated, along with the legal and institutional mechanisms for regulating the activities of large technological companies through them. Furthermore, based on the European experience, practical conclusions and proposals have been developed for adapting competition policy in Uzbekistan to the conditions of the digital market.

Key words: digital platforms, Digital Markets Act (DMA), Digital Services Act (DSA), gatekeeper, user rights, data asymmetry, digital economy.

Электрон савдо соҳасида салоҳият ва янги имкониятлардан фойдаланишни муҳимлигини, ҳисоб-китобларга кўра, ушбу соҳанинг бозори фақат Марказий Осиёнинг ўзида яқин ўн йилликда 150 миллиард долларгача ўсиши мумкинлигини қайд этиб, ёндашувларни уйғунлаштириш, виртуал савдо майдончалари ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишни енгиллаштириш имконини берадиган Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича кўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади [1].

Охирги ўн йилликда рақамли иқтисодиёт Европа Иттифоқи мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг муҳим қисмига айланди. Google, Apple, Meta, Amazon ва Microsoft (GAMMA) каби йирик платформалар электрон тижорат, реклама ва маълумотлар хизматлари бозорини деярли назорат қилиб келмоқда. Бу эса анъанавий рақобат сиёсатининг самарадорлигини пасайтиб, янги тартибга солиш механизмларини талаб этди [2].

Шу муносабат билан Google, Amazon ва бошқа йирик рақамли платформалар операторларининг рақобатга қарши ҳаракатларига қарши курашиш мақсадида Европа Иттифоқи 2022 йилда қабул қилинган “Рақамли бозорлар тўғрисида”ги регламенти (инглизча Digital Markets Act - DMA) ва “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги (инглизча Digital Services Act - DSA) регламентлари орқали рақамли платформаларни тартибга солишнинг илгари мисли кўрилмаган институционал асосини яратди. Бу регламентлар рақамли бозорлардаги рақобатни тиклаш, фойдаланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маълумотлар оқимини шаффофлаштиришга қаратилган. Таҳлилчилар таъкидлашича, бу регламентлар сўнгги ўн йилликларда Европа Иттифоқи қабул қилган энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади [3].

Европа Иттифоқида рақамли бозорларни тартибга солиш соҳасидаги илмий манбалар рақобат сиёсатининг эволюциясини чуқур ёритади. Jean Tirole (2017) ўзининг “Economics for the Common Good” асарида рақобат ва инновация ўртасидаги мувозанатни изоҳлаб, рақамли бозорларда маълумотлар оқими ва алгоритмик қарорлар иқтисодий куч тақсимотида қандай таъсир кўрсатишини назарий жиҳатдан асослайди. Унинг фикрича, анъанавий антимонополия

сиёсатини рақамли иқтисодиёт шароитига мослаштириш зарур, чунки платформа иқтисодиётида устун мавқе ва маълумотлар тўплаш қобилияти рақобатнинг янги шакллари юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан, Тиролнинг илмий қарашлари DMA ва DSA регламентларининг назарий пойдеворини ташкил этади [4].

Муҳим манба сифатида Ariel Ezrachi ва Maurice Stucke (2016) томонидан ёзилган “Virtual Competition: The Promise and Perils of the Algorithm-Driven Economy” асари таъкидланади. Муаллифлар рақамли бозорлардаги “algorithmic collusion” — яъни алгоритмлар орқали яширин келишувлар ва нархлар мувофиқлашуви хавфини таҳлил қилган. Ушбу тадқиқот рақамли бозорларда анъанавий картеллар ўрнини сунъий интеллект воситасидаги нарх белгилаш тизимлари эгаллаётганини исботлайди. Ezrachi ва Stuckeнинг илмий хулосалари Европа комиссиясининг рақамли платформалар фаолиятини мониторинг қилишда проактив ёндашувни жорий этишига назарий асос бўлди [5].

Шунингдек, OECD (2021) [6] ва Mottнинг рақобат сиёсатига оид ҳисоботларида (2023) [7] рақамли иқтисодиётда давлат органларининг ваколатларини кенгайтириш ва “фаол профилактика” усулини жорий этиш зарурлиги таъкидланган. Бу манбаларда Европа Иттифоқи рақобат сиёсатидаги тенденциялар нафақат технологик, балки ҳуқуқий-институционал ўзгаришлар билан боғлиқ экани кўрсатилган. Ушбу илмий манбалар таҳлили мақолада келтирилган хулосаларнинг илмий асосланганлигини тасдиқлайди ҳамда Ўзбекистон рақобат сиёсатини замонавий рақамли талабларга мослаштириш учун назарий ва амалий йўналишларни белгилаб беради.

Ушбу тадқиқотда Европа Иттифоқида рақамли платформаларни антимонополия тартибга солишнинг замонавий тенденцияларини таҳлил этиш учун қиёсий ва тизимли таҳлил усули қўлланилди. Тадқиқотда норматив-ҳуқуқий таҳлил, институционал таҳлил, ҳамда эмпирик усуллар (Google, Apple, Amazon ва Meta компанияларига нисбатан амалга оширилган жарималар ва бозор улуши маълумотларини солиштириш)дан фойдаланилди. Шу билан бирга, мақолада Jean Tirole, Ariel Ezrachi ва OECD каби халқаро манбалар асосида рақамли бозорларда алгоритмик рақобат ва маълумотлар асимметрияси муаммолари илмий нуқтаи назардан ёритилди. Ушбу методологик ёндашув рақамли иқтисодиётда анъанавий антимонополия воситалари самарадорлигини баҳолаш ва Ўзбекистон учун татбиқ этиш имкониятларини аниқлашга хизмат қилади.

Европа комиссияси рақобат сиёсатидаги асосий вазифалардан бири сифатида рақамли платформалар фаолиятини назорат қилишни белгилаган. 2010–2023 йиллар давомида Google, Amazon ва Meta компанияларига нисбатан бир неча миллиард евро миқдорида жарималар қўлланди. Бу жараён рақамли бозорларда устун мавқе билан суиистеъмол қилиш ҳолатларига нисбатан қатъий позицияни намоён этди [8].

Digital Markets Act (DMA) ва “воситачи” (инглизча – gatekeeper) концепцияси. Регламент лойиҳаси бўйича дастлабки муҳокамалар жараёнида бир неча бор таъкидланганидек, бир нечта йирик онлайн-платформалар Европа рақамли иқтисодиётининг муҳим соҳаларини монопол тарзда назорат қилиб, молиявий оқимлар ва ахборот алмашинувининг асосий марказларига айланди ҳамда улкан миқдордаги фойдаланувчиларни — товар ва хизматлар етказиб берувчиларни бир томондан ва истеъмолчиларни иккинчи томондан бирлаштирган ҳолда, рақамли бозорда марказий воситачи сифатида фаолият юритмоқда[9].

Айнан шу сабабли, йирик рақамли платформалар учун DMA “воситачи” тушунчасини жорий этади. Регламентнинг бир нечта муҳим хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, DMAнинг таъсир доираси барча рақамли хизматларга эмас, балки фақатгина Регламентда “платформанинг асосий хизматлари” деб белгиланган хизматларга нисбатан қўлланилади.

Европа қонун чиқарувчиси айнан шу хизматларни танлаганининг сабаби — уларнинг кенг тарқалганлиги ва энг кўп фойдаланиладиган бўлишидир. Шу нуқтаи назардан, бу танлов табиий: рўйхатга фақат рақобат соҳасидаги қоидабузарликлар бўйича энг катта хавотир уйғотувчи хизматлар киритилган.

2022 йилдан кучга кирган Digital Markets Act (DMA) рақамли платформаларни “воситачи” сифатида баҳолаш мезонларини белгилаб берди. Gatekeeper сифатида тан олиш

учун: платформанинг Европа бозоридаги йиллик айланмаси камида 7,5 млрд евро ёки бозор қиймати 75 млрд евродан ортиқ бўлиши; Европа Иттифоқининг камида 3 мамлакатда фаолият юритиши; ойлик фойдаланувчилар сони 45 миллиондан, бизнес мижозлар сони 10 мингдан зиёд бўлиши керак [10].

Бу талабларга мос келган компаниялар (Google, Apple, Meta, Amazon, ByteDance ва Microsoft) gatekeeper сифатида эътироф этилди. Улар учун:

- маълумотларни ўз маҳсулотлари ва рақобатчилар ўртасида ноодилона тақсимлаш тақиқланди;
- фойдаланувчиларни фақат ўз хизматларидан фойдаланишга мажбурлашни тақиқлайди;
- бизнес мижозларига рақиб платформалар орқали ҳам фаолият юритишга рухсат бериш талаби жорий этилди;
- маълумотлар ташиш ва интерфейс шаффофлигини таъминлаш мажбурияти юклатилди.

1-жадвал

Digital Markets Act (DMA) ва анъанавий антимонополия сиёсатининг асосий фарқлари [1]

№	Йўналиш	Анъанавий антимонополия сиёсати	Digital Markets Act (DMA)
1	Ёндошув	Реактив (хуқуқбузарликдан сўнг чора кўриш)	Проактив (хуқуқбузарликдан олдин олиш)
2	Асосий объект	Компаниялар ўртасидаги келишувлар ва картеллар	Рақамли платформалар ва маълумотлар бозори
3	Назорат механизми	Суд тергови ва жарималар орқали	Gatekeeper мақоми ва доимий мониторинг орқали
4	Хуқуқий асос	TFEU 101–102-моддалари	Digital Markets Act (2022/1925/EU)
5	Самарадорлик мезони	Бозорда рақобат тикланиши	Рақобат муҳитининг барқарорлиги ва маълумотлар шаффофлиги

Анъанавий антимонополия сиёсатидан фарқли равишда, Digital Markets Act (DMA) рақамли иқтисодиёт шароитида рақобатни таъминлашда проактив ёндашувни жорий этди. Агар анъанавий сиёсат асосан хуқуқбузарлик содир бўлгандан сўнг реактив чора кўришга қаратилган бўлса, DMA платформаларнинг монопол мавқеини олдиндан чеклашни мақсад қилади. Бунинг асосида “Gatekeeper” концепцияси ётади, яъни рақамли бозорда устун мавқега эга субъектлар доимий мониторинг ва махсус мажбуриятлар тизими орқали назорат қилинади. DMAнинг амалга оширилиши Европа рақобат сиёсатидаги “реактив” моделдан “проактив” моделга ўтишни англатади, яъни давлат органлари монополия белгиларини аниқлагандан сўнг эмас, балки улар шаклланишидан олдин чора кўради.

Digital Services Act (DSA): фойдаланувчи хуқуқларини ҳимоя қилиш. Европа Иттифоқининг рақамли маконни тартибга солишга қаратилган асосий хуқуқий ташаббусларидан бири — бу “Рақамли хизматлар тўғрисидаги регламент” (Digital Services Act, DSA) ҳисобланади. У 2022 йил декабрь ойида кучга кирган бўлиб, рақамли хизматлар бозорида хавфсизлик, шаффофлик ва фойдаланувчиларнинг асосий хуқуқларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган. DSA замонавий рақамли экотизимда контент тарқатиш, маълумотлар алмашиш ва ахборот оқимларини бошқариш бўйича аниқ хуқуқий меъёрлар белгилайди. Ушбу ҳужжат Европа қонунчилигида фойдаланувчилар хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган илгари мавжуд бўлган “электрон тижорат тўғрисида”ги 2000 йилги директивадан кейинги энг муҳим хуқуқий ислохот сифатида баҳоланади [11].

DSAнинг асосий мақсади рақамли хизматлар соҳасида фойдаланувчилар хавфсизлигини таъминлаш, онлайн муҳитда шаффофлик ва ишончни кучайтириш, шунингдек, ахборот

мақонидаги турли ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашишдир. Регламент қуйидаги тамойилларга асосланади:

- фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш (эркин сўз, шахсий маълумотлар дахлсизлиги, ахборотга тенг кириш);

- рақамли хизматлар провайдерлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш;

- онлайн муҳитдаги ноқонуний контентни аниқлаш ва чеклашда фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш;

- кичик бизнес ва стартаплар учун рақобатга асосланган соғлом рақамли муҳит яратиш.

DSA фойдаланувчиларнинг рақамли хизматлардан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун бир қатор механизмларни жорий этган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот ва шаффофлик ҳуқуқи. Платформалар фойдаланувчига тақдим этилаётган контент, реклама ва тавсия тизимлари ҳақида аниқ маълумот бериш мажбуриятини олган. Яъни фойдаланувчига контент қандай алгоритмлар асосида шаклланаётгани, қайси омилар унинг лентасига таъсир қилаётгани ҳақида маълумот тақдим этилиши шарт.

- контентни ўчириш ёки чеклашда фойдаланувчи манфаатларини ҳимоя қилиш. Агар фойдаланувчи контентни ёки аккаунти чекланса, платформа томонидан унинг сабаблари ёзма равишда изоҳланиши талаб этилади (“statement of reasons”). Бу фойдаланувчига апелляция бериш ва ўз позициясини ҳимоя қилиш имконини яратади.

- ёшлар ва заиф гуруҳларни ҳимоя қилиш. DSA ёш фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ва контент таъсирига оид қўшимча чекловлар белгиланган.

Фойдаланувчи контентга оид қарорлар билан рози бўлмаса, мустақил арбитраж органларига ёки суддан ташқари низо ҳал этиш механизмларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ рақамли соҳада фойдаланувчилар манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг янги институционал шаклини яратади.

DSA платформа операторларига бир қатор ҳуқуқий мажбуриятларни юклайди: ноқонуний контентни аниқлаш ва тезкор блоклаш механизмларини ишлаб чиқиш; контент модерацияси ва реклама тизимларини аудиторлик текширувидан ўтказиш; ҳар йили хавфни баҳолаш ҳисоботини тайёрлаш ва Европа комиссиясига тақдим этиш; фойдаланувчиларга манфаатдор томон сифатида очиқ маълумот бериш.

Европа суди амалиётида рақамли платформаларга нисбатан бир нечта муҳим қарорлар қабул қилинган. Масалан:

- Google v. Commission (2017–2021) ишида Google компаниясининг Android тизими орқали бозорда устун мавқеини суистеъмол қилганлиги учун 4,3 млрд евро жарима белгиланди;

- Amazon Marketplace (2020) ишида компаниянинг ўз маҳсулотларига имтиёз бериши рақобатга зид деб топилди.

Digital Markets Act (DMA) амалда кучга кирганидан сўнг ва бозордаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларини баҳолаш бўйича ўтказилган дастлабки таҳлиллар натижасида, Европа Иттифоқи Комиссияси 2024 йилда Alphabet, Apple ҳамда бошқа йирик америкалик технологик корпорацияларга нисбатан илк антимонополия ишларини қўзғатди.

Хусусан, Alphabet ва Apple компанияларига DMAнинг 5-моддаси 4-қисмини бузганлик айблови қўйилган. Ушбу нормага кўра, рақамли бозорда воситачи сифатида фаолият юритувчи компания ўз платформасида жойлашган дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларига истеъмолчиларга платформадан ташқаридаги ўз дастурий таъминотлари ва хизматларини бепул тақдим этиш ҳамда улар ҳақида маълумот бериш имкониятини таъминлаши шарт.

Шу билан бирга, Apple компанияси томонидан DMAнинг 6-моддаси 3-қисмини бузиш ҳолати ҳам аниқланган. Европа Комиссиясининг фикрича, Apple ўзининг Safari веб-браузерини шундай тарзда лойиҳалаганки, унда фойдаланувчилар томонидан қидирув тизимини ўзгартириш ёки альтернатив қидирув платформаларидан фойдаланиш имконияти жиддий даражада чекланган ва амалга ошириш қийинлаштирилган.

Илмий жихатдан Jean Tirole ва Ariel Ezrachi каби олимлар рақамли платформалардаги “algorithmic collusion” хавфини таъкидлаб, алгоритмлар орқали яширин келишувлар эҳтимолини илмий асосда исботлаганлар. Бу Европа антимонополия сиёсатини рақамли интеллектуал воситаларни ҳисобга олишга мажбур қилди [12].

2-жадвал

Европа Иттифоқидаги DMA ва DSA регламентларининг асосий кўрсаткичлари [2]

Платформа	Мақоми	Жарима микдори (евро)	Фаолият йўналиши	Асосий ҳуқуқбузарлик
Google (Alphabet)	Gatekeeper	4,3 млрд	Қидирув тизими ва реклама	Android орқали устун мавке суиистеъмоли
Apple	Gatekeeper	1,8 млрд (жараёнда)	App Store ва браузерлар	Self-preferencing ва маълумот чеклови
Amazon	Gatekeeper	1,1 млрд	Marketplace	Ўз маҳсулотларига имтиёз бериш
Meta (Facebook)	Gatekeeper	390 млн	Ижтимоий тармоқ	Рекламада маълумотлар асимметрияси
ByteDance (TikTok)	Gatekeeper	Текширувда	Контент тақсимоли	Ёшлар маълумотларини суиистеъмол қилиш хавфи

2-жадвал маълумотлари Европа Иттифоқидаги Digital Markets Act (DMA) ва Digital Services Act (DSA) регламентлари амалда қандай татбиқ этилаётганини аниқ мисолларда кўрсатади. Таҳлилдан кўришиб турибдики, Google, Apple, Amazon, Meta ва ByteDance каби йирик рақамли платформалар “Gatekeeper” мақомига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир соҳада бозорни назорат қилиб келган. Европа комиссияси ушбу платформаларга нисбатан миллиардлаб евро микдорида жарималар қўллаб, рақобатни чекловчи ва маълумотлар асимметриясини кучайтирувчи амалиётларга чек қўймоқда. Бу жараён рақамли иқтисодиётда адолатли бозор муҳитини таъминлаш, маълумотлар устидан назоратни шаффофлаштириш ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш бўйича Европа иттифоқининг қатъий сиёсий иродасини намоён этади. Шу билан бирга, мазкур тажриба рақамли секторда устун мавкени суиистеъмол қилиш ҳолатларини илгари босқичда аниқлаш ва олдини олишга қаратилган янги антимонополия парадигмасини шакллантирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иттифоқи рақамли платформаларни антимонополия тартибга солишда илғор ва тизимли моделни яратди. Бу моделнинг асосий жиҳатлари куйидагича: Gatekeeper концепцияси орқали йирик платформаларнинг бозордаги таъсирини чеклаш; маълумотлар бозорида шаффофликни таъминлаш; алгоритмик назорат ва сунъий интеллектни ҳисобга олган рақобат сиёсатини жорий этиш ҳамда фойдаланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали рақобат муҳитини соғломлаштириш. Шу орқали Европа рақобат сиёсатини реактив моделдан проактив моделга трансформация қилди, яъни бозорда монопол ҳолат шаклланиб бўлганидан сўнг эмас, балки унинг вужудга келиш эҳтимоли аниқланиши билан чора кўрадиган тизим яратилди.

Ўзбекистон учун бу тажриба муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда рақамли иқтисодиёт тез суръатларда ривожланиб бораётган бир пайтда, рақобат сиёсатини DMA ва DSA моделларига яқинлаштириш зарур. Биринчидан, рақамли хизматлар соҳасида “Gatekeeper” мақомига эга субъектларни аниқлаш ва улар фаолиятини мониторинг қилиш учун махсус мезонлар ишлаб чиқиш лозим. Иккинчидан, маълумотлар асимметриясини камайтириш ва рақобатчи субъектлар учун маълумотларга тенг кириш шароитларини таъминлаш Ўзбекистон рақобат сиёсатида устувор йўналиш бўлиши керак. Шу нуқтаси назардан, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири [13] 18-моддасида устун мавкега эга бўлган деб эътироф этилган рақамли платформа операторига маълумотлар, технологиялар ва рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳақидаги талабларни белгилаш

орқали рақобатни чеклайдиган ҳаракатларни бажариш тақиқланиши белгиланганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 майдаги 256-сон қарори билан рақамли платформа операторининг устун мавқеини ва устун музокара кучини эътироф этиш ҳамда рақобатга зид ҳаракатларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланганлиги аҳамиятлидир [14].

Рақамли платформалардан фойдаланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, алгоритмлар шаффофлигини таъминлаш ва онлайн хизматларда сунъий интеллектнинг таъсирини назорат қилишни институционал асосда йўлга қўйиш талаб этилади. Европа Иттифоқи тажрибаси Ўзбекистонда рақобат сиёсати ва рақамли бозорларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда методологик намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу йўналишда миллий рақобат органлари учун фаол профилактик ёндашув, транспарент маълумот сиёсати ҳамда инновацион мониторинг тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётда барқарор рақобат муҳитини шакллантиришнинг энг самарали воситаси бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқи. Тошкент (2025). <https://president.uz/uz/lists/view/8674>
1. European Commission. (2022). *Digital Markets Act (Regulation (EU) 2022/1925 of the European Parliament and of the Council of 14 September 2022 on contestable and fair markets in the digital sector)*. Official Journal of the European Union, L 265/1.
2. European Commission. (2022). *Digital Services Act (Regulation (EU) 2022/2065 of the European Parliament and of the Council of 19 October 2022 on a Single Market for Digital Services)*. Official Journal of the European Union, L 277/1.
3. European Commission. (2024). *Antitrust: Commission opens investigations into Alphabet and Apple under the DMA*. Press Release, Brussels, March 2024.
4. Tirole, J. (2017). *Economics for the Common Good*. Princeton: Princeton University Press.
5. Ezechia, A., & Stucke, M. E. (2016). *Virtual Competition: The Promise and Perils of the Algorithm-Driven Economy*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
6. OECD. (2021). *Competition Enforcement in Digital Markets*. Paris: OECD Publishing. DOI: 10.1787/competition-digital-markets-en.
7. Motta, M. (2023). *Competition Policy in the Digital Era*. Centre for Economic Policy Research (CEPR) Discussion Paper No. 18345.
8. European Court of Justice. (2021). *Case T-604/18 Google and Alphabet v. European Commission (Android case)*. Judgment of the General Court, Luxembourg.
9. С. Саяпин (2025) Тенденции антимонопольного регулирования цифровых платформ в Европейском союзе. Москва. Научно-практический журнал "Юридическая наука" №5 2025 , 295–300.
10. European Parliament Research Service (EPRS). (2023). *The Digital Markets Act: A New EU Tool to Regulate Big Tech*. Brussels: EPRS Study.
11. OECD (2022). *Regulatory Reform and Digital Competition: Ensuring a Level Playing Field*. Paris: OECD Competition Policy Roundtable Report.
12. Ariel Ezechia & Maurice E. Stucke. (2022). *Algorithmic Collusion: Problems and Countermeasures in Competition Law*. Oxford Competition Law Journal, Vol. 18(2), 115–137.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни, 2023 йил 3 июль, ЎРҚ-850. <https://lex.uz/docs/6518381>
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 майдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 256-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/6907023>

**RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA YENGIL SANOAT KORXONALARIDA
MEHNAT UNUMDORLIGINI OSHIRISH MEXANIZMLARI**

**МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА НА
ПРЕДПРИЯТИЯХ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**MECHANISMS FOR INCREASING LABOR PRODUCTIVITY IN LIGHT INDUSTRY
ENTERPRISES BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES**

Saidaxmedov Nemat Xamidovich

Andijon davlat texnika institute “Iqtisodiyot” kafedrasida katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekiston yengil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirishning zamonaviy yo‘nalishlari, xususan raqamli texnologiyalar, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari va innovatsion ishlab chiqarish yechimlarining ahamiyati tahlil qilinadi. Tahlillar Stat.uz ko‘rsatkichlari va so‘nggi uch yillik iqtisodiy islohotlar natijalari va tikuvchilik sanoatida faoliyat yurituvchiligi “Milana Textile” korxonasida olib borilgan tatqiqotlar asosida olib borilgan.

Kalit so‘zlar: mehnat unumdorligi, raqamli texnologiyalar, avtomatlashtirish, klaster tizimi, samaradorlik, innovatsiya.

В данной статье анализируются современные тенденции повышения производительности труда на предприятиях лёгкой промышленности Узбекистана, в частности, значение цифровых технологий, автоматизированных систем управления и инновационных производственных решений. Анализ основан на показателях Статкомитета Узбекистана и результатах экономических реформ за последние три года, а также исследованиях, проведённых на предприятии швейной промышленности «Милана Текстиль».

Ключевые слова: производительность труда, цифровые технологии, автоматизация, кластерная система, эффективность, инновации.

This article analyzes modern trends in increasing labor productivity in light industry enterprises of Uzbekistan, in particular the importance of digital technologies, automated control systems, and innovative production solutions. The analysis is based on Stat.uz indicators and the results of economic reforms over the past three years, as well as research conducted at the garment industry enterprise "Milana Textile".

Keywords: labor productivity, digital technologies, automation, cluster system, efficiency, innovation.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti rahbarligida iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida, jumladan yengil sanoatda raqamli texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish hamda eksport salohiyatini kengaytirishga qaratilgan islohotlar amalga oshirilmoqda. 2022–2024-yillarda “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi doirasida yengil sanoat korxonalarida ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish bo‘yicha bir qator loyihalar yo‘lga qo‘yildi. Shu sharoitda mehnat unumdorligini oshirish masalasi sanoat korxonalarida uchun eng muhim ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda.

Statistika agentligi ma‘lumotlariga ko‘ra, 2022–2024-yillar davomida yengil sanoat tarmog‘ida ishlab chiqarish hajmi 1,4 baravar oshgan bo‘lsada, mehnat unumdorligi o‘shirish sur‘ati 12–15 foiz atrofida bo‘lgan. Quyidagi jadvalda so‘nggi uch yilda mehnat unumdorligi ko‘rsatkichlari keltirilgan.

Yil	Ishchilar soni (ming)	Ishlab chiqarish hajmi (mlrd so‘m)	Mehnat unumdorligi (mln so‘m/ishchi)
2022	97,5	12 840	131,6
2023	101,3	15 370	151,7
2024	103,0	17 520	170,1

Ko‘rinib turibdiki, mehnat unumdorligi o‘shirish sur‘atini yanada tezlashtirish uchun raqamli texnologiyalarni keng joriy etish zarur.

Mehnat unumdorligining ortishiga ta’sir etuvchi tashkiliy omillar qatorida ishlab chiqarishni tashkil etish masalalari korxonalar, tarmoq va butun iqtisodiyot darajasida muhim rol o‘ynaydi. Jumladan, korxonalarni mamlakatimiz hududlari bo‘yicha samarali joylashtirish, ichki va xalqaro transport aloqalarini rivojlantirish, korxonalarni ixtisoslashtirish va ularning o‘zaro kooperatsiyasini yo‘lga qo‘yish, moddiy-texnika va energiya bilan ta‘minlash, ta‘mirlash xizmatlarini tashkil qilish kabi omillar katta ahamiyat kasb etadi.

Raqamli transformatsiya va zamonaviy texnologiyalar mehnat unumdorligini oshirishning asosiy omillaridan biridir. Sun‘iy intellekt (SI), katta ma‘lumotlar tahlili (Big Data) va IoT (Internet of Things) kabi texnologiyalar ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish jarayonlarini soddalashtiradi. Masalan, Shvetsiyada Ericsson kompaniyasi 5G texnologiyalari va IoT asosidagi aqlli ishlab chiqarish tizimlarini joriy etish orqali 2023 yilda mehnat unumdorligini 12% ga oshirdi [1]. Ushbu texnologiyalar jarayonlarni avtomatlashtirish, real vaqtda ma‘lumotlarni tahlil qilish va qaror qabul qilishni tezlashtirish imkonini beradi.

O‘zbekiston sharoitida raqamli texnologiyalarni, ayniqsa, qishloq xo‘jaligi va sanoat sohasida qo‘llash muhim ahamiyatga ega. Masalan, aqlli sug‘orish tizimlari yoki ishlab chiqarishda sensorli monitoring tizimlarini joriy etish orqali resurslardan samarali foydalanish mumkin. Jahon Banki ma‘lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonning qishloq xo‘jaligi sohasida mehnat unumdorligi 2023 yilda soatiga 10.8 AQSh dollari bo‘lib, raqamli texnologiyalarni kengroq qo‘llash orqali bu ko‘rsatkichni oshirish imkoniyati mavjud.

Mehnat unumdorligi har qanday ishlab chiqarish korxonasining samaradorligi va raqobatbardoshligini ta‘minlashda asosiy omil hisoblanadi.

Biz tadqiqot olib borgan tikuvchilik sanoatida faoliyat yurituvchi “Milana Textile” MCHJ kabi korxonalar uchun mehnat unumdorligini oshirish mahsulot sifatini yaxshilash, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va bozorda yetakchi o‘rinni egallash imkonini beradi. “Milana Textile” MCHJ kiyim-kechak ishlab chiqarishga ixtisoslashgan bo‘lib, uning faoliyati zamonaviy texnologiyalar, samarali tashkiliy jarayonlar va malakali xodimlarga asoslanadi.

2-jadvalda “Milana Textile” MCHJning 2022–2024-yillardagi mehnat unumdorligi va samaradorligini oshirish uchun qilingan xarajatlar tahlil qilingan.

Korxonaning so‘nggi uch yillik faoliyati tahlili shuni ko‘rsatadiki, “Milana Textile” mehnat unumdorligi va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish bo‘yicha bir qator innovatsion, tashkiliy va tijoriy chora-tadbirlarni amalga oshirgan.

Bundan tashqari, ishlab chiqarish jarayonlarida vaqtni boshqarish tizimini joriy etish orqali har bir operatsiya uchun aniq vaqt me‘yorlari ishlab chiqilishi va ularning bajarilishi monitoring qilinishi lozim. “Milana Textile” MCHJda har bir tikuv liniyasida vaqtni o‘lchash va tahlil qilish uchun maxsus dasturiy ta‘minotlardan foydalanish samaradorlikni oshiradi. Masalan, “Time Tracking” dasturlari yordamida xodimlarning ish faoliyati tahlil qilinadi, samarasiz jarayonlar aniqlanadi va ularni bartaraf etish bo‘yicha choralar ko‘riladi. Shu bilan birga, ishlab chiqarish liniyalarida mahsulot oqimini soddalashtirish maqsadida konveyer tizimlari joriy etilishi mumkin. Bu kesish va tikish jarayonlari o‘rtasidagi material oqimini avtomatlashtirish orqali vaqt yo‘qotishlarini kamaytiradi.

Konveyer tizimlari materiallarning kesish stantsiyasidan tikuv liniyalariga tez yetkazilishini ta‘minlaydi, bu esa ishlab chiqarishda kechikishlarni kamaytiradi. Shu bilan birga, ishlab chiqarish jarayonlarida avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlarini joriy etish orqali jarayonlarning aniqligi va

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

samaradorligi oshiriladi. Masalan, kompyuterlashtirilgan kesish mashinalari matolarni aniq o‘lchamlarda kesib, material isrofgarchiligini kamaytiradi va xodimlarning qo‘lda ishlashga sarflanadigan vaqtini qisqartiradi.

2-jadval

“Milana Textile” MCHJning 2022 –2024-yillardagi mehnat umumdorligi va samaradorligini oshirish uchun qilingan xarajatlar tahlil

№	Innovatsion yo‘nalishlar	O‘lchov birligi	2022-yil	2023-yil	2024-yil	2024-yilni 2022-yilga nisbatan o‘zgarishi	
						+, -	%
1	Texnik yo‘nalish bo‘yicha						
	Yangi texnikani joriy qilish	Ming so‘m	-	-	1 540 000	–	–
2	Tashkiliy yo‘nalish						
	xodimlar sog‘ligini nazorat qilish;	Ming so‘m	12 140	13 500	15 700	3560.0	29.32
	xodimlar malakasini oshirish;	Ming so‘m	7 250	7 700	8 500	1250.0	17.24
3	Tijoriy yo‘nalish						
	bozor tadqiqotlari asosida	Ming so‘m	5 840	52 400	6 400	560.0	9.59
	yangi turdagi maxsulotlarni ishlab chiqarish»;	Ming so‘m	37 760	41 830	48 640	10880.0	28.81
	maxsulotlar to‘g‘risida reklama tadbirlari o‘tkazish	Ming so‘m	-	-	4 980	–	–

Xulosa qilib aytganda, “Milana Textile” MCHJ uchun taklif qilingan tashkiliy va texnik choratadbirlar ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, xarajatlarni kamaytirish va bozorda raqobatbardoshlikni mustahkamlash imkonini beradi. Investitsiyalar taxminan 235,000–370,000 dollarni tashkil qilsa, kutilayotgan yillik foyda 445,000–680,000 dollarga yetadi, bu investitsiyalarni bir yildan kamroq vaqt ichida qoplash imkonini beradi.

Umuman olganda, mehnat unumdorligining o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillarni chuqur tahlil qilish va anglash ishlab chiqarish bilan shug‘ullanuvchi korxonalar va tashkilotlar uchun juda muhim hisoblanadi. Zero, ushbu omillarni aniqlash, ularning mohiyatini tushunish va ularga qarshi samarali choralar ko‘rish orqali korxonalar ishlab chiqarish jarayonlarini yaxshilash, resurslardan oqilona foydalanish, vaqt, mehnat va moliyaviy xarajatlarni optimallashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Tashkiliy, iqtisodiy, texnologik, ijtimoiy va psixologik omillarning uyg‘un birlashishi ishchilarning faoliyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, qulay mehnat muhiti, rag‘batlantirish tizimining mavjudligi, xodimlarning salomatligi va xavfsizligi, shuningdek, ish joyidagi ijtimoiy-psixologik atmosfera xodimlarning ishga munosabati va faoliyat samaradorligini belgilaydi. Shu bilan birga, zamonaviy texnologiyalarni joriy qilish, ish jarayonlarini avtomatlashtirish va malakali kadrlar jalb qilish kabi omillar ham mehnat unumdorligini oshirishga xizmat qiladi.

Aksincha, mehnat unumdorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadigan omillar – bu ishlab chiqarishni noto‘g‘ri tashkil etish, mehnat resurslarining yetarlicha boshqarilmasligi, motivatsiya va nazorat tizimlarining sustligi, noqulay ish sharoitlari va boshqalar – korxonalar faoliyatida salbiy oqibatlar olib keladi. Bunday holatlarda xodimlar o‘rtasida norozilik kuchayadi, ishga bo‘lgan qiziqish pasayadi va bu esa oxir-oqibat umumiy ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarining sustlashuviga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi «2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-60-sonli Farmoni.
2. Stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma‘lumotlari.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 10-yanvardagi “Paxta-to‘qimachilik klasterlari faoliyatini qo‘llab-quvvatlash, to‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini tubdan isloh qilish hamda sohaning eksport salohiyatini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-2 sonli Farmoni.
4. Enright, M (1996) “Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda”, in Staber, U., Schaefer, N. And Sharma, B, (Eds). “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”. Walter de Gruyter, p.190-213.
5. Saidaxmedov, N. (2024). Bandlik beqarorligi (prekarizatsiya) ning nazariy va konseptual asoslari. AndMI Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyalari, 1(1), 332-336.
6. Saidaxmedov, N. (2024). O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlanishda klaster tizimining o‘rni. Interpretation and researches, 2(15), 82-86
7. Saidakhmedov, N. (2023). Private property, small business and private entrepreneurship—under state protection. Scientific progress, 4(2), 319
8. Saidaxmedov, N. (2024). Sanoat klasterlarining shakllanishi va rivojlanishi. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 2(11).
9. Saidaxmedov N.X. Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun kichik klasterlarni tashkil etishning samarali yo‘llari Mashinasozlik ilmiy-texnika jurnali scientific and technical journal (Maxsus son) 2024 yil www.andmiedu.uz

UDK: 336.145

**BOJXONA TO‘LOVLARIDAN BERILADIGAN IMTIYOZLARNING
SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI**

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЬГОТ ПО УПЛАТЕ ТАМОЖЕННЫХ
ПЛАТЕЖЕЙ**

WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF CUSTOMS PAYMENT BENEFITS.

Pardayev To‘lqin Nasirovich,

Bojxona instituti Bojxona to‘lovlari va statistikasi kafedrasini professori, i.f.d.,

Jo‘rayev Jonibek Javliyevich,

Bojxona instituti mustaqil tadqiqodchisi

Usmonov Shaxrizod Erkin o‘g‘li,

Bojxona instituti magistratura tinglovchisi

Annotatsiya

Maqolada O‘zbekiston Respublikasida bojxona sohasida tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlariga bojxona to‘lovlaridan berilayotgan imtiyozlar tizimi tahlil qilingan. Shuningdek, bojxona to‘lovlaridan berilayotgan imtiyozlar tizimi samaradorligini oshirish bo‘yicha istiqbolli yo‘nalishlar, xalqaro tajribalar o‘rganilib, ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: bojxona to‘lovlaridan berilayotgan imtiyozlar, bojxona tizimi, tadbirkorlik subyektlari, tashqi savdo, erkin iqtisodiy zona, xalqaro savdo.

В статье анализируется система таможенных льгот, предоставляемых субъектам внешнеэкономической деятельности в сфере таможенного дела Республики Узбекистан. Изучаются перспективные направления повышения эффективности системы таможенных льгот, международный опыт, разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: льготы по таможенным платежам, таможенная система, субъекты хозяйствования, внешняя торговля, свободная экономическая зона, международная торговля.

The article analyzes the system of customs benefits granted to entities engaged in foreign economic activity in the customs sector of the Republic of Uzbekistan. Also, promising directions for improving the efficiency of the system of customs benefits, international experience are studied, and scientifically based proposals and recommendations are developed.

Key words: benefits from customs fees, customs system, business entities, foreign trade, free economic zone, international trade.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida bojxona tizimi davlat iqtisodiy siyosatining ajralmas tarkibiy qismi hisoblanadi. Xalqaro savdo aloqalari kengayib borayotgan hozirgi davrda bojxona to‘lovlari davlat byudjetini shakllantirishda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, bojxona imtiyozlari iqtisodiyotni rivojlantirish, milliy ishlab chiqaruvchilarni himoya qilish, eksportni rag‘batlantirish va xorijiy investitsiyalarni jalb etishning samarali vositasi sifatida ahamiyat kasb etadi.

Bojxona to‘lovlari mohiyatan davlat tomonidan tashqi iqtisodiy faoliyatni tartibga solish, iqtisodiy xavfsizlikni ta‘minlash va byudjet daromadlarini shakllantirish maqsadida undiriladigan majburiy to‘lovlar tizimidir. Ular fiskal, tartibga soluvchi va rag‘batlantiruvchi funksiyalarni bajaradi. Import va eksport bojlaridan tashqari, bojxona tizimida qo‘shilgan qiymat solig‘i, aksiz solig‘i va bojxona yig‘imlari ham mavjud bo‘lib, ularning barchasi Bojxona kodeksi hamda Soliq kodeksi bilan huquqiy jihatdan tartibga solinadi.

Bojxona imtiyozlari iqtisodiy nazariyada davlat tomonidan iqtisodiy faoliyatni rag‘batlantirish, ishlab chiqarishni rivojlantirish va raqobatbardosh muhit yaratish maqsadida qo‘llaniladigan afzalliklar tizimi sifatida talqin etiladi. Ular import qilinadigan texnologiyalarni olib kirishni osonlashtiradi, eksport hajmini oshiradi va investitsion muhitni yaxshilaydi. Bojxona imtiyozlarining asosiy iqtisodiy zarurati shundan iboratki, ular milliy iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish va yangi ish o‘rinlarini yaratishga xizmat qiladi.

Imtiyozlar samaradorligini oshirish bo‘yicha davlatimiz tomonidan qator ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, 2022-yil 1-noyabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzurida “Imtiyozlarning samaradorligi tahlil qilinishiga bag‘ishlab o‘tkazilgan yig‘ilish”da Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev «So‘nggi yillarda iqtisodiyot tarmoqlariga turtki berish uchun ilgari tariximizda bo‘lmagan imtiyozlarni joriy etishga majbur bo‘ldik. Bugun ulardan natija, saboq, tajriba qanday bo‘ldi, degan savolga javob topish kerak. Byudjetdan ajratilgan har bir so‘mning hisob-kitobini joyiga qo‘yish, imtiyozlarning samaradorligini oshirish zarurligi ta‘kidlab o‘tdi.[1]

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, bojxona to‘lovlaridan imtiyozlar samaradorligini oshirish bo‘yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish hozirgi kunda dolzarb vazifa hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasida bojxona imtiyozlarini qo‘llashning huquqiy asoslari mustahkam me‘yoriy-huquqiy bazaga ega. Bu jarayon, avvalo, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida belgilangan adolatli soliqqa tortish va iqtisodiy faoliyat erkinligi tamoyillariga asoslanadi. Bojxona kodeksi va Soliq kodeksi bojxona imtiyozlarining turlari, ularni berish tartibi va nazorat mexanizmlarini aniq belgilab beradi. Shuningdek, Prezident farmonlari va hukumat qarorlari orqali muayyan sohalar, tarmoqlar yoki investitsion loyihalar doirasida alohida bojxona yengilliklari joriy etiladi. Xalqaro savdo shartnomalari va kelishuvlar ham bojxona imtiyozlarining huquqiy asosini tashkil etadi.

Xorijiy adabiyotlarni o‘rganish davomida iqtisodchi olimlardan ko‘proq soliq va bojxona imtiyozlari jumllariga berilgan nazariy ta‘riflar va ma‘lumotlarga duch keldik, xususan;

Mustaqil davlatlar hamdo‘stligi olimlaridan A.V.Aronov va V.A.Kashin ta‘rificha “soliq imtiyozi bu – jismoniy va yuridik shaxslardan normativ-huquqiy hujjatlarga asosan soliq summasi va

soliq bazasidan chegirma berilishi (ozod etilishi, kechiktirish, soliq krediti, soliq chegirmalari, soliq stavkasini kamaytirish)”. [2]

Imtiyozlar – aniq toifadagi fuqarolar yoki alohida tashkilot, korxonalar, hududlarga taqdim etiladigan qo‘shimcha huquqlar va qulayliklardir. Bunday qulayliklar ko‘proq soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni to‘lashdan hamda barcha uchun umumiy bo‘lgan majburiyatlarni bajarishdan to‘liq yoki qisman ozod qilish shaklida namoyon bo‘ladi. Manzilli (aynan nomiga ko‘ra) imtiyozlar aniq shaxslar yoki tashkilotlarga davlat organlari qaroriga binoan taqdim etiladi.[3]

Olimlar, Rayzberg B.A., Lozovskiy L.Sh., Starodubse Ye.B. tadqiqotlarida, imtiyozlar — aniq toifadagi fuqarolar yoki alohida tashkilot, korxonalar, hududlarga taqdim etiladigan qo‘shimcha huquqlar va qulayliklardir. Bunday qulayliklar ko‘proq soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni to‘lashdan hamda barcha uchun umumiy bo‘lgan majburiyatlarni bajarishdan to‘liq yoki qisman ozod qilish shaklida namoyon bo‘ladi. Manzilli imtiyozlar aniq shaxslar yoki tashkilotlarga davlat organlari tomonidan taqdim etiladi. [4]

L.I.Abalkin — o‘zining "Iqtisodiy ensiklopediya" kitobida, preferensiya (lotinchadan “praeferentia” — “ma’qul ko‘rish, afzal ko‘rish”) davlat tomonidan alohida mamlakatning bir tovari uchun yoki ma’lum bir mamlakatning barcha tovarlari uchun belgilangan maxsus imtiyozli (yoki afzal) import bojlari sifatida belgilanadi, ular boshqa mamlakatlarning tovarlariga taalluqli bo‘lmaydi. [5]

Tahlillar bo‘yicha xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, yuqoridagi bojxona imtiyozlari ta’riflaridan shuni ko‘rishimiz mumkinki, xorijiy tadqiqotchilar tomonidan bojxona imtiyozlari asosan soliq, moliya sohalar ichiga kirib ketishi va imtiyozlarga umumiyroq tariflar berilgan.

Shuningdek, ular asosan import va eksport tovar va xizmatlarga nisbatan taalluqlidir. Mahalliy tadqiqotchilarimiz tomonidan bildirilgan ta’riflar bojxona imtiyozlariga nisbatan qo‘llanilib, asosan afzallik sifatida ko‘rsatilgan. Mualliflik ta’rifida bojxona imtiyozlarini imkoniyat sifatida ko‘rsatganmiz. Bundan ko‘rsatilgan maqsad tadbirkor tomonidan imkoniyatdan to‘g‘ri foydalanilishi uning belgilangan talablarga rioya etishi ya’ni qo‘llanilgan imtiyozning maqsadli foydalanilishi bilan bog‘liq. Mazkur tovarlardan boshqa maqsadlarda foydalanilganda, qo‘llanilgan bojxona imtiyozlari bekor qilinib, bojxona to‘lovlari to‘lash majburiyati qayta tiklanilishi nazarda tutilgan.

Bojxona organlari tomonidan fiskal vazifalarni amalga oshirishning samarali usullari ishlab chiqildi.Natijada undiriladigan bojxona to‘lovlari ko‘payib, bojxona to‘lovlaridan imtiyozlar berish takomillashmoqda. Bojxona organlari tomonidan 2024-yil davomida jami 115,7 trln. so‘m (100%) miqdorida bojxona to‘lovlari hisoblangan.

Shundan, 63,1 trln. so‘m (54,5%) bojxona to‘lovlari davlat byudjetiga o‘tkazilgan, 52,6 trln. so‘m (45,5%) bojxona to‘lovlaridan imtiyozlar berilgan. Ushbu ko‘rsatkichlar 2018-yilda jami 60,27 trln. so‘m (100%) miqdorida bojxona to‘lovlari hisoblangan. Shundan, 11,5 trln. so‘m (19,1%) bojxona to‘lovlari davlat byudjetiga o‘tkazilgan, 48,77 trln. so‘m (80,9%) bojxona to‘lovlaridan imtiyozlar berilgan.

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasi bojxona organlari tomonidan 2018-2024- yillarda hisoblangan, Davlat byudjetiga o‘tkazilgan bojxona to‘lovlari va ulardan berilgan imtiyozlar tahlili


№	Yillar	Hisoblangan mablag‘lar (trln. so‘m)	Berilgan imtiyoz (trln. so‘m)	Davlat byudjetiga o‘tkazilgan bojxona to‘lovlari (trln. so‘m)
1	2018	60,27	48,77	11,50
2	2019	76,88	59,75	17,13
3	2020	65,48	40,76	24,72
4	2021	71,38	38,15	33,23
5	2022	102,52	56,50	46,02
6	2023	115,74	57,36	58,38
7	2024	115,70	52,60	63,10

Manba: Muallif ishlanmasi

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

2024-yilga kelib, hisoblangan bojxona to‘lovlari 1,9 barobarga va davlat byudjetiga o‘tkazilgan bojxona to‘lovlari 5,5 va bojxona to‘lovlaridan berilgan imtiyozlar 1,1 barobarga ko‘paygan. Yuqoridagi ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki, hisoblangan bojxona to‘lovlari tarkibida, davlat byudjetiga o‘tkazilgan bojxona to‘lovlari miqdori ko‘payib, bojxona to‘lovlaridan berilgan imtiyozlar kamayib bormoqda.

Qo‘llanilgan imtiyozlar Bojxona kodeksining 296-moddasiga asosan imtiyoz turlari kesimida tahlil qilinganda, bojxona bojidan 33,4 mlrd yoki jami imtiyozlarning 63,4 %, aksiz solig‘i 204,7 mln yoki 3,9%, qo‘shilgan qiymat solig‘idan 18,9 mlrd yoki 35,9 % hamda bojxona yig‘imi 13,1 mln yoki 2,4% miqdorida imtiyozlar qo‘llanilgan (1-rasm).



1-rasm. O‘zbekiston Respublikasi bojxona organlari tomonidan 2021-2024-yillar davomida bojxona to‘lovlari turlaridan qo‘llanilgan imtiyozlar tahlili (mln so‘mda)

Manba: Muallif ishlanmasi

Imtiyozlarni taqdim etuvchi normativ huquqiy-hujjatlarni tahlil qilishimiz davomida ularni guruhlarga bo‘lgan holda o‘rganib chiqildi. Bundan ko‘rinib turibdiki bugungi kundagi eng ko‘p imtiyoz hujjati O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari asosida berilmoqda, ayniqsa bunda bojxona bojidan berilayotgan imtiyozlarning o‘rni keskin oshib bormoqda.

2-jadval

Bojxona to‘lovlaridan imtiyoz berish nazarda tutilgan normativ-huquqiy hujjatlarning tahlili.(Dona, 2024-yil)

Imtiyoz qo‘llanilgan to‘lov turi	Normativ huquqiy hujjatlar soni	O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni soni	O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori soni	O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Qarori soni	O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Farmoyishi soni
Bojxona boji	50	8	36	2	4
Bojxona boji va aksiz solig‘i	40	6	24	8	2
Bojxona boji aksiz solig‘i va QQS	82	3	61	11	7
Boshqa to‘lovlar	4	1	1	1	1

Manba: Muallif ishlanmasi

Bojxona auditi va xavfni boshqarish tizimlarini amaliyotga joriy etish mexanizmlari yaratildi. Bojxona rasmiylashtiruv jarayonida tovarlarga tegishli hujjatlarni taqdim etishning soddalashtirilgan usullari ishlab chiqildi.

Endi tovarlar rasmiylashtiruv jarayonida bojxona organlarining “Xavflarni boshqarish” axborot tizimi yashil, sariq, qizil va ko‘k yo‘laklar kesimida tovar, transport vositalari, shaxslarning xavf darajalari hamda ularga nisbatan qo‘llanadigan bojxona nazorati shakllari va hajmini belgilaydi.

O‘zbekistonda tovar, transport vositalari, shaxslarning xavf darajalariga ko‘ra bojxona nazorati shakllari qo‘llanilmoqda. Bu bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning joriy yil 25-mart kuni “Davlat bojxona xizmati organlarining faoliyatini tashkil etish va bojxona ma‘muriyatchiligini yanada takomillashtirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi PQ-122-son Qarori qabul qilindi. Qarorga asosan, tovarlar rasmiylashtiruv jarayonida bojxona organlarining “Xavflarni boshqarish” axborot tizimi quyidagi yo‘laklar kesimida tovar, transport vositalari, shaxslarning xavf darajalari hamda ularga nisbatan qo‘llaniladigan bojxona nazorati shakllari va hajmini belgilaydi:

-Yashil yo‘lakda xavf darajasi past belgilanadi va bojxona nazorati shakllari qo‘llanilmaydi (tovarlar chiqarib yuborilganidan keyingi bojxona nazorati bundan mustasno). Bunda “yashil” yo‘lakka yo‘naltirilgan tovarlar avtomatik tarzda rasmiylashtiriladi;

-sariq yo‘lakda xavf darajasi o‘rta belgilanadi va bojxona nazoratining bir yoki bir nechta shakllari qo‘llaniladi (bojxona va shaxsiy ko‘rik bundan mustasno);

-qizil yo‘lakda xavf darajasi yuqori belgilanadi va bojxona nazoratining bir yoki bir nechta shakllari qo‘llaniladi;

-ko‘k yo‘lakda bojxona nazorati shakllari tovar va transport vositalari chiqarib yuborilgandan so‘ng amalga oshiriladi.

2025-yil 1-oktyabrdan tovarlarni olib kirish, olib chiqish va tranzit olib o‘tish bo‘yicha barcha sertifikat, xulosa va ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlar faqat “Yagona darcha” bojxona axborot tizimi orqali rasmiylashtiriladi.

2026-yil 1-sentyabrdan Bojxona qo‘mitasi tomonidan tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirishda barcha ishtirokchilar uchun qulay bo‘lgan tartibotlarni, shu jumladan, logistika xizmatlarini o‘z ichiga olgan axborot platformasi joriy etiladi.

Bundan tashqari, logistika uchun qulay chegara o‘tkazish punktlariga yondosh hududlarda bojxona terminallari quriladi.

Shuningdek, aynan bir xil tovarlarga bir tashqi savdo shartnomasi (kontrakti) doirasida fitosanitar xavfi past bo‘lgan karantin ostidagi mahsulotlar uchun karantin ruxsatnomalari, o‘simlik va hayvonot dunyosi obyektlarini, ozon yemiruvchi moddalar va ulardan tashkil topgan mahsulotlarni olib kirish hamda olib chiqish uchun veterinar ruxsatnomalar, muvofiqlik sertifikati, gigiyenik va ekologik sertifikatlar 1 kalendar yildan oshmagan muddatga 1 marotaba taqdim etiladi.

Yuqoridagi tahlillar va o‘rganilgan ilmiy tadqiqot ishlari va xorijiy mamlakatlar tajribalari natijasida bojxona to‘lovlaridan beriladigan imtiyozlar samaradorligini oshirish va ularni qo‘llashni optimallashtirish bo‘yicha quyidagi taklif etiladi.

- Biror loyihani amalga oshirish uchun (xizmat sohasi bo‘ladimi yoki qurilish bo‘ladimi) alohida imtiyozlardan eng kam miqdordalarda foydalangan holda bajara olish qobiliyatiga ega bo‘lgan barcha TIF qatnashchilari orasida sog‘lom va shaffof raqobat muhiti orqali bojxona to‘lovlaridan imtiyozlarga ega bo‘lishning auksion tizimi joriy etish maqsadga muvofiq.

Buning natijasida joriy vaqt mobaynida O‘zbekistonda qaysi tovarlar savdosi yoki xizmatlar sohasida tadbirkorlik qilishdagi imtiyozlardan foydalanish imkoniyatlari mavjudligi to‘g‘risida axborot olish imkonini beradi. Shu o‘rinda parallel ravishda berilgan imtiyozlardan maqsadli foydalanish davrini aniq belgilab qo‘yish lozim va ma‘lum davr yakuni bo‘yicha belgilangan rejani yoki loyihani bajara olmagan TIF subyektlariga, qo‘llanilgan imtiyoz summalarini undirishni nazarda tutuvchi tartibni va keyingi holatlarda bunday imkoniyat berilmasligini nazarda tutuvchi normani belgilab qo‘yish tizimini joriy qilish.

— Imtiyozlarining byudjet samaradorligini baholash metodikasini ishlab chiqish va ularning tahlilini amalga oshirish asosida ulardan foydalanish samaradorligini baholash mumkin. Samaradorlik ko‘rsatkichi samarasiz imtiyozlarni bekor qilishga zamin yaratadi.

— Import tovarlariga nisbatan boj va soliqlardan ozod etish nazarda tutilgan ayrim qonunchilik normalari ba’zi TIF subyektlari tomonidan turlicha talqin etilishini oldini olish maqsadida imtiyoz nazarda tutilgan qonunchilik normalarida bojxona to‘lovlari umumiy nomda emas, imtiyoz nazarda tutilgan boj va soliqlarning, shuningdek bojxona yig‘imlarini aniq nomi bilan aks ettirilishi lozim.

o‘jxona sohasida tadbirkorlarga yaratilayotgan qulayliklar va berilayotgan imtiyozlar tizimi bo‘yicha Xulosa qilib aytganda, yuqoridagilarni inobatga olib, bojxona to‘lovlaridan berilayotgan imtiyozlar bo‘yicha me‘yoriy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish bojxona to‘lovlaridan beriladigan imtiyozlar samaradorligini oshirishga xizmat qilib, bojxona to‘lovlarini yig‘iluvchanligini yanada oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2022-yil 1-noyabrda “Imtiyozlarning samaradorligi tahlil qilinishiga bag‘ishlab o‘tkazilgan yig‘ilish”dagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/5658>
2. Aronov A.V., Kashin V.A. “Nalogi i nalogooblojeniye: Uchebnoye posobiye”—M.: Magistr. 2007 – 52 s.
3. “Biznes atamaları bo‘yicha lug‘atlar”. Akademik.ru. 2001. (2017-yil 24-oktyabr holatiga).
4. Rayzberg B.A., Lozovskiy L.Sh., Starodubse Ye.B. “Zamonaviy iqtisodiy atamalar lug‘ati”// Современный экономический словарь – Айрис-пресс, 2008-yil. 189 b.
5. Абалкин Л.И. Экономическая энциклопедия. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 2015. – 1055 с.

UDK: 334.027

EFFICIENT UTILIZATION OF DIGITALIZATION TO ENHANCE PRODUCTIVITY IN UZBEKISTAN’S ENTERPRISES

O‘ZBEKISTON KORXONALARIDA SAMARADORILIKNI OSHIRISH UCHUN RAQAMLANTIRISHDAN SAMARALI FOYDALANISH

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Alisher Abdukhalilovich Eraliev,
Assistant Professor, Department of Economics,
Andijan State Institute

Abstract

This article explores the role of digitalization as a key driver of labor productivity growth in Uzbekistan’s enterprises. It analyzes the current state of the country’s digital transformation, identifies major challenges, and highlights potential benefits. Special attention is given to the practical implementation of digital technologies such as CRM, ERP systems, the Industrial Internet of Things (IIoT), and big data analytics in the real sector of the economy. Strategic directions and recommendations are proposed for enterprises to effectively integrate digital solutions aimed at boosting competitiveness and accessing new markets.

Keywords: digitalization, labor productivity, Industrial Internet of Things (IIoT), big data, CRM, ERP, digital transformation, competitiveness, efficiency, automation.

Ushbu maqolada O‘zbekiston korxonalarida unumdorlik o‘shining asosiy omili sifatida raqamlashtirishning roli o‘rganiladi. Unda mamlakatdagi raqamli transformatsiyaning hozirgi holati tahlil qilinadi, asosiy muammolar aniqlanadi va potentsial foydalar ta’kidlanadi. Iqtisodiyotning real sektorida CRM, ERP tizimlari, Sanoat buyumlari interneti (IIoT) va katta ma’lumotlar tahlili kabi raqamli texnologiyalarni amaliy qo‘llashga alohida e’tibor qaratiladi. Raqobatbardoshlikni oshirish va yangi bozorlarga chiqishga qaratilgan raqamli yechimlarni samarali integratsiyalash bo‘yicha korxonalar uchun strategik yo‘nalishlar va tavsiyalar taklif etiladi.

Kalit so‘zlar: raqamlashtirish, mehnat unumdorligi, Sanoat buyumlari interneti (IIoT), katta ma’lumotlar, CRM, ERP, raqamli transformatsiya, raqobatbardoshlik, samaradorlik, avtomatlashtirish.

В данной статье рассматривается роль цифровизации как ключевого фактора роста производительности труда на предприятиях Узбекистана. Анализируется текущее состояние цифровой трансформации в стране, выявляются основные проблемы и отмечаются потенциальные преимущества. Особое внимание уделяется практическому внедрению цифровых технологий, таких как CRM, ERP-системы, промышленный интернет вещей (IIoT) и аналитика больших данных, в реальном секторе экономики. Предлагаются стратегические направления и рекомендации для предприятий по эффективной интеграции цифровых решений, направленных на повышение конкурентоспособности и выход на новые рынки.

Ключевые слова: цифровизация, производительность труда, промышленный интернет вещей (IIoT), большие данные, CRM, ERP, цифровая трансформация, конкурентоспособность, эффективность, автоматизация.

The modern global economy is marked by the rapid advancement of digital technologies, fundamentally reshaping traditional business processes and management models. As noted by renowned digital economy researcher Andrew McAfee, we live in an era of “machines, platforms, and crowds,” where digital assets have become a core factor of production [1]. Digitalization is no longer optional—it is a prerequisite for survival and sustainable development in a highly competitive environment. For Uzbekistan, which is undergoing active economic reforms and industrial modernization, the effective use of digital tools is among the most pressing priorities.

Improving labor productivity is a central challenge for domestic enterprises. Productivity growth directly affects production costs, product quality, and ultimately competitiveness in both domestic and international markets. In this context, digitalization offers a comprehensive toolkit for optimizing every link in the value chain—from raw material procurement and production management to logistics and sales.

The purpose of this article is to examine the pathways and methods for effectively implementing digital technologies in Uzbek enterprises to significantly enhance productivity. It also aims to identify existing barriers and propose solutions, drawing on expert opinions and academic research in the field.

The relevance of digitalization for productivity enhancement in Uzbekistan is driven by several key factors:

1. **National Development Strategy.** In recent years, the government of Uzbekistan has launched large-scale programs aimed at digital transformation of the economy. Key policy documents include the “Digital Uzbekistan 2030” Strategy and the Presidential Decree “On Measures for Further Digitalization of Public Administration, Economic Sectors, and the Social Sphere.” These initiatives provide strong administrative and infrastructural momentum that enterprises must leverage effectively. Scholars from Tashkent State University of Economics, notably Prof. H.H. Ismailov, emphasize that the success of these programs depends on their adaptation at the micro level—within individual enterprises [2].

2. **Need for Enhanced Competitiveness.** Uzbekistan’s accession to the WTO and deeper integration into the global economy require domestic producers to meet international standards of quality and efficiency. Enterprises that continue to operate using outdated, non-automated systems

risk losing in the competitive race. Russian economist A.Yu. Yudanov notes that in today’s environment, technological leadership is a decisive factor in gaining competitive advantage [3].

3. Untapped Internal Growth Reserves. Many enterprises, especially in manufacturing, agriculture, and textiles, still possess significant potential for optimization. Manual labor, weak interdepartmental coordination, and lack of systematic data analysis lead to losses, downtime, and high-cost production. Digitalization can unlock these internal reserves. Research by Sh.T. Karimov and colleagues from Uzbekistan’s National Research University shows that automating even basic accounting operations in small enterprises can free up to 20% of employee working time [4].

4. Shortage of Skilled Labor and Migration. Digital technologies can partially offset the effects of labor migration. As Klaus Schwab, founder of the World Economic Forum, notes in his book *The Fourth Industrial Revolution*, automation and digitalization are transforming the nature of work—shifting the focus from physical execution to managing and controlling complex systems [5].

5. Technology Accessibility. Today, even small and medium-sized businesses have access to cloud-based solutions (SaaS) that do not require large upfront investments in IT infrastructure. This enables gradual, modular implementation of digital tools.

Thus, effective digitalization is not just a technical upgrade, but a strategic imperative for Uzbek enterprises, determining their long-term sustainability and success. In the context of globalization and Uzbekistan's accession to the WTO, competition is intensifying not only internationally but also domestically. Companies that implement digital technologies to analyze data, automate processes, and access new markets through digital channels gain a decisive advantage in speed, service quality, and cost effectiveness.

Thus, effective digitalization is not merely a technical upgrade—it is a strategic imperative for Uzbek enterprises, determining their long-term resilience and success.

In Uzbekistan’s real sector, the most impactful areas of digital transformation include:

1. Implementation of ERP and CRM Systems. ERP systems integrate all business processes into a unified information space, eliminating “information gaps” between departments and automating accounting and planning. Classic works by T. Davenport on business process reengineering demonstrate that integration—not just automation of isolated functions—yields the greatest productivity gains [6].

CRM systems automate customer relationship management. According to studies cited by Prof. B. Mirzaev, CRM implementation in Uzbek service companies increased customer loyalty by 15–20% through personalized engagement [7].



Figure 1. Strategic framework for Digital transformation in Uzbekistan

2. Use of IIoT and Big Data Analytics. Installing sensors on equipment enables real-time monitoring of operational status. German scholar H. Kagermann, in his “Industry 4.0” model, identifies cyber-physical systems as the foundation for creating “smart factories,” where physical processes are mirrored in virtual environments for optimal decision-making [8].

Big data analytics reveals hidden patterns. V. Mayer-Schönberger and K. Cukier, in their book *Big Data*, argue that the ability to analyze massive datasets shifts decision-making from hypothesis-driven to data-driven paradigms [9].

3. Automation and Robotics in Production. Deploying industrial robots is especially relevant for sectors with high volumes of repetitive tasks. This not only increases speed and precision but also frees up human resources.

4. Digital Platforms and E-Commerce. Developing proprietary online platforms allows enterprises to access new markets. Researcher J. Parker, in *Platform Revolution*, illustrates how platform-based business models disrupt traditional value chains [10].

As a final conclusion on the above points, it can be said that digitalization serves as a powerful catalyst for a qualitative leap in productivity across Uzbekistan’s enterprises. However, its success depends on a holistic approach—encompassing not only technology acquisition but also leadership mindset transformation, investment in employee digital literacy, cybersecurity development, and business process adaptation to new capabilities.

The state’s key role lies in further developing digital infrastructure and creating favorable regulatory and fiscal conditions to encourage technological investment.

The development of a competitive digital economy in Uzbekistan requires more than simply adapting to global trends—it calls for the creation of a distinct national model built on synergy between the state, business, and educational institutions. Supported by academic research in digital economics, this tripartite collaboration has the potential to drive sustainable productivity growth and technological renewal across the real sector.

The state must act as the architect of the digital ecosystem, formulating long-term strategies such as “Digital Uzbekistan 2030” and adapting the legal framework to meet the demands of the digital environment. This includes advancing regulatory mechanisms for e-commerce, ensuring data protection, and introducing “regulatory sandboxes” to test innovative solutions. At the same time, infrastructure development is essential—expanding broadband internet access, building data centers, and digitizing public services to reduce administrative barriers and stimulate business activity.

Educational and scientific institutions play a critical role in preparing talent and generating knowledge. Academic programs must be modernized to emphasize interdisciplinary approaches that combine IT competencies—such as programming and data analysis—with sector-specific disciplines like digital marketing, agrotechnology, and financial technologies. Research institutions, in collaboration with industry, should focus on applied research: analyzing sectoral data, developing AI algorithms tailored to local markets, and assessing the socio-economic impact of digitalization.

It is precisely at the intersection of strategic governance, entrepreneurial initiative, and scientific potential that Uzbekistan’s unique digital economy model will emerge. This model will reflect national characteristics, leverage competitive advantages—such as those in agribusiness and green energy—and enable not just catch-up development, but the creation of original growth points within the global digital landscape.

List of references:

1. McAfee, A. (2014). *Machines, Platforms, and Crowds*. Norton.
2. Ismailov, H.H. (2021). Digital Transformation in Uzbekistan. *Tashkent State Economic University Journal*.
3. Yudanov, A.Yu. (2019). *Competitiveness in the Digital Age*. Moscow: INFRA-M.
4. Karimov, Sh.T., et al. (2022). Automation in SMEs. *National Research University of Uzbekistan*.
5. Schwab, K. (2016). *The Fourth Industrial Revolution*. World Economic Forum.
6. Davenport, T.H. (1993). *Process Innovation*. Harvard Business School Press.
7. Mirzaev, B. (2020). CRM Implementation in Uzbek Service Firms. *Economic Review Uzbekistan*.
8. Kagermann, H. (2013). Industry 4.0: Smart Manufacturing. *Acatech Position Paper*.
9. Mayer-Schönberger, V., & Cukier, K. (2013). *Big Data*. Houghton Mifflin Harcourt.
10. Parker, G., Van Alstyne, M., & Choudary, S. (2016). *Platform Revolution*. Norton.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ: ХРОНОЛОГИК ЁНДАШУВ

СТАНОВЛЕНИЕ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИСЛАМСКОЙ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ
В УЗБЕКИСТАНЕ: ХРОНОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД

FORMATION AND STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ISLAMIC FINANCIAL
SYSTEM IN UZBEKISTAN: CHRONOLOGICAL APPROACH

Сохибназаров Абдурашид Абдувоҳидович
ЎзМУ таянч докторанти

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда исломий молия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари хронологик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, исломий молия йўлидаги мамлакат тажрибаси иқтисодий ривожланиш назарияси ва институционал иқтисодиёт тамойиллари доирасида баҳоланиб, тартибга солиш кетма-кетлиги ҳамда ташқи молиявий ҳамкорликнинг аҳамияти ёритилади. Жумладан, тадқиқотда эмпирик маълумотлар, сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда илмий манбалар таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда исломий молия ривожининг мантиқий ва назарий асосланган манзараси яратилади.

Калит сўзлар: ислом молияси, молиявий ривожланиш, институционал иқтисодиёт, Шариат талабларига мувофиқ банк, сукук, тартибга солиш, микромолия, иқтисодий диверсификация.

В данной статье анализируются этапы становления и развития исламской финансовой системы в Узбекистане в хронологическом порядке, оценивается опыт страны в области исламских финансов в рамках теории экономического развития и принципов институциональной экономики, а также освещаются последовательность регулирования и значение внешнего финансового сотрудничества. В частности, в исследовании анализируются эмпирические данные, политико-правовые документы и научные источники для создания логичной и теоретически обоснованной картины развития исламских финансов в Узбекистане.

Ключевые слова: исламские финансы, финансовое развитие, институциональная экономика, шариатский банкинг, сукук, регулирование, микрофинансирование, экономическая диверсификация.

This article analyzes the formation and development stages of the Islamic financial system in Uzbekistan from a chronological perspective, evaluates the country's experience in Islamic finance within the framework of the theory of economic development and the principles of institutional economics, and highlights the sequence of regulation and the importance of external financial cooperation. In particular, the study analyzes empirical data, political and legal documents, and scientific sources to create a logical and theoretically based picture of the development of Islamic finance in Uzbekistan.

Keywords: Islamic finance, financial development, institutional economics, Sharia-compliant banking, sukuk, regulation, microfinance, economic diversification.

Ўзбекистонда исломий молия тизими 1991 йилда мустақилликка эришилгандан сўнг босқичма-босқич шаклланиб, миллий молия тизимида Шариатга мувофиқ молиявий воситалар ҳуқуқий ёки институционал асосга эга бўлмаган айрим ташаббуслар орқали пайдо бўла бошлади. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон тажриба сифатидаги кичик турдаги “пилот” лойиҳаларидан бошлаб, исломий молияни миллий иқтисодий стратегияга

интеграциялашган тизимли ислохотлар босқичига ўтди. Хусусан, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” [1], деган фикрларнинг билдириб ўтилиши мамлакат молия тизимининг бугунги ривожланиш босқичида ислом молия тизимини амалиётга самарали жорий этиш йўналишларини аниқлаш зруриятини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Нормуродов “Бизда ислом молиясини ривожлантириш бўйича ишлар бошланган. 14 банкда ислом молияси дарчаларини ташкил этиш бўйича ишлар амалга ошириляпти. Яъни бунда ислом молияси асосида кредит, депозитлар амалга оширилади. ... Ислом молиясини кенг амалга оширишга молия кредит ташкилотларига қонун доирасида рухсат беряпмиз. Бунда, албатта, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишляпмиз. Яна бир нарсани таъкидлаш ўринли, ислом молиясини ривожлантириш учун фатво берадиган мусулмон идораси ҳам керак экан” [2], деган фикрларни билдирганлиги мамлакатда ислом молиясига асосланган банкчилик хизматларини ривожлантиришга қаратилган ишлар бошланганлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда, Илом тараққиёт банки томонидан “Ўзбекистонда ислом банкини ва молияси норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, мамлакатда ислом молиялаштириш механизмларини жорий этиш, Ислом халқаро академияси негизида ислом тараққиётининг “ақли” синфини яратиш” [3] мақсадида техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилаётганлиги кейинги йилларда мамлакатда исломий молия тамойилларига асосланган молиявий хизматлар кўрсатиш тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш масалалари ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистонда исломий молия тизимининг ривожланиши, хусусан, иқтисодий ислохотлар ва молиявий инклюзивлик контекстида, олимлар томонидан тобора ортиб бораётган эътиборни жалб қилмоқда. Дастлабки тадқиқотлар Шариатга мувофиқ молиявий воситаларни жорий этишдаги ҳуқуқий ва институционал тўсиқларга эътибор қаратган. Масалан, Хасанов (2023) Ўзбекистонда исломий микромолиянинг ривожланишига ҳалақит берувчи тартибга солиш бўшлиқларини таҳлил қилиб, ҳуқуқий меъёрларни уйғунлаштириш заруратини таъкидлаган. [4] Абдужабборов ва Закирова (2024) эса Ўзбекистонда исломий молия истикболлари, академик муассасалар ва жамоатчиликни хабардор қилиш кампанияларининг ролини ўрганган. [5] Шу билан бир қаторда, қиёсий тадқиқотлар ҳам адабиётларни янада бойитган. Жалил (2025) исломий молияни ноисломий иқтисодиётларга жорий этиш бўйича глобал моделларни таҳлил қилиб, Ўзбекистон мисолини Малайзия ва Баҳрайн билан солиштирган. [6] Абсаматов (2024) Ўзбекистонда исломий банк хизматларини амалга оширишни баҳолаб, бозор тайёргарлигини статистик ва кейс-стади усуллари орқали таҳлил қилган. [7] Ахмаджонов (2025) эса исломий молияни кенгайтиришда тартибга солишнинг аниқлиги ва Шариат бошқарувининг аҳамиятини таъкидлаган. [8]

Марказий Осиё минтақасида исломий молияга оид макро-таҳлил Эуроосиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки институти (2025) томонидан амалга оширилган бўлиб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистондаги тенденцияларни ёритган. [9] Нагаев ИКАМнинг мамлакат ҳисоботида (2022) Марказий Осиё ва Россия контекстида исломий молия тизими умумий муаммоларини, жумладан, малакали кадр етишмовчилиги ва ҳуқуқий номувофиқликларни аниқлаган. [10] Бошқа эътиборга молик тадқиқотлар қуйидагиларни ўз ичига олади: Ўзбекистонда исломий капитал бозорларига оид Эмералд тадқиқоти, қонунчилик тайёргарлиги ва инвестор талабини баҳолаган. [11] Қаюмова томонидан Иман Инвестмент МЧЖнинг институционал таҳлили, унинг ривожланиш йўли кузатилган. [12] Марказий Осиёда исломий молия бўйича ЭАБР ҳисоботида минтақавий актив ҳажмлари ва демографик салоҳият миқдорий жиҳатдан таҳлил қилинган. [13] Ушбу тадқиқотларнинг барчаси ҳуқуқий ислохотлар, институционал салоҳият ва минтақавий ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, улар Ўзбекистоннинг исломий молияга секин, лекин онгли тарзда кириб келган ноёб мавқеини ва катта ривожланиш салоҳиятини таъкидлайди. Тадқиқот жараёнида тизимли, хронологик, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантикийлик, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция,

эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган. Тарихий ривожланиш ва институционал кетма-кетлик нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда исломий молия алоҳида босқичларда ривожланди. Дастлабки босқич 1992–2000 йилларни ўз ичига олиб, унда исломий молия институтлари ва инструментларини ташкил этишга уринишлар билан характерланиб, ҳуқуқий қўллаб-қувватловсиз ва дастакларсиз бўлганлиги сабабли қисқа муддатли бўлган. Иккинчи босқич 2000–2018 йилларни қамраб олиб, минимал фаолият билан тавсифланган, исломий молия миллий иқтисодий сиёсатда деярли мавжуд бўлмаган. Учинчи босқич 2018–2022 йиллардаги ишларни назарда тутиб, стратегик ислохотлар жорий қилинди, жумладан Ислом тараққиёт банки гуруҳи билан билан ҳамкорлик кўлами янада кенгайтирилди. Шу билан бир қаторда, жуда муҳим бўлган қадамлар ташланиб, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолият тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун орқали исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш имконияти яратилди. Ҳозирги босқич, яъни 2023 йилдан бошлаб айна дамда амалга оширилаётган ислохотларни қамраб олади. Ушбу даврда исломий молия институтларини яратишга қаратилган бўлиб, исломий банкларни лицензиялаш, Шариат кенгашларини ташкил этиш ва исломий молияни миллий ривожланиш стратегияларига интеграция қилишга уринишлар билан ўзига хос хусусият касб этмоқда.

Ҳуқуқий ва тартибга солиш базаси нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда исломий молия учун ҳуқуқий асос ҳали ривожланиш жараёнида, хусусан 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни исломий молияга оид хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ рухсат этган биринчи ҳужжат бўлди. Шу билан бирга, исломий банк фаолияти учун кенг қамровли қонунчилик ҳали қабул қилинмаганлигини, бироқ халқаро экспертлар кўмагида Марказий банк томонидан тартибга солиш стандартларини ишлаб чиқишга киришилган бўлиб, Шариатга мувофиқ мослик ва изчилликни таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда қабул қилиш учун парламентга тақдим қилинган.

Иқтисодий таъсир ва ривожланиш салоҳияти жиҳатидан, исломий молия молиявий инклюзивликни ошириш имкониятига эга, айниқса анъанавий банк хизматлари чекланган кишлоқ ҳудудларида алоҳида аҳамият касб этади. “Такафул” ва “ҳалол ижара” каби молиявий маҳсулот турлари кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда кишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаши мумкин. Исломий молиянинг ахлоқий тамойиллари Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш ва яшил инвестициялар мақсадлари билан уйғунлашади. Бироқ, мустақкам ҳуқуқий базаси ва жамоатчилик хабардорлигисиз, бозор қамрови чекланган бўлиб қолиши эҳтимоли юқори.

Бугунги кунда исломий молияни тадрижий ривожланишини таҳлил қилиш орқали куйидаги муаммо ва чекловлар мавжудлиги аниқланди, хусусан:

- Исломий банк фаолияти бўйича кенг қамровли қонунчиликнинг йўқлиги;
- Жамоатчиликнинг мазкур йўналишдаги хабардорлиги ва молиявий саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги;
- Соҳада малакали олимлар ва кадрлар етишмаслиги;
- Стандартлаштирилган тартибга солиш амалиётларининг йўқлиги;
- Ҳозиргача суверен сукук чиқарилмаганлиги.

Ушбу муаммо ва чекловларни бартараф этиш учун мувофиқлаштирилган иқтисодий сиёсат, мавжуд салоҳиятни ошириш ташаббуслари ва халқаро ҳамкорлик зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда исломий молиянинг хронологик ривожланиши молиявий диверсификация ва ахлоқий банк тизимига қараб босқичма-босқич, лекин онгли институционал ўзгаришларни акс эттиради. 1992-йилда Таиба банкнинг дастлабки, ҳуқуқий ва институционал қўллаб-қувватловсиз тажрибасидан бошлаб, 2020-йиллардаги тизимли ислохотларгача бўлган жараён Ўзбекистоннинг ислом молиясини мавжуд ҳуқуқий ва иқтисодий тизимга интеграция қилишдаги мураккаблиklarини намоён қилади. Таҳлил шуни кўрсатадики, асосий қадамларга эришилган - масалан, исломий микромолиянинг ҳуқуқий тан олинishi ва халқаро ҳамкорлар билан алоқалар, бироқ тўлиқ қонунчилик базаси, бозор кенгайishi ва жамоатчилик хабардорлиги ҳали чекланган.

Ўзбекистонда исломий молияни ривожлантириш учун бир қатор таклифлар илгари сурилиши лозим, хусусан:

ягона исломий банкчилик қонунини ишлаб чиқиши ва қабул қилишни тезлаштириш;
регуляторлар, молия мутахассислари ва олимларни исломий молия тамойиллари бўйича тайёрлаш учун салоҳиятни ошириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш;
жамоатчиликни хабардор қилиш, исломий молия хизматларига оди тарғибот кампанияларини йўлга қўйиш;

инфратузилма ва яшил энергия лойиҳаларини молиялаштириш учун суверен сукукларни чиқариш бўйича пилот дастурлар амалга ошириш;

Ислом тараққиёт банки каби институтлар билан минтақавий ҳамкорлик чуқурлаштириб, энг яхши амалиётлар алмашинуви ва стандартларни уйғунлаштиришни йўлга қўйиш зарур.

Ушбу чоралар Ўзбекистонни глобал исломий молия бозорида ишончли ва рақобатбардош ўйинчи сифатида позициялашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29.12.2020 й. [Электрон манба] URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Мамамирзо Нормуродов Ўзбекистондаги тижорат банкларида ислом молияси дарчалари қачон иш бошлашини маълум қилди. 26.10.2021 й. <https://daryo.uz/k/2021/10/26/mamarizo-nurmurodov-ozbekistondagi-tijorat-banklarida-islom-moliyasi-darchalari-qachon-ish-boshlashini-malum-qildi>
3. Islom taraqqiyot banki O‘zbekiston qishloqlaridagi sharoitni yaxshilashga 200 mln dollarlik kredit ajratdi. 09.06.2021 й. <https://daryo.uz/2021/09/06/islom-taraqqiyot-banki-ozbekiston-qishloqlaridagi-sharoitni-yaxshilashga-200-mln-dollarlik-kredit-ajratadi/>
4. Khasanov, Shukhrat. “Islamic Finance in Uzbekistan: Legal and Institutional Developments.” *International Journal of Shariah and Economic Finance Law* 2, no. 1 (2023): 25–38. <https://pubjournals.com/IJSEFL/article/download/25/22/48>.
5. Abdujaborov, Nuralxaq G‘olibjon o‘g‘li and Zakirova, Sayyora Alimovna. “Prospects for the Development of Islamic Finance in the Republic of Uzbekistan.” *IJSEFL*, vol. 1, no. 1 (2024). <https://pubjournals.com/IJSEFL/article/download/25/22/48>.
6. Jalil, Mahama Abdul. “Comparative Models and Methodologies for the Introduction of Islamic Finance in Non-Islamic Economies.” *Neliti Journal*, May 2025. <https://www.neliti.com/publications/635025>.
7. Absamatov, Askar Ergashovich. “Implementing Islamic Banking Services in Uzbekistan.” *Journal of Economics, Finance and Management Studies*, vol. 7, no. 8 (2024): 4888–4898. <https://ijefm.co.in/v7i8/Doc/12.pdf>.
8. Akhmadjonov, Oybek Xusanovich. “Development of Islamic Financing in Uzbekistan Banking System Through Regulatory and Legal Reforms.” *Kokand University*, 2025.
9. Eurasian Development Bank, Islamic Development Bank Institute, and London Stock Exchange Group. “Islamic Finance in Central Asia.” *EDB Report*, May 2025. <https://isdbinstitute.org/edb-isdbi-and-lseg-publish-new-report-on-islamic-finance-in-central-asia/>.
10. Nagayev, Ruslan and Jahangir, Rashed. “Islamic Finance in Central Asia and Russia.” *IKAM Country Reports*, no. 28 (2022). https://ikam.org.tr/images/ikam_report_28_1.pdf.
11. “Prospects of Islamic Capital Market in Uzbekistan.” *Emerald Insight*, 2025. <https://www.emerald.com/imefm/article/17/1/102/1214202>.
12. Qayumova Z.A., Khikmatov A. “Islamic Finance in Uzbekistan: Development, Prospects and Institutional Review.” *Best journal of innovation in science, research and development*, 2024. – pp 26-34. https://uniwork.buxdu.uz/resurs/12594_1_58E99D6B2C7420BED582FE0252A81E0B3EB8A719.pdf.
13. “The Future of Islamic Finance in Central Asia.” *EABR Special Reports*, May 2025. <https://eabr.org/en/analytics/special-reports/the-future-of-islamic-finance-in-central-asia/>.

**RAQAMLI TRANSFORMATSIYA VA MEHNAT UNUMDORLIGI O‘SISHINING
IQTISODIY RIVOJLANISHGA TA’SIRI: O‘ZBEKISTON MISOLIDA EMPIRIK TAHLIL**

**ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ И РОСТА ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ
ТРУДА НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ: ЭМПИРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НА
ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА**

**THE IMPACT OF DIGITAL TRANSFORMATION AND LABOR PRODUCTIVITY
GROWTH ON ECONOMIC DEVELOPMENT: EMPIRICAL ANALYSIS ON THE
EXAMPLE OF UZBEKISTAN**

Karimova Nargiza Yadgarovna

Alfraganus universiteti, Iqtisodiyot kafedrasini o‘qituvchisi,

Annotatsiya

Ushbu maqola O‘zbekistonda raqamli transformatsiyaning mehnat unumdorligi va iqtisodiy o‘shiga ta’sirini empirik tahlil qiladi. Internet qamrovi, IT-investitsiyalar, raqamli to‘lovlar va xizmatlar ulushi kabi ko‘rsatkichlar orqali raqamli iqtisodiyotning TFP o‘shidagi roli baholanadi. Natijalar raqamli infratuzilma kengayishi va texnologik modernizatsiya iqtisodiy o‘shni sezilarli tezlashtirishini ko‘rsatadi.

Kalit so‘zlar: raqamli transformatsiya, iqtisodiy o‘sh, mehnat unumdorligi, TFP, internet qamrovi, IT-investitsiyalar, raqamli to‘lovlar, innovatsiya, texnologik modernizatsiya.

Статья представляет эмпирический анализ влияния цифровой трансформации на рост экономики и производительность труда в Узбекистане. На основе показателей интернет-охвата, ИТ-инвестиций, цифровых платежей и доли цифровых услуг оценивается роль цифровизации в повышении TFP. Результаты показывают, что расширение цифровой инфраструктуры и технологическая модернизация значительно ускоряют экономический рост.

Ключевые слова: цифровая трансформация, экономический рост, производительность труда, TFP, интернет-охват, ИТ-инвестиции, цифровые платежи, инновации, технологическая модернизация, Узбекистан

This article provides an empirical assessment of how digital transformation influences economic growth and labor productivity in Uzbekistan. Using indicators such as internet coverage, IT investments, digital payments, and the share of digital services, the study evaluates digitalization’s contribution to TFP growth. The findings indicate that expanding digital infrastructure and advancing technological modernization significantly accelerate economic growth.

Keywords: digital transformation, economic growth, labor productivity, TFP, internet coverage, IT investments, digital payments, innovation, technological modernization.

So‘nggi o‘n yilliklarda iqtisodiy o‘shning tarkibiy omillari keskin o‘zgardi. An’anaviy ravishda iqtisodiyotning kengayishi kapital qo‘yilmalar, mehnat resurslari va texnologik taraqqiyot bilan izohlanib kelgan bo‘lsa, bugungi kunda raqamli texnologiyalar iqtisodiy tizimlarning rivojlanishidagi asosiy drayver sifatida qaralmoqda. Internet infratuzilmasi, axborot texnologiyalari, katta ma’lumotlar, sun’iy intellekt, bulutli xizmatlar, elektron to‘lovlar va elektron hukumat tizimlari mavjud iqtisodiy resurslardan samarali foydalanish, yangi qiymat zanjirlarini shakllantirish hamda iqtisodiy faoliyatning xarajat tarkibini qisqartirishga xizmat qilmoqda.

Nazariy jihatdan, raqamli transformatsiyaning iqtisodiy o‘shiga ta’siri ikki yo‘nalishda namoyon bo‘ladi. Birinchidan, raqamli texnologiyalar mehnat unumdorligini oshiradi. Bu jarayon

texnologik modernizatsiya, ishlab chiqarish jarayonidagi avtomatlashtirish, logistika va xizmat ko‘rsatish tizimlarining optimallashtirilishi orqali yuzaga keladi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot iqtisodiy o‘shishning sifat ko‘rsatkichlariga ta’sir etadi: innovatsiyalar tezlashadi, biznes jarayonlari shaffoflashadi, iste’molchilar va ishlab chiqaruvchilar o‘rtasidagi axborot asimetriyasi qisqaradi, natijada umumiy samaradorlik oshadi.

Romer va Lucasning endogen o‘shish nazariyalariga ko‘ra, bilim, texnologiya va innovatsiyalar iqtisodiy o‘shishning asosiy manbalaridan biridir. Raqamli iqtisodiyot esa ushbu omillarning tez va keng miqyosda tarqalishiga imkon beradi. Bu jarayon O‘zbekiston sharoitida ham dolzarb bo‘lib, mamlakatning iqtisodiy islohotlarida raqamli infratuzilmani kengaytirish va xizmatlarni elektronlashtirish ustuvor yo‘nalish sifatida belgilangan.

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va uning tarkibiy elementlari. O‘zbekistonda 2017 yildan boshlab iqtisodiy islohotlarning yangi bosqichi boshlandi. Bu bosqichda davlat boshqaruvi, moliya tizimi, soliq ma‘murchiligi, tashqi savdo, ta’lim va sog‘liqni saqlash kabi yo‘nalishlarda raqamli transformatsiya jarayonlari kengaytirildi. “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi qabul qilinishi bilan raqamlashtirish makroiqtisodiy siyosatning ustuvor yo‘nalishiga aylandi. Natijada so‘nggi yillarda internet qamrovi kengaydi, elektron to‘lovlar hajmi keskin oshdi, davlat xizmatlarining katta qismi elektron ko‘rinishga o‘tdi.

Raqamli iqtisodiyotning tarkibiy elementlari quyidagilar hisoblanadi: Raqamli infratuzilma – internet tarmoqlari, mobil aloqa, data markazlar, bulutli texnologiyalar. O‘zbekistonda 4G qamrovi 98% dan oshgan, 5G tarmoqlarining sinov loyihalari boshlangan.

Raqamli xizmatlar bozori – elektron tijorat, elektron bank xizmatlari, elektron ta’lim, telemeditsina, fintech va boshqa xizmatlar. O‘zbekiston e-commerce bozorining yillik o‘shish sur‘ati 30–40% atrofida.

Elektron hukumat tizimi – davlat xizmatlarini soddalashtirish, jarayonlarni optimallashtirish va shaffoflikka erishish maqsadida yaratilgan platformalar. Bugungi kunda 300 dan ortiq davlat xizmati onlayn shaklda taqdim etiladi.

Raqamli to‘lovlar – Uzcard va Humo tizimlari orqali to‘lovlarning ortishi, QR to‘lovlar, raqamli hisob-kitoblar biznes jarayonlarida xarajatlarning kamayishiga olib keldi.

Ushbu tarkibiy elementlarning rivojlanishi iqtisodiy o‘shish jarayoniga bevosita ta’sir ko‘rsatmoqda. Xususan, raqamli to‘lovlar soyadagi iqtisodiyot ulushini kamaytirib, soliq tushumlarini oshirmoqda, elektron davlat xizmatlari esa ma‘muriy xarajatlarni sezilarli kamaytirayotganini ko‘rish mumkin.

Mehnat unumdorligining iqtisodiy o‘shishdagi ahamiyati va raqamli texnologiyalarning roli. Iqtisodiy o‘shishning barqaror sur‘atlari ko‘p jihatdan mehnat unumdorligiga bog‘liq. Mehnat unumdorligi – ishlab chiqarish jarayonida bir xodimga to‘g‘ri keladigan qo‘shimcha qiymat miqdori. O‘zbekistonda so‘nggi yillarda ishlab chiqarishning modernizatsiyalashishi, yangi texnologiyalarning joriy etilishi, xizmat ko‘rsatish sohasining kengayishi mehnat unumdorligining asta-sekin oshishiga olib kelmoqda. Ammo raqamli texnologiyalar joriy etilmasdan turib, iqtisodiyotning ichki samaradorligi yetarli darajada oshmaydi.

Raqamli texnologiyalarning mehnat unumdorligiga ta’sir mexanizmlari quyidagilar:

- Avtomatlashtirilgan jarayonlar: qo‘l mehnati kamayadi, inson xatolari qisqaradi.
- Axborot oqimining tezlashishi: qarorlar qabul qilish sifati oshadi.
- Masofaviy xizmatlar: vaqt, logistika va boshqa xarajatlar kamayadi.
- Ma’lumotlar tahlili: biznes va davlat tashkilotlarida rejalashtirishning samaradorligi oshadi.
- Elektron to‘lovlar: tranzaksiya xarajatlarni kamaytiradi, iqtisodiy aylanma tezlashadi.

Mehnat unumdorligining oshishi iqtisodiy o‘shishga ikki yo‘l bilan hissa qo‘shadi: mavjud resurslardan samarali foydalanish va yangi qiymat yaratishni tezlashtirish.

Empirik ko‘rsatkichlar va O‘zbekiston misolida tahlil. O‘zbekiston bo‘yicha so‘nggi o‘n yillik iqtisodiy ko‘rsatkichlar raqamli transformatsiya jarayonining real ta’sirini ko‘rsatib bermoqda. Xususan, internet qamrovi va raqamli to‘lovlar ulushi keskin oshar ekan, mehnat unumdorligida ham ijobiy o‘zgarishlar kuzatilmoqda. Davlat statistika qo‘mitasi, Markaziy bank va Iqtisodiyot va moliya vazirligi ma’lumotlarining tahlili quyidagi tendensiyalarni ko‘rsatadi:

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

2015–2023 yillar oralig‘ida iqtisodiy o‘shishning o‘rtacha yillik sur‘ati 5,5% atrofida bo‘lgan bo‘lsa, 2019 yildan boshlab raqamli infratuzilma jadal kengaygan davrda ushbu ko‘rsatkich barqarorlashdi.

Internetdan foydalanuvchilar soni 2017 yilda 14 mln bo‘lgan bo‘lsa, 2024 yilda 31 mln dan oshdi. Elektron to‘lovlar ulushi 2017 yildagi 20 trln so‘mdan 2024 yilda 120 trln so‘mdan oshdi. Raqamli xizmatlar bozori hajmi yiliga 25–30% o‘smoqda.

Bu raqamlarning o‘ziyoq raqamli transformatsiya iqtisodiyotning ichki dinamika va samaradorligiga bevosita ta‘sir ko‘rsatayotganini ko‘rsatadi.

Internet qamrovi, IT-investitsiyalar va TFP o‘shishi o‘rtasidagi bog‘liqlik. Total Factor Productivity (TFP) – iqtisodiy o‘shishning sifat omili bo‘lib, mehnat va kapitaldan tashqari omillar hisobiga yaratilgan qo‘shimcha qiymatni ifodalaydi. O‘zbekiston bo‘yicha TFPning o‘shishi ko‘p yillar davomida sust bo‘lib kelgan. Biroq raqamli texnologiyalarning joriy etilishi ushbu ko‘rsatkichning ijobiy o‘zgarishlariga zamin yaratmoqda.

Raqamli transformatsiya TFPga quyidagicha ta‘sir qiladi:

- Xarajatlar tarkibining optimallashtirilishi
- Raqamli tizimlar vaqt va moddiy resurslarni tejaydi, ishlab chiqarish siklini qisqartiradi.
- Xizmat ko‘rsatish sifatining oshishi
- Moliya, transport, logistika, savdo va ta‘lim sohalarida xizmat sifati sezilarli oshdi.
- Yangi innovatsion mahsulotlar
- IT-startaplar, fintech kompaniyalar, elektron platformalar yangi qo‘shimcha qiymat yaratmoqda.

• Informal iqtisodiyot ulushining qisqarishi

• Elektron to‘lovlar va elektron kontraktlar soliqlar bazasini kengaytiradi, davlat daromadlari chastotasini oshiradi.

Ushbu omillar iqtisodiyotning umumiy samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Raqamli transformatsiyaning tarmoqlar kesimidagi ta‘siri. Sanoatda raqamli texnologiyalar asosan avtomatlashtirish, robototexnika, ishlab chiqarish jarayonlarini nazorat qilish tizimlari orqali samaradorlikni oshirmoqda. Sensorlar, “aqlli” nazorat platformalari, ERP tizimlari, logistika optimizatsiyasi orqali korxonalar xarajatlarini 10–15% ga kamaytirishga erishmoqda.

“Aqlli dehqonchilik” texnologiyalari suv, o‘g‘it va texnika xarajatlarini optimallashtirib, mahsulot hosildorligini oshirmoqda. Drone monitoring, agrotexnik tavsiyalar algoritmlari, bozor narxlarini monitoringi kabi xizmatlar kengaymoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohasida. Bank xizmatlarining raqamlashtirilishi, elektron savdo, onlayn ta‘lim, telemeditsina xizmatlari xizmatlar sektorini iqtisodiyotning eng tez o‘sayotgan tarmog‘iga aylantirdi. Xizmatlar sektorida bandlikning ulushi 2023 yilda 55% ga yetdi.

Raqamli transformatsiya orqali iqtisodiy o‘shishni tezlashtirish imkoniyatlari

- Raqamli infratuzilmaga sarmoya hajmini oshirish
- Data markazlar, internet tezligi va barqarorligini yaxshilash.
- Elektron hukumat tizimini chuqurlashtirish
- Barcha litsenziya va ruxsatnomalarni to‘liq raqamlashtirish, byurokratiyani qisqartirish.
- IT sohasida kadrlar tayyorlash
- Raqamli iqtisodiyotning kengayishi uchun informatsion texnologiyalar bo‘yicha malakali mutaxassislar zarur.

• Mahalliy IT-startap ekotizimini rivojlantirish

• Venture fonflar, inkubatorlar va texnoparklar faoliyatini kengaytirish.

• Elektron to‘lovlarning tarqalishini rag‘batlantirish

Bu soyadagi iqtisodiyotni kamaytiradi va fiskal barqarorlikni kuchaytiradi.

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, raqamli transformatsiya O‘zbekiston iqtisodiy o‘shishining asosiy drayverlaridan biriga aylanmoqda. Internet qamrovining kengayishi, IT-investitsiyalarning o‘shishi, elektron xizmatlar va raqamli to‘lovlar iqtisodiyotda samaradorlikni

oshirmoqda. Mehnat unumdorligining ortishi esa ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirib, iqtisodiy o‘shishni barqarorlashtirishda muhim rol o‘ynamoqda.

Raqamli iqtisodiyotning to‘liq samarasi kelgusi yillarda yanada yaqqol namoyon bo‘ladi. TFPning oshishi, innovatsion ekotizimning shakllanishi, korxonalar raqobatbardoshligining kuchayishi va davlat xizmatlarining soddalashtirilishi iqtisodiy o‘shishni yangi sifat bosqichiga olib chiqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Davlat statistika qo‘mitasi. O‘zbekiston Respublikasining raqamli iqtisodiyot ko‘rsatkichlari: statistik yig‘ma. – Toshkent: DSQ nashriyoti, 2024. – 146 b.
2. International Monetary Fund. Uzbekistan: Selected Issues Paper. – Washington, D.C.: IMF Publications, 2023. – 62 p.
3. Lucas, R. E. On the Mechanics of Economic Development / R. E. Lucas. – // Journal of Monetary Economics. – Amsterdam: Elsevier, 1988. – Vol. 22, No. 1. – P. 3–42.
4. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi. Raqamli O‘zbekiston – 2030 strategiyasi bo‘yicha yillik hisobot. – Toshkent: RTM nashriyoti, 2023. – 198 b.
5. OECD. Digital Transformation for Growth and Well-Being. – Paris: OECD Publishing, 2021. – 54 p.
6. Romer, P. M. Endogenous Technological Change / P. M. Romer. – // Journal of Political Economy. – Chicago: University of Chicago Press, 1990. – Vol. 98, No. 5. – P. 71–102.
7. World Bank. World Development Report 2020: Trading for Development in the Age of Global Value Chains. – Washington, D.C.: World Bank Publications, 2020. – 412 p.

UDK: 336.76

BANK XIZMATLARI BOZORINI RIVOJLANISHDA MARKETING STRATEGIYALARIDAN FOYDALANISH

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАРКЕТИНГОВЫХ СТРАТЕГИЙ В РАЗВИТИИ РЫНКА БАНКОВСКИХ УСЛУГ

USING MARKETING STRATEGIES IN DEVELOPING THE BANKING SERVICES MARKET

Usubjonov Zaxriddin Vasliddin o‘o‘li

Namangan davlat-texnika universiteti “Marketing” kafedrasida assistenti PhD.

Annotatsiya

Maqolada bank xizmatlar bozori va uning ahamiyati, bank xizmatlar bozorini rivojlantirish omillari va bank xizmatlari bozorining rivojlanish istiqbollari o‘rganilgan. Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar. Moliyaviy xizmatlar, bank marketing, bank xizmatlar bozori, raqamli bank, yashil bank xizmatlari, blokcheyn.

В статье рассматривается рынок банковских услуг и его значение, факторы развития рынка банковских услуг, перспективы развития рынка банковских услуг. Разработаны рекомендации по повышению популярности банковских услуг.

Ключевые слова. Финансовые услуги, банковский маркетинг, рынок банковских услуг, цифровой банкинг, зеленый банкинг, блокчейн.

The article studies the banking services market and its importance, factors for the development of the banking services market and prospects for the development of the banking services market. Recommendations are developed to increase the popularity of banking services.

Keywords. Financial services, bank marketing, banking services market, digital banking, green banking services, blockchain.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston-2030” strategiyasi to‘g‘risidagi farmonida bank tizimida islohotlarni jadallashtirish, bank xizmatlari bozori hajmini oshirish va sohada raqobatni rivojlantirish bo‘yicha maxsus chora-tadbirlar belgilangan. Mazkur farmonda

-bank va moliya tizimida yillik kreditlash hajmini 40 milliard dollarga yetkazish, bank omonatlari hajmini 4 barobarga oshirish.

-banklarni xususiylashtirish va davlat ixtiyorida 3-4 ta bankni saqlab qolish, bank bozoriga kamida 4 ta yirik nufuzli chet el banklarini jalb qilish.

-banklarga xalqaro tan olingan minimal standart va talablarni joriy qilish orqali me‘yorlar va nazorat bazalarini takomillashtirish.

-kamida 3 ta tijorat banklarida islom moliyasi mezon va tartiblarini joriy etish, islom moliyasining qonuniy asoslarini shakllantirish kabi ustuvor vazifalar belgilangan.

1985 yilda Amerika marketing Assotsiatsiyasi tomonidan “Marketing mohiyati – insonlar va tashkilotlar talablarini qondirish maqsadida tovar va xizmatlar ishlab chiqarish, rejalashtirish va uni amalga oshirish, narx belgilash, tovarlar harakati va sotilishini uyushtirish [1]” deb o‘zgartirilgan. Bu ta’rifda marketing — notijorat tashkilotlar yoki xizmat ko‘rsatish sohasining ham bozor munosabatlarini tashkil etuvchi vosita ekanligi hisobga olinadi.

E.P. Golubkovning “Osnovy marketinga” kitobida “Marketing – bu o‘zaro manfaatli ayirboshlash vositasi orqali moddiy, nomoddiy va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan inson faoliyatining turi” deya ta’rif berilgan.

Bank faoliyatida marketing esa bu — uning o‘z mijozlariga ko‘rsatayotgan xizmatlarining haqiqiy talablarni hisobga olgan holda ular uchun eng qulay va ishonchli bo‘lishi bilan amalga oshiriladi. Biroq bir narsani unutmaslik kerakki, banklar faoliyatida marketing xizmatini tashkil etish muayyan sarf-xarajatlar qilish va sabr-toqatsizlikni talab etadi.

Banklarda marketing strategiyasining zarur elementi — boshqa banklar faoliyatini hisobga olgan holda bank xizmatlarining sifat va miqdor ko‘rsatkichlarini belgilab olishidir. Bank marketingi – bu marketing sohasidan biri hisoblanib, kredit resurslari bozorini o‘rganish, mijozlarning moliyaviy holatini tahlil qilish va shunga asoslanib bankka mablag‘ qo‘yilmalarini jalb etish hamda bankning kelgusidagi xatti-harakatlarini prognoz qilishga qaratilgan bo‘lishi kerak. Demak, bank marketingi – bu banking strategiyasi va falsafasi bo‘lib, chuqur har tomonlama tahlil qilinishini hamda barcha bo‘limlarning faol ishlashini talab etadi. Bank siyosatining maqsadi va barcha bo‘limlarining faoliyati — bu mijozlarni jalb qilish, o‘z xizmatlari sotiladigan sohalarni kengaytirish, bozorni egallash va olinadigan foydani oshirishga qaratilgan bo‘lishi lozim.

Hozirgi paytda bank xizmatlari bozoridagi raqobat keskin kuchayishi ta’sirida bank marketingining mazmuni sezilarli darajada o‘zgarmoqda. Marketing bankning faoliyat turlarini emas, balki uning maqsadi, mafkurasi va strategiyasini tarif–tavsif qiluvchi konsepsiyani qabul qilish bilan boshlanishi lozim. Konsepsiya qabul qilingandan so‘ng, bank o‘zining ichki holati va faoliyatini amalga oshirayotgan tashqi muhitni hisobga olgan holda, marketing sohasida ishni tashkil qilishning turli shakllardan foydalanishi mumkin.

Bank marketingi deganda pul jamg‘armalari va mablag‘larni akkumulatsiya qilish yo‘nalishi bo‘yicha ham, kreditlar berish yo‘nalishi bo‘yicha ham aniq bank faoliyatiga bozor talabini tushunish kerak. Ma’lumki, banklar o‘z faoliyatini asosan jalb qilingan mablag‘larga (depozit va qo‘yilmalar) asoslantiradi. Shu sababli bank marketingini ishlab chiqishda ko‘proq pul mablag‘larini jalb qilish muhim jihat hisoblanadi.

“Bank marketingining maqsadi – kapital bozori talablariga moslashish uchun zarur sharoitlar yaratish, bozorni o‘rganish, raqobatbardoshlikni va foydalilikni oshirish bo‘yicha tadbirlar tizimini ishlab chiqishdan iborat. Bank marketingining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- banklar uchun alohida qiziqish uyg‘otadigan kapital bozoridagi talablarni va uning alohida segmentlarini o‘rganish;
- foizlar siyosatini tahlil qilish;
 - reklama;
- bank passivlari va aktivlarini kengaytirish;
- bank faoliyatini rejalashtirish tizimini ishlab chiqish;
- xodimlarni boshqarish;
- mijozlarga xizmat qilishni tashkil etish [2].”

Bugungi globallashuv davrida moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish bozori, xususan bank xizmatlari bozorini rivojlantirish har qanday davlatning iqtisodiy barqarorligini ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega. Bank tizimi nafaqat iqtisodiyotning asosiy qismi, balki moliyaviy resurslarni jamlash va ularni samarali taqsimlash vositasi sifatida ham faoliyat yuritadi. Bank xizmatlari bozorini rivojlantirish istiqbollari mavzusi zamonaviy iqtisodiyotda muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada bank xizmatlar bozorining ahamiyati, rivojlanishining asosiy omillari va istiqbollari ilmiy asosda ko‘rib chiqiladi.

Bank xizmatlar bozori va uning ahamiyati. Bank xizmatlar bozori moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish sohasidagi turli xil faoliyatlarni o‘z ichiga oladi, jumladan, depozit operatsiyalari, kreditlash, valyuta operatsiyalari, to‘lov tizimlari, investitsion xizmatlar va boshqalar. Ushbu xizmatlar orqali banklar iqtisodiy o‘sishga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Bank xizmatlarining diversifikatsiyasi esa bank tizimining barqarorligini oshiradi va uning moliyaviy xavf-xatarlarni boshqarish qobiliyatini kuchaytiradi. Bank xizmatlarining rivojlanishi innovatsion texnologiyalar, raqamlashtirish jarayonlari va aholi uchun qulay moliyaviy xizmatlarni taqdim etish bilan chambarchas bog‘liq. Bugungi kunda raqamli bank xizmatlari, masalan, mobil ilovalar va internet-banking, mijozlar talablarini qondirishda muhim o‘rin tutmoqda.

Bank xizmatlari bozorini rivojlantirish quyidagi omillar bilan belgilanadi:

1. Moliyaviy texnologiyalarni joriy etish. Raqamli texnologiyalarni bank xizmatlariga integratsiya qilish xizmatlarning sifatini yaxshilashga va ular uchun xarajatlarni kamaytirishga yordam beradi. Blokcheyn, sun‘iy intellekt va katta ma‘lumotlar texnologiyalari bank tizimining samaradorligini oshirishda yangi imkoniyatlarni taqdim etmoqda.

2. Mijozlar ehtiyojlarini chuqur o‘rganish. Bank xizmatlarining ommalashuvi uchun mijozlar talab va ehtiyojlarini tahlil qilish muhimdir.

3. Huquqiy va institutsional muhit. Bank tizimining faoliyati qonunchilik bazasi va davlat tomonidan yaratilgan shart-sharoitlar bilan qo‘llab-quvvatlanishi zarur. Moliya bozori ishtirokchilariga soliq yengilliklari va davlat kafolatlarini taqdim etish bu sohaga sarmoya kiritishni rag‘batlantiradi.

4. Moliyaviy savodxonlikni oshirish. Aholining moliyaviy bilim darajasini oshirish, ularni bank xizmatlaridan foydalanishga jalb etadi.

Bank xizmatlari bozori rivojlanishining kelgusi istiqbollari quyidagicha ifodalanishi mumkin:

Raqamlashtirish va sun‘iy intellektni kengaytirish. Banklar avtomatlashtirilgan xizmatlarni ko‘rsatish orqali mijozlarga individual yondashishni ta‘minlashlari mumkin.

Barqaror moliyalashtirish tamoyillari. Yashil bank xizmatlarini rivojlantirish, ekologik toza loyihalarni moliyalashtirish bank tizimining ijtimoiy mas‘uliyatini oshiradi.

Transchegaraviy xizmatlarni kengaytirish. Global moliyaviy tizim bilan integratsiyalashgan xizmatlar orqali xalqaro bozorlarda ham samaradorlikni oshirish mumkin.

Kichik biznes uchun xizmatlarni rivojlantirish. Banklar kichik biznes va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash uchun maxsus xizmatlarni yo‘lga qo‘yishi muhim.

Bank xizmatlari bozori innovatsion texnologiyalar, mijozlar ehtiyojlariga moslashuvchan yondashuv va iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish uchun strategik yondashuvlar orqali o‘zib boradi. Ushbu jarayonlarda davlat va xususiy sektorning o‘zaro hamkorligi muhim ahamiyatga ega.

Bank xizmatlar bozori rivojlanishi davlat iqtisodiyotining barqarorligini ta‘minlashda muhim rol o‘ynaydi. Innovatsion texnologiyalar, mijozlar ehtiyojlarini hisobga olish va moliyaviy savodxonlikni oshirish bank xizmatlarini takomillashtirishning asosiy yo‘nalishlaridir. Ushbu

bozorning rivojlanishi nafaqat iqtisodiy samaradorlikni oshiradi, balki jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ham ijobiy taʼsir koʻrsatadi. Bank xizmatlari ommabopligini oshirish boʻyicha quyidagi tavsiyalarni amalga oshirish ijobiy natilar olib keladi deb hisoblaymiz.

-fintech kompaniyalari bilan hamkorlik: Banklar innovatsion texnologiyalarni qoʻllash orqali mijozlarga tezkor va qulay xizmatlarni taqdim etishlari mumkin.

-moliyaviy inkluzivlikni oshirish. Bank xizmatlariga kirish imkoniyatini kengaytirish orqali iqtisodiyotni yanada rivojlantirish mumkin. Bu, ayniqsa, chekka hududlardagi aholi uchun muhimdir.

-raqobatni kuchaytirish va xizmatlar sifatini oshirish. Raqobat banklarni xizmatlarni soddalashtirish, narxlarni kamaytirish va mijozlar uchun yangi imkoniyatlar yaratishga undaydi. Mijozlarga xizmat koʻrsatish sifati hamda sodiqlik dasturlariga eʼtibor berish.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi ““Oʻzbekiston-2030” strategiyasi toʻgʻrisida”gi PF-158-sonli Farmoni.
2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 23.03.2018 yildagi “Bank xizmatlari ommabopligini oshirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi PQ-3620-sonli qarori.
3. Ахмаджон Солиев “ Маркетинг”, ART-FLEX нашриёти, 2008/ 32-бет
4. Ж.Жалолов, А.Фаттахов, И.Ахмедов, И.Хотамов.... “Biznes Marketing” дарслик. Тошкент. Иктисодиёт-Молия. 2007

**U
D**

**K ANALYSIS OF ECONOMIC AND FINANCIAL INDICATORS OF SMALL BUSINESS
334.723 ENTITIES IN THE CONSTRUCTION SECTOR.**

**QURILISH SOHASIDAGI KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING IQTISODIY-
MOLIYAVIY KOʻRSATKICHLARI TAHLILI.**

**АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКИХ И ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СУБЪЕКТОВ
МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СТРОИТЕЛЬНОЙ СФЕРЕ.**

Joʻraboyev Haliljon Xamidjon oʻoʻli

Lecturer at Management Development Institute of Singapore in Tashkent,
Researcher at Namangan State Technical University

Annotation

Small businesses in the construction sector have become one of the main factors of economic stability in Uzbekistan. In 2023–2025, their share in the total volume of construction work increased from 45.7% to 51%, and net profit and investment activity also maintained a positive trend. However, problems such as limited access to financing, rising raw material prices, and technological and personnel shortages remain. The study, based on statistics, government reports, and international sources, assesses the economic and financial stability of small businesses and makes practical proposals to support their development.

Keywords: small business, construction industry, economic and financial indicators, investment, net profit, regional development, digital technologies, financing.

Qurilish sohasida kichik biznes subyektlari Oʻzbekistonda iqtisodiy barqarorlikning asosiy omillaridan biriga aylandi. 2023–2025-yillarda ularning umumiy qurilish ishlari hajmidagi ulushi 45,7%-dan 51% gacha oshdi, sof foyda va investitsion faollik ham ijobiy tendensiyani saqladi. Biroq moliyalashtirishga cheklangan kirish, xomashyo narxlarining oʻsishi hamda texnologik va kadrlar yetishmovchiligi kabi muammolar saqlanib turibdi. Tadqiqot statistika, davlat hisobotlari va xalqaro

manbalarga asoslanib, kichik biznesning iqtisodiy-moliyaviy barqarorligini baholaydi va uning rivojlanishini qo‘llab-quvvatlovchi amaliy takliflarni keltiradi.

Kalit so‘zlar: kichik biznes, qurilish sanoati, iqtisodiy va moliyaviy ko‘rsatkichlar, investitsiyalar, sof foyda, mintaqaviy rivojlanish, raqamli texnologiyalar, moliyalashtirish.

Малый бизнес в строительной сфере стал одним из основных факторов экономической стабильности Узбекистана. В 2023–2025 годах его доля в общем объёме строительных работ увеличилась с 45,7% до 51%, а чистая прибыль и инвестиционная активность также сохранили положительную динамику. Однако сохраняются такие проблемы, как ограниченный доступ к финансированию, рост цен на сырьё, технологический и кадровый дефицит. В исследовании, основанном на статистических данных, правительственных отчётах и международных источниках, дана оценка экономической и финансовой устойчивости малого бизнеса и представлены практические предложения по поддержке его развития.

Ключевые слова: малый бизнес, строительная отрасль, экономические и финансовые показатели, инвестиции, чистая прибыль, региональное развитие, цифровые технологии, финансирование.

In modern economies, the construction industry, in addition to being a sector that creates physical infrastructure, is considered a strategic sector that provides employment, has a direct impact on other sectors, and expands national income sources. The same trend is observed in Uzbekistan: in 2023, the volume of construction work reached 150.8 trillion soums, an increase of 7% compared to the previous year. This level of stability is especially noteworthy in the context of post-pandemic economic volatility. But the factor that keeps the industry stable at this level is the non-state sector, in particular, small businesses. According to official data, in 2023, 98.6% of the 34,749 construction organizations in the country were managed by small businesses [1]. These figures mean that the industry is almost completely dominated by small businesses.

In this case, assessing their economic and financial stability is of strategic importance not only at the industry level, but also at the national level. To what extent small construction enterprises benefit, what sources of funds they use, how obstacles affect them - all this is an important basis for formulating development policies. It is in this context that the financial indicators, investment activity and regional dynamics of small businesses are analyzed based on statistical data obtained in the period 2023-2025, and in particular, the Namangan region is highlighted as an exemplary model for the development of small construction businesses.

In the scientific literature, the importance of the construction sector is often assessed from a macroeconomic perspective: aspects such as increased costs, impact on GDP, and potential for attracting foreign investment are emphasized [8][9]. However, the microeconomic health of small businesses — their profitability, financing mechanisms, and structural analysis of costs — has not yet been studied in sufficient depth. For example, although Yuldashev (2024) indicates that the share of the non-state sector is 98.8%, how this figure affects economic stability is not considered. Similarly, UNDP [7] notes the difficulty of small businesses in accessing bank loans, it fails to demonstrate in practice how this problem affects construction processes.

Therefore, this study aims to fill the gap in the existing literature: first, specific financial indicators such as net profit and profitability generated by small construction enterprises are demonstrated through statistical data; second, a territorial analysis — using the example of the Namangan region — explains how small businesses affect the regional economy; third, the extent to which technological developments — BIM, modular construction, “smart home” systems — are being adopted by small businesses is assessed. Through this approach, the article serves not only theoretical understanding, but also practical policy formulation.

To make the study close to practice, mixed methods — statistical analysis, comparative analysis, trend search, and assessment of territorial distribution — are used together. The main sources are the official publications of the Agency for Statistics of the Republic of Uzbekistan for 2023–2025, including “Construction in Uzbekistan – 2023” [1] and “Construction work in the Republic of

Uzbekistan” (2025) [2], as well as the Central Bank, the Ministry of Economy [4] and reports prepared by the Ministry of Finance [5] and the United Nations Development Program (UNDP) [7] were widely used.

The following stages were distinguished in the analysis: first, the place of the construction sector in the national economy was assessed; then, the share of small businesses, the volume of construction work and the dynamics of net profit from them were analyzed; then, attention was paid to the structure of costs, investment resources and territorial distribution. Finally, problems facing small businesses — financing, equipment, personnel — and advanced measures to solve them were proposed. Statistical data are visually explained through tables and graphs.

The leading role of small businesses in the construction sector is clearly manifested not only in statistical figures, but also in the content of economic activity. In the first nine months of 2025, the volume of construction work performed by small businesses reached 114.5 trillion soums, which is more than half of the total volume — or rather 51%. This indicator was 38.4% in 2024, which indicates a significant increase in a single year [3]. This trend is especially pronounced in the Namangan region: in the first quarter of 2025, small businesses managed to perform 92.6% of the total volume of construction work. In some districts, for example, in Kosonsoy, this share reached almost 99.5%. Such figures prove that small businesses are not only “producers”, but also the main entities that build local infrastructure and manage urbanization processes.

Small construction businesses are also achieving financial stability. At the end of 2024, the net profit generated by them reached 15.4 trillion soums - more than half of the profit in the entire industry. By 2025, the profitability of small enterprises reached 9.3%, an increase of 1.1 points compared to the previous year. This indicates that they are developing not only in volume, but also in quality, effectively managing costs, as well as being able to quickly adapt to market demand.

When analyzing the cost structure, it turned out that the largest share in the construction process - 71% - belongs to material costs, that is, raw materials, supplies and transportation services. This shows, on the one hand, how dependent the construction industry is on external sectors - metallurgy, cement industry, woodworking - and, on the other hand, how important the stability of raw material prices is for small enterprises. Raw material prices are increasing by an average of 12–15% per year, which is putting significant pressure on small businesses. At the same time, wages and social insurance costs have remained at around 12.3% and 1.5%, respectively, meaning that various changes related to the workforce have remained relatively stable.

Small businesses are also playing an active role in the investment sector. In the first half of 2025, investments in fixed assets by small businesses in the Namangan region amounted to 24.65 trillion soums, which is 84.5% of total investment (Figure 1).




Figure 1. Dynamics of the volume of investments in fixed capital by small businesses and their share in the total volume

But interestingly, about 79% of this investment was made at the expense of the enterprises' own funds, and 15% through bank loans. According to the Central Bank, the share of active users of commercial loans among small businesses is only 22% [4]. This means that credit conditions, especially collateral requirements, are still not favorable enough for small businesses.

Construction activity is not evenly distributed across the region. Although Tashkent city shows the highest figure in the country — construction work worth 64.0 trillion soums — Namangan region

Technologically, small businesses have not yet entered the stage of full digital transformation. While BIM technology is mainly used in large projects, these solutions are still expensive and complex for small businesses. However, their participation in areas such as “green construction” — energy-efficient materials, solar panels, modular housing construction — reached 19% in 2024. This indicates that they are not against technological changes, but are ready to accept innovations if the

Shu bilan birga, shahar va qishloq joylari o'rtasidagi kambag'allik darajasidagi tafovutlar kamayayotganini ham e'tiborga olish lozim. 2021-yilda shahar va qishloq kambag'alligi orasidagi farq 5,9 foiz punktini tashkil etgan bo'lsa, 2023-yilda bu tafovut 1,9 foiz punktga kamaygan. Bu shuni anglatadiki, qishloq joylarida yashovchi aholining iqtisodiy imkoniyatlari ortib bormoqda va infratuzilma rivojlanishi natijasida shahar va qishloq farqi bosqichma-bosqich qisqarib bormoqda.

1-jadval

O'zbekistonda hududiy kambag'allik, bandlik va inson kapitali ko'rsatkichlari tahlili [4]

Hududlar	Kambag'allik darajasi (%)	Bandlik darajasi (%)	Inson kapitali indeksi
Toshkent sh.	6,2	72,4	0,76
Toshkent vil.	7,8	70,1	0,74
Navoiy	8,1	68,3	0,72
Buxoro	10,3	65,7	0,69
Xorazm	11,2	64,8	0,68
Samarqand	12,5	63,2	0,67
Sirdaryo	12,8	63	0,67
Andijon	13,1	62,8	0,66
Namangan	13,4	61,5	0,65
Farg'ona	13,9	61,2	0,65
Surxondaryo	14,2	60,3	0,64
Jizzax	14,5	60,1	0,64
Qashqadaryo	14,8	59,7	0,63
Qoraqalpog'iston Resp.	15,2	58,9	0,62
O'rtacha	12	63,7	0,67

O‘zbekistonda inson kapitali va bandlik darajasining o‘shishi iqtisodiy islohotlarning samaradorligini ko‘rsatadi, biroq kambag‘allik darajasining keskin ortishi jiddiy tashvish uyg‘otadi. Shu sababli, kelajakda kambag‘allikni kamaytirish bo‘yicha yanada samarali chora-tadbirlar amalga oshirilishi lozim. Mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotini baholashda hududiy farqlar muhim ahamiyat kasb etadi. O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi, bandlik ko‘rsatkichi, inson kapitali indeksi va o‘rtacha daromad miqdori viloyatlar bo‘yicha turlicha shakllanmoqda. Ushbu tahlil hududlarning iqtisodiy rivojlanishi va aholi farovonligiga ta‘sir qiluvchi omillarni ko‘rsatib, kelgusidagi strategik rejalarga asos bo‘lib xizmat qiladi.

Hududiy iqtisodiy rivojlanish bo‘yicha 1-jadval ma‘lumotlari sezilarli tafovutlarni ko‘rsatadi. Toshkent shahri eng past kambag‘allik darajasiga ega (6,2%) bo‘lib, eng yuqori bandlik (72,4%) va rivojlangan infratuzilma bilan ajralib turadi. Navoiy viloyati (8,1%) sanoatning rivojlanganligi tufayli iqtisodiy jihatdan barqaror hududlardan biridir.

Qoraqalpog‘iston (15,2%), Qashqadaryo (14,8%) va Jizzax (14,5%) viloyatlarida kambag‘allik yuqori bo‘lib, bu hududlarda bandlik darajasi past, inson kapitali indeksi esa 0,62%–0,63% oralig‘ida qolmoqda. Umuman olganda, Toshkent va Navoiy viloyati iqtisodiy jihatdan yetakchi bo‘lsa, ayrim hududlarda kambag‘allikni kamaytirish va iqtisodiy rivojlanishni jadallashtirish talab etiladi. Buning uchun bandlikni oshirish va ijtimoiy infratuzilmani yaxshilash muhim ahamiyat kasb etadi.

Ilmiy maqoladagi ma‘lumotlar shuni ko‘rsatadiki, inson kapitalini rivojlantirish iqtisodiy taraqqiyot va ijtimoiy barqarorlikni ta‘minlashning strategik omili hisoblanadi. Ta‘lim sifati, sog‘liqni saqlash tizimining samaradorligi va mehnat bozorining dinamik rivojlanishi aholi turmush darajasini oshirishga xizmat qiladi. O‘zbekistonda 2030-yilga mo‘ljallangan strategiya doirasida amalga oshirilayotgan islohotlar inson kapitalining shakllanishi va kambag‘allik darajasining pasayishiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatayotgani kuzatilmoqda. Biroq, hududlar kesimida sezilarli tafovutlar saqlanib qolayotganligi inson kapitalining o‘shishi va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonida muayyan to‘siqlar mavjudligini ko‘rsatadi.

Ushbu muammolarni bartaraf etish va inson kapitalining iqtisodiy rivojlanish jarayonidagi o‘rnini kuchaytirish maqsadida quyidagi takliflar ilgari suriladi:

1. Ta‘lim tizimini modernizatsiya qilish – Mehnat bozorining ehtiyojlariga mos keladigan kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish, raqamli texnologiyalarni ta‘lim jarayoniga keng joriy etish va innovatsion pedagogik yondashuvlarni qo‘llash zarur.

2. Sog‘liqni saqlash tizimining barqaror rivojlanishini ta‘minlash – Aholining mehnatga layoqatliligini oshirish hamda uzoq muddatli iqtisodiy samaradorlikni ta‘minlash uchun profilaktik tibbiyot, raqamli sog‘liqni saqlash texnologiyalari va moliyaviy manbalarni diversifikatsiya qilish talab etiladi.

3. Hududiy iqtisodiy rivojlanishni jadallashtirish – Kambag‘allik yuqori bo‘lgan hududlarda mehnat bozorining infratuzilmasini rivojlantirish, sanoatni diversifikatsiya qilish va yangi ish o‘rinlarini yaratish bo‘yicha kompleks dasturlarni amalga oshirish lozim.

Ushbu chora-tadbirlarning amalga oshirilishi inson kapitalining sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi hamda uzoq muddatli iqtisodiy barqarorlik va ijtimoiy farovonlikni ta‘minlashning muhim sharti sifatida namoyon bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. United Nations Development Programme & Oxford Poverty and Human Development Initiative (2022) Unpacking Deprivation Bundles to Reduce Multidimensional Poverty. Global Multidimensional Poverty Index 2022.
2. Mirziyoyev, Sh.M. (2023) Kambag‘allikni qisqartirishga bag‘ishlangan xalqaro forum ishtirokchilariga murojaat’, 18-may. <https://president.uz/ru/lists/view/6343>
3. Arabov, N.U. & Irmatova, A.B. (2021) Mehnat bozori rivojlanishining tahlili. Monografiya.
4. Abduvoxidov, A. & Kamilova, S. (2023) ‘Inson kapitali va iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishini tadqiq etishdagi yondashuvlar’, Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(4), pp. 12-21. DOI: 10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp12-21.

5. G‘afurjanova S.A. (2024). Inson kapitalini rivojlantirish tizimida aholi kambag‘alligini qisqartirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati.
6. O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi (2024) Innovatsion taraqqiyot va texnologik rivojlanish statistikasi. <https://mininnovation.uz/uz>
7. United Nations Development Programme (UNDP) (2024) Human Development Report 2024.
8. United Nations Children’s Fund (UNICEF) (2024) State of the World’s Children 2024.
9. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi (2024) O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi to‘g‘risidagi statistik to‘plam. <https://stat.uz/uz>

UDK: 331.1

**TALANT MANAGEMENT TIZIMI – INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA
INNOVATSION YONDASHUV SIFATIDA**

**СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ ТАЛАНТАМИ – КАК ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К
УПРАВЛЕНИЮ ЧЕЛОВЕЧЕСКИМИ РЕСУРСАМИ**

**TALENT MANAGEMENT SYSTEM - AS AN INNOVATIVE APPROACH TO HUMAN
RESOURCE MANAGEMENT**

Nigmatova D.Z. UzMU Iqtisodiyot fakulteti dotsent v.b.
Amanov E.G‘. UzMU Iqtisodiyot fakulteti 4-bosqich talabasi

Annotatsiya

Mazkur maqolada zamonaviy tashkilotlarda talant menejment tizimining mohiyati, maqsadi va ahamiyati tahlil qilinadi. Unda inson resurslarini samarali boshqarish orqali raqobatbardosh kadrlar salohiyatini shakllantirish, xodimlarning kasbiy rivojlanishini qo‘llab-quvvatlash hamda ularni rag‘batlantirish mexanizmlarining ahamiyati yoritilgan. Zamonaviy mehnat bozorida xodimlarga qo‘yiladigan talablar bilan birgalikda ishchi kuchiga bo‘lgan talab va ehtiyojlar haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: talant menejment, iqtidorlarni boshqarish tizimi, onlayn o‘qitish tizimlari, HR dasturlari.

В статье анализируются сущность, назначение и значение системы управления талантами в современных организациях. Подчеркивается важность механизмов формирования конкурентоспособного кадрового потенциала посредством эффективного управления человеческими ресурсами, поддержки профессионального развития сотрудников и их мотивации. Рассматриваются требования к сотрудникам на современном рынке труда, а также запросы и потребности рабочей силы.

Ключевые слова: управление талантами, система управления талантами, системы онлайн-обучения, HR-программы.

This article analyzes the essence, purpose and importance of the talent management system in modern organizations. It highlights the importance of mechanisms for forming competitive personnel potential through effective management of labor resources, supporting the professional development of employees, and motivating them. The requirements for employees in the modern labor market, as well as the demands and needs of the workforce, are discussed.

Keywords: talent management, talent management system, online learning systems, HR programs.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatning kuchayishi, innovatsion texnologiyalar va inson resurslarining ahamiyati ortib borayotgani menejment tizimlarini yanada takomillashtirish zaruratini yuzaga keltirmoqda.

Samarali menejment tizimi korxonalar faoliyatining barqarorligini ta'minlaydi, xodimlarning mehnat unumdorligini oshiradi hamda tashkilotning raqobatbardoshligini mustahkamlaydi.

Texnologik rivojlanish, raqobatning keskinlashuvi, yangi bozorlar paydo bo'lishi natijasida kompaniyalar muvaffaqiyatga erishish uchun nafaqat moliyaviy yoki moddiy resurslarga, balki iqtidorli, malakali va sodiq xodimlarga ham tayanmoqda. Shu sababli “talant menejment” — ya'ni xodimlarning salohiyatini aniqlash, rivojlantirish va ularni tashkilotda ushlab qolish tizimi — hozirgi kunda inson resurslari boshqaruvida eng muhim strategik yo'nalishlardan biriga aylangan.

“Talent menejment” (inglizcha *Talent Management*) atamasi XX asr oxirlarida, ya'ni 1990-yillarning o'rtalarida G'arb mamlakatlarida, ayniqsa AQShda inson resurslarini boshqarish (Human Resource Management) sohasida faol rivojlanish davrida paydo bo'lgan. “Talent menejment” atamasi keng ommalashishiga McKinsey & Company konsalting kompaniyasi tomonidan 1997-yilda chop etilgan “The War for Talent” (Iqtidorlar uchun kurash) nomli tadqiqot sabab bo'lgan. [1]

Keyingi yillarda “talant menejment” atamasi inson resurslarini boshqarish tizimida alohida strategik yo'nalish sifatida shakllandi. U nafaqat iqtidorli xodimlarni qidirish va tanlash (rekruting), balki ularni rivojlantirish, rag'batlantirish va rahbarlik lavozimlariga tayyorlashni ham o'z ichiga oldi.

Zamonaviy mehnat bozori shiddat bilan o'zgarib borayotgan bugungi kunda har bir tashkilotning muvaffaqiyati bevosita inson resurslarining salohiyatiga bog'liq. Kompaniyalar o'z faoliyatida raqobatbardosh bo'lish, innovatsiyalarni joriy etish va barqaror rivojlanish uchun eng iqtidorli xodimlarni aniqlash, ularni jalb etish va uzoq muddat davomida saqlab qolishga intiladi. Shu nuqtai nazardan, “Talent Menejment” tizimi zamonaviy kadrlar siyosatining ajralmas qismiga aylanib bormoqda.

Talant menejment tushunchasi ostida tashkilotdagi xodimlarning butun ish hayotiy davrini tizimli boshqarish nazarda tutiladi. Bunga xodimlarni izlab topish va tanlash, ularning kasbiy rivojlanishini ta'minlash, natijalarini baholash, rag'batlantirish, rahbarlik zaxirasini shakllantirish va xodimlarni ushlab qolish kiradi. Ya'ni talant menejment faqatgina kadrlar siyosati emas, balki tashkilotning uzoq muddatli strategiyasi bilan bevosita bog'liq jarayon hisoblanadi. Xalqaro tajribalar shuni ko'rsatadiki, samarali talant menejment tizimiga ega tashkilotlar o'z daromadlarini o'rtacha 20–25 foizga oshirgan, xodimlar qo'nimsizligi esa 30 foizga kamaygan. [2]

Zamonaviy bozor sharoitida talant menejmentning ahamiyati yanada ortmoqda. Chunki yangi texnologiyalar paydo bo'lishi bilan ish o'rinlariga qo'yiladigan talablar ham tez o'zgarib bormoqda. Masalan, 2025-yilga kelib dunyo bo'yicha mavjud kasblarning 27 foizi to'liq yangi ko'nikmalarni talab qildi. Sun'iy intellekt, ma'lumotlar tahlili, kiberxavfsizlik va raqamli transformatsiya yo'nalishlarida xodimlarga bo'lgan ehtiyoj keskin ortmoqda. Shu sababli kompaniyalar endi tayyor kadrlarni topishdan ko'ra, mavjud xodimlarni qayta tayyorlash (reskilling) va yangi ko'nikmalarni o'rgatish (upskilling) siyosatini yuritmoqda.

Talant menejment tizimining samaradorligi ko'p jihatdan kompaniyaning inson resurslariga bo'lgan qarashiga bog'liq. Tadqiqotlarga ko'ra, xodimlar uchun rivojlanish imkoniyatlari mavjud bo'lgan tashkilotlarda ularning 78 foizi ish joyini o'zgartirish haqida o'ylamaydi. Aksincha, o'sish imkoniyatlari cheklangan joyda xodimlarning chiqib ketish ehtimoli ikki barobar yuqori.

Bundan tashqari, kuchli talant menejment siyosati mavjud kompaniyalarda mijozlar bilan munosabatlar 25 foizga yaxshilangan, umumiy foyda esa 24 foizga oshgan. Bu raqamlar iqtidorlarni rivojlantirish va ularni tashkilotda ushlab qolish nafaqat ijtimoiy, balki iqtisodiy jihatdan ham foydali ekanini isbotlaydi.

So'nggi yillarda dunyo bo'yicha talant menejment sohasida sezilarli o'sish kuzatilmoqda. 2024-yilda global talant menejment bozori qiymati 12,85 milliard AQSH dollarini tashkil etgan bo'lsa, 2030-yilgacha bu ko'rsatkich 26,4 milliard dollarga yetishi prognoz qilinmoqda. O'sish sur'ati yiliga o'rtacha 15 foizni tashkil etadi. Bu jarayonda sun'iy intellekt asosidagi tahliliy platformalar, onlayn o'qitish tizimlari va bulutli HR dasturlari muhim rol o'ynamoqda. Jumladan, 65 foiz inson resurslari

rahbarlari talant menejmentda analitika asosida qaror qabul qilish samaradorlikni oshirayotganini ta’kidlagan. [3]

Biroq bu sohada bir qator muammolar ham mavjud. Eng avvalo, tashkilotlarda ma’lumot yetishmasligi, tahliliy yondashuvning sustligi va rahbarlarning talant menejmentni strategik darajada qo‘llab-quvvatlamasligi jarayonni sekinlashtiradi. Statistik ma’lumotlarga qaraganda, kompaniyalarning 47 foizida bu soha uchun ajratiladigan byudjet o‘zgarishsiz qolgan. Shuningdek, ko‘nikma tafovuti ham muammo bo‘lib, har to‘rtinchi tashkilot yangi ish o‘rni uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalarni topishda qiynalmoqda.

Shu bilan birga, raqamli transformatsiya talant menejment jarayonlariga yangi imkoniyatlar ham yaratmoqda. Masalan, ko‘plab kompaniyalar endi xodimlarni masofadan turib jalb etish, onlayn baholash va raqamli trening platformalaridan foydalanmoqda. Bu usul vaqt va mablag‘ni tejaydi, shuningdek, kengroq iqtidorlar bazasini qamrab olish imkonini beradi. Shuningdek, sun‘iy intellekt asosida ishlovchi tizimlar xodimlarning ish samaradorligini tahlil qilib, ularni rivojlantirish uchun individual reja tuzib bera oladi.

O‘zbekiston sharoitida ham bu yo‘nalish bosqichma-bosqich rivojlanmoqda. Yirik kompaniyalar, banklar, davlat idoralari va ta’lim muassasalari xodimlarni baholash, o‘qitish va rag‘batlantirish tizimlarini joriy etmoqda. So‘nggi yillarda “Yangi O‘zbekiston – yangi imkoniyatlar” tamoyili asosida davlat xizmatida ham kadrlar salohiyatini oshirishga e’tibor kuchaydi. Oliy ta’lim muassasalarida talant menejment bo‘yicha kurslar joriy etilishi, yoshlar uchun “Talent pool” dasturlari tashkil etilishi bu boradagi ijobiy o‘zgarishlardan dalolat beradi.

Xulosa qilib aytganda, talant menejment tashkilotlar uchun oddiy HR funksiyasi emas, balki strategik boshqaruv tizimidir. U xodimlarning qobiliyatini ochish, ularni rag‘batlantirish va tashkilotning uzoq muddatli muvaffaqiyatini ta’minlashda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Kelajakda bu yo‘nalish raqamli texnologiyalar, ma’lumot tahlili va psixologik yondashuvlar bilan yanada boyib, har bir tashkilot uchun ajralmas boshqaruv elementi sifatida shakllanadi. Shu sababli, har bir rahbar talant menejmentni tashkilot siyosatining yuragi sifatida ko‘rishi lozim. Chunki inson omilini to‘g‘ri boshqarish – har qanday muvaffaqiyatning eng ishonchli kafolatidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mordor Intelligence. (2025). *Talent Management Market Size & Share Analysis*. Mordor Intelligence. Global talent management bozorining qiymati va 2025–2030 prognozlar (12.85 mlrd → 26.40 mlrd USD, CAGR ≈ 15.48%).
2. Grand View Research. (2024). *Talent Management Software Market Size Report, 2030*. Grand View Research. “Talent management software” bozorining qiymati va 2023–2030 prognozlar (taxminiy raqamlar va CAGR ≈ 12.5%).
3. Fortune Business Insights. (2024/2025). *Talent Management Software Market Size, Growth & Forecast (2024-2032)*. Fortune Business Insights. Muqobil bozor-tahlil va prognozlar (2024 qiymat va 2032 prognozi, CAGR taxminlari).
4. McKinsey & Company. (2023). *What is talent management?* McKinsey Explainers. Talant menejment tushunchasi, yondashuvlar va amaliyotlar bo‘yicha professional tahliliy material.
5. Deloitte. (Talent 2020 va boshqa tahlillar). *Talent 2020: Deloitte reports and insights*. Deloitte Insights. Keng ko‘lamli so‘rovlar va talant strategiyalari bo‘yicha izlanishlar; tashkilotlar uchun tavsiyalar.
6. SHRM (Society for Human Resource Management). (2025). *State of the Workplace / Retaining Talent* (hisobot va qo‘llanmalar). Xodimlarni saqlab qolish, ishtirok va aylanish (turnover) bo‘yicha tadqiqotlar va amaliy tavsiyalar.
7. Precedence Research. (2024). *Talent Management Software Market (2024–2034)*. Bozor qiymatlari va uzunroq muddatli prognozlar; turli tadqiqotlar bilan solishtirish uchun foydali.
8. ResearchGate va akademik maqolalar (turli mualliflar, 2020–2025). Talant menejment amaliyotlari va ularning xodim aylanishiga (turnover) ta’siri bo‘yicha empirik tadqiqotlar. (misol: davlat banklari, sanoat tadqiqotlari).

AGROTURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING XALQARO TAJRIBALARI VA UNDAN O‘ZBEKISTONDA FOYDALANISH IMKONIYATLARI

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ АГРОТУРИЗМА И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

INTERNATIONAL EXPERIENCES IN THE DEVELOPMENT OF AGROTOURISM AND OPPORTUNITIES FOR THEIR APPLICATION IN UZBEKISTAN

Xalmirzayev Axmadjan Axunovich O`zMU prof.
Shodiyeva Nafosatxon Hamza qizi O`zMU tayanch doktoranti

Annotatsiya

Mazkur ilmiy ishda agroturizmning jahon miqyosidagi rivojlanish jarayoni, yetakchi davlatlar tajribasi hamda ularning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik afzalliklari tahlil qilinadi. Shuningdek, xorij tajribasidan kelib chiqib, O‘zbekiston sharoitida agroturizmni rivojlantirish omillari, resurslari va mavjud muammolarni bartaraf etish yo‘llari aniqlanadi.

Kalit so‘zlar: agroturizm, qishloq turizmi, xalqaro tajriba, fermer xo‘jaliklari, diversifikatsiya, qishloq infratuzilmasi, ekologik turizm, barqaror rivojlanish, agroxizmatlar, qishloq xo‘jaligi resurslari, turizm klasteri, innovatsion yondashuv.

В данном научном исследовании анализируются процессы развития агротуризма в мировом масштабе, опыт ведущих стран, а также их экономические, социальные и экологические преимущества. На основе зарубежного опыта определяются факторы и ресурсы развития агротуризма в условиях Узбекистана, а также пути устранения существующих проблем.

Ключевые слова: агротуризм, сельский туризм, международный опыт, фермерские хозяйства, диверсификация, сельская инфраструктура, экологический туризм, устойчивое развитие, агросервисы, сельскохозяйственные ресурсы, туристический кластер, инновационный подход.

This scientific study analyzes the global development of agritourism, the experience of leading countries, and their economic, social, and environmental advantages. Based on international practices, the factors and resources for the development of agritourism in Uzbekistan, as well as ways to address existing challenges, are identified.

Keywords: agritourism, rural tourism, international experience, farming enterprises, diversification, rural infrastructure, ecotourism, sustainable development, agro-services, agricultural resources, tourism cluster, innovative approach.

Jahon tajribasida ko‘plab davlatlarda agrar ishlab chiqarish, qishloq xo‘jaligi va turistik xizmatlarni birlashtirish orqali agroturizm muvaffaqiyatli yo‘lga qo‘yilgan: masalan, Yevropa va boshqa taraqqiy etgan mamlakatlarda fermer xo‘jaliklari turistlarga mehmondo‘stlik xizmatlarini ko‘rsatib, sanoat yoki shahar markazlaridan farqli ravishda mahalliy mahsulotlar, gastronomiya va madaniyat asosida noyob tajribalarni taklif etadi. Bu yondashuv nafaqat dam olish va sayohat uchun, balki agrar mahsulotlarni targ‘ib etish, mahalliy madaniy-etnografik merosni asrab-avaylash va ekologik barqarorlikni ta‘minlashda ham muhim rol o‘ynaydi.

O‘zbekiston - boy tabiiy resurslari, tarixiy merosi, an‘anaviy chorvachilik va dehqonchilik madaniyati hamda milliy gastronomiyasi bilan agroturizm sohasida katta salohiyatga ega. Mamlakatda sohaga oid qonunchilik asoslari shakllanayotgan, infratuzilma va xizmat ko‘rsatish tizimi takomillashtirilmoqda. Jumladan, 2019-yilda qabul qilingan Turizm to‘g‘risida Qonun O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasiga yangi tartib-qoidalarni belgilagan [1].

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

Agroturizmni tartibga soluvchi barcha me’yoriy hujjatlar Italiya Qishloq Tarmog‘i tomonidan yagona ma’lumotlar bazasida jamlangan bo‘lib, hozirda 112 dan ortiq normativ hujjat mavjud. Soliq masalalarida esa agroturizm faoliyati 1991-yil 30-dekabrda 413-sonli Qonun asosida imtiyozli soliqqa tortiladi. Ushbu tizimga ko‘ra, agroturizm daromadlari umumiy qishloq xo‘jaligi daromadiga qo‘shilmaydi, balki QQSdan tashqari sof daromadning 25 foizi miqdorida belgilangan stavka asosida soliqqa tortiladi. QQS esa yig‘ilgan summaning 50 foizi miqdorida belgilanadi (ta’limiy va ijtimoiy xizmatlar ro‘yxatga olingan taqdirda QQSdan ozod qilinadi).

1-jadvalda agroturizm rivojlanishining yetakchi davlatlar bo‘yicha taqqoslama tahlili keltirilgan bo‘lib, unda Italiya, Fransiya, AQSh, Yaponiya va Turkiya tajribasi asosiy mezonlar kesimida solishtiriladi. Har bir mamlakatda agroturizmni shakllantirishga oid davlat siyosati, infratuzilma darajasi, iqtisodiy va ijtimoiy ta’sirlar, ekologik yondashuvlar hamda marketing strategiyalari o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Ushbu taqqoslash agroturizmning xalqaro modellari va ularning samaradorligini chuqur anglash imkonini beradi. Shuningdek, mazkur tajribalar O‘zbekiston uchun barqaror agroturizm modelini yaratishda muhim metodik asos bo‘lib xizmat qiladi [1].

1-jadval

Turli mamlakatlar tajribalari asosida agroturizm rivojlanishining qiyosiy jadvali [1]

Mezonlar / Mamlakatlar	Italiya	Fransiya	AQSH	Yaponiya	Turkiya
Davlat siyosati	1985 yildan “Agroturizm to‘g‘risida”gi qonunlar, fermerlarga soliq imtiyozlari	Qishloq turizmini qo‘llab-quvvatlash dasturlari, grantlar	USDA orqali fermerlar uchun grant va kreditlar	Mahalliy hukumatlar orqali agroturizmni rivojlantirish	Turizm va qishloq xo‘jaligi vazirliklari hamkorligi
Infratuzilma	Ferma uylari, uzumzorlar, gastronomik turlar	Qishloq mehmon uylari, gastronomiya markazlari	Ferma turlari, rancho turizmi	Choy plantasiyalari, guruch turlari	Qishloq uylari, organik ferma turlari
Iqtisodiy ta’sir	Millionlab turistlar, fermerlar daromadini oshirish	Turizm va gastronomiya orqali yuqori daromad	Fermerlar uchun diversifikasiya va qo‘shimcha daromad	Qishloq aholisi uchun yangi ish o‘rinlari	Turizm daromadining bir qismi agroturizmdan
Ijtimoiy ta’sir	Mahalliy aholi bandligi, madaniy merosni saqlash	Urf-odatlar va gastronomiyani targ‘ib qilish	Qishloq jamoalarini qo‘llab-quvvatlash	Yoshlarni qishloqda ushlab qolish	Mahalliy an’analarni turistlarga tanitish
Ekologik jihatlar	Barqaror qishloq turizmi, organik mahsulotlar	Ekologik turizm bilan uyg‘unlashgan	Tabiatni muhofaza qilish dasturlari	Ekologik toza texnologiyalar	Barqarorlik va organik mahsulotlar
Marketing va reklama	“Made in Italy” brendi, gastronomiya	Fransuz sharab va gastronomiya brendi	Internet marketing, ferma turlari	Milliy an’analar va madaniy meros	Turizm yarmarkalari va onlayn platforma

Markaziy Osiyoda agroturizm nisbatan yangi yo‘nalish bo‘lib, u qishloq xo‘jaligi an’analari bilan turizmni uyg‘unlashtiradi. Mintaqa (Qozog‘iston, O‘zbekiston, Qirg‘iziston, Tojikiston,

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

Turkmaniston) tabiiy resurslarga boy: serhosil vodiylar, tog‘ yaylovlari, qadimiy qishloq xo‘jaligi madaniyatlari. Agroturizm bu yerda qishloq hududlari iqtisodiyotini diversifikatsiya qilishga, ishsizlikni kamaytirishga va barqaror rivojlanishga yordam beradi (2-jadvalga qarang).

Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra, turizm, jumladan agroturizm ham, ayniqsa Buyuk Ipak yo‘li yo‘nalishlarida, mintaqadagi o‘shishning muhim drayveriga aylanishi mumkin. Dunyo bozorida agroturizm hajmi 2023-yilga kelib 141 milliard dollarga baholanmoqda, Markaziy Osiyo esa yiliga 11,5 foizgacha o‘shish salohiyatiga ega [13].

2-jadval

Markaziy Osiyo mamlakatlarida agroturizmning rivojlanishi [2]

Mamlakat	Asosiy yo‘nalishlar	Obyektlar va loyihalarga misollar	Istiqbollari
O‘zbekiston	Meva, vino, asal, paxta yetishtiruvchi xo‘jaliklar; vohalarda etno- agroturizm.	Baxmal va Zomin tumanlarida turizm klasteri; Farg‘ona vodiysidagi fermer xo‘jaliklari (hosil va degustatsiya).	Markaziy Osiyodagi birinchi Yellowstone-model klasteri.
Qozog‘iston	Olmaota viloyatidagi asalarichilik, fermer xo‘jaliklari; dashtlarda dehqonchilik.	Asalarichilik. Travel + Leisure Central Asia loyihasi.	Fermerlarga agroturizm bilan shug‘ullanishga ruxsat berish; markaz sifatida Olmaotaga e‘tibor qaratish.
Qirg‘iziston	Ko‘chmanchi yaylovlar, otchilik, ko‘llar.	So‘n-Ko‘l yaqinidagi yurt lagerlari (otda sayohatlar, hosil yig‘ish). Nomad's Yer (agroelementli ekoturular).	KNTdagi eng uzun piyoda yo‘li (1243 milya); tog‘ turizmi bilan integratsiyalashgan.
Tojikiston	Pomirda tog‘ xo‘jaliklari, mevali bog‘lar.	Pomir vodiylari	Barqarorlikka e‘tibor qaratish; biologik xilmaxlilik bo‘yicha FAO bilan hamkorlik.
Turkmaniston	Paxta dalalari, poyga otlari (Axalteke otlari).	Viza qoidalari tufayli cheklangan; Qoraqum cho‘lidagi fermer xo‘jaliklari.	Minimal rivojlangan; etno-agroda salohiyat mavjud, ammo byurokratiya to‘sqinlik qilmoqda.

O‘zbekistonda agroturizm faoliyati hozircha to‘liq shakllanmagan bo‘lsa-da, mamlakat bu yo‘nalishning ustunliklaridan foydalanish uchun katta imkoniyatlarga ega. O‘zbekiston iqtisodiyoti asosan qishloq xo‘jaligiga tayanadi, shu bilan birga turizm so‘nggi yillarda eng tez rivojlanayotgan sohalardan biriga aylandi. Ayniqsa, oxirgi yigirma yil davomida sayyohlar uchun qulay sharoitlar yaratildi va bu jarayon mamlakatning boy tabiiy hamda madaniy merosi bilan uyg‘un ravishda ahamiyat kasb etmoqda [14]. Mamlakatimizda barqaror turizmni rivojlantirish jarayonida agroturizmning mavjud salohiyatidan oqilona foydalanish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Mazkur yondashuvning amaliyotga tatbiq etilishi, ayniqsa mahalliy aholi ishtirokini kengaytirish bilan birgalikda olib borilayotgani agroturizmni barqaror rivojlantirish uchun muhim institutsional va ijtimoiy asos yaratmoqda.

So‘nggi o‘n yilliklarda O‘zbekiston iqtisodiyotida sodir bo‘lgan tarkibiy o‘zgarishlar ham ushbu jarayonni jadallashtiruvchi omil bo‘lib xizmat qilmoqda. Avval iqtisodiyotning asosiy tayanchi qishloq xo‘jaligi bo‘lgan bo‘lsa, bugungi kunda chuqur tarkibiy islohotlar, agrar sohani modernizatsiya qilish va uni ko‘p tarmoqli rivojlantirish zaruriyati kun tartibiga chiqmoqda. Bu esa agroturizmning iqtisodiy va ijtimoiy imkoniyatlarini yanada kengaytirib, qishloq hududlarining barqaror rivojlanishida muhim strategik yo‘nalish sifatida shakllanishiga zamin yaratadi.

O‘tkazilgan tahlillar agroturizmning qishloq hududlarini iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik jihatdan rivojlantirishda muhim yo‘nalish ekanini ko‘rsatadi. Xalqaro tajribalar davlat qo‘llab-quvvatlovi, infratuzilma, xizmat sifati va marketingning muhimligini tasdiqlaydi. O‘zbekistonda mavjud tabiiy va agrar resurslar ushbu sohani kengaytirish uchun yetarli bo‘lib, xorij tajribasini mahalliy sharoitga moslashtirish agroturizmning raqobatbardosh modelini yaratishga imkon beradi.

Agroturizmni rivojlantirish uchun davlat dasturini ishlab chiqish, xizmatlarni standartlashtirish va infratuzilmani yaxshilash zarur. Fermer xo‘jaliklarini diversifikatsiya qilishni rag‘batlantirish, hududlarda agroturizm klasterlarini tashkil etish va marketing faoliyatini kuchaytirish soha samaradorligini oshiradi. Mahalliy aholining ishtiroki va resurslardan oqilona foydalanish barqaror agroturizm modelini shakllantirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining 18.07.2019 yildagi «Turizm to‘g‘risida» O‘RQ-549-son Qonuni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlari tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ-3217-sonli Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 fevraldagi «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-3514-sonli Qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 apreldagi 03/1-220- son bilan tasdiqlangan «Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlarda namunali fermer xo‘jaliklarini sayyohlarga xizmat ko‘rsatishga moslashtirish, ularga sayyohlarni jalb qilish hamda ularning mamlakatimizda bo‘lish muddat-larini uzaytirish maqsadida agroturizm va qishloq turizmini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi».
5. Tedioli, C. (2025). *Italian Agritourism: A Sustainable Model for Rural Growth*.
6. Франция Қишлоқ хўжалиги вазирлиги. Agritourisme : tous à la ferme! (2024).
7. USDA (2025). *Agritourism Resource Manual*.
8. Japan Guide (2024). *Farms and Agriculture – Agritourism in Japan*.
9. DergiPark (2020). *Agro Tourism in Turkey*.
10. Frontiers in Sustainable Cities (2022). *Leveraging Agritourism in Rural Areas in Developing Countries: The Case of Iran*.
11. Siddikov Askar. Opportunities for the development of agroturizm on the basis of attracting foreign investment Volume 2, Issue 5, May, 2021
12. Grillini, G.; Sacchi, G.; Chase, L.; Taylor, J.; Van Zyl, C.C.; Van Der Merwe, P.; Streifeneder, T.; Fischer, C. Qualitative Assessment of Agritourism Development Support Schemes in Italy, the USA and South Africa. *Sustainability* 2022, 14, 7903. <https://doi.org/10.3390/su14137903>
13. Azimzhan Khitakhunov. Agriculture in Central Asia: current state and development perspectives. December 2021
14. Patterson, I.; Aslam, M.U. Agritourism as an Emerging Sustainable Tourism Industry in Uzbekistan. *Sustainability* 2024, 16, 7519.
15. Mirzaev M.A., Alieva M.T. Turizm asoslari. O‘quv qo‘llanma. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2011. – 288 b. ISBN 978-9943-391-17-8
16. Alieva M.T., Norchaev A.N. Turizm menejmenti. O‘quv qo‘llanma. – T.: TDIU, 2007. – 155 b.
17. Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. - T.: Barkamol fayz media nashriyoti, 2018. – 400 b.
18. Shermatov O., Nosirov B., Imomov R., Qobulova M. Problems of effective usage of lands in agriculture for ensuring food security.
19. Nosirov B.Z., Abduvasikov A.A. The evolution of agricultural markets of Uzbekistan. Conference materials of D.A. Tsenov Economics Academy in Svishtov, Bulgaria. October 4-5, 2019.
20. Nosirov B., Rakhmonova B. Organization of production of walnuts in an industrial volumes. International online conference ECLSS Economics and Social sciences. Proceeding book. June 28-29, 2020. Istanbul, Turkiye. P. 59-67. <http://eclss.org/publicationsfordoi/istanbulonline.pdf>

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINING BARQAROR O‘SISHIDA INSON KAPITALINING
AHAMIYATI

ЗНАЧЕНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В УСТОЙЧИВОМ РОСТЕ
ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

THE IMPORTANCE OF HUMAN CAPITAL IN THE SUSTAINABLE GROWTH OF THE
UZBEKISTAN ECONOMY

Normurodov X.E. O‘zbekiston milliy universiteti katta o‘qituvchisi.
Abduxalilov S.A. O‘zbekiston milliy universiteti talabasi.

Annotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror rivojlanishida inson kapitalining ahamiyati ilmiy-amaliy jihatdan o‘rganilgan. Maqolada inson kapitali tushunchasining iqtisodiy asoslari, iqtisodiy rivojlanishga ta’siri va mamlakatda inson kapitali rivojlanishining ayni damdagi holati tahlil qilinadi. Tadqiqotda inson kapitaliga yo‘naltirilgan investitsiyalarning samaradorligi, ta’lim va sog‘liqni saqlash sohalarining iqtisodiy o‘shisdagi ahamiyati amaliy misollar asosida baholangan. Shu bilan birga, inson kapitaliga investitsiyalarni oshrish, kadrlar salohiyatini rivojlantirish bo‘yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar. inson kapitali, barqaror iqtisodiy o‘shish, slow modeli, ta’lim tizimi, inson kapitali indeksi, raqamli texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot.

В данной статье рассматривается значение человеческого капитала в устойчивом развитии экономики Узбекистана с научной и практической точки зрения. В статье анализируются экономические основы концепции человеческого капитала, ее влияние на экономическое развитие и современное состояние развития человеческого капитала в стране. В исследовании на практических примерах оценивается эффективность инвестиций в человеческий капитал, значение образования и здравоохранения для экономического роста. Одновременно с этим разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации по увеличению инвестиций в человеческий капитал и развитию человеческих ресурсов.

Ключевые слова: человеческий капитал, устойчивый экономический рост, медленная модель, система образования, индекс человеческого капитала, цифровые технологии, цифровая экономика.

This article studies the importance of human capital in the sustainable development of the economy of Uzbekistan from a scientific and practical perspective. The article analyzes the economic foundations of the concept of human capital, its impact on economic development, and the current state of human capital development in the country. The study evaluates the effectiveness of investments in human capital, the importance of education and healthcare in economic growth based on practical examples. At the same time, scientifically based proposals and recommendations have been developed to increase investments in human capital and develop human resources.

Keywords: human capital, sustainable economic growth, slow model, education system, human capital index, digital technologies, digital economy.

XX va XXI asr, dunyo davlatlarida bir qator ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar va islohotlar amalga oshirildi. Mana shunday loyihalardan biri shuki, dunyoning barcha davlatlari barqaror iqtisodiy o‘shishga erishish uchun turli yo‘nalishlarga mablag‘ ajratdi va o‘zini oqlagan va foyda keltirgan loyiha albatta inson kapitali bo‘ldi. Chunki, inson kapitaliga kiritilgan har bir investitsiya kutilganidan ham ko‘ra ko‘proq natija beradi. Bu borada, 1979-yil Nobel mukofoti laureati, Theodore

W. Schultzning 1961-yil “Investment in Human Capital.” jurnaliga bergan maqolasidagi “Inson kapitaliga investitsiya qilish-iqtisodiy o‘shishning eng samarali manbaidir.” deb aytgan nazariyasi buning yaqqol isbotidir. Jumladan, O‘zbekistob Respublikasi o‘z mustaqilligini e‘lon qilganidan buyon barqaror iqtisodiy o‘shishlarga erishish uchun har yili davlat byudjetidan inson kapitalini rivojlantirish uchun yirik miqdorda pul mablag‘lari ajratadi, balki bu sohaga har yili yirik miqdorda investitsiyalar kiritiladi. O‘zbekiston Respublikasi ham ushbu global tendensiyalarni hisobga olgan holda, inson kapitalini shakllantirish va rivojlantirishni davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylantirmoqda. [1] O‘zbekiston uchun birinchi o‘rinda har doim inson kapitalini rivojlantirish dolzarb va doimiy masala bo‘lish kerak. Chunki, inson kaapitalini rivojlantirmasdan turib, O‘zbekistonda barqaror iqtisodiy o‘shishga erishish imkoniyatlarini keskin kamaytiradi. Xususan, inson kapitali bu jamiyat a‘zolarining bilim darajasi, kasbiy malakasi, salomatligi, ijtimoiy faolligi va innovatsion qobiliyatini ifodalovchi iqtisodiy kategoriya bo‘lib, u ishlab chiqarish jarayonida bevosita ishtirok etadi. [2]

So‘ngi yillarda O‘zbekistonda inson kapitaliga investitsiyalarni kuchaytirishga qaratilgan bir qator islohotlar, Prezident qarorlari va farmonlari ijrosi amalga oshirilmoqda. Masalan, 2019-yilda qabul qilingan PF-5712-sonli Prezident farmoni bilan 2030-yilgacha bo‘lgan davrda xalq ta‘limi tizimini rivojlantirish konsepsiyasi tasdiqlandi.[1] Mazkur konsepsiyda ta‘lim tizimini zamonaviy texnologiyalar asosida modernizatsiya qilish, o‘quv dasturlarini xalqaro standartlarga moslashtirish, o‘qituvchilar malakasini oshirish va ta‘lim sifati ustidan monitoring mexanizmlarini kuchaytirish kabi kompleks vazifalar belgilangan. Bu islohotlar mamlakatda raqobatbardosh inson kapitalini shakllantirishga xizmat qilmoqda. [3] Yana bir muhim hujjat shuki, 2022-yilda qabul qilingan PF-134-sonli Prezident farmoni, u maktabgacha va umumiy o‘rta ta‘lim tizimiga xalqaro dasturlarni joriy etish, darsliklar sifatini oshirish va o‘quvchilar salohiyatini to‘liq ochib berishga xizmat qiluvchi metodik yondashuvlarni kengaytirishni nazarda tutadi.[2] Ushbu maqsadlar orqali inson kapitali shakllanishining dastlabki bosqichlari mustahkamlanmoqda, bu esa qisqa va uzoq muddatli bararor iqtisodiy natijalarga ta‘sir ko‘rsatadi.

Shunday qilib, Solow modelidagi texnologik taraqqiyot, Becker nazariyasidagi inson kapitali zaxirasi va endogen o‘shish yondashuvidagi innovatsiyalarga asoslangan ichki va tashqi o‘shish omillari O‘zbekiston tajribasida o‘z aksini topmoqda. Mazkur maqola ana shu siyosiy qarorlarning barqaror iqtisodiy o‘shish ta‘sirini analiz qilish orqali, inson kapitalining klassik iqtisodiyotdagi strategik rolini chuqurroq o‘rganishga harakat qiladi.

Iqtisodiy faktlarga qaraganda, Inson kapitali atamasi klassik iqtisodiyot maktabi asoschisi Adam Smith hisoblanadi. Garchi U inson kapitali atamasini rasmiy ta‘riflamagan bo‘lsa-da, uning fikricha mehnat, ko‘nikma, tajriba va kasbiy malakani inson kapitalining asosiy boyligi deb biladi. [4] Lekin ayrim iqtisodchi olimlar inson kapitali atamasini Gary Becker va Theodore Schultzning ishlari orqali joriy etilgan deb hisoblashadi. Ularni aytishiga ko‘ra, Inson kapitali — bu iqtisodiy rivojlanishning asosiy yo‘nalishi hisoblandi. Ta‘lim, malaka oshirish va sog‘liqni rivojlantirishga sarmoya kiritish orqali jamiyatning yuqori iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashga erishish mumkin. O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shishida inson kapitali eng muhim resurs sifatida asosiy rol o‘ynaydi. Chunki, Inson kapitali — bu nafaqat ishchi kuchining bilim va malakasi, balki jamiyatning innovatsion va raqobatbardosh salohiyatining asosi hisoblanadi. Jumladan inson kapitaliga sarmoya kiritish kelajakda ishlab chiqarishda barqarorlikni ta‘minlashda asosiy rol o‘ynashi mumkin. Bu haqida Majidovning “Mehnat resurslariga sarmoya kelajakdagi ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi.” deb aytgan nazariy fikri asosiy dalil hisoblanadi. O‘zbekistonda malakali ishchi kuchini shakllantirish orqali ishlab chiqarish hajmini oshirish va investitsiyalarni jalb qilish mumkin. Shu strategiya orqali, O‘zbekistonda inson kapitaliga sarmoya kiritish nafaqat iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash orqali o‘shish ko‘rsatkichlariga erishish mumkin. Barqaror iqtisodiy o‘shishga erishishda inson kapitali va ta‘lim o‘rtasidagi bog‘liqlikka urg‘u beradigan bo‘lsak, albatta bunday iqtisodiy katerogiyalar o‘zaro chambarchas bog‘langan. Jumladan, Alimardonova. G ning inson kapitali va ta‘lim tizimi o‘rtasidagi bog‘liqlikka “Zamonaviy ta‘lim va malaka mehnat bozoridagi samaradorlikni oshiradi.” deb urg‘u berib o‘tgan. Alimardonova. G ning aytib o‘tgan fikridan xulosa qiladigan bo‘lsak, inson kapitalini va ta‘lim o‘rtasidagi bog‘likni rivojlantirish orqali barqaror


iqtisodiy o‘shishning asosiy yo‘nalishi shakllanadi hamda, ta’lim tizimini rivojlantirish va malakali kadrlar bazasini shakllantirish O‘zbekistonning barqaror iqtisodiy o‘shishini mustahkamlaydi degan fikrga kelishimiz mumkin. Xususan, tadqiqot jarayonidan inson kapitalini innovatsiyalarni va raqamli transformatsiyaning markazi deb fikr yuritishimiz mumkin. Bu borada Khammaddomovning “Ta’lim iqtisodiy rivojlanishni tezlashtiradi.”, deb aytgan iqtibosi buning yorqin dalilidir. Yuqori malakali kadrlar iqtisodiyotning turli sohalarida yangi texnologiyalarni joriy etadi, raqamli iqtisodiyot va innovatsion yechimlarni ilgari suradi. Shu tariqa, inson kapitali iqtisodiy o‘shishning sifatini va tezligini belgilaydi. Hozirgi dunyo tartibotiga nazar soladigan bo‘lsak, tabaqalashuv jarayoni sur‘atlari ancha yuqori. Jumladan, Bu jarayon O‘zbekistonda ham mavjud. Ayrim iqtisodchi olimlarning fikricha, jamiyatda insonlar o‘rtsida tabaqalashuv jarayonini inson kapitalini rivojlantirish orqali sezilarli kamaytirishga erishish mumkin. Chunki, inson kapitali jamiyatda o‘zaro tenglikni ta’minlashga xizmat qiladi. Bu borada O‘zbek olimlaridan biri, Mukhitdinova inson kapitalining ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatiga e’tibor qaratib, U “Ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish inson kapitali orqali mumkin.”, degan edi. Mukhitdinovanning bu fikri shuni ko‘rsatadiki, inson kapitalini rivojlantirish ijtimoiy barqarorlikni ham ta’minlaydi. Ta’lim va malaka sifatini oshirish orqali jamiyatdagi farovonlik va tenglik oshadi, bu esa O‘zbekiston uchun uzoq muddatli barqaror rivojlanish uchun muhim asos hisoblanadi. [5] Shuningdek, jamiyatda resurslar cheklangan, inson ehtiyojlari esa cheksiz ravishda o‘shib borishi va inson ehtiyojlarini qondirish uchun albatta tejamkor ishlab chiqarish, innovatsiyalar yaratish albatta inson kapitaliga bog‘liq. Bu borada ko‘plab tadqiqotlar o‘tkazilgan. Shunday tadqiqotlardan biri, Samadovning tadqiqotlariga ko‘ra, inson kapitali jamiyat taraqqiyotining strategik drayveri hisoblanadi, uning tadqiqot jarayonidan “Ishlab chiqarish, innovatsiya va mehnat unumdorligi inson kapitaliga bog‘liq”, degan xulosaga kelishimiz mumkin. Inson kapitaliga investitsiyani oshirish O‘zbekistonda malakali kadrlar ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi, innovatsion faoliyatni rag‘batlantiradi va iqtisodiyotning raqobatbardoshligini kuchaytiradi. Inson kapitali shunday resursdirki, u iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikni birlashtiradi. [6]

Mavzuga doir adabiyot tahlili natijalaridan shunday xulosaga kelsak bo‘ladiki, yuqoridagi olimlarning isbot va nazariy fikrlariga ko‘ra ko‘ra, inson kapitali O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shishida iqtisodiy samaradorlikni oshirish, innovatsiya va raqamli transformatsiya ijtimoiy barqarorlik va tenglik, barqaror rivojlanish strategiyasi kabi ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan asosiy rollarni bajaradi. Shu bilan, inson kapitalini rivojlantirish O‘zbekistonning barqaror iqtisodiy o‘shishida inson kapitalining izchil va aniq belgilanish strategiyasining markaziy elementi sifatida qaraladi. Bu resurs nafaqat iqtisodiy samaradorlikni oshiradi, balki ijtimoiy adolat va innovatsion rivojlanishning asosiy omili hisoblanadi.

Mazkur ilmiy tadqiqotda O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shishida inson kapitalining o‘rni va ahamiyatini aniqlashda nazariy, empirik, solishtirma, induktiv va deduktiv va statistik va garfik tahlil usullaridan foydanildi.

Ushbu sohada olib borilgan bir qator tadqiqotlar inson kapitali investitsiyalari va iqtisodiy o‘shish o‘rtasidagi murakkab va o‘zaro bog‘liq munosabatlarni tasdiqlaydi. Inson kapitaliga investitsiyasiz barqaror iqtisodiy rivojlanishga erishish deyarli imkonsizdir. Shu bois, ta’lim tizimida mavjud tengsizliklar va resurslarning adolatsiz taqsimlanishi mamlakatning jon boshiga daromadiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Inson kapitalini adolatli va strategik yo‘naltirilgan tarzda taqsimlash, ya’ni aholining barcha qatlamlari uchun ta’lim olish imkoniyatlarini yaratish va bu imkoniyatlarni mehnat bozorining ehtiyojlariga muvofiq ravishda tashkil etish, YaIMning o‘shishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Aks holda, mavjud salohiyatdan to‘liq foydalanilmaydi va bu iqtisodiy samaradorlikning pasayishiga olib keladi. Shuning uchun ham, so‘ngi yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotida inson kapitalining investitsiya kiritilishi va davlat hisobidan mablag‘ ajaratilishi, barqaror iqtisodiy o‘shishdagi o‘rni keskin oshib bormoqda. O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, ta’lim va sog‘liqni saqlash tizimini modernizatsiya qilish, raqamli iqtisodiyotga o‘tishni rivojlantirish jarayonlari bevosita inson kapitalining sifat ko‘rsatkichlarini yaxshilashga xizmat qilmoqda. Inson kapitaliga qaratilgan sarmoyalar iqtisodiyotning barqaror o‘shishiga asosiy turtki bermoqda. Xususan inson kapitalini rivojlantirish orqali O‘zbekistonda YaIM hajmi yildan-yilga oshib kelmoqda. Milliy

statistika bergan ma’lumotlarga ko‘ra, 2018–2025 yillar oralig‘ida O‘zbekistonda ta’lim va sog‘liqni saqlash sohasiga yo‘naltirilgan xarajatlar yalpi ichki mahsulotning o‘rtacha 4,7 foizdan 6,3 foizgacha oshishiga xizmat qilgan. Economicdata saytining bergan statistik ma’lumotlariga ko‘ra O‘zbekistonda YaIM hajmi 113,39 mlrd dollarni tashkil etishi prognoz qildi. Demak, bundan ko‘rsa bo‘ladiki, O‘zbekistonda Inson kapitaliga o‘tgan yildagidan ko‘ra sarmoyalar nisbatan 1,38 % ga kam . Lekin bu prognoz yanvar-sentyabr oylaridagi ko‘rsatkichlaridan kelib chiqqan holda berilgan(1-rasm). Yil yakuniga kelib, O‘zbekistonda YaIM hajmida Inson kapitali ko‘rsatkichi yuqori bo‘lishi prognoz qilingan.



1-rasm. Inson kapitalining YaIM o‘shishiga ta’siri [7]

Davlat statistika qo‘mitasi va Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, 2018-2024-yillar oralig‘ida inson kapitali indeksi (HCI) 0,56 dan 0,62 gacha ko‘tarilgan. Bu statistik ma’lumotdan ko‘rishimiz mumkinki, O‘zbekistonda barqaror iqtisodiy o‘shishda inson kapitalining asosiy resurs sifatida ahamiyati oshib bormoqda.

Natijalar shuni ko‘rsatadiki, inson kapitaliga sarmoya kiritish nafaqat iqtisodiy o‘shishning barqarorligini ta’minlaydi, balki jamiyatdagi ijtimoiy barqarorlikni kuchaytiradi va O‘zbekiston iqtisodiyotining raqamli va innovatsion rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Bu esa, inson kapitali rivojlanishi mehnat unumdorligining oshishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatgan. Oliy ma’lumotli va kasbiy tayyorgarlikka ega ishchi kuchi ulushi ortgani sababli ishlab chiqarish samaradorligi ham ko‘tarilgan. Masalan, 2025 yilga kelib oliy ma’lumotli xodimlar ulushi 15 foizdan 32 foizgacha oshdi. [8] Bu jarayon Majidov K.K. tomonidan ilgari surilgan “mehnat resurslariga sarmoya kelajakdagi ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi” degan ilmiy xulosani amalda tasdiqlaydi. Khammadoxov ta’kidlaganidek, “ta’lim iqtisodiy rivojlanishni tezlashtiradi”, deb aytgan fikri amalda O‘zbekiston sharoitida bu fikr o‘z tasdig‘ini topmoqda, chunki so‘nggi yillarda raqamli texnologiyalarni o‘zlashtirgan yosh kadrlar iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida innovatsion yechimlarni joriy etishmoqda. Bu esa inson kapitalining innovatsiyalar va raqamli iqtisodiyot rivojida markaziy o‘rni mavjudligini ko‘rsatad. Inson kapitali nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Mukhitdinova o‘z tadqiqotlarida “ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish inson kapitali orqali mumkin” degan xulosani ilgari surishi, haqiqatdan ham, inson kapitalining rivojlanishi natijasida O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi 11 foizdan 8,5 foizgacha kamaygani kuzatiladi [9]. Alimardonova G. esa inson kapitali va ta’lim tizimi o‘rtasidagi bog‘liqlikka e’tibor qaratgan holda “zamonaviy ta’lim mehnat bozoridagi samaradorlikni oshiradi” deya ta’kidlaydi. O‘zbekistonda so‘nggi yillarda ta’lim tizimining raqamlashtirilishi, malaka oshirish markazlarining tashkil etilishi va xorijiy tajribalarni joriy etish mehnat bozorida raqobatbardosh kadrlar ulushini oshirdi. Umuman olganda, inson kapitali O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shishida strategik omil sifatida namoyon bo‘lmoqda. Ta’lim, sog‘liqni saqlash va innovatsion salohiyatga qaratilgan sarmoyalar

mehnat unumdorligini oshiradi, ishlab chiqarish samaradorligini kuchaytiradi va aholining farovonlik darajasini yaxshilaydi. Natijada, inson kapitali iqtisodiy o‘shishning sifatini belgilovchi, jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorligini va uzoq muddatli strategik istiqbolini ta’minlovchi asosiy resurs sifatida e’tirof etilmoqda.

O‘tkazilgan tadqiqotdan jarayonlaridan olingan xulosa va takliflar shundan iborat bo‘ldiki, O‘zbekiston iqtisodiyotining barqaror o‘shishida inson kapitalining rivojlanishi bevosita bog‘liq ekanligi tadqiqot mobaynida foydalanilgan adabiyotlar, statistikalar tahlili bilan amalda tasdiqlandi. 2018–2025 yillarda O‘zbekistonda ta’lim va sog‘liqni saqlashga yo‘naltirilgan xarajatlar ortishi, inson kapitali indeksining oshishi va mehnat unumdorligining yaxshilanishi iqtisodiy barqarorlik va innovatsion rivojlanishga sezilarli ta’sir ko‘rsatgan. Tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, inson kapitali nafaqat ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi, balki ijtimoiy barqarorlikni mustahkamlash, tengsizlikni kamaytirish va jamiyatning umumiy farovonligini ta’minlashda ham muhim resurs hisoblanadi. Shuningdek, malakali kadrlar tayyorlash, zamonaviy ta’lim tizimini joriy etish va innovatsion texnologiyalarni tatbiq etish barqaror iqtisodiy o‘shishning asosiy drayveri sifatida e’tirof etildi. Bu esa O‘zbekistonning raqamli va innovatsion iqtisodiyotini mustahkamlash uchun inson kapitali strategik resurs ekanligini ko‘rsatadi. Bu borada tadqiqot natijasida bir qator takliflar ishlab chiqildi. Bularga, ta’lim va malaka oshirish tizimini rivojlantirish, iqtisodiyotning raqamli va innovatsion rivojlanishini rag‘batlantirish va sog‘liqni saqlash va ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash kabi ishlab chiqildi. Yuqorida qayd etilgan yo‘nalishlar mamlakatimizda inson kapitalini rivojlantirish, raqamli va innovatsion iqtisodiyotga o‘tish hamda ijtimoiy barqarorlikni mustahkamlashning asosiy omillari hisoblanadi. Birinchidan, ta’lim va malaka oshirish tizimini takomillashtirish orqali mehnat bozorining zamonaviy talablariga javob beruvchi, amaliy ko‘nikmalarga ega malakali mutaxassislar tayyorlash imkoniyati kengayadi. Xorijiy tajriba va ilg‘or ta’lim dasturlarini joriy etish ta’lim sifatini oshiradi va raqobatbardosh kadrlar zaxirasini yaratadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash natijasida startaplar, ilmiy tadqiqotlar va texnologik yangiliklar uchun qulay muhit shakllanadi. Bu esa mamlakat iqtisodiyotining barqaror o‘shishini ta’minlab, yangi ish o‘rinlari yaratilishiga xizmat qiladi. Uchinchidan, sog‘lom va ijtimoiy jihatdan barqaror jamiyat mehnat resurslarining samaradorligini oshiradi, ijtimoiy tenglik va farovonlikni mustahkamlaydi. Malaka oshirish va qayta tayyorlash tizimining rivoji uzoq muddatli iqtisodiy barqarorlikka zamin yaratadi.

Nihoyat, strategik sarmoyalar va monitoring tizimini takomillashtirish orqali inson kapitaliga yo‘naltirilgan mablag‘larning samaradorligini baholash, kadrlar ehtiyojini oldindan aniqlash hamda xalqaro tajriba asosida rivojlanish strategiyasini shakllantirish imkoniyati yuzaga keladi. Umuman olganda, ushbu chora-tadbirlarning amalga oshirilishi mamlakatning raqobatbardoshligini oshirish, innovatsion salohiyatni kuchaytirish va barqaror iqtisodiy o‘shishni ta’minlashga xizmat qiladi. Shunday qilib, tadqiqot jarayonidan umumiy xulosani oladigan bo‘lsak, inson kapitaliga sarmoya – bu kelajak farovonligiga eng ishonchli sarmoyadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi “2030-yilgacha bo‘lgan davrda xalq ta’limi tizimini rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-sonli Farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.05.2022 yildagi “2022 — 2026-yillarda maktab ta’limini rivojlantirish bo‘yicha milliy dasturni tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-134-sonli farmoni.
3. Majidov K.K. Inson kapitali va iqtisodiy barqarorlik / K.K. Majidov. – Toshkent, 2025. – 112 b.
4. Alimardonova G. Ta’lim tizimi va iqtisodiy o‘shish / G. Alimardonova. – Toshkent, 2025. – 98 b.
5. Khammadoxov S.-J. Inson kapitali va innovatsiyalar / S.-J. Khammadoxov. – Toshkent, 2024. – 104 b.
6. Mukhitdinova M.Z. Ijtimoiy barqarorlik va inson kapitali / M.Z. Mukhitdinova. – Toshkent, 2019. – 120 b.
7. Samadov T.A. Malakali kadrlar va iqtisodiy o‘shish / T.A. Samadov. – Toshkent, 2024. – 115 b.
8. Majidov Kobiljon Kodirovich. Student of the Higher School of Business and Entrepreneurship, Specializing in MBA Global Management Under the Cabinet of Ministers of the Republic of

9. World Bank. World Development Indicators / World Bank. – Washington, 2025. – URL: <https://databank.worldbank.org/source/world-development-indicators>
10. UNDP. Human Development Report 2025 / United Nations Development Programme. – New York, 2025. – URL: <https://hdr.undp.org>
11. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. Milliy statistika ma‘lumotlari. – Toshkent, 2025. – URL: <https://stat.uz>
12. Malika Sharipova Maxmudjon qizi, “University of economics and pedagogy” notm
13. Abdinabiyeva Dildora Eshmurod qizi, “Ta‘lim va inson kapitali iqtisodiyotda barqaror o‘shish omili sifatida”
14. Samedov Tursunboy Adhamjonovich, Namangan davlat universiteti, O‘zbekiston.

УДК: 338.24

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ПОДХОДЫ К СТРАТЕГИЧЕСКОМУ УПРАВЛЕНИЮ

STRATEGIK BOSHQARUVNING ASOSIY TAMOYILLARI VA YONDASHUVLARI

BASIC PRINCIPLES AND APPROACHES TO STRATEGIC MANAGEMENT

Мусаева Дилноза Дилшатовна

PhD, кафедра «Государственных и корпоративных стратегий»

Аннотация

Принципы и подходы к стратегическому управлению являются основой для формирования долгосрочных направлений развития как на уровне отдельных организаций, так и на уровне государственных структур. Эти принципы необходимы для того, чтобы обеспечить устойчивость, адаптивность и эффективность в условиях быстро меняющихся внешних и внутренних факторов.

Ключевые слова: стратегия, управление, принципы, стратегическое управление, подходы управления, государственные стратегии, стратегические принципы, корпоративные стратегии.

Strategik boshqaruv tamoyillari va yondashuvlari uzoq muddatli rivojlanish yo‘nalishlarini ham alohida tashkilotlar darajasida, ham davlat idoralari darajasida shakllantirish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Ushbu tamoyillar tez o‘zgarib turadigan tashqi va ichki omillar sharoitida barqarorlik, moslashuvchanlik va samaradorlikni ta‘minlash uchun juda muhimdir.

Kalit so‘zlar: strategiya, boshqaruv, tamoyillar, strategik boshqaruv, boshqaruv yondashuvlari, davlat strategiyalari, strategik tamoyillar, korporativ strategiyalar.

Principles and approaches to strategic management form the basis for formulating long-term development directions both at the level of individual organizations and at the level of government agencies. These principles are essential to ensure sustainability, adaptability, and effectiveness in the face of rapidly changing external and internal factors.

Keywords: strategy, management, principles, strategic management, management approaches, government strategies, strategic principles, corporate strategies.

Стратегия — это не только руководство для достижения поставленных целей, но и механизм управления рисками, который необходим для минимизации неопределенности и реализации возможностей. Овладение принципами стратегического управления является

важным условием для любого субъекта, будь то корпорация или государство, стремящегося к успешному долгосрочному существованию[1]. Правильное применение стратегического подхода помогает корпорациям адаптироваться к конкурентной среде, а государствам — эффективно реагировать на вызовы глобальных изменений.

Принцип целенаправленности. Все стратегические решения и действия должны быть направлены на достижение четко сформулированных целей, соответствующих миссии и видению организации. Принцип целенаправленности исключает хаотичность и рассредоточенность в управлении.

В государственной стратегии разработка национальных приоритетов, таких как устойчивое развитие регионов, цифровизация экономики или повышение уровня образования. Например, государственная политика в области здравоохранения может быть направлена на увеличение продолжительности жизни населения[2].

В корпоративной стратегии установление ключевых бизнес-целей, таких как увеличение рыночной доли, запуск инновационного продукта или выход на международные рынки.

Принцип системности. Организация рассматривается как единое целое, где все элементы взаимосвязаны и взаимозависимы. Принцип системности требует учета влияния внешней и внутренней среды на стратегические решения.

В государственной стратегии- согласование экономической, социальной и экологической политики для достижения устойчивого развития. Например, развитие транспортной инфраструктуры должно учитывать экологические аспекты.

В корпоративной стратегии- интеграция производственных, маркетинговых и финансовых планов для достижения синергетического эффекта.

Принцип адаптивности. Стратегическое управление должно быть гибким, чтобы адаптироваться к изменениям во внешней и внутренней среде. Это особенно важно в условиях высокой неопределенности и динамичных рынков.

В государственной стратегии- оперативное реагирование на внешние вызовы, такие как экономические кризисы, природные катастрофы или изменения в международной политике.

В корпоративной стратегии- пересмотр стратегий в ответ на появление новых конкурентов, изменение потребительских предпочтений или внедрение инновационных технологий.

Принцип ресурсной ориентации. Эффективное стратегическое управление предполагает рациональное использование всех доступных ресурсов: финансовых, человеческих, материальных и информационных. Принцип ресурсной ориентации позволяет минимизировать потери и максимально использовать потенциал организации.

В государственной стратегии - распределение бюджетных средств между приоритетными проектами, такими как строительство дорог, школ или больниц.

В корпоративной стратегии - оптимизация производственных процессов и инвестирование в развитие сотрудников для повышения их квалификации.

Принцип долгосрочной направленности. Стратегическое управление должно учитывать долгосрочные перспективы, даже если это требует дополнительных усилий и затрат в краткосрочном периоде. Данный принцип позволяет обеспечить устойчивый рост и развитие организации.

В государственной стратегии: разработка инфраструктурных проектов, которые будут приносить пользу будущим поколениям, например, строительство высокоскоростных железных дорог или внедрение возобновляемых источников энергии.

В корпоративной стратегии: инвестирование в исследования и разработки, которые обеспечат конкурентоспособность компании через несколько лет.

Принцип вовлеченности. Успешное стратегическое управление возможно только при активном участии всех заинтересованных сторон: сотрудников, партнеров, клиентов и общества в целом. Принцип вовлеченности способствует повышению лояльности и эффективности.

В государственной стратегии: организация общественных слушаний, привлечение экспертного сообщества для разработки законопроектов или национальных программ.

В корпоративной стратегии: вовлечение сотрудников в процесс принятия решений, проведение регулярных собраний и тренингов, направленных на развитие командного духа.

Принцип контроля и обратной связи. Эффективное управление невозможно без регулярного мониторинга выполнения стратегических планов и анализа результатов. Принцип контроля и обратной связи позволяет своевременно выявлять отклонения и корректировать действия.

В государственной стратегии: использование статистических данных для оценки эффективности программ поддержки населения или реформ в образовании.

В корпоративной стратегии: анализ ключевых показателей эффективности (KPI) и проведение внутренних аудитов для оценки успешности реализуемых проектов.

Эти принципы формируют основу стратегического управления, обеспечивая его прозрачность, устойчивость и результативность. Их применение в государственной и корпоративной практике позволяет достигать высоких результатов даже в условиях ограниченности ресурсов и внешней нестабильности.

Стратегическое управление основывается на различных подходах, каждый из которых предлагает свой взгляд на организацию и достижение целей. Классический подход ориентирован на детальное планирование и долгосрочную предсказуемость. Предполагает, что организация может контролировать окружающую среду и минимизировать неопределённость. Данный подход основывается на анализе, планировании и строгом следовании стратегическому плану.

Эволюционный подход базируется на идее, что в условиях высокой неопределённости рынок сам выбирает наиболее успешные стратегии. Организации фокусируются на постепенных улучшениях и тестировании. Этот подход направлен на разработку нескольких экспериментальных продуктов и вывод на рынок только тех, которые успешны.

Процессный подход подразумевает постоянное взаимодействие между уровнями управления и подразделениями. Здесь стратегия формируется как результат динамического процесса, а не единовременного планирования. Подход позволяет постоянный пересмотр стратегии в ответ на ежемесячный мониторинг рыночных трендов.

Ситуативный подход учитывает, что не существует универсальной стратегии. Каждая компания должна выбирать методы управления, которые соответствуют её уникальной ситуации (отрасль, ресурсы, культура, рынок). Подход помогает малому бизнесу использовать агрессивные маркетинговые тактики, характерные для стартапов, тогда как крупная корпорация фокусируется на стабильности. При ресурсном подходе основное внимание уделяется внутренним ресурсам и компетенциям организации.

Уникальные активы и навыки компании считаются ключевыми факторами конкурентного преимущества. Здесь компания с высококвалифицированными сотрудниками инвестирует в развитие инновационных технологий. Инновационный подход фокусируется на создании новых ценностей и возможностей, которые помогают компании опережать конкурентов. Помогает при внедрении прорывных технологий, таких как блокчейн или искусственный интеллект.

Цифровой подход основан на использовании цифровых технологий для управления, анализа данных и взаимодействия с клиентами. Позволяет применять большие данные и аналитику для предсказания покупательского поведения.

Принципы и подходы стратегического управления помогают организациям сохранять устойчивость и конкурентоспособность в условиях изменений и неопределённости. Каждый принцип обеспечивает фундамент для эффективного планирования и реализации стратегии, а подходы позволяют адаптировать управление к конкретной ситуации и особенностям бизнеса. Умелое применение этих принципов и подходов является залогом успешного развития компании в долгосрочной перспективе.

Список использованной литературы:

1. Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси/ Шавкат Мирзиёев. - 2023
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон/ Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 560 б.
3. Квинт В. Концепция стратегирования: учебник, Т. II/ В. Квинт. - 2020
4. Porter, M. E. (1980). *Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors*. Free Press.
5. Thompson, A. A., Strickland, A. J., & Gamble, J. E. (2018). *Crafting & Executing Strategy: The Quest for Competitive Advantage*. McGraw-Hill Education.
6. Каплан Роберт С., Нортон Дейвид П. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию//Издательство: Олимп-Бизнес. 3-е издание. 2022. С. 320 <https://rpm-online.com/assets/files/lib/books/norton1.pdf>
7. Ицхак Адизес К. Управляя изменениями// Издательство: Альпина Паблишер. 2023. С. 260
8. Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация: монография. Ташкент: "Узбекистан", 2019. 536 с.

УДК: 338.1

**КОРРУПЦИЯДАН ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ БОРАСИДА КЕНГ
КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

**КОМПЛЕКСНАЯ СТРАТЕГИЯ РЕФОРМ ДЛЯ СОЗДАНИЯ БЕЗКОМПРОМИССНОЙ
СРЕДЫ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ**

**A COMPREHENSIVE REFORM STRATEGY FOR CREATING AN ENVIRONMENT OF
NO COMPROMISE AGAINST CORRUPTION**

Фаррух Гайбуллаев

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
масъул ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда коррупциядан холи муҳит яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар стратегияси кенг ёритилган.

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, расмиятчилик, коррупцияни идрок этиш индекси, коррупциявий омиллар, ҳалоллик стандарти.

В данной научной статье представлен комплексный обзор стратегии масштабных реформ по созданию в Узбекистане среды, свободной от коррупции.

Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, бюрократия, индекс восприятия коррупции, факторы коррупции, стандарт добросовестности.

This research paper presents a comprehensive review of the strategy for large-scale reforms to create a corruption-free environment in Uzbekistan.

Key words: corruption, conflict of interest, bureaucracy, corruption perception index, corruption factors, integrity standard.

2021 йилнинг 13 декабрида Шарм-эль-Шейхда коррупцияга қарши курашиш бўйича Бутунжаҳон конференциясида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш томонидан дунёда коррупция туфайли солиқ тўловчиларнинг чўнтақларидан триллионлаб доллар қийматидаги маблағлар мактаб ва касалхоналарга етиб бормасдан мансабдор шасхлар ҳисоб рақамларига

тушаётганлиги, бунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидланган эди [1].

Ҳозир дунёда коррупциянинг зарари қарийб 3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Бироқ Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилатган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди. Энг ёмони — жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди” [2].

Шу боис, аҳолининг барча қатламлари орасида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш масаласи раҳбар ходимларнинг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолиши керак.

“Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти (ТИ) томонидан 2024 йил 11 февраль куни 2024 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption Perceptions Index) (кейинчалик – Рейтинг / CPI) эълон қилинди. 2024 йил учун Коррупцияни идрок этиш индекси натижаларига кўра, Ўзбекистон индексидаги ўрнини изчил яхшилаб, 32 балл билан 180 давлат ичида 121-ўринни эгаллаган [3].

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида (2023 йил 11 сентябрь) коррупцияга қарши курашиш энг муҳим устувор йўналишларда бири сифатида белгиланиб, мамлакатимиз 2030 йилга бориб, ўз позициясини 50 пунктга яхшилаш ва 76 ўринга кўтарилишни мақсад қилиб олган [4].

Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, фуқароларнинг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлашда коррупцияга қарши самарали курашиш ва унинг олдини олиш устувор стратегия сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва коррупциядан холи муҳит яратиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция илллати йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг маърузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 84-мақсадида прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини амалга ошириш натижасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши самарадорлиги нуқтаи-назаридан қайта кўришни тақозо этмоқда [5]. 2025 йил 5 март куни Президентимиз раислигида ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқида: “Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади” [6] деганларида коррупциянинг нақадар хавфли ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эканлигини идрок эттириш эди.

Президентимиз раислигида ўтган мазкур йиғилишда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга танқидий баҳо берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Коррупция — лотинча “cor” ва “ruptum” сўзларидан ташкил топган бўлиб, “cor” виждон, юрак, “ruptum” эса бузилиш, вайрон бўлиш деган маъноларни англатади [1]. Демак, коррупция инсоннинг виждонан ва ахлоқан бузилиши ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим В.В. Астанин айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларлар фаолиятидаги коррупцион хавф-ҳатарларга тўхталиб, унинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг белгиланган мажбуриятлар, тақиқлар ва чекловларга риоя қилмасликлари, ўз фаолиятларини амалга оширишда ваколатларини суиистеъмол қилишлари коррупциявий хатарларни юзага келишига асос бўлади [1]. Агар прокуратура органи ходими ўз мажбуриятларини бажариш давомида белгиланган касб маданияти ва хизмат интизомига риоя қилмаса, ўзбошимчалик билан иш тутса, тақиқ ва чекловларга риоя қилмаса коррупцион хавф-ҳатарни юзага келтиради.

Ўзбекистонда нафақат прокуратура органларида, балки барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш энг устувор йўналишга айланиб улгурмоқда. Буни 2017-2025 йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон ислоҳотларининг асосий ҳужжати ҳисобланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармонининг қабул қилиниши ва фармон билан тасдиқланган Давлат дастурининг айнан 17-мақсади прокуратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони[4] нинг 89-мақсадида, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Булар:

1. “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш;

2. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтиришга эришиш;

3. Давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-тороғ қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш;

4. 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупциядан ҳоли қонунчилик тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш.

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, очиқлик ва ошкоралик тамойилларининг таъсирчан шакллари жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини ишлаб чиқишда янги таҳрирдаги Конституция(2023)миз асос вазифасини бажарди. Айнан янги таҳрирдаги Конституцияда давлат органлари фаолиятининг асосий мезони бу – инсон ҳуқуқлари, инсон эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш экани кўрсатилган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги яна бир асосий мавзулардан бири бу суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларини бевосита 3 та йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчиси, суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш йўналиши. Бу ерда биринчи навбатда фуқаролар судларга мурожаат қилган пайтда ҳар бир босқичнинг рақамлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, ортикча овозагарчиликларнинг олдини олиш ва фуқаролар суд билан тезкор боғланишини таъминлаш учун ҳам бу йўналиш муҳим ҳисобланади. Масалан, фуқарога жиноий иш қўзғатилган пайтда судлардаги жараёни кузатишга ва мавжуд вазият билан танишишга эҳтиёж бор эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, суд жараёнини тўлиқ электронлаштириш ва вазиятни доимий кузатиб туриш тизими шаклланади.

Иккинчи йўналиш сифатида коррупциянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни 2030 йилга қадар бутун қонунчилик коррупциядан ҳоли бўлади. Бу ҳам давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Дейлик, давлат харидлари билан боғлиқ соҳаларда ёки манфаатлар тўқнашуви муносабатларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳани ҳам рақамлаштириш асосий мақсад сифатида қаралмоқда.

Учинчи йўналиш сифатида Конституцияда белгиланган актлар, “Миранда қонидаси” каби нормаларни амалдаги қонунчиликка сингдиришни ҳам стратегиянинг асосий мақсадларидан бири сифатида қарашимиз мумкин. Умуман олганда, бу йўналишлардан асосий мақсад, судларни, умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни халққа янада яқинлаштириш, халқ билан ўзаро узвий боғлиқликни шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 21-апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сон фармонининг 4-бандига кўра: прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича юклатилган вазифалардан озод этилди. Секторлар фаолияти билан шуғулланишга прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари ўрнига Бош вазир ўринбосарлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва уларнинг тизими масъул этиб белгиланиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон Фармонига 2-илоvasи билан “Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури” тасдиқланиб, унинг 8-бандида “Коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш”[9] вазифаси қўйилди:

1. Прокуратура органлари томонидан коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таҳлилий фаолиятга алоҳида эътибор қаратиш юклатилди.

2. Бош прокуратуранинг Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси таркибида мавжуд штат бирликлари доирасида 3 та штат бирлигидан иборат коррупциявий омилларни таҳлил қилиш бўлими фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур бошқарманинг ҳудудий прокуратуралардаги бўлинмаларини жойларда коррупциявий омилларни таҳлил қилишга масъул этиб белгиланди.

Шунингдек, мазкур чора-тадбирларнинг 14 – бандида “Ҳуқуқ-тартибот идораларининг илмий ташкилот ва таълим муассасалари томонидан жиноят содир этилган маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида ўтказилган ўрганишлар самарадорлигини ошириш” [9] ва унга кўра: “Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Миллий гвардия таркибидаги олий таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарорига асосан юклатилган вазифалар ижросини эшитиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб бориш” белгиланди.

Демак, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жамоатчилик вакиллари ва нодавлат ташкилотларига мурожаатида: “Коррупцияга қарши кураш – умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон ишидир. Умуман, бу жараёндан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Шу боис, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш учун янада кўпроқ шароит яратиб, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилишимиз зарур. Аввало, нодавлат ташкилотлар фаоллигини ошириш лозим. Бу – энг тўғри йўл”, - деб таъкидлаб, энг муҳими, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш вазифаси юклатилганлигини [6] унутмаслигимиз зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонига асосан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир

биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони[10] қабул қилинди. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони белгиланиб, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқланди. Вазирлик ва идораларда коррупцияга қарши курашиш тузилмаларини мажбурий тартибда ташкил этиш талаби белгиланди.

Маълумот учун: Биргина 2023 йилда 114 та давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек банкларда 1477 нафар штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг фаолияти йўлга қўйилди. Улар томонидан ўтказилган 4349 та назорат тадбирларида 342,6 млрд сўмлик маблағларнинг талон-торој қилиниши ва 928,9 млрд сўмлик молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди[11].

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган барча мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усуллари мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳисобланади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “комплаенс-назорат” тизимининг принципларидан бири – коррупцияга нисбатан муросасизлик (zero tolerance to corruption) – ходимларда коррупцияга нисбатан “0 (ноль)” даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантиришга аҳамият қаратилади.

Коррупцияга нисбатан муросасизлик (zero tolerance to corruption) – ходимларда коррупцияга нисбатан “0 (ноль)” даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантиришни таъминлаш мақсадида, куйидагилар тақлиф этилади:

1. Мол-мулк, даромадлар декларацияси ҳақида норма мавжуд эмаслиги соҳадаги энг катта камчилик сифатида қайд этиш керак ва тегишли қонунни қабул қилишни тезлаштириш.
2. Шаффофлик (transparency) – фаолиятда очиклик ва шаффофликни таъминлаш;
3. Коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш;
4. Барча давлат идораларида мавжуд ва эҳтимолий коррупцион ҳаракатлар юзасидан хабар беришга мўлжалланган ҳимояланган ички ва ташқи каналлар яратиш.
5. Аниқ ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик ёки чора кўрмаганлик, давлат фуқаролик хизмати соҳасида совға олиш ёки бериш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [Электрон манба]. UN anti-corruption conference begins with call to restore trust to tackle pandemic challenges, achieve sustainable development. <https://www.unodc.org/unodc/en/press/releases/2021/December/un-anti-corruption-conference-begins-with-call-to-restore-trust-to-tackle-pandemic-challenges--achieve-sustainable-development.html>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқи //2023 йил. [Электрон манба]. URL: https://uz.uz/z/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-yuksak-xalqaro-mukofotni-topshirish-marosimidagi-nutqi_549682.
3. <https://www.transparency.org/en/cpi/2024>.
4. “Ўзбекистон-2030” стратегияси.// <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 60-сон. 28.01.2022. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/082-сон.
6. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси. //05.03.2025 йил.

7. Мишин Г.К. “О теоретической разработке проблемы коррупции”. – М.: Юрист, 2001. С. 26
8. Астанин В.В. Антикоррупционная политика России: криминологические аспекты. Диссертация., д.ю.н. М., 2009. С. 11.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон Фармонида 2-илоvasи билан “Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури”. // <https://lex.uz/ru/docs/7486412>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ-228-сонли Фармони. - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.11.2025 й., 06/25/228/1070-сон. <https://lex.uz/docs/6369997>
11. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза. //Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024.-70 б.

UDK: 336.77

BANK SEKTORIDA KREDIT XAVFLARINI BAHOLASHNING YANGI USULLARI: PD–LGD–EAD INTEGRATSIYALASHGAN MODEL

НОВЫЕ МЕТОДЫ ОЦЕНКИ КРЕДИТНЫХ РИСКОВ В БАНКОВСКОМ СЕКТОРЕ: ИНТЕГРИРОВАННАЯ МОДЕЛЬ PD–LGD–EAD

NEW METHODS FOR CREDIT RISK ASSESSMENT IN THE BANKING SECTOR: INTEGRATED PD–LGD–EAD MODEL

Mirzayev Bobur Soyibjonovich

Alfraganus university, “Moliya” kafedrası mudiri, i.f.f.d.(PhD), dotsent

Annotatsiya

Ushbu maqolada bank sektorida kredit xavflarini baholashning zamonaviy yondashuvlari, xususan PD, LGD va EAD ko‘rsatkichlarini yagona integratsiyalashgan modelda qo‘llash muhokama qilinadi. Model kredit portfeli sifatini oshirish, tavakkalchilikni aniq o‘lchash va qaror qabul qilish jarayonini optimallashtirishga xizmat qiladi. Tadqiqot metodlari, amaliy natijalar va takliflar keltiriladi.

Kalit so‘zlar: kredit xavfi, bank sektori, PD modeli, LGD ko‘rsatkichi, EAD baholash, integratsiyalashgan model, risk menejment, Basel standartlari, kredit portfeli, moliyaviy barqarorlik.

В статье рассматриваются современные подходы к оценке кредитных рисков в банковском секторе, в частности применение показателей PD, LGD и EAD в единой интегрированной модели. Модель способствует повышению качества кредитного портфеля, точному измерению рисков и оптимизации процесса принятия решений. Представлены методы исследования, практические результаты и рекомендации.

Ключевые слова: кредитный риск, банковский сектор, модель PD, показатель LGD, оценка EAD, интегрированная модель, риск-менеджмент, стандарты Базеля, кредитный портфель, финансовая стабильность

This article examines modern approaches to credit risk assessment in the banking sector, particularly the use of PD, LGD and EAD indicators within an integrated model. The model enhances credit portfolio quality, improves risk measurement accuracy, and optimizes decision-making processes. The study presents methodological approaches, empirical results, and practical recommendations.

Keywords: credit risk, banking sector, PD model, LGD indicator, EAD estimation, integrated model, risk management, Basel standards, credit portfolio, financial stability.

Kredit xavfi – bu bankning qarzdor tomonidan o‘z majburiyatlarini bajarmasligi oqibatida duch keladigan yo‘qotishlar miqdorini bildiruvchi muhim ko‘rsatkichdir. Kredit xavfini baholashda uchta asosiy parametr keng qo‘llaniladi: PD (Probability of Default) – default sodir bo‘lish ehtimoli, LGD (Loss Given Default) – default yuz bergan taqdirda yo‘qotish foizi, EAD (Exposure at Default) – default paytidagi majburiyat summasi. Ushbu ko‘rsatkichlar bankning mumkin bo‘lgan yo‘qotishlarini modellashtirishda birgalikda ishlatiladi. Masalan, IFRS 9 standartida kutilayotgan kredit yo‘qotishlari (ECL) hisobi $ECL=PD \times LGD \times EAD$ formulasi bo‘yicha amalga oshiriladi. Investopedia ma‘lumotiga ko‘ra, PD, LGD va EAD banklarga potentsial zararlarni hisoblashda yordam beruvchi bir qator hisoblardir. Shu tarzda, qarzning defaultga uchrash imkoniyati va defaultga uchrasa bank yo‘qotadigan summasi hisobga olinadi. Misol uchun, 1000 birlik qarzni ko‘zda tutsak, agar $PD=20\%$, $LGD=70\%$ bo‘lsa, kutilayotgan yo‘qotish miqdori $0.2 \times 0.7 \times 1000=140$ birlikga teng bo‘ladi.

Banklar kredit xavfini boshqarishda global me‘yorlarga, xususan, Basel standartlariga amal qiladi. 2004 yilda qabul qilingan Basel II ramkasida kredit xavfini baholash poydevori sifatida aynan PD–LGD–EAD uchligi belgilandi. Basel komiteti IRB (Internal Ratings-Based) yondoshuvida ilg‘or banklarga o‘z ichki reytinglari asosida har bir aktiv uchun PD va xavf parametrlari (boshlang‘ich PD, LGD, EAD) ni hisoblash imkonini berdi. Ma‘lumotlarga ko‘ra, rivojlangan IRB usuliga ko‘ra, banklar har bir kredit bo‘yicha o‘zlari hisoblab chiqqan PD, LGD va EAD qiymatlarini qo‘llashi mumkin. Bunday yondashuv kapital yetarliligini aniqlash formulalarini to‘g‘ri parametrizatsiya qilishni ta‘minlaydi. Shunday qilib, ko‘p yillar davomida banklar kredit xavfini baholashda PD, LGD, EAD parametrlariga tayanib kelmoqda va ular kredit portfelidagi umumiy kutilayotgan zararlarni hisoblashda asosiy tarkibiy qism sifatida qabul qilingan.

So‘nggi yillarda kredit xavfini baholashda yangi standart va mexanizmlar joriy qilindi. Xususan, moliyaviy hisobot standarti IFRS 9 (2018 yildan boshlab) kreditlar uchun avvaldan prognoz qilingan kutilayotgan yo‘qotishlarni hisoblashni talab qiladi. IFRS 9 bo‘yicha kreditlarning 3 ta bosqichli modeli mavjud: Stage 1 da oddiy darajada turgan kreditlar uchun bir yillik ECL, Stage 2 da kredit sifati sezilarli yomonlashganlari uchun kreditning umr bo‘yi ECL; Stage 3 esa allaqachon zarar ko‘rgan kreditlar uchun barcha qolgan yo‘qotishlarni inobatga oladi. IFRS 9 talablariga binoan, banklar portfellaridagi har bir foiz to‘lov majburiyatlariga nisbatan ham kelajak sharoitlarini hisobga olgan holda PD, LGD va EAD qiymatlarini chiqazishi lozim. Xususan, IFRS 9 doirasida yillik va umr bo‘yi PD qiymatlari vektorini modellashtirish kerak bo‘ladi – ya‘ni qarzning butun muddatida har bir yil uchun default ehtimollarini oldindan baholash zarur. Shu maqsadda banklar nafaqat o‘tgan davr statistik ma‘lumotlarini, balki prognozga asoslangan iqtisodiy muhit parametrlarini ham modellariga qo‘shadilar. For example, IFRS 9 ECL hisoblashiga ko‘ra, qarz Stage 2 yoki 3 ga ko‘tarilsa, bank kutilayotgan yo‘qotishlarni butun muddat bo‘yicha hisoblaydi va buning uchun har yilgi PD, LGD, EAD qiymatlari zarur bo‘ladi. Ushbu talablar kredit bo‘yicha risk parametrlarini integratsiyalashgan holda modellashtirishni taqozo etadi.

Zamonaviy integratsiyalashgan model – bu PD, LGD, EAD omillarini alohida emas, balki yagona tizim sifatida baholovchi yondashuvdir. An‘anaviy amaliyotda banklar alohida model bilan PD, LGD va EAD ni hisoblagan bo‘lsa, integratsiyalashgan yondashuvlar ushbu komponentlar o‘rtasidagi bog‘liqlikni ham e‘tiborga oladi. Yaqinda moliya mutaxassislari kesh-flow (naqd oqim) usulini ilgari surdi: bu yondashuvda kredit qiymati ob‘ektning kelajakdagi naqd oqimlari yig‘indisi sifatida qaraladi. Ishlab chiqilgan modellarga ko‘ra, oldingi kreditlarga oid haqiqiy naqd oqim ma‘lumotlari asosida neyron tarmoqlar kabi ilg‘or mashinani o‘qitish algoritmlari yordamida obligorning moliyaviy xatti-harakatlari, uning atrofidagi iqtisodiy sharoitlar, makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar kiritiladi va chiqish sifatida kelajakdagi naqd oqim prognoz qilinadi. Shu tarzda, kesh-flow model kreditga bog‘liq har bir vaziyat uchun PD, LGD va EAD ning o‘zaro bog‘lanishini birgalikda aks ettiradi. Masalan, birinchi ssenariyada kredit to‘laligicha qoplanishi ko‘zlangan bo‘lsa, ikkinchisida obligor moliyaviy qiyinchilikka uchrab, asosiy summani kechiktirishi mumkin,

uchinchisida esa to‘liq to‘lovdan bosh tortishi ehtimoli ko‘rib chiqiladi. Shu orqali modellashtirishda noto‘g‘ri yo‘nalishli risk (PD va LGD bog‘liqligi) avtomatik usulda aniqlanadi – agar iqtisodiy sharoit yomonlashuvi birdaniga ham default ehtimolini, ham yo‘qotish foizini oshirsa, integratsiyalashgan modellar buni birdek e‘tiborga oladi. An‘anaviy alohida PD va LGD modellarida esa bunday holatlarda yo‘qotishlarni faqat ularning ko‘paytmasi orqali hisoblash mumkinligi sababli PD-LGD o‘rtasidagi korrelyatsiya ko‘pincha inobatga olinmay qoladi.

So‘nggi yillarda mashinani o‘rganish va sun‘iy intellekt usullarini kredit riskida tatbiq etishga urg‘u kuchaydi. Akademik tadqiqotlarda ham ushbu texnologiyalar kredit riskining asosiy omillarini modelga olishda qo‘llanilmoqda. Masalan, Grzybowska va Karvanski (2020) ishida LGD parametrini bashoratlash uchun gradient boosting algoritmi va Markov zanjiri yondoshuvi taklif qilinib, murakkab kredit migratsiyalaridan foydalangan holda uzoq muddatli LGD qiymatlari modellashtirilgan. Bu tadqiqot IFRS 9 kontekstiga mos bo‘lib, real bank ma‘lumotlari yordamida LGD taqsimotini aniqlash usulini ko‘rsatadi. Shuningdek, turli tadqiqotlarda qarz portfelining umumiy xisobini aniqlash uchun PD, LGD va EAD ni birgalikda bashorat qiluvchi yondashuvlar, masalan, neyron tarmoqlar yoki tasodifiy o‘rmonlar kabi usullar, haqiqiy ma‘lumotlar va stsenariylar bilan qo‘llanilmoqda. Bu kabi metodlar kredit riskining kompleks qiyofigini olishga imkon beradi.

Zamonaviy bank amaliyotida kredit xavfini baholash jarayonini avtomatlashtirish maqsadida turli dasturiy yechimlar paydo bo‘lgan. Masalan, IFRS 9 standartiga mos keluvchi “Rust” deb nomlangan avtomatlashtirilgan ECL tizimi PD, LGD va EAD modellashtirishni bitta platformada birlashtiradi. Rust yechimi kredit modellashtirishning to‘liq tsiklini qamrab oladi – u nafaqat kreditlarning default ehtimollarini (PD) va default holatidagi yo‘qotish foizlarini (LGD) bashorat qiladi, balki oqibati aylanishini monitoring qiladi va ma‘lumotlarni reyabellishtiradi. Bu tizimning foydali xususiyatlaridan biri – u tarixi bo‘yicha to‘plangan va kelajak stsenariylariga asoslangan ma‘lumotlarni qo‘llab, model parametrlarini integratsiyalashgan holda avtomatik ravishda qayta hisoblab beradi. Zamonaviy banklarda IFRS 9 standartiga muvofiq kredit xavfini baholashni avtomatlashtirishga xizmat qiluvchi dasturiy yechimlar katta ahamiyatga ega. Masalan, yuqoridagi rasmda ko‘rsatilgan IFRS 9 hisob-kitoblari uchun maxsus platforma hisoblagich va moliyaviy hujjatlar yordamida kredit riskini tahlil qiladi. Bunday dasturlar PD, LGD va EAD kabi parametrlarni birgalikda integratsiyalashgan holda modellashtirish imkonini beradi. Shu tariqa bank xodimlari kredit portfeli bo‘yicha prognozlarni tez va aniqroq amalga oshirishlari, regulator talablariga mos ravishda ma‘lumotni qayta ishlashlari osonlashadi.

Statistik ma‘lumotlar va ekspert baholari shuni ko‘rsatadiki, kredit riskini baholashdagi bu o‘zgarishlar bank biznesiga sezilarli ta‘sir ko‘rsatmoqda. Masalan, McKinsey konsalting kompaniyasi IFRS 9 joriy etilishida birinchi marta kredit yo‘qotishlarini hisoblashni boshlanganida banklarning rezerv ajratmalari o‘rtacha 20%ga oshishi, va stage 2ga o‘tish natijasida balansdagi yo‘qotishlar kataklik tarafdin 30–40%gacha tebranish bo‘lishini prognoz qilgan. Federal Rezerv Bankining katta moliyaviy guruhlar (CCAR) uchun stress-test bo‘yicha yo‘riqnomalarida esa yirik banklarning kredit portfellarini qayta baholash jarayonida PD, LGD va EAD komponentlarini alohida segmentlarga ajratib, makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarga bog‘liq holatda modellashtirishi amaliyoti qayd etilgan. U yerda ta‘kidlanishicha, PD ko‘pincha makrosenariy asosida ekonometriya modellari orqali chiqaziladi, va me‘yoriy usullar bilan solishtirganda avvalgi davrlarning ko‘rsatkichlaridan foydalanish stress sharoitida xavfni noto‘g‘ri baholashga olib kelishi mumkin. Bunday misollar ko‘rsatadiki, bugungi kunda kredit riskini baholashda PD-LGD-EAD parametrlarini faqat alohida sifatida emas, balki ularning o‘zaro bog‘liqligini inobatga oluvchi tarzda tahlil qilish zarur.

Bank sektorida kredit xavflarini baholash jarayoni tobora murakkablashib, yangi integratsiyalashgan modellarni talab qilyapti. An‘anaviy PD–LGD–EAD formulalari kreditning umumiy xavfini ko‘rsatish uchun qulay bo‘lsa-da, sun‘iy intellekt va ilg‘or statistika vositalari yordamida ularni birlashtirgan yondashuvlar yanada nozik risk omillarini – masalan, makroiqtisodiy o‘zgarishlar va PD-LGD o‘zaro bog‘liqligini – to‘g‘ri aniqlash imkonini beradi. Zamonaviy banklarda joriy etilayotgan IFRS 9 talablarini bajarish uchun PD, LGD, EAD ni uchta alohida modeldan ko‘ra bitta integratsiyalangan modelda birlashtirib ishlatish, stsenariylarni qo‘shish, hamda tarixi va kelajak ma‘lumotlarini sinergik tahlil qilish zarurati kuchaymoqda. Bu esa nafaqat kredit

rezervlari to‘g‘risida aniq va haqqoniy xulosa olishga, balki bank faoliyatining barqarorligini oshirishga ham xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Basel Xavfsizlik Qo‘mitasi. Xalqaro banklararo kapital o‘lchovlari va kapital standartlari: takomillashtirilgan me‘yor (Basel II). Basel: Banklararo Xavfsizlik Inshooti (BIS), 2006. 347 b.
2. Xalqaro Buxgalteriya Standartlari Kengashi (IASB). IFRS 9: Financial Instruments. London: IFRS Foundation, 2014. 188 b.
3. Engelmann B. IFRS 9 uchun umrbod kutilayotgan kredit yo‘qotishlarini hisoblash: qaysi formula to‘g‘ri? Ho Chi Minh sh.: Ochilish Universiteti (HCMC), 2018. 15 b.
4. KPMG (Hindiston). Kutilayotgan kredit yo‘qotishlari (ECL). Mumbai: KPMG, 2025. 20 b.
5. Sauders L., Allen L. Kredit riskini o‘lchash: yangi yondashuvlar. Nyu-York: Wiley, 2007. 768 b.
6. Yevropa Banklar Otoriteti (EBA). IFRS 9ning joriy etilishi bo‘yicha monitoring hisobot – 2023. London: EBA, 2023. 66 b.

UDK: 334.027

**OZIQ-OVQAT KORXONALARI MAHSULOTLARI RAQOBATBARDOSHLIGINI
BOSHQARISH SAMARADORLIGINI BAHOLASH USULLARI**

**МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ ПРОДУКЦИИ ПИЩЕВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

**METHODS FOR ASSESSING THE EFFICIENCY OF MANAGEMENT OF THE
COMPETITIVENESS OF FOOD ENTERPRISES' PRODUCTS**

Ruzmanov Shuxrat Usmonovich Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti “Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish” kafedrasida katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada oziq-ovqat sanoati mahsulotlarining raqobatbardoshligini boshqarish samaradorligini baholash usullari tahlil qilinadi. Raqobatbardoshlik darajasini aniqlashda asosiy ko‘rsatkichlar sifatida mahsulot sifati, narx siyosati, innovatsion salohiyat, marketing strategiyalari va logistika tizimi ko‘rib chiqiladi. Tadqiqotda statistik va ekonometrik baholash usullari, jumladan, ekspert baholash, benchmarking, korelyatsion va regressiyaviy tahlil usullari yoritilgan. Olingan natijalar asosida oziq-ovqat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqiladi.

Kalit so‘zlar: raqobatbardoshlik, oziq-ovqat sanoati, baholash usullari, benchmarking, regressiyaviy tahlil, mahsulot sifati, marketing strategiyasi.

В данной статье анализируются методы оценки эффективности управления конкурентоспособностью продукции пищевой промышленности. Качество продукции, ценовая политика, инновационный потенциал, маркетинговая стратегия и система логистики рассматриваются как основные показатели, определяющие уровень конкурентоспособности. Исследование охватывает статистические и эконометрические методы оценки, включая экспертную оценку, бенчмаркинг, методы корреляционного и регрессионного анализа. На основе полученных результатов будут разработаны предложения по повышению конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности.

Ключевые слова: конкурентоспособность, пищевая промышленность, методы оценки, бенчмаркинг, регрессионный анализ, качество продукции, маркетинговая стратегия.

This article analyzes the methods for assessing the effectiveness of managing the competitiveness of food industry products. The main indicators for determining the level of competitiveness are product quality, pricing policy, innovative potential, marketing strategies and logistics systems. The study covers statistical and econometric assessment methods, including expert assessment, benchmarking, correlation and regression analysis. Based on the results obtained, proposals are developed to increase the competitiveness of food enterprises.

Keywords: competitiveness, food industry, assessment methods, benchmarking, regression analysis, product quality, marketing strategy.

Bugungi kunda oziq-ovqat sanoati iqtisodiy rivojlanishning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lib, aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash va eksport salohiyatini oshirishda katta ahamiyat kasb etadi. Raqobat sharoitlari tobora keskinlashib borayotgan global iqtisodiyotda oziq-ovqat mahsulotlarining bozordagi o‘rnini mustahkamlash uchun ularning raqobatbardoshligini oshirish dolzarb masalaga aylanmoqda.

Mahsulot raqobatbardoshligi sifat, narx, marketing, innovatsion texnologiyalar, logistika va iste‘molchilarning afzalliklariga bog‘liq bo‘lib, uni samarali boshqarish iqtisodiy o‘rishni ta‘minlovchi asosiy omillardan biri hisoblanadi. Shuning uchun raqobatbardoshlikni boshqarishning zamonaviy usullarini ishlab chiqish va baholash muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Mazkur tadqiqotda oziq-ovqat mahsulotlari raqobatbardoshligini baholashning samarali usullari tahlil qilinadi hamda ularni optimallashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqiladi. Shu bilan birga, oziq-ovqat mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion yondashuvlar, xalqaro tajriba va zamonaviy menejment strategiyalarining o‘rni ko‘rib chiqiladi.

Oziq-ovqat mahsulotlarining raqobatbardoshligini boshqarish va uni samarali baholash masalalari bugungi kunda jahon miqyosida keng tadqiq qilinmoqda. Mazkur mavzu doirasida iqtisodiy nazariya, menejment, marketing va statistika usullari asosida ishlab chiqilgan yondashuvlar mavjud.

Porter M. (1985) tomonidan ishlab chiqilgan "Raqobat afzalligi" konsepsiyasida korxonalar raqobatbardoshligini ta‘minlash uchun asosiy strategiyalar taqdim etilgan. Unga ko‘ra, oziq-ovqat sanoatida ham raqobatbardoshlikni oshirishda mahsulot sifatini yaxshilash, tannarxni pasaytirish va innovatsion texnologiyalarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi[1].

Xalqaro miqyosda Kotler P. va Keller K. tomonidan taqdim etilgan marketing strategiyalari bozor talablarini o‘rganish va iste‘molchilarning ehtiyojlariga mos mahsulotlar ishlab chiqarish zaruratini asoslab beradi. Shu bilan birga, F. Kotler raqobatbardoshlikni baholashda mijozlarning mahsulot sifati va brendga bo‘lgan munosabatini o‘rganish muhimligini ta‘kidlaydi[2].

Mahsulot raqobatbardoshligini baholashda ISO 9001 va ISO 22000 kabi xalqaro standartlar asosiy mezonlardan biri bo‘lib, Jahon Savdo Tashkiloti tomonidan belgilangan oziq-ovqat xavfsizligi talablari ham muhim ahamiyatga ega.

Raqobatbardoshlikni baholashda Stigler G. J. va Schumpeter J. A. tomonidan ilgari surilgan innovatsion yondashuvlar asosida baholash usullari shakllangan. Shu jihatdan olib qaraganda, iqtisodiy baholash usullari quyidagi yo‘nalishlarda o‘rganilgan: Benchmarking usuli – yetakchi korxonalarining tajribalarini tahlil qilish orqali samarali strategiyalarni shakllantirish. Ekspert baholash usuli – soha mutaxassislari tomonidan mahsulot sifati, marketing strategiyasi va innovatsion salohiyatni tahlil qilish [3].

Statistik tahlil usullari – mahsulot tannarxi, bozor ulushi va rentabellik darajasi asosida raqobatbardoshlik darajasini aniqlash [4].

O‘zbekiston iqtisodiyotida oziq-ovqat sanoatining rivojlanish tendensiyalari "O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarorlari va farmonlari", Statistika agentligi va Iqtisodiy tadqiqotlar instituti tomonidan o‘rganilgan. Ularning hisobotlarida oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi, eksport-import salmog‘i va investitsion muhit tahlil qilingan.

Zamonaviy iqtisodiyotda raqobatbardoshlikni oshirish uchun innovatsion texnologiyalar va ekologik xavfsizlik asosiy omillardan biri hisoblanadi. J. Schumpeter innovatsiyalar va texnologik rivojlanish korxonalarining bozordagi ustunliklarini belgilab berishini ta‘kidlagan. Freeman C. esa

texnologik taraqqiyot mahsulot sifatini oshirish bilan birga, ishlab chiqarish jarayonlarining ekologik xavfsizligini ham ta'minlashi lozimligini ko'rsatgan.

Oziq-ovqat sanoatida ekologik xavfsizlikni ta'minlash maqsadida FAO va Codex Alimentarius tomonidan oziq-ovqat mahsulotlarining xavfsizlik standartlari belgilangan. Ushbu hujjatlar xalqaro standartlarga mos mahsulot ishlab chiqarish va uni global bozorga chiqarish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Oziq-ovqat korxonalarini mahsulotlarining raqobatbardoshligini boshqarish samaradorligini baholash bo'yicha tadqiqot olib borish uchun turli metodologik yondashuvlar qo'llaniladi. Ushbu metodologiya mahsulotlarning bozordagi raqobatbardoshlik darajasini aniqlash, boshqarish tizimini tahlil qilish hamda samaradorligini baholashga qaratilgan.

Benchmarking – bu korxonaning faoliyatini eng ilg'or tajribalar bilan taqqoslab, samaradorlikni oshirishga yo'naltirilgan strategik tahlil usuli. Ushbu usul oziq-ovqat korxonalarining mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish samaradorligini baholashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Benchmarking usulining asosiy vazifalari: Korxonani mahsulotlarini bozordagi eng ilg'or raqobatchilar mahsulotlari bilan taqqoslash; Mahsulot sifati va ishlab chiqarish jarayonlarini takomillashtirish yo'llarini aniqlash; Innovatsion texnologiyalar va samarali boshqaruv usullarini joriy etish; Raqobatbardoshlikni oshirish uchun marketing strategiyalarini shakllantirish; Xarajatlarni optimallashtirish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish.


Benchmarkingning asosiy maqsadi – kompaniyaning biznes jarayonlari, mahsulot sifati va xizmatlarini yaxshilash orqali bozorda yetakchi o'rinni egallashdir. U orqali quyidagi natijalarga erishish mumkin:

- Ishlab chiqarish jarayonlarini takomillashtirish
- Xarajatlarni kamaytirish
- Mahsulot yoki xizmat sifatini oshirish
- Raqobatchilardan o'rganish va ularning tajribalarini tatbiq etish
- Innovatsiyalarni joriy qilish

Benchmarking usulining raqobatbardoshlikni boshqarishdagi roli:

Benchmarking orqali ilg'or kompaniyalarning sifat nazorati tizimi o'rganiladi. Xalqaro standartlarga mos mahsulot ishlab chiqarish mexanizmlari aniqlanadi.

Raqobatchilar narx strategiyasi tahlil qilinadi. Xarajatlarni kamaytirish orqali mahsulot narxining raqobatbardoshligi ta'minlanadi.



1-rasm. Benchmarking metodologiyasi.

Eng yaxshi texnologiyalar va ishlab chiqarish jarayonlarini o'rganish orqali samaradorlik oshiriladi. Ishlab chiqarish tannarxini pasaytirish va mahsulot ishlab chiqarish hajmini oshirishga imkon beradi. Marketing va brend strategiyasi. Muvaffaqiyatli kompaniyalarning marketing usullari tahlil qilinadi. Iste'molchilarning xatti-harakatlari o'rganilib, mahsulot targ'iboti takomillashtiriladi.

Zamonaviy texnologiyalar va ilg‘or innovatsion mahsulotlar o‘rganiladi. Yangi texnologiyalarni joriy qilish orqali mahsulot sifatini oshirishga erishiladi. Benchmarking usuli oziq-ovqat korxonalarini mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish va samarador boshqaruv tizimini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Korxonalar ilg‘or tajribalarni o‘rganish va amaliyotga tatbiq etish orqali bozordagi mavqegini mustahkamlashi, mahsulot sifatini oshirishi va raqobatbardoshlikni ta‘minlashi mumkin.

Mahsulot raqobatbardoshligiga ta‘sir qiluvchi omillarni tahlil qilish uchun ko‘p omilli regression tahlil qo‘llanildi:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 X_3 + \beta_4 X_4 + \varepsilon$$

Bu yerda:

- Y – oziq-ovqat mahsulotlarining raqobatbardoshlik darajasi;
- X₁ – mahsulot sifati va xalqaro sertifikatlariga mosligi;
- X₂ – ishlab chiqarish tannarxi va samaradorligi;
- X₃ – marketing strategiyalari va brend imidji;
- X₄ – innovatsion texnologiyalar va ekologik xavfsizlik.

Natijalar shuni ko‘rsatdiki, sifat, marketing va innovatsiyalar mahsulotning bozordagi o‘rnini aniqlashda muhim omillar hisoblanadi.

SWOT tahlil natijalari.

Tahlil natijalariga ko‘ra, O‘zbekiston oziq-ovqat mahsulotlari sanoatining kuchli va zaif tomonlari quyidagicha aniqlandi:

✓ Kuchli tomonlari:

- Mahalliy xomashyo bazasining boyligi.
- Ichki bozordagi talabning yuqoriligi.
- Ishlab chiqarish tannarxining nisbatan pastligi.

✗ Zaif tomonlari:

- Xalqaro sifat sertifikatlariga mos keladigan mahsulotlar ulushining pastligi.
- Zamonaviy texnologiyalar joriy etilishining sustligi.
- Marketing va eksport strategiyalarining sustligi.

★ Imkoniyatlar:

- Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat sanoati uchun davlat imtiyozlari mavjudligi.
- Eksport geografiasini kengaytirish imkoniyati.

△ Tahdidlar:

- Tashqi bozorlardagi yuqori raqobat.
- Logistika va ta‘minot zanjiri muammolari.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, oziq-ovqat sanoati mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun sifat, marketing, innovatsiyalar va eksport strategiyalariga e‘tibor qaratish muhim hisoblanadi. Ichki va tashqi bozorda muvaffaqiyat qozonish uchun xalqaro sifat standartlariga mos mahsulotlar ishlab chiqarish va ilg‘or texnologiyalarni tatbiq etish zarur. Shu bilan birga, mahsulot tannarxini optimallashtirish va samarali marketing strategiyalarini ishlab chiqish ham raqobatbardoshlikni oshirishning muhim shartlaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Porter M. (1985). *Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance*. New York: Free Press.
2. Kotler P., Keller K. (2016). *Marketing Management*. Pearson Education.
3. Stigler G. J. (1968). *The Organization of Industry*. Homewood, IL: Richard D. Irwin.
4. Gujarati D. N. (2003). *Basic Econometrics*. New York: McGraw Hill.
5. Freeman C. (1987). *Technology Policy and Economic Performance*. London: Pinter.
6. FAO (2021). *Food and Agriculture Organization Reports on Global Food Safety Standards*.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarorlari va farmonlari (2023).
8. O‘zbekiston Respublikasi Statistika agentligi (2023).

**ISLOMIY MOLIALASHTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT
TEKSHIRUVLARINI UYG‘UNLASHTIRISH**

**ГАРМОНИЗАЦИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И АУДИТА В ИСЛАМСКИХ
ФИНАНСАХ**

HARMONIZATION OF ACCOUNTING AND AUDITING IN ISLAMIC FINANCE

Xasanova Xusnoraxon Faxriddinovna

Alfraganus universiteti nodavlat oliy ta’lim tashkiloti,
Iqtisodiyot fakulteti, “Moliya” kafedrasida dotsent v.b., i.f.f.d. (PhD)

Annotatsiya

Iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va raqamli iqtisodiyotning islohotlarida islom moliya institutlarining rivojlanishi intiqlik bilan kutilmoqda. Bu holat ba’zi asosiy infratuzilmani yaratishni, shuningdek, buxgalteriya hisobini va auditning xalqaro standartlarini ishonchligini talab qiladi. Ilmiy tezisdagi islom moliya institutlarining buxgalteriya hisobi amaliyotidagi ba’zi farqlar haqida qiqacha ma’lumot berishga harakat qilingan.

Kalit so‘zlar: AAOIFI, IFRS, islom moliyasi, buxgalteriya hisobi, audit, islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi, shariat, ribo, standartlar, ulush, tenglik, islom banklari.

Развитие исламских финансовых институтов в контексте экономической диверсификации и реформ цифровой экономики ожидается с большим нетерпением. Это требует создания базовой инфраструктуры, а также обеспечения надёжности международных стандартов бухгалтерского учёта и аудита. В научной диссертации предпринята попытка представить информацию о некоторых различиях в практике бухгалтерского учёта исламских финансовых институтов.

Ключевые слова: AAOIFI, IFRS, исламские финансы, бухгалтерский учет, аудит, учет в исламских финансах, шариат, риб, стандарты, доля, капитал, исламские банки.

The development of Islamic financial institutions in the context of economic diversification and digital economy reforms is highly anticipated. This requires the creation of a basic infrastructure and the assurance of the reliability of international accounting and auditing standards. This dissertation attempts to provide information on some of the differences in accounting practices among Islamic financial institutions.

Keywords: AAOIFI, IFRS, Islamic finance, accounting, audit, accounting in Islamic finance, Sharia, riba, standards, share, equity, Islamic banks.

O‘zbekiston respublikasida islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit standartlarini joriy qilish bo‘yicha mavjud bo‘lgan ilmiy tadqiqotlarni o‘rganish va xalqaro standartlarni joriy qilish amaliyotini qonuniylashtirish, islom moliyasi va buxgaltriya hisobi bo‘yicha maxsus bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lgan kadrlar salohiyatini oshirish maqsadga muvofiqdir.

Islomiy moliya institutlari Shariat qonunlari asosida barcha biznes operatsiyalarini amalga oshiradi. Islomiy moliyalashtirishda moliyaviy hisob va hisobot shariat tamoyillariga asoslangan holda ishlab chiqilgan va tajribadan o‘tkazilgan. Bunday vazifa akademik va olimlarning oldida yangi muammolar bilan to‘qnashishni va shu qatori ko‘pgina muammolarni yechimini topishga olib keladi.

Islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit korxonalarining amaliyotida turli xil tushunmovchiliklarga olib keladi. O‘z hisob siyosatini belgilashning hozirgi amaliyoti islom moliya institutlarida turli xil buxgalteriya amaliyotlarini keltirib chiqaradi. Masalan, investorlar, ta’sischilar yoki aksiyadorlar o‘rtasidagi foydani yoki ulushni bo‘lishda katta farqlar vujudga keladi. Bunday

o‘zgarishlar, asosan, ko‘pgina islom moliya institutlari o‘z moliyaviy hisobotlarini tayyorlashda tayanadigan moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarida tavsiya etilgan buxgalteriya hisobi tamoillariga va biznesda qo‘llaniladigan shartnomalar va operatsiyalarning sha‘riy tavsifiga mos kelmasligi mumkin. Qolaversa, bu xilma-xillik sha‘riyat taqozo etadigan hukmlarning turlicha talqin qilinishiga olib keladi.

Islomiy moliya sohasi umumiy ko‘lami, xilma-xilligi va butun dunyo bo‘ylab va yangi periferiya bozorlariga kirish nuqtai nazaridan jadal rivojlanmoqda. 2020 yilda butun dunyo bo‘ylab 1526 dan ortiq islomiy moliya institutlari faoliyat ko‘rsatgan bo‘lib, hozirda 46 dan ortiq davlat o‘zlarining qonunchilik va me‘yoriy-huquqiy asoslari doirasida Islom moliyasining o‘sishi va rivojlanishini qo‘llab-quvvatlamogda.

Shuningdek, Buyuk Britaniyadagi kichik islom hamjamiyatiga qaramay, firmalar va o‘shish moliyaviy xizmatlar sohasidagi innovatsiyalarning global markazi bo‘lgan Londonga intilayotgan FinTech uchun to‘g‘ri keladi[1].

AAOIFI ushbu maqsadlarni Islom shari‘ati qonunlariga muvofiq amalga oshiradi, bu islom moliya institutlarining rivojlangan muhitga muvofiq hayotning barcha sohalari uchun keng qamrovli tizimni ifodalaydi. Ushbu faoliyat nafaqat Islom moliya institutlarining moliyaviy hisobotlaridan foydalanuvchilarning ushbu institutlar to‘g‘risida chiqarilgan ma‘lumotlarga bo‘lgan ishonchini oshirish, balki ushbu foydalanuvchilarni o‘z mablag‘larini Islom moliya institutlariga sarmoya kiritishga yoki depozitga qo‘yishga va ularning xizmatlaridan foydalanishga undash maqsadida amalga oshiriladi”[2].

AAOIFI 1990-yil 26-fevral kuni Algeriyada islom moliya muassasalari tomonidan imzolangan assotsiatsiya bitimi asosida tashkil etilgan. Keyinchalik u 1991-yil 27-mart kuni Bahraynda ro‘yxatdan o‘tkazildi. Uning 45 dan ortiq mamlakatlardan a‘zolari mavjud, shu jumladan Markaziy banklar va Islom moliya muassasalari va moliya va bank sohasida faoliyat ko‘rsatadigan boshqa turdagi kompaniyalar hisoblanadi.

Islom bank ishi va moliyaviy hisob islom huquqi(shariat) tamoyillarini moliyaviy hisobot va amaliyotga birlashtirgan maxsus tizimdir. Bu, birinchi navbatda, Islom moliya institutlari uchun buxgalteriya hisobi va audit tashkiloti (AAOIFI) tomonidan ishlab chiqarilgan standartlar bilan tartibga solinadi, ular an‘anaviy buxgalteriya hisobi standartlaridan (masalan, IFRS) mohiyati va operatsiyalarining o‘ziga xos usullari bilan farq qiladi.

AAOIFI standartlari Bahrayn Qirolligi va Dubay xalqaro moliya markazi, Iordaniya, Livan, Qatar, Sudan va Suriyada qo‘llanadi. Avstraliya, Indoneziya, Malayziya, Pokiston, Saudiya Arabistoni va Janubiy Afrikadagi vakolatli organlar standartlar va nashrlardan kelib chiqqan holda islomiy muassasalar uchun yo‘l-yo‘riqnomalar ishlab chiqardilar.

AAOIFIning tashkiliy tuzilmasiga umumiy yig‘ilish kiradi. AAOIFI shuningdek, boshqaruvchilar kengashi va har biri o‘n besh a‘zoldan iborat bo‘lgan hisob va audit standartlari kengashi, to‘rt a‘zoldan iborat Shari‘ah’ qo‘mitasi, ijroiya qo‘mitasiga va bosh kotibiga ega. AAOIFIning asosiy maqsadlar quyidagilardan iborat:

- ❖ Islom moliya institutlari uchun tegishli hisob va audit fikrlarini rivojlantirish;
- ❖ Islom moliya institutlari va ularning qo‘llanilishiga tegishli hisob va audit fikrlarini treyninglar, seminarlar, davriy axborotlarni nashr etish, tadqiqotlar olib borish va ishga tushirish orqali tarqatish;
- ❖ Islom moliya institutlari uchun hisob va audit standartlarini tayyorlash, e‘lon qilish va tarjima qilish;
- ❖ Islom moliya institutlari uchun hisob va audit standartlarini qayta ko‘rib chiqish va o‘zgartirish.

O‘zbekiston bank kredit tizimini yanada takomillashtirish va asosan foizli kreditlarni kamaytirish maqsadida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 29-dekabrda parlamentga murojaatnomasida “Islomiy Tijorat banklari” yurtimizda o‘z faoliyatini boshlashini ta’kidlab o‘tgan edilar va shu munosabat bilan O‘zbekistonda islomiy bank faoliyatini tashkil etish bo‘yicha takliflar o‘rganildi. Islom Taraqqiyot Banki (IsDB), Xususiy Tarmoqni Rivojlantirish (ICD), Xalqaro islom savdo moliya korporatsiyasi (ITFC), Islom tadqiqotlar va treninglar instituti (IRTI) islom moliyasini

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 11-son 2025 yil

rivojlantirishda hozirgi kunga qadar mamlakatimizga 2 milliard AQSH dollaridan ziyod mablag‘larni yo‘naltirgan”[3].

Islom moliyasi mezonlari tahlil qilish jarayonida xalqaro miqqiyosda e’tirof etilgan ilmiy manbalar va tahliliy materiallarga murojaat qilindi. Eng avvalo, M. U. Chapra tomonidan ilgari surilgan iqtisodiy adolat konsepsiyasi asosida Islom moliyasi, Z. Iqbol, A. Miraxorning tadqiqotlarida Islom moliyasi an’anaviy moliyaviy tizimga muqobil bo‘la olish salohiyatiga ega ekani, I.A. Karimov, B.G‘ulomov Islomiy moliya tizimining iqtisodiyotdagi ro‘li kabi ilmiy maqolalarni ko‘rishimiz mumkin”[4]. Islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit sohasida manbalarni uchratish mushkul. Ilmiy izlanishimizda islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va auditning standartlar asosida muvofiqlashtirish masalalar ko‘rib chiqilgan.

Mavzuni ilmiy o‘rganish, tahlil qilish va tadqiq qilish jarayonida tizimli tahlil, statistik tahlil kabi usullardan foydalanilgan. Ilmiy tezisda islom moliyasi bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar, bu boradagi xalqaro tajribadan kelib chiqqan holda, islom moliyasi xizmat turlarini O‘zbekistonda keng joriy qilishda buxgalteriya hisobi va audit standartlariga amal qilishning zaruriy jihatlari ko‘rib chiqilgan.

Biznes vakillari tomonidan Islom moliyasiga bo‘lgan ehtiyojlarni qondirish maqsadida O‘zbekiston 2003-yilda IsDB ga va 2004-yilda ICD ga a‘zo bo‘ldi va bu islom moliyasining O‘zbekistonga kirib kelishiga zamin yaratdi. Quyida e‘tiboringizga bir qancha islomiy moliyaning shariat tamoyillariga asoslangan terminlar keltirib o‘tilgan. Bu tamoyillar 2019-yilda birinchi bo‘lib islomiy sug‘urta kompaniyasi faoliyatini boshladi, MDH davlatlarida birinchilardan bo‘lgan elektron murabaha – savdo bitimi asosida moliyaviy mahsulot platformasi kabi platformalar ishlab chiqilgan”[5].

Islom moliyasi asosiy shariat tamoillari bo‘yicha terminlar [6]:

Termin	Tushuncha
Riba (Рибо, foiz)	Foiz olish yoki berish taqiqlangan. Islom moliyasida foizli kredit bo‘lmaydi.
Mudaraba	Bir tomon – kapital beradi, ikkinchi tomon – mehnat va boshqaruv. Foyda oldindan kelishilgan nisbatda bo‘linadi.
Musharaka	Tomonlar birgalikda kapital qo‘yadi va biznes yuritadi. Foyda ulushiga qarab bo‘linadi, zarar esa kapital ulushiga ko‘ra.
Murabaha	Bank yoki tashkilot biror mahsulotni sotib olib, mijozga o‘z narxi kelishilgan foyda bilan sotadi. Bu kredit emas, tovar savdosi.
Ijara	Lizingga o‘xshaydi. Bank aktivni sotib olib mijozga ijaraga beradi.
Sukuk (Islomiy obligatsiya)	Foizli obligatsiya emas. Sukuk — aktivga egalik huquqini tasdiqlovchi qimmatli qog‘oz.
Takaful	Sug‘urtaning islomiy shakli. Ishtirokchilar o‘zaro yordam puli jamlamasiga qo‘shiladi.
Halol / Sharia compliant	Moliyaviy mahsulotlar shariatga mos ekanini bildiradi.
Gharar	Haddan tashqari noaniqlik. Noaniqlik juda yuqori bo‘lgan bitimlar taqiqlanadi (masalan, noma’lum mahsulotni sotish).
Maysir	Qimor o‘ynashga o‘xshash riskli, tasodifga asoslangan operatsiyalar taqiqlangan.
Wadiah	Omonat saqlash. Bank mijozning pulini xavfsiz saqlab beradi.
Wakala	Vositachilik, vakillik shartnomasi. Bank mijoz nomidan ish yuritadi.
Qard Hasan	Foizsiz qarz. Faqat asosiy summa qaytariladi.
Salam	Oldindan to‘liq to‘langan tovar shartnomasi. Tovar keyin yetkazib beriladi.
Istisna	Buyurtma asosida ishlab chiqariladigan mahsulotni oldindan kelishib sotib olish (masalan, qurilish).

Moliyalashtirishning islomiy modellarining qoidalaridan biri — bu risklarni taqsimlashdir. Biznesda foyda ko‘rilmaganda bank ham, mijoz ham daromad olmaydi. Lekin agar foyda bo‘lsa, u omonatchi o‘rtasida sarmoyaga mutanosib ravishda taqsimlanadi.

Tahlil shuni ko‘rsatadiki, sarmoyador oylik dividendlarini chiqarib olmasdan, ularni qayta sarmoya qilsa, yillik foyda 28.8% emas, balki 32,06%ga yetishi mumkin. Bunday natija sarmoyadorning olgan foydasi ham savdoga yo‘naltirilishi hisobiga yuzaga keladi[7].

Islom iqtisodiyoti vositalaridan faqatgina musulmonlar foydalanishi mumkinmi degan savolga bizlar-hozirda hukumat iqtisodiy o‘shishning yangi yo‘nalishlarini izlab, ham musulmon, ham musulmon bo‘lmagan ko‘plab davlatlar iqtisodiy diversifikatsiya uchun Islom iqtisodiyotiga jiddiy e‘tibor qaratmoqda deb javob bera olamiz. Masalan, barcha sektorlarda innovatsion mahsulot va xizmatlar yaratuvchi dunyoning yetakchi brendlari ham Islom iqtisodiyotiga qiziqish bildirmoqda.

«Deutsche Bank», «HSBC», «Citi» va «MasterCard» Islomiy moliya mahsulotlarini taklif qilmoqda. «Nestle», «Carrefour», «Walmart» va «Whole Foods» halol chakana mahsulotlarni sotadi. Global «Nielsen» tadqiqotining natijalariga ko‘ra, iste‘molchilarning 66 foizi halol mahsulotlarga ko‘proq pul to‘lashga tayyor. Yosh iste‘molchilar esa yanada sodiqroq — 73 foiz milleniallar halol mahsulot uchun ortiqcha pul to‘lashga tayyor. Shu tariqa, global transmilliy korporatsiyalar Islom moliyasiga katta qiziqish bildirmoqda.

Buxgalteriya hisobi va islom moliya institutarining moliyaviy hisobotidagi tafovutlar biznes mehanizmini shaffof va ishonchli bo‘lishini susaytirishi mumkin. Shundan kelib chiqib, natijalar shunday bo‘lishi kerakki, bu farqlarni bartaraf etish uchun umum belgilangan moliyaviy hisobotning islom moliyasi asosidagi standartlarni ishlab chiqilishi va yuritish uchun yo‘riqnomalar platformasi taklif qilinishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, jamiyatimizda iqtisodiyotda sog‘lom raqobatga erishish, har xillikni ta‘minlash, monopollikni va sohalardagi monopollikni kamaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar ichida aynan islom moliyasi va islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit muhim kasb etadi.

Umumiy xulosa qilib aytganda, Islamic Fintech sohasi faoliyati 2025 yilga borib prognoz qilingan tranzaksiyalar hajmi jami 128 milliard AQSh dollarini tashkil etishi kutilmoqda. Investorlar ham bu sohadagi bu kuchli o‘shishni tan olmoqda, investitsiyalar bo‘yicha kutilayotgan o‘rtacha bitim hajmi 5 million dollarni tashkil etdi, bu esa investorlarning kelgusi yillarda islom Fintech ko‘rsatkichlariga katta umid bog‘lashining yana bir dalilidir.

Islomiy moliyalashtirishda buxgalteriya hisobi va audit shariatga rioya qilish, foizlarni taqiqlash(Ribo) va foiz va zararlarni shariat qoidalari asosida taqsimlash, investitsiya tavakkalchiliklarini oldini olish ilmiy tezisimizning muhim vazifasi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. <https://www.qardus.com/news/the-islamic-financial-services-industry-statistics#:~:text=Currently%20the%20Islamic%20finance%20sector,%20over%202.7%20trillion%20USD%20globally.The%20Islamic%20Financial%20Services%20Industry%20Statistics.>
2. Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions <https://aaofifi.com/our-history/?lang=en>;
3. <https://president.uz/oz/lists/view/4047>;
4. O‘zbekiston respublikasida islom moliyasini isloh qilishni takomillashtirish shart-sharoitlari//Bolbekova I.Q. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekiston-respublikasida-islom-moliyasini-isloh-qilishni-takomillashtirish-shart-sharoitlari>
5. Murabaha Services/Products & Services// <https://www.dib.ae/business/products-ervices/murabaha>.
6. Muallif ishlanmasi.
7. <https://www.qardus.com/news/the-islamic-financial-services-industry-statistics#:~:text=Currently%20the%20Islamic%20finance%20sector,%20over%202.7%20trillion%20USD%20globally.The%20Islamic%20Financial%20Services%20Industry%20Statistics.>

**MIJOZ - BANK UCHUN EMAS, BANK- MIJOZ UCHUN
(MIJOZNING O‘RNIGA O‘ZINGIZ O‘TIRING...)**

**НЕ КЛИЕНТ ДЛЯ БАНКА, А БАНК ДЛЯ КЛИЕНТА
(ПОСТАВЬТЕ СЕБЯ НА МЕСТО КЛИЕНТА...)**

CUSTOMER — NOT FOR THE BANK, BUT THE BANK — FOR THE CUSTOMER

Baxtohunova D.N. University of economics and pedagogy
«Ekonomika» kafedrası katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur ishda bank faoliyatida mijozlarning o‘rni va ahamiyati yoritib berilgan. Bank tizimida “mijoz bank uchun emas, balki bank mijoz uchun xizmat qilishi kerak” degan tamoyilning mohiyati ochib berilgan. Ishda mijozlarni qoniqtirish darajasini oshirish, ularning ishonchini mustahkamlash va bank xizmatlarini sifat jihatidan yaxshilash yo‘llari tahlil qilingan. Shuningdek, mijozlarning ehtiyojlariga mos yangi moliyaviy mahsulotlar joriy etish, raqamli bank xizmatlarini rivojlantirish va raqobatbardoshlikni oshirish masalalariga alohida e‘tibor qaratilgan. Tadqiqot natijalari bank va mijoz o‘rtasidagi munosabatlarni samarali tashkil etish uchun amaliy tavsiyalar sifatida xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: bank, mijoz, moliyaviy xizmatlar, ishonch, raqamli bank, qoniqish, raqobatbardoshlik.

В данной работе раскрыта роль и значение клиентов в банковской деятельности. Рассмотрена суть принципа: «Не клиент для банка, а банк для клиента». В исследовании анализируются пути повышения удовлетворенности клиентов, укрепления их доверия и улучшения качества банковских услуг. Особое внимание уделено внедрению новых финансовых продуктов, соответствующих потребностям клиентов, развитию цифровых банковских услуг и повышению конкурентоспособности. Результаты исследования могут быть использованы в качестве практических рекомендаций по эффективной организации взаимоотношений между банком и клиентом.

Ключевые слова: банк, клиент, финансовые услуги, доверие, цифровой банк, удовлетворенность, конкурентоспособность.

This work highlights the role and importance of customers in the banking sector. The principle of “a customer is not for the bank, but the bank is for the customer” is explained in detail. The paper analyzes ways to improve customer satisfaction, strengthen trust, and enhance the quality of banking services. Special attention is paid to introducing new financial products tailored to customer needs, developing digital banking services, and increasing competitiveness. The research results can serve as practical recommendations for organizing effective relationships between banks and their customers.

Keywords: bank, customer, financial services, trust, digital banking, satisfaction, competitiveness.

Har qanday bank oldida doimo muhim bir vazufa turadi. Bu ham bo‘lsa yangi mijozlarni jalb etish masalasidir. Bugungi globallashuv va raqamli iqtisodiyot davrida banklar o‘rtasida raqobat tobora kuchayib bormoqda. Har bir tijorat banki o‘z mijozlar bazasini kengaytirish, yangi mijozlarni jalb etish va mavjudlarini saqlab qolish uchun turli marketing strategiyalarini ishlab chiqadi. Chunki bankning daromadi bevosita uning mijozlari soni va faoliyat hajmiga bog‘liqdir. Shu sababli, yangi mijozlarni jalb etish — har qanday bankning barqaror rivojlanishida muhim omil hisoblanadi. Mijozni jalb qilish jarayoni nafaqat reklama yoki chegirmalar bilan cheklanadi, balki u kompleks

yondashuvni talab qiladi. Bunga xizmat sifati, qulay shartlar, zamonaviy texnologiyalar, ishonchlik va shaffoflik kabi omillar kiradi. Quyida bank tizimida yangi mijozlarni jalb etishning eng muhim yo‘llari tahlil qilinadi.

F.Kotler bir tomon (bizning sharoitimizda bank boshqa tomon (bank mijozlari)ga taklif qiladigan har qanday tadbir yoki ne‘mat xizmat hisoblanishini ta‘kidlagan. Moliya-bank xizmatlari faoliyat sifatida ular tomonidan bajariladigan ayrim tadbirlarni mijoz manfaati va foydasi uchun bajarishdir. Bir vaqtning o‘zida, moliya-bank xizmatlari moliya-bank muassasalarining iqtisoslashgan tovari bo‘lib, har qanday tijorat korxonasi sifatida u uni amalga oshirishning maksimal hajmiga erishishga intiladi. Tijorat banklari va moliyaviy vositachilarning alohida guruhlari o‘rtasidagi raqobat kuchayishi bilan biz moliya-bank xizmatlari tizimini rivojlantirishni maqsadga yunaltirilgan, aniq mo‘ljalli faoliyat sifatida rivojlantirish to‘g‘risidagi masalani ko‘tarish joizdir [1]. L.Koxning fikriga ko‘ra, “... bank innovasiyalari – bevosita foydalanuvchilar uchun ishlab chiqilgan va mijozlarning o‘zlari tomonidan qo‘llaniladigan, avvalgi texnologik innovasiyalarga nisbatan takomillashtirilgan, bank jarayonining bir qismi bo‘lgan zamonaviy infokommunikasiya texnologiyalariga o‘tkazilgan innovasiyalardir” [2]. O.Melikov tomonidan bank sohasida zamonaviy raqamli axborot texnologiyalari va ularning dasturiy ta‘minotlaridan foydalanish nafaqat bank xizmatlari bozorida raqobat ustunligini beradi, balki, ma‘muriy xarajatlarni kamaytirish, mehnat unumdordigini oshirish, ortiqcha vaqt sarfini kamaytirish kabi ijobiy ta‘sirlari ham mavjudligi qayd etib o‘tilgan [3]. A. Xodjimamedov esa “bank innovasiyalari” tushunchasining mohiyatini moliyaviy texnologiyalarni joriy etish va zamonaviy bank mahsulotlarini yaratish sharoitida bank faoliyatini tashkil etishning tashkiliy-institusional shakllarini o‘zgartiruvchi innovasion jarayon sifatida izohlaydi [4].

Umuman olganda, raqobatbardosh bozor iqtisodiyotini joriy etish va moliya sohasida yangi texnologiyalardan faol foydalanish doirasida tijorat banklarining biznes jarayonlari tubdan o‘zgarib bormoqda. Hozirgi vaqtda fintech kompaniyalari va banklar o‘z faoliyatlarida turli fan-texnika yutuqlarini qo‘llashga harakat qilmoqdalar.

Iqtisoslashgan adabiyot, tijorat banklarining reklama yunalishlarida, kupincha, «bank xizmatlari kompleksi» atamasini uchratish mumkin, lekin kompleks deganda barcha bank xizmatlarining bir butunlikni, bank operatsiyalari jamlanmasini tashkil qiluvchi to‘plam tushuniladi, bank xizmatlari tizimi deganda esa biz nafakat oddiy tuplamni, balki ko‘p elementlar, xususan, ularning uzaro munosabati, aloqalarini tushunamiz va shu bilan birgalikda, bular kandaydir butunlik, yagonalikni anglatadi. Ya‘ni, «kompleks» atamasi bank xizmatlarining oddiy ro‘yxatini ko‘zda tutadi va aksariyat holarda bank mijozlari bo‘lmagan tashqi foydalanuvchilar uchun reklama maksadlarida ishlatiladi, «tizim» atamasi kattaroq hajmdagi tushuncha bo‘lib, banklar va ularning mijozlari o‘rtasida vujudga keladigan munosabatlarni ham o‘z ichiga oladi.

Aksariyat xollarda bank mutaxassislari mijozni jalb etish va «eski» larini saqlab qolish uchun qanday usullardan foydalanish haqida so‘z yuritiladi. Doimo bu ikki strategiya o‘rtasida muvozanatni saqlash muhim ahamiyatga egadir. Bankning to‘laqonli faoliyat yuritishi uchun yangi mijozlar bilan bir qatorda sinalganlari ham kerak. Aksariyat mijozlar bankni mahsuloti uchun emas, balki ko‘rsatgan xizmati sifatidan qanoatlanmaganligi bois o‘zgartirishga qaror qiladi. Ushbu maqola nazariy manbalarni tahlil qilish, mantiqiy umumlashtirish hamda empirik kuzatish usullariga asoslanadi. Xususan, xorijiy va mahalliy olimlarning ilmiy qarashlari o‘rganildi, O‘zbekiston tijorat banklari faoliyati rivojlangan mamlakatlar banklari tajribasi bilan taqqoslandi, Markaziy bank va tijorat banklari bank xizmat usullari tahlil qilindi.

Har qanday mijoz uchun birinchi navbatda xizmat sifati muhim hisoblanadi. Agar bank xizmatlari tezkor, qulay va xodimlar xushmuomala bo‘lsa, mijozda ijobiy taassurot paydo bo‘ladi. Shu asosda u boshqa tanishlariga ham bankni tavsiya qiladi. Masalan, mijoz bankka kredit olish uchun murojaat qilganda hujjatlar yig‘ish, tekshirish va tasdiqlash jarayoni qisqa va aniq bo‘lsa, u bankdan mamnun bo‘ladi. Bundan tashqari, shikoyatlar yoki muammolar tez hal qilinadigan xizmat tizimi ham mijoz ishonchini oshiradi. Demak, sifatli xizmat — yangi mijozlarni jalb qilishning eng samarali va tabiiy usuli hisoblanadi. Bank mijozlarida ularga ko‘rsatilayotgan xizmatlarga nisbatan talab yuqori bo‘ladi. Ular avvalo hamkor banklardagi professionallik va har qanday vaqtda aloqaga

chiqa olish imkoniyatini qadrlaydi. Boshqaruvchi mijozni uzoq muddat kuttirib qo‘ysa, mijozni yo‘qotib qo‘yish mumkin. Dunyoning ko‘plab yirik banklarida muhim mijozlarga hatto shaxsiy boshqaruvchi biriktirib qo‘yiladi va ular har qanday masala va iltimoslarni ro‘yobga chiqarishga ko‘mak beradi.

Raqamli bank xizmatlarini rivojlantirish bugungi kunda eng muhim talabdir. Mobil ilovalar, internet-banking, QR to‘lovlar, onlayn kreditlash va masofaviy hisob ochish imkoniyatlari mijozlarga katta qulaylik yaratadi. Masalan, mijoz bank filialiga bormasdan turib, o‘z telefonidan hisob raqamini ochishi, pul o‘tkazmasi amalga oshirishi yoki kredit so‘rovi yuborishi mumkin. Bu esa zamonaviy, yosh va texnologiyaga qiziqqan auditoriyani jalb qiladi. Raqamli xizmatlar nafaqat qulaylik, balki xavfsizlikni ham ta‘minlaydi. Shuningdek, bunday innovatsiyalar bank imidjini zamonaviy va ishonchli muassasa sifatida mustahkamlaydi.

Yangi mijozlarni jalb etishda marketing strategiyasining o‘rni beqiyosdir. Bank o‘z xizmatlarini keng ommaga tanitishi uchun reklama, ijtimoiy tarmoqlarda sahifalar yuritish, aksiyalar o‘tkazish, bannerlar joylashtirish kabi usullardan foydalanadi. Masalan, “Karta oching — 3 oy bepul xizmatdan foydalaning” yoki “Har oyda eng faol mijoz — sovg‘a sohibi” kabi takliflar mijozlar e‘tiborini tortadi. Ijtimoiy tarmoqlarda videoroliklar, interaktiv postlar yoki foydali moliyaviy maslahatlar joylashtirish ham auditoriyani kengaytiradi. Marketing orqali bank nafaqat o‘z xizmatlarini tanitadi, balki mijoz bilan doimiy aloqada bo‘lish imkoniyatini yaratadi. Bank o‘z mijozini doimo ham hayratlantira olmasligi mumkin, biroq uning uchun kutilmagan sovg‘ani tayorlash mijozga xush kayfiyat bag‘ishlaydi. Ayniqsa, «eski» mijozlarni sovg‘alar bilan siylash jahonning ko‘plab banklarida qo‘llaniladigan amaliyot hisoblanadi. Eng samarali dasturlar o‘zida mijoz uchun rag‘batlantiruvchi xizmatlar tizimimni ishlab chiqishni nazarda tutadi. Eng yaqin mijozlarga imtiyoz sifatida yaratib berilgan maxsus moliyaviy imkoniyatlar tezda unutilishi mumkin, biroq esdalik sovg‘alari va maxsus tadbirlarda tushirilgan fotosuratlar bank haqidagi iliq tassurot mijozlarning uzoq vaqt yodida saqlanishiga xizmat qiladi.

Mijozlar uchun foydali va jozibali shartlar yaratish — ularni jalb etishning yana bir muhim yo‘lidir. Banklar keshbek tizimi, chegirmalar, bonus ballar, sovrinli o‘yinlar yoki sodiqlik dasturlarini yo‘lga qo‘yishlari mumkin. Masalan, plastik karta orqali xarid qilganda 1-2% keshbek qaytarish, yoki “Har oy eng faol mijoz – smartfon egasi” kabi tanlovlar foydalanuvchilarni faolroq bo‘lishga undaydi. Shuningdek, yangi mijozlar uchun foizsiz kredit yoki past komissiya stavkalarini taklif etish ham samarali natija beradi. Rag‘batlantirish orqali bank raqobatchilardan ajralib turadi.

Banklar yirik korxonalar, o‘quv yurtlari, davlat idoralari va tashkilotlar bilan hamkorlik o‘rnatish orqali mijozlar bazasini kengaytiradi. Masalan, oliy ta‘lim muassasalari bilan hamkorlikda talabalar uchun “talaba kartasi” chiqarish, kompaniyalar bilan “ish haqi loyihasi” tashkil etish yoki onlayn do‘konlar bilan to‘lov tizimlari integratsiyasini yo‘lga qo‘yish buning yaqqol misolidir. Bu orqali bank nafaqat yangi mijozlarni jalb etadi, balki uzoq muddatli hamkorlikni ta‘minlaydi.

Mijozlar bilan aloqalarni mustahkamlash. Mavjud mijozlardan mamnunlik olish — yangi mijozlarni keltiradigan eng ishonchli manba hisoblanadi. “Og‘izdan og‘izga marketing” prinsipi bu sohada juda samarali ishlaydi. Banklar mijozlar bilan aloqa o‘rnatish uchun SMS, elektron pochta yoki qo‘llab-quvvatlov markazlari orqali muntazam ravishda xizmat yangiliklarini yetkazishi kerak. Bundan tashqari, fikr-mulohazalarni o‘rganish, so‘rovnomalar o‘tkazish va shikoyatlarni tahlil qilish orqali xizmat sifati doimiy takomillashtiriladi. Natijada, mavjud mijozlar bankdan mamnun bo‘lib, uni boshqalarga ham tavsiya qiladi. Mijozlar bilan ziddiyatli vaziyatlar har qanday tashkilotning ichida paydo bo‘lishi mumkin va ularni to‘g‘ri hal qilish muhimdir. Agar muammo zudlik bilan bartaraf etilsa va mijozlar bankning hamkorlik qilishga tayyorligini ko‘rsalar, norozi mijozlarning 80% nafaqat bankda qoladi, balki yanada sodiq bo‘lishadi hamda ko‘pi bilan 10 ta do‘stiga bu bankni tavsiya qiladi. Mijoz fikriga e‘tibor berish — sifatli xizmatning kafolatidir.

Bank imidjini oshirish va ishonchni mustahkamlash uchun ijtimoiy loyihalarda faol bo‘lish muhimdir. Masalan, xayriya tadbirlari, ekologik loyihalar, sport musobaqalariga homiylik qilish yoki yosh tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash orqali bank jamiyatda ijobiy obro‘ qozonadi. Shu orqali u o‘zini nafaqat moliyaviy muassasa, balki ijtimoiy mas‘ul tashkilot sifatida namoyon etadi. Bu esa yangi mijozlarning ishonchini oshiradi va bank xizmatlariga qiziqishni kuchaytiradi.

Muhimi mizojlarning ehtiyojlarini o‘z vaqtida ilg‘ab olish maqsadida doimo ularning istaklari va takliflarini o‘rganish zarur. Masalan, veb sahifada qulay bo‘limni tashkil etish, ijtimoiy so‘rovlar o‘tkazish, electron bulletenlarni yaratish. Shaxsiy uchrashuvlar ham mijozning bankka bo‘lgan munosabatini yaxshi tomonga o‘zgartiradi. Shuningdek, doimo mizoj kutgan tassurotni bera olish va ishonchni oqlash muhim: qo‘ng‘iroq qilish, uchrashish haqidagi va‘dani bajarish va xakozo.

Muhim mijozlar bankka murojaat qilgan vaqtda o‘zini qanday his qilishni ahglab olish maqsadida uning o‘rniga o‘zini qo‘yib, qo‘llab-quvvatlash xizmatining vositalari va usullarini qo‘llab ko‘rish kerak. Mijozlar o‘rtasida xonaga chiqib, boshqaruvchilar ular bilan qanday muloqat qilayotganini kuzating. Bundan mijoz qanchalik qanoatlanganini o‘rganing. Ular sizning bankingizdan mamnun holatda chiqib krtayaptimi? Ularga barcha zarur xizmatlar ko‘rsatiladimi? Ular sizning bankingizni do‘stlariga tavsiya etganmi? Shunday qilib, bankka chetdan turib, mijozning nazari bilan qarash nimalarni o‘zgartirish lozimligini aniqlab olishga yordam beradi. Masalan, (muxim va zarur) mijozlar navbat kutib o‘tirsas , boshqaruvchi o‘z vaqtini bexuda suhbatlarga sarflasa, operator o‘z ishini noprofessional tarzda bajarsa. Bu kabi kichik muammolar bankka bo‘lgan munosabatga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Mijozlar bilan uzoq muddatli hamkorlik o'rnatishni istagan bank o'z ustida tinimsiz ishlashi shart.

Bank xizmatining sifati xodimlarning bilim va odobiga bevosita bog‘liqdir . Har bir mijoz bilan iliq, tushunarli va hurmat bilan muloqot qilish bank obro‘cini oshiradi. Masalan, “Agrobank” yoki “Asakabank”da mijozlarga xizmat ko‘rsatish bo‘yicha treninglar o‘tkazilishi mijozlar ishonchini kuchaytirgan. Shu sababli banklar muntazam ravishda xodimlar malakasini oshirishga e‘tibor qaratishlari zarur bo‘ladi.

Xizmat sifati nafaqat muomala, balki joyning qulayligiga ham bog‘liq. Bank binosining tozaligi, shinamligi, navbatni boshqarish tizimi mijozni qoniqtiradi. “TBC Bank”ning zamonaviy filial dizayni va tez xizmat ko‘rsatish tizimi bunga misol bo‘la oladi. Shinam muhit va qulay joylashuv mijozlarning bankka bo‘lgan ishonchini oshiradi.

Mijoz ma‘lumotlarining himoyasi xizmat sifatining ajralmas qismidir. Axborot xavfsizligi yuqori bo‘lgan banklarda mijozlar o‘zini ishonchli his qiladi. Ko‘plab banklar ikki bosqichli parol tizimini joriy etgan. Xavfsizlik — sifatli bank xizmatining asosidir.

Xulosa qilib aytganda, yangi mijozlarni bankka jalb etish ko‘p qirrali jarayondir. Bu nafaqat reklama yoki chegirmalar, balki kompleks yondashuvni talab etadi. Bankning ishonchliligi, xizmat sifati, raqamli texnologiyalarni joriy etish, marketing strategiyalari va mijozlar bilan aloqani mustahkamlash bir-biri bilan uzviy bog‘liqdir. Shuningdek, jamiyat bilan faol hamkorlik, innovatsion yechimlar va foydali takliflar bankning raqobatbardoshligini oshiradi. Har bir yangi mijoz – bu bank uchun yangi imkoniyat, yangi ishonch va barqaror kelajak demakdir. Shunday omillarga e‘tibor qaratgan har bir moliya muassasasi nafaqat o‘zining betakror brendini yaratadi, balki mijoz ishonchini qozonish orqali barqaror rivojlanish poydevorini mustahkamlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Мамадияров, З. Т. (2021). Банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. Экономика и финансы (Узбекистан), (5 (141)), 12-21. Innovations in Science and Technologies, 8-сон. 2025 йил. 138 “Innovations in Science and Technologies” илмий-электрон журналі ISSN: 3030-3451. 2 / 2025 йил. www.innoist.uz
2. Кох, Л.В. (2010). Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций: автореферат дисс... д-ра экон. наук. – Иваново. – С.21.
3. Меликов О.М. (2021). Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, 2021.
4. Ходжимамедов, А. (2023). Рақамли трансформация шароитида инновацион банк хизматларидан фойдаланиш йўллари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 11(1), 370 б.

5. Ортиков О. А. Ўзбекистон Республикаси банк хизматлари бозорида рақобатни баҳолаш методологиясини такомиллаштириш масалалари //Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting. – 2024. – Т. 4. – №. 06. – С. 244-263.
6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. “Banklar faoliyati to‘g‘risida”gi Qonun. – Toshkent, 2020 yil.
7. Karimov A. Bank ishi asoslari. – Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2021.
8. Jo‘rayev M. Mijozlar bilan munosabatlarni boshqarish (CRM tizimi). – Toshkent: TDIU nashriyoti, 2022.
9. Xudoyqulova D. Bank marketingi va mijozlar ehtiyojlarini qondirish usullari. – Toshkent: IQTISOD universiteti, 2023.
10. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy sayti: <https://www.cbu.uz>
11. Kotler P. Marketing asoslari. – Toshkent: O‘zMU nashriyoti, 2019.

UDK: 338.3

YANGI O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT KORXONALARIDA MAHSULOT RAQOBATBARDOSHLIGINI BOSHQARISH AMALIYOTINI DAVLAT TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLASH XUSUSIYATLARI

ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ ПРАКТИКИ УПРАВЛЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ ПРОДУКЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПИЩЕВОЙ ОТРАСЛИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

FEATURES OF STATE SUPPORT OF PRODUCT COMPETITIVENESS MANAGEMENT PRACTICES IN FOOD ENTERPRISES IN NEW UZBEKISTAN

Ikromov Axmadjon Shavkat o‘g‘li

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti “Ekometrika va iqtisodiy modellashtirish” kafedrasida katta o‘qituvchisi, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori PhD

Anotatsiya

Mazkur maqolada Yangi O‘zbekiston sharoitida oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning asosiy jihatlari yoritilgan. Oziq-ovqat sanoatini modernizatsiya qilish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish, korxonalar eksport salohiyatini oshirish hamda ichki va tashqi bozorlarda raqobat afzalliklarini shakllantirishda davlatning iqtisodiy, institutsional va infratuzilmaviy qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari tahlil qilinadi. Shuningdek, oziq-ovqat xavfsizligi strategiyasi, subsidiyalar, soliq imtiyozlari, kredit va grant dasturlari, klasterlash jarayonlari mahsulot raqobatbardoshligini oshirishga ko‘rsatadigan ta’siri ilmiy asosda baholanadi.

Kalit so‘zlar: Raqobatbardoshlik, oziq-ovqat sanoati, davlat qo‘llab-quvvatlashi, iqtisodiy mexanizmlar, innovatsiya, eksport salohiyati, klasterlash, oziq-ovqat xavfsizligi.

В статье раскрываются особенности государственной поддержки практики управления конкурентоспособностью продукции на предприятиях пищевой промышленности в условиях Нового Узбекистана. Анализируются экономические, институциональные и инфраструктурные механизмы, направленные на модернизацию пищевой отрасли, внедрение инновационных технологий, повышение экспортного потенциала предприятий и формирование конкурентных преимуществ на внутреннем и внешнем рынках. Особое внимание уделяется влиянию государственной стратегии продовольственной безопасности, субсидий, налоговых льгот, кредитных и грантовых программ, а также процессов кластеризации на повышение конкурентоспособности продукции.

Ключевые слова: Конкурентоспособность, пищевая промышленность, государственная поддержка, экономические механизмы, инновации, экспортный потенциал, кластеризация, продовольственная безопасность.

This article examines the key aspects of state support for managing product competitiveness in food industry enterprises within the context of New Uzbekistan. It analyzes economic, institutional, and infrastructural mechanisms aimed at modernizing the food sector, introducing innovative technologies, enhancing export potential, and developing competitive advantages in domestic and international markets. The research also evaluates the impact of food security strategies, subsidies, tax incentives, credit and grant programs, and clustering processes on improving product competitiveness.

Keywords: Competitiveness, food industry, state support, economic mechanisms, innovation, export potential, clustering, food security.

Yangi O‘zbekiston sharoitida mamlakat iqtisodiyotining turli tarmoqlari, jumladan, oziq-ovqat sanoati korxonalarini faoliyatini rivodlantirishga qaratilgan islohotlar mazkur yo‘nalishda faoliyat olib borayotgan korxonalarda mahsulot ishlab chiqarish amaliyotini takomillashtirish, sohada sog‘lom raqobaat muhitini shakllantirish asosida iste‘mol bozoriga yuqori raqobatbardoshlikka ega bo‘lgan arzon narxlardagi sifatli oziq-ovqat mahsulotlari taklifi hajmini oshirish bilan birgalikda, mahalliy oziq-ovqat korxonalarini tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni eksport salohiyatidan foydalanish samaradorligini ta‘minlash uchun tegishli shart-sharoitlar yaratib bermoqda. Shu bilan birlikda, mamlakat oziq-ovqat sanoati korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini oshirish boshqarish amaliyotini takomillashtirish bo‘yicha sohaning hom ashyo bazasi nisbatan mustahkamligi bilan nisbiy ustunlikka ega bo‘lgan mamlakatlar qatoridan o‘rin egallaydi. Sohada korxonalar faoliyatini rivojlantirish, jumladan, ularda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini takomillaashtirishni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirilishiga qaramay, Prezident Sh.M. Mirziyoyev tomonidan “oziq-ovqat sanoatidagi imkoniyatlarni ishga solib, ichki bozorni to‘ldirish uchun salohiyat yuqoriligiga qaramay, qayta ishlangan oziq-ovqat mahsulotlari hajmi 2023 yili Surxondaryoda 16 foiz, Andijonda 21 foiz, Jizzaxda 3 foizga kamayganligi” ta‘kidlanganligi, mahalliy oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish salohiyatidan yetarli darajada foydalanilmayotganligidan dalolat beradi[1].

Mamlakat oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘ziga xos xususiyatlari, jumladan mazkur yo‘nalishda amalga oshirilayotgan islohotlarning ustuvor yo‘nalishlarini aniqlashda so‘nggi yillarda sohani rivojlantirish maqsadida huquqiy-institutsional yo‘nalishdagi ishlarni tahlil qilish kerak bo‘ladi. Shu sababli, Yangi O‘zbekiston sharoitida oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini rivojlanishtirishga qaratilgan davlat dasturlari, tegishli normativ me‘yorlar va institutsional o‘zgarishlarni ko‘rib chiqamiz.

Yangi O‘zbekiston sharoitida davlat tomonidan oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini takomillashtirish bo‘yicha amalga oshirilgan islohotlarda dastlab, korxonalarini mahsulot ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan hom ashyo bilan ta‘minoti zanjirini mustahkamlash asosida, ularni chuqur qayta ishlash orqali mahsulot ishlab chiqarish va eksport salohiyatidan foydalanish samaradorligini oshirish bo‘yicha 2016-2020 yillarga mo‘ljallangan davlat dasturi[2]qabul qilindi. Mazkur dastur doirasida korxonalarini mahsulot ishlab chiqarish uchun sifatli bo‘lgan hamda yetarli hajmdagi hom ashyo bilan ta‘minot zanjirini mustahkamlash uchun yetishtirilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, jumladan, ularni qayta ishlash asosida ishlab chiqarilgan oziq-ovqat mahsulotlarini tashish, saqlash va yetkazib berish amaliyotini zamonaviy yirik logistik savdo markazlari faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Shu bilan birgalikda, korxonalar tomonidan oziq-ovqat mahsulotlari raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini yanada takomillashtirish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish asosida mahsulot ishlab chiqarish jarayonlarini hom ashyoni chuqur qayta ishlash imkonini beruvchi zamonaviy,

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

so‘nggi rusumdagi qayta ishlash texnikasi, ishlab chiqarish vositalari va asbob-uskunalari bilan qurollantirish asosida mahalliy rezidentlarning modernizatsion koeffitsientlarini yaxshilashga erishildi. 2019-2021 yillarda mamlakatda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlash imkonini beruvchi zamonaviy ishlab chiqarish texnika-texnologiyalari, asbob uskunalari bilan qurollangan yirik agrologistik komplekslarni qurish bo‘yicha xalqaro kredit liniyalari hisobida umumiy qiymati 367,0 mln. doll.ga teng loyihalar amalga oshirildi. Bunda xalqaro kredit liniyalari hisobidan jalb qilingan moliyaviy resurslarning qariyb 83,7 foizi (307,0 mln. doll) Osiyo taraqqiyot banki tomonidan, qolgan 16,3 foizi (60,0 mln. doll) esa Jahon banki tomonidan ajratilgan kreditlar hisoblanadi. Xalqaro moliyaviy tashkilotlar tomonidan ajratilgan kreditlar hisobiga respublikaning jami sakkizta hududida 145,0 gektar maydonda qariyb 3,0 mln tonna oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish quvvatiga ega bo‘lgan yirik agrologistik komplekslar tashkil etildi. Jumladan, Toshkent, Andijon va Samarqand viloyatlarida amalga oshirilgan loyihalar boshqa hududlarga nisbatan yirik loyihalar hisoblanib, jami ajratilgan xalqaro kredit resurslarining qariyb 51,0 foizi (187,0 mln. doll) ushbu hududlarda yirik agrologistik komplekslar faoliyatini tashkil etishga yo‘naltirilgan hisoblanadi. Shu bilan birgalikda, mazkur hududlarda amalga oshirilgan loyihalar boshqa hududlarga nisbatan yuqori iqtisodiy samaradorlikka ega ekanligi bilan ham ajralib turadi (1-jadval).

1-jadval

2019-2021 yillarda oziq-ovqat sanoatida xorijiy kredit liniyalari hisobidan yirik agrologistik komplekslarini tashkil etish ko‘rsatkichlari[3]

Hudud	Loyiha qiymati, mln. doll.da	Ajratilgan yer maydoni, gektarda	Quvvati, ming tonnada	Moliyalashtirish manbasi
Toshkent viloyati (O‘rtachirchiq tum.)	88,2	30	760,0	Osiyo taraqqiyot banki
Andijon viloyati (Andijon tum.)	45,5	18,0	410,0	Osiyo taraqqiyot banki
Samarqand viloyati (Jomboy tum.)	53,3	22,0	492,0	Osiyo taraqqiyot banki
Farg‘ona viloyati (Farg‘ona tum.)	40,0	15,0	300,0	Osiyo taraqqiyot banki
Jizzax viloyati (Sh. Rashidov tum.)	40,0	15,0	300,0	Osiyo taraqqiyot banki
Surxondaryo viloyati (Termiz tum.)	40,0	20,0	300,0	Osiyo taraqqiyot banki
Buxoro viloyati (Kogon tum.)	30,0	15,0	200,0	Jahon banki
Xorazm viloyati (Urganch tum.)	30,0	10,0	200,0	Jahon banki
Jami	367,0	145,0	2 962,0	8 ta loyiha

Shu bilan birgalikda, Andijon viloyatida yetishtirilayotgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash hajmmini oshirish asosida viloyat oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish salohiyatidan foydalanish samaradorligini oshirish maqsadida 2019-2021 yillarda umumiy qiymati 27,1 mlrd so‘mga teng bo‘lgan investitsion loyihalar amalga oshirilishi hisobiga, yettita oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqaruvchi investitsion loyihaga asoslangan korxonalar faoliyati yo‘lga qo‘yilib, ularning jami ishlab chiqarish quvvati 49,4 ming tonnani tashkil etdi. Amalga oshirilgan investitsion loyihaning 55,0 foizi (14,9 mlrd. so‘m) ga teng qismi tijorat banklari kreditlari hisobidan moliyalashtirilgan bo‘lsa, 45,0 foizi (12,2 mlrd. so‘m) korxonaning o‘z mablag‘lari hisobidan shakllangan ichki investitsion resurslar hisoblanadi (2-jadval).

2019-2021 yillarda Andijon viloyati qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash bo‘yicha amalga oshirilgan investitsion loyihalar[4]

Korxonalar nomi	Faoliyat yo‘nalishi	Quvvati, tonnada	Loyiha qiymati, mlrd. so‘m		
			Jami	shundan	
				O‘z mablag‘i	Bank krediti
"Asaka Ulgurji Savdo Bazasi" MChJ	Meva-sabzavotni qayta ishlash	3 000	7,9	2,3	5,6
"Oq Suv" fermer xo‘jaligi	Meva-sabzavot mahsulotlarini shok usulida muzlatish	2 000	1,3	0,3	1,0
"Sayfuraxon Abdusattor" fermer xo‘jaligi	Meva-sabzavotlarni quritish	150	0,5	0,5	–
"Andijon broyler" fermer xo‘jaligi	Parranda go‘shini qayta ishlash	4 000	8,7	2,0	6,7
"Said plast Arg‘in" MChJ	O‘simlik yog‘i (kungaboqar, soya) ishlab chiqarish	1 500	2,4	0,7	1,7
"MASK" MChJ	Dukkakli mahsulotlarni saralash	2 500	5,6	5,6	–
"Andijon O‘zbekim" MChJ	Mevani qayta ishlash	250	0,7	0,7	–

Umuman olganda, tahlil etilayotgan davrda respublika hududlari bo‘yicha jami ishlab chiqarish quvvati 876,2 ming tonnaga teng bo‘lgan 174 ta investitsion loyiha amalga oshirilgan bo‘lib, ularning umumiy qiymati 2 303 mlrd so‘mga teng bo‘lgan. Ma’lumotlarga ko‘ra, amalga oshirilgan investitsion loyihalarning moliyalashtirish manbalari bo‘yicha tarkibida xorijiy investitsiya va xalqaro kreditlarning ulushi 45,8 foizni (124,7 mln. doll) , bank kreditlari – 25,1 foizni (578,3 mlrd so‘m) tashkil etsa, 29,1 foiz (670 mlrd so‘m) investitsion resurslar tashabbuskorlarning o‘z mablag‘lari hisobidan moliyalashtirilgan hisoblanadi.

Umuman olganda, yangi O‘zbekiston sharoitida oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini takomillashtirishni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘ziga xos xususiyatlari sifatidan qo‘yidagilarni keltirish mumkin bo‘ladi:

birinchi, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish jarayonlarini texnik jihatdan tartibga solish, jumladan, mahsulotlarning turlari bo‘yicha ularning sifatiga qo‘yiladigan talablarning milliy standartlar tizimi ishlab chiqilgan bo‘lib, oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyoti davlat tomonidan ishlab chiqilgan me‘yorlarga asoslangan holda amalga oshirilishi kerak bo‘ladi;

ikkinchi, hukumat tomonidan korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini bozor komponentlari bilan to‘yintirish maqsadida davlatning nafaqat oziq-ovqat balki milliy iqtisodiyotning turli tarmoqlariga aralashuvini kamaytirish, jumladan, davlat ulushi ishtirokidagi korxonalarni xususiyashtirish asosida ichki iste‘mol bozorida sog‘lom raqobat kurashini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan ishlar amalga oshirilmoqda;

uchinchi, respublika hududlarining sanoat sohasini rivojlantirish salohiyatidan kelib chiqqan holda, turli hududlarida oziq-ovqat mahsuloti ishlab chiqarishga ixtisoslashgan korxonalar faoliyatini tashkil etish asosida hududning nisbiy raqobat ustunligidan samarali foydalanishga qaratilgan investitsion loyihalar amalga oshirilib, bu turdagi loyihalar asosida tashkil etilayotgan korxonalar zamonaviy ishlab chiqarish texnika-texnologiyalari bilan qurollanganligi korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyoti samaradorligi ko‘rsatkichi yuqori bo‘lishini ta‘minlamoqda;

to‘rtinchi, oziq-ovqat sanoati korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini takomillashtirish bo‘yicha turli loyihalarni amalga oshirish uchun davlat tomonidan turli preferentsiyalar, jumladan, soliq va bojxona imtiyozlari, imtiyozli kreditlash amaliyoti yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, bu turdagi dasturlar korxonalarining moliyaviy imkoniyatlarini barqarorlashtirishga xizmat qilmoqda;

beshinchi, oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini takomillashtirishda ularning resurs ta‘minoti zanjiri bilan bog‘liqligini kuchaytirish asosida korxonaning mavjud ishlab chiqarish salohiyatidan foydalanish samaradorligini oshirgan holda, raqobat ustunligiga erishishning muhim omillari hisoblangan miqdor, sifat va narx bo‘yicha raqobatbardoshlikka erishish bo‘yicha qo‘llab-quvvatlash dasturlari amal qilmoqda;

oltinchi, hukumat tomonidan oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini ichki bozorni to‘yintirish va import o‘rnini bosish bilan birgalikda, eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarishni rivojlantirish bo‘yicha qo‘llab-quvvatlash dasturlariga ustuvorlik qaralib kelinmoqda.

Yangi O‘zbekiston sharoitida mahalliy oziq-ovqat korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan dasturlarning kompleksligini ta‘minlashga ustuvorlik qaratilayotgan bo‘lib, bunda mavjud salohiyatdan foydalanish samaradorligini oshirish maqsadida texnik-texnologik, ilmiy-innovatsion, moliyaviy-iqtisodiy, tashkiliy-huquqiy yo‘nalishlarda tegishli chora-tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Amalga oshirilgan islohotlar natijasida oziq-ovqat sanoati mamlakat iqtisodiyotining yetakchi tarmoqdaridan biriga aylanib borishi bilan birgalikda, import qilinayotgan mahsulotlar hajmi kamayib, xalqaro bozorlarga mahalliy oziq-ovqat korxonalarining chiqib borish imkoniyatlari kengaymoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekistonda 25 turdagi oziq-ovqatni ishlab chiqarishni boshlashga topshiriq berildi. 18.01.2024 y. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/18/food/>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 05.03.2016 yildagi “2016-2020 yillarda meva-sabzavot va go‘sht-sut mahsulotlarining hom ashyo bazasini yanada rivojlantirish, ularni qayta ishlashni chuqurlashtirish, oziq-ovqat tovarlari ishlab chiqarish va eksport qilishni ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2505-sonli Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.07.2019 yildagi “Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlash va oziq-ovqat sanoatini yanada rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4406-sonli Qarori.
4. Aspers P. Alfred Marshall and the Concept of Class. *American Journal of Economics and Sociology*. Vol. 69 (1), 2010. – pp. 151-165
5. Atkinson J.W. Motivational Determinants of Risk Taking Behavior, *Psychological Review*, vol. 64, no. 6, 1957. – pp. 359-372
6. Baptista De Andrade J.A., Formigioni A., Da Silva S.A., Flavio Stettiner C. Analysis of the Theory of Acquired Needs from McClellan as a Means of Work Satisfaction. *Timor-Leste Journal of Business and Management*, Vol. 3, Issue 2, 2021. – pp. 54-59
7. Barker T. Köhler J. Environmental Policy and Competitiveness. *Environmental Policy Research Briefs*, Vol. 6, 1998. – pp. 1–12.
8. Bondarenko A.I. Method of calculating the index of integral competitiveness for enterprises of the meat industry. *Agrarian Bulletin of the Urals*. № 8 (62), 2009 – pp. 43–45
9. Brown D.J., Calsamiglia C. Alfred Marshall’s Cardinal Theory of Value: The Strong Law of Demand. *Economic Theory Bulletin*, Vol. 2, 2014. – pp. 65-76
10. Charlebois S., Hill A., Vezeau J. Hunsberger L. Johnston M. Music J. Assessing a Nation’s Competitiveness in Global Food Innovation: Creating a Global Food Innovation Index. *World*, Vol. 3, 2022. – pp. 27-66. <https://doi.org/10.3390/world3010002>

SANOAT KORXONALARI RAQOBATBARDOSHLIGIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИХ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

FACTORS INFLUENCING THE COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Abdumo‘minov Axrorjon Axatjonovich – i.f.f.d. Andijon davlat texnika instituti dotsenti

Annotatsiya

Maqolada sanoat korxonalarini raqobatbardoshligi omillari xorijiy va mahalliy olimlar tadqiqotlarini o‘rganish asosida aniqlangan. Raqobatbardoshlik omillarini xususiyatlariga ko‘ra tasniflashning turli yondashuvlari tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada muallif yondashuvi bo‘yicha korxonalar raqobatbardoshlik omillari tasnifi tuzilgan.

Kalit so‘zlar: raqobatbardoshlik, raqobatbardoshlik omili, raqobat kuchi, ta‘minotchilar bosimi, xaridorlar bosimi, mikrodaraja, mezodaraja, makrodaraja.

В статье определены факторы конкурентоспособности промышленных предприятий на основе исследований зарубежных и отечественных ученых. Проанализированы различные подходы к классификации факторов конкурентоспособности по их характеристикам. Также в статье произведена классификация факторов конкурентоспособности предприятий согласно авторскому подходу.

Ключевые слова: конкурентоспособность, фактор конкурентоспособности, конкурентоспособность, давление поставщиков, давление покупателей, микроуровень, мезоуровень, макроуровень.

The article defines the factors of competitiveness of industrial enterprises based on the research of foreign and domestic scientists. Various approaches to the classification of competitiveness factors by their characteristics are analyzed. The article also classifies the factors of competitiveness of enterprises according to the author's approach.

Key words: competitiveness, competitiveness factor, competitiveness, supplier pressure, buyer pressure, micro level, meso level, macro level.

Bugun O‘zbekiston dunyoning rivojlangan mamlakatlari safiga qo‘shilishni, o‘z xalqi uchun munosib turmush farovonligini ta‘minlashni o‘z oldiga qat’iy maqsad qilib qo‘ygan. Bu yuksak maqsadni jahon iqtisodiyotining integratsiyalashuv jarayonlaridan ajragan holda amalga oshirish mumkin emas. Shu bois, hozirda O‘zbekiston xalqaro iqtisodiy munosabatlarini ochiq bozor tamoyili asosida rivojlantirmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev 2022 yil 20 dekabrda Oliy Majlisga Murojaatida 2023 yilda rivojlanishning ustuvor yo‘nalishlari tarkibida Jahon savdo tashkilotiga a‘zo bo‘lish bo‘yicha asosiy muzokaralarni yakunlab, ichki qonunchilikni moslashtirish, yangi standartlarni joriy etishni jadallashtirish vazifasini belgiladi [1]. Mazkur jarayonlar ishlab chiqaruvchilar uchun keng imkoniyatlar yaratish bilan birga ichki bozorda raqobat keskinlashishini anglatadi. Bunday sharoitda ishlab chiqaruvchilar uchun raqobatbardoshlikni oshirish nihoyatda muhim vazifaga aylanadi.

Jahon iqtisodiy forumi tashkiloti mutaxassislari raqobatbardoshlikka “mamlakat yoki kompaniyaning jahon bozoridagi raqobatchilaridan ko‘ra ko‘proq boylik yaratish qobiliyati” deya ta‘rif beradi. Shuningdek, ular mamlakat raqobatbardoshligi tushunchasini mamlakatning samaradorlik darajasini belgilovchi institutlar, siyosatlar va omillar to‘plami deb ta‘riflaydi [2].

Karl Aiginger va boshqalar mamlakat yoki hudud raqobatbardoshligini YaIM bilan birgalikda o‘z fuqarolari uchun farovonlik maqsadlariga erishish qobiliyati sifatida ta‘riflaydi [3].

Sh.X.Nazarov hududlar raqobatbardoshligini ularda raqobat ustunligining mavjudligi va mavjud ustunlikdan foydalana olish qobiliyati sifatida ifodalaydi [4].

Ye.Fyuor va boshqalarning fikricha, korxonaning raqobatbardoshligi nisbiy belgi bo‘lib, u ishlab chiqaruvchining raqobatchilardan rivojlanish jarayonidagi, ularning tovar yoki xizmatlarining muayyan ijtimoiy ehtiyojni qondirish darajasi bo‘yicha hamda ishlab chiqarish samaradorligi nuqtai nazaridan farqlarni aks ettiradi [5].

R.Fatxutdinov fikriga ko‘ra, raqobatbardoshlik - bu bozorda taqdim etilgan o‘xshash ob‘ektlar bilan solishtirganda aniq ehtiyojlarni haqiqiy yoki potensial qondirish darajasi bilan tavsiflangan obyektning xususiyati. Raqobatbardoshlik ushbu bozordagi o‘xshash ob‘ektlar bilan taqqoslaganda raqobat qilish qobiliyatini belgilaydi [7].

Yuqoridagi raqobatbardoshlik tushunchasiga berilgan ta‘riflardan ko‘rib turibmizki, raqobatbardoshlik tushunchasi ma‘lum bir mahsulot, korxonalar, tarmoqlar, soha va milliy iqtisodiyot uchun qo‘llaniladi.

Ilmiy adabiyotlarda korxonalar raqobatbardoshligi tushunchasi uch xil yondashuv bilan ta‘riflangan:

1) kompaniyaning ichki va tashqi faoliyatini tavsiflovchi tashkilotning raqobatbardoshligi ta‘riflari.

2) Raqobatbardoshlikning faqat mahsulot komponentiga asoslangan ta‘riflar. Korxonalar raqobatbardoshligi uning raqobatbardosh mahsulot yoki xizmatni ishlab chiqarish qobiliyati sifatida ifodalangan ta‘riflar.

3) korxonaning mahsuloti va ishlab chiqarish faoliyatini birlashtiruvchi ta‘riflar.


Xususan, Ye.B.Sheludko korxonalar raqobatbardoshligini uning ochiq bozor sharoitida samarali xo‘jalik faoliyatini olib borish va foyda olish qobiliyati sifatida ta‘riflagan.

A.Ambasta, K.Momaya korxonalar raqobatbardoshligini firmaning narx va narx bo‘lmagan sifatlarini hisobga olgan holda raqobatchilar tomonidan taklif qilingan mahsulotlardan ustun bo‘lgan mahsulotlarni loyihalash, ishlab chiqarish va bozorga chiqarish qobiliyati deb ta‘riflaydi.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda, oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligi xaridorlar talablariga narx, sifat va miqdor jihatdan javob beradigan oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish, shuningdek ushbu sohadagi o‘z faoliyatini rivojlantirishi uchun yetarli bo‘lgan mablag‘ bilan ta‘minlash qobiliyatidir deb ta‘riflaymiz.

Mamlakat sanoatining biror sohasi raqobatbardosh bo‘lishi uchun xorijiy mamlakatlarning aynan shu sohasiga nisbatan raqobat ustunligiga ega bo‘lishi talab etiladi. Korxonalar, tarmoqlar, soha va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligi yoki raqobat ustunligi bir qator omillar ta‘sirida shakllanadi.

M.Porter sanoat raqobatbardoshligi beshta kuch ta‘sirida shakllanishini ta‘kidlaydi (1-rasm).



1-rasm. M.Porterning raqobatni harakatlantiruvchi kuchlari

Manba:Muallif ishlanmasi

Demak, tarmoqda raqobatni harakatga keltiruvchi kuchlar sifatida quyidagilar ko‘rsatilgan:

1. Xaridorlarning savdolashish darajasi. Xaridorlar ishlab chiqaruvchilardan narxni pasaytirish, sifatni yaxshilash yoki qo‘shimcha xizmatlar ko‘rsatishni talab qilish orqali ularga bosim o‘tkazadi. Bozorda xaridorlar sonining cheklanganligi, vertikal integratsiyalashgan ishlab chiqarish, mahsulotning hayotiy muhimlik darajasi, xarid hajmi va xaridorlarning ishlab chiqarish jarayoniga oid texnik ma’lumotlardan xabardorligi xaridorlarning savdolashish darajasiga ta’sir ko‘rsatadi.

2. Yangi raqobatchilarning bozorga kirish xavfi. Odatda, yangi kirib keluvchilar katta resurslar, yangiliklar bilan kirib keladi. Ular bozorni egallash ishtiyoqida narxlarni pasaytirishi mumkin. Bu esa tarmoqdagi boshqa ishtirokchilarning daromadini kamayishiga olib keladi. Yangi raqobatchilarning kirib kelish xavfi tarmoqqa kirish to‘siqlariga bog‘liq. Agar tarmoqqa kirish to‘siqlari mavjud bo‘lsa, yangi ishtirokchilarning kirish xavfi past bo‘ladi.

3. Ta’minotchilar bosimi. Ma’lum bir sanoat sohasiga xom ashyo, butlovchi qism yoki xizmatlar taklif qiluvchilar o‘z mahsulotlari narxini oshirish yoki sifatini pasaytirish bilan ishtirokchilarga bosim o‘tkazishi mumkin.

4. O‘rnini bosuvchi tovarlar bosimi. Tarmoqdagi barcha firmalar o‘rnini bosuvchi tovar ishlab chiqaruvchilari bilan raqobatlashishga majbur. O‘rnini bosuvchi tovarlarning mavjudligi narxlarni erkin oshirishga yo‘l qo‘ymaydi va ishlab chiqaruvchilarning potensial daromad olishini cheklaydi.

5. Tarmoqdagi raqobat. Tarmoqda ishlab chiqaruvchilar o‘rtasida narx bo‘yicha raqobat, reklamalar jangi, mahsulot sifati, xaridorga qo‘shimcha xizmatlar ko‘rsatish, kafolat bo‘yicha doimiy kurash bo‘ladi [8].

Ushbu kuchlarning umumiy bosimi ta’sirida tarmoqdagi raqobat shakllanadi. Bu kuchlar tarmoqdagi raqobatga turli darajada bosim o‘tkazadi, ya’ni kuchlar ta’siri bir xil bo‘lmaydi. Masalan, O‘zbekistonda avtomobil ehtiyot qismlari ishlab chiqaruvchilari uchun xaridor bosim kuchi yuqori. Chunki, bu tarmoqda xaridorlar soni cheklangan.

Shuningdek, M.Porter ilgari surgan fikrlardan tarmoqdagi raqobat kurashiga tarmoq tashqarisidagi kuchlar ham ta’sir qilishini anglash mumkin.

M.Porter boshqa bir “Xalqlarning raqobat ustunligi” kitobida mamlakatlarning xalqaro raqobatdagi muvaffaqiyatini belgilovchi to‘rt omilni ko‘rsatadi. U to‘rt omilni romb shaklida joylashtirib, ularning o‘zaro ta’siri natijasida raqobatbardoshlik o‘zgarishini ta’kidlaydi [9]. Porterning bu modeli “Porter rombi” deb nomlanadi.

Bu omillar quyidagilar:

1. Omillar holati. Ma’lum bir sanoat sohasida raqobatlashish uchun mamlakatning malakali ishchi kuchi, infratuzilma kabi omillarga egaligi juda muhim hisoblanadi.

2. Talab holati. Ma’lum bir mahsulot yoki xizmatlar uchun ichki bozor talabi hajmi, xususiyati ushbu tovar ishlab chiqaruvchilari raqobatbardoshligiga ta’sir ko‘rsatadi.

3. Bog‘liq va qo‘llab-quvvatlovchi sohalar. Mamlakatda ma’lum bir sanoat uchun raqobatbardosh ta’minotchi va ko‘maklashuvchi sohalar mavjudligi yoki yo‘qligi.


4. Firma strategiyasi, tuzilmasi va raqobat.

Bu omillar ta’sirida mamlakatda firmalarning tashkil etilishi va raqobatlashishni o‘rganishi uchun muhit shakllanadi. Shuning uchun mamlakatlarning xalqaro raqobatbardoshlik darajasi aynan ushbu omillarga bog‘liq.

R.Fatxutdinov raqobatbardoshlikka ta’sir etuvchi omillarni raqobatbardoshlik obyektlari bo‘yicha guruhlarga ajratib tizimlashtirdi va omillar daraxtini shakllantirdi.

Dastlab raqobatbardoshlik ob’ektlariga to‘xtalsak, obyektlar mikro, mezo va makro darajalarga ajratilgan (2-rasm).

R.Fatxutdinov tadqiqotlarida raqobatbardoshlikka alohida e’tibor qilib, mazkur masalani geografik nuqtai nazaridan tasniflagan. Jumladan, mahsulot va xizmatlar, firma va korxonalar, ishlab chiqarish vositalari, innovatsiya va texnologiyalar hamda xodimlar raqobatbardoshligini mikroraqobatbardoshlikka, tarmoq va hudud raqobatbardoshligini mezoraqobatbardoshlikka va nihoyat, mamlakat raqobatbardoshligini makroraqobatbardoshlikka kiritgan.



2-rasm. R.Fatxutdinovning raqobatbardoshlik obyektlari piramidasi

Manba:Muallif ishlanmasi

Yana bir muhim xulosa shuki, ushbu piramida huddi “Maslou piramidasi” kabi raqobatbardoshlik ob’ektlarining bir-birini to’ldirish ketma-ketligini ham ifodalaydi. Ya’ni, firma va korxonalar raqobatbardoshligini ta’minlash uchun avvalo, raqobatbardosh ishlab chiqarish vositalariga, texnologiya va innovatsiyaga hamda kadrlarga ega bo’lish kerak. Va eng asosiysi, muallif tadqiqodlarida har qanday darajadagi raqobatbardoshlik asosida raqobatbardosh kadrlar turishi ta’kidlanmoqda.

R.Fatxutdinov makro yoki mezo darajadagi raqobatbardoshlikni strategik va haqiqiy (fakticheskiy) raqobatbardoshlikka ajratdi va o’z navbatida strategik raqobatbardoshlik omillari va haqiqiy raqobatbardoshlik ko’rsatkichlarini ta’kidlab o’tadi [10].

Shuningdek, muallif ishlanmasida strategik raqobatbardoshlik omillari sifatida quyidagilar ko’rsatiladi: hokimiyat institutlari samaradorligi, investitsion jozibadorlik va investitsiyalar, innovatsion faollik, raqobat muhitining sifati, ta’lim va sog’liqni saqlash tizimining raqobatbardoshligi. Demak, ushbu omillar kelajakda mamlakat yoki hudud raqobatbardoshligi qanday o’zgarishini belgilab beradi.

Xaqiqiy raqobatbardoshlikni aniqlashda esa 26 ta statistik ko’rsatkichlarni olish tavsiya etilgan bo’lib, bu ko’rsatkichlar makroiqtisodiyotni, xokimiyat institutlarini, biznes samaradorligi va muhitini, infrastruktura, tovar va xizmatlar, texnologiyalar raqobatbardoshligini hamda jamiyatning siyosiy, axloqiy va jismoniy sog’lomligini ifodalaydi.

G.Saxanova sanoat tarmog’i raqobatbardoshligiga ta’sir etuvchi omillarni tizimlashda ularning ta’sir doirasiga e’tibor qaratdi.

1-jadval

Tarmoq raqobatbardoshligiga ta’sir etuvchi omillar [11]

Ta’sir darajasi	Tarmoq raqobatbardoshligini shakllantiruvchi omillar
Makrodaraja	Davlat iqtisodiy siyosati, milliy ishlab chiqaruvchilarni himoya qilishni va faoliyat yuritishni iqtisodiy-xuquqiy asosini shakllantiruvchi milliy qonunchilik bazasi, tashqi siyosiy mustaqillik va xavfsizlik, siyosiy va ijtimoiy barqarorlik
Mezodaraja	Tarmoqning tabiiy-resurs salohiyati, tarmoqning iqtisodiy salohiyati va iqtisodiy siyosati, demografik salohiyat, ichki iste’mol bozori
Mikrodaraja	Ishlab chiqarish fondlari va texnologiyalarning rivojlanishi, tashkiliy-boshqaruv resurslari, marketing siyosati va talab omillari

Fikrimizcha, jadvalda keltirilgan makrodarajada ta’sir etuvchi omillar qatoriga mamlakatdagi ta’lim sifati, infratuzilmaning rivojlanish holati, aholi daromadlari darajasi, ilmiy tadqiqotlarga ajratilayotgan davlat mablag‘lari hajmi, korrupsiya darajasi kabi omillarni ham kiritish maqsadga muvofiq bo‘ladi

V.M.Larin, A.D.Nemsev korxonalar raqobatbardoshligiga ta’sir qiluvchi omillarni ikki guruhga ajratadi. Bular ichki va tashqi omillar bo‘lib, tashqi omillar korxonaga bevosita to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir ko‘rsata olmaydigan omillar bo‘lsa, ichki omillar aksincha korxonaga o‘zi shakllantiradigan va ta’sir o‘tkazadigan omillardir.

Tashqi omillar sifatida quyidagilar ko‘rsatilgan:

- ishlab chiqarish sohasidagi davlat siyosati;
- tarmoqni rivojlantirish bo‘yicha davlat siyosati;
- soliq, bojxona, moliya-kredit, investitsiya siyosatlari;
- davlat standartlari, reglamentlari va ularga rioya etish nazorati;
- sifat tizimini sertifikatlash;
- xorijiy davlatlar bilan iqtisodiy va texnik hamkorlik;
- iste’molchilar xuquqini hmoya qilish;
- infratuzilmaning rivojlanganlik darajasi.

Ichki omillar ikki guruhga ajratilgan: texnik xarakterga oid omillar va tashkiliy-iqtisodiy omillar. Birinchi guruhga texnik jihozlanish darajasi, mahsulotning ilmiy texnik darajasi, qo‘llanilayotgan ishlab chiqarish va texnologik jarayonlarning sifati kiradi, ikkinchi guruhga esa moliyaviy barqarorlik, sifatni boshqarish tizimi takomillashganligi, xom ashyo bilan ta’minlash darajasi, kadrlar malakasi, rag‘batlantirish va mehnatga haq to‘lashni tashkillashtirish, kafolat darajasi va sotuvdan keyingi xizmatlar va boshqalar kiradi [12].

Ya.Fagerberg tadqiqotlarida investitsiyalarning tarmoqlar raqobatbardoshligiga ta’sirini o‘rgangan. Muallif ilmiy tadqiqotlarga yo‘naltirilgan investitsiyalarni ikki guruhga ajratib, bevosita va bilvosita investitsiyalar sifatida tasniflagan. U tadqiqotida tarmoqdagi o‘rtacha ish haqi, ichki bozordagi talab, jismoniy kapitalga kiritilgan investitsiyalarni ham omil sifatida o‘rgangan. O‘rganishlar natijasida, taxminlarga teskari holda, ichki bozor hajmi va ish haqi darajasi tarmoq raqobatbardoshligiga ta’sir ko‘rsatmasligi aniqladi. Sanab o‘tilgan qolgan omillar mamlakatning kichik iqtisodiyotli yoki katta iqtisodiyotli ekaniga, tarmoqning yuqori texnologiyali yoki oddiy texnologiyali ekanligiga bog‘liq holda turli darajada ta’sir etishi ta’kidlanadi. Unga ko‘ra, raqobatbardoshlikni oshirishda yuqori texnologiyali tarmoqlarda ilmiy tadqiqotlarga yo‘naltirilgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar ikki barobar samarali bo‘lsa, past texnologiyali sohalarda jismoniy kapitalga yo‘naltirilgan investitsiyalar ham muhim hisoblanadi. Yirik iqtisodiyotlarda tarmoq raqobatbardoshligi mamlakat ichidagi tadqiqotlarga ko‘proq bog‘liq bo‘lsa, kichik iqtisodiyotlarda xorijdan olingan innovatsiyalar ko‘proq ta’sir ko‘rsatgan. Lekin, yakunda raqobatbardoshlikni oshirishda iqtisodiyotning ko‘lami va texnologiyaning yuqori yoki pastligidan qat’iy nazar, ilmiy tadqiqotlarga yo‘naltirilgan investitsiyalar jismoniy kapitalga jalb qilingan investitsiyalardan ko‘ra samaraliroq ekanligi ta’kidlanadi [13].

Korxonalar raqobatbardoshligi omillari mahalliy olimlarimiz tomonidan ham tadqiq qilingan. Ularning nizariy qarashlarini o‘rganish korxonalar raqobatbardoshligi omillarining O‘zbekistonga xos bo‘lgan jihatlarini yoritishga xizmat qiladi.

L.Zoirov, A.Qorjonovlar milliy korxonalar raqobatbardoshligini ta’minlashda xorijiy investitsiyalarning o‘rni va ahamiyati yuqoriligini ko‘rsatadilar. Ularning fikriga ko‘ra korxonaga raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion texnologiyalar va mahsulotlarni ishlab chiqarishga tatbiq etish, boshqaruvni innovatsion usullarini qo‘llash, korxonani innovatsion korxonaga statusiga yetkazish kabi usul va vositalar mavjud bo‘lib, ushbu omillardan samarali foydalanish investitsiyalar hisobiga ta’minlanadi [14].

G‘.Mamasoliev oziq-ovqat sanoati korxonalarini raqobatbardoshligini oshirishda qiymat zanjiri boshqaruvini takomillashtirish asosiy omil deb hisoblaydi.

Darxaqiqat, bugungi kunda oziq-ovqat sanoatida vertikal integratsiyani tashkil etmasdan raqobatbardosh tovar yaratish va jahon bozorlariga kirib borish mushkul. Chunki, oziq-ovqat sanoati

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

uchun xomashyo yetkazib beruvchi kichik dehqon va fermer xo‘jaliklar yangi texnika va texnologiyalarni joriy etishda moliyaviy ko‘makka muhtojlik sezadi va ular qayta ishlash korxonalari bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa o‘rnata olmaydilar. Shuningdek, qayta ishlash korxonalari ham mahsulotlarini sotishda yirik supermarketlar bilan bellasha olmaydilar. Bu muammolarni hal etish uchun ular o‘rtasida kooperatsion aloqalarni o‘rnatish ya‘ni qiymat zanjirini yaratish talab etiladi.

V.G.Kim tadqiqotlarida korxonalar raqobatbardoshligi omillarini ichki va tashqi omillarga ajratib, ularni xususiyatlariga ko‘ra yana bir nechta guruhlariga bo‘lib o‘rganishni taklif qilgan. Bu tasnif raqobatbardoshlik omillarini to‘liq qamrab olish bilan birga tashqi muhit ta‘sirini baholash imkonini ham beradi. Muallif raqobatbardoshlikning ichki omillariga iqtisodiy va innovatsion omillar guruhini kiritadi. O‘z navbatida iqtisodiy omillarni moliyaviy, iqtisodiy va kadrlar bilan bog‘liq omillarga ajratadi. Shuningdek, muallif tashqi omillarni miqroiqtisodiy va makroiqtisodiy guruhlariga ajratadi. Bunda raqobat muhiti, infrastruktura va axborot omillari miqroiqtisodiy omillar sifatida tasniflangan bo‘lsa, makroiqtisodiy parametrlar, investitsion omillar va ijtimoiy omillar makroiqtisodiy guruh sifatida tasniflangan [15]. Fikrimizcha, bu tasnif korxonalar resurslarini ma‘lum bir kichik omillar guruhiga yo‘naltirish orqali raqobat strategiyalarini ishlab chiqish imkonini beradi. Lekin, keltirilgan omillar o‘zaro kuchlo bog‘liq va bir-birini to‘ldiruvchi ekanligiga ham e‘tibor qaratish zarur. Masalan, iqtisodiy samaradorlikni ta‘minlamay moliyaviy barqarorlikka erishib bo‘lmaydi, investitsiya va yuqori malakali kadrlarsiz innovatsiyalarni ham joriy etib bo‘lmaydi.

Korxonalar raqobatbardoshligiga ta‘sir etuvchi omillar to‘g‘risidagi nazariy qarashlarni o‘rganish asosida omillarni quyidagicha guruhlariga ajratdik. (2-jadval).

2-jadval.

Oziq-ovqat sanoati korxonalari raqobatbardoshligiga ta‘sir etuvchi omillar

Omillar		
ichki	tashqi	
	Narx omillari	Muhit omillari
<ul style="list-style-type: none"> • mehnat unumdorligi • kapital qaytimi • asosiy kapitalning yig‘ilishi • ilmiy tadqiqotlarga investitsiyalar • yangi texnika va texnologiyalarni joriy qilish • marketing • ishlab chiqarish kooperatsiyasini tashkil etish • sifatni boshqarish tizimini tashkil etish • kadrlar malakasi • korxonalar brendi va boshqalar 	<ul style="list-style-type: none"> • xom ashyo narxi • mahsulotning bozor bahosi 	<ul style="list-style-type: none"> • xom ashyo yetkazib berish tizimining rivojlanganligi • raqobat muhiti • mehnat resurslarining mavjudligi va mahorat darajasi • tarmoqni rivojlantirish bo‘yicha davlat siyosati • davlatning soliq, bojxona, moliya-kredit, investitsiya siyosatlari • davlat standartlari, reglamentlari va ularga rioya etish nazorati • kapital bozorlarining samaradorligi va moliyaviy xizmatlarning sifati • mamlakatda infratuzilmani rivojlantirish darajasi; • oziq-ovqat sanoatiga yordamchi tarmoqlarning rivojlanganlik darajasi • ilmiy va texnologik salohiyatni rivojlantirish; • ta‘lim sifati darajasi • xorijiy davlatlar bilan iqtisodiy va texnik hamkorlik

Ko‘rib turibmizki, korxonalar raqobatbardoshligini oshirishi uchun ichki omillarni boshqarishi mumkin bo‘lsada, raqobatbardoshlikka ta‘sir ko‘rsatuvchi narx omillari va muhit omillariga ta‘sir ko‘rsata olmaydi. Demak, korxonalar raqobatbardoshlikka ta‘sir etuvchi omillarning katta qismini

boshqarish yoki ta’sir o‘tkazish imkoniga ega emas. Bu holat korxonalar raqobatbardoshligi shakllanishida davlatning iqtisodiy-ijtimoiy siyosatining ahamiyati yuqori ekanini bildiradi.

Xulosa qilganda, korxonalarining rivojlanishida raqobatbardoshlikning ahamiyatini kengroq tushunish uchun raqobatbardoshlikka ta’sir etuvchi omillarni aniqlash va ularni ma’lum bir tizimga keltirish lozim. Hozirda sanoat korxonalari raqobatbardoshligi shakllanishiga ta’sir etuvchi omillar va ularni tizimlashtirish bo’yicha turli xil nazariyalar mavjud bo’lsada, yagona umum e’tirof etilgan omillar tizimi mavjud emas. Ba’zi tadqiqotlarda ilmiy tadqiqotlarga yo’naltirilgan investitsiyalar asosiy omil sifatida ko’rsatilgan bo’lsa, ba’zi tadqiqotlarda infrastuktura va yordamchi sohalarning rivojlanishi, raqobat darajasi raqobatbardoshlikka ko’proq ta’sir ko’rsatishiga dalillar keltirilgan. Bizning fikrimizcha, korxonalar raqobatbardoshligi bir nechta omillar ta’sirida shakllanadi. Bu omillarni korxonalar boshqarishi mumkin bo’lgan va korxonalar ta’sir o’tkaza olmaydigan omillar guruhiga ajratish mumkin. Bu yondashuv korxonalar raqobatbardoshligini oshirish uchun takliflar ishlab chiqishda korxonalar imkoniyatlarini to’g’ri baholash uchun qulay.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2022 yil 20 dekabr.
2. The World Competitiveness Report, 1994, World Economic Forum, Lausanne.
3. Karl Aiginger, Susanne Bärentaler-Sieber, Johanna Vogel “Competitiveness under New Perspectives” Working Paper no 44. October 2013.
4. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. Ташкент: IFMR, 2014. -212с.
5. Elena Fuior, Tatiana Zavatki, Ion Maxim Competitiveness of the enterprise: the essence and methods of evaluation // Technology audit and production reserves. Vol. 5 No. 3(13) (2013)
6. Moki A.I. Strategy and processes of strengthening the spatial-structural competitiveness of region: Monograph / For ed. Moki A.I., Vasitsiv T.G. – Lviv: Liga Press, 2010.
7. Fatkhutdinov R.A. Management of competitiveness of the organization. – 2nd ed. – New York: Penguin Books, 2005.
8. M.Porter “Competitive strategy: Techniques for analyzing industries and competitors” The Free Press, 1998.
9. M.Porter “Competitive Advantage of Nations”/ Harvard Business Review, March-April 1990.
10. Р.Фатхутдинов “Уровни и объекты конкурентоспособности”// Современная конкуренция. 2009 /4(16).
11. Г.Саханова “Развитие конкурентоспособности экономики Республики Казахстан: проблемы и перспективы (на примере пищевой промышленности)”. Диссертация.
12. Ларин В.М., Немцев А.Д. Сущность и факторы конкурентоспособности предприятия // Вестник Самарского государственного экономического университета 2010. 2(64)
13. J. Fagerberg Technology and competitiveness // Oxford review of economic policy. 1996
14. L.Zoyirov, A.Qorjonov .“Milliy korxonalar raqobatbardoshligini ta’minlashda xorijiy investitsiyalarni o‘rni”. “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali. № 3, iyun, 2021 yil. ISSN: 2181-1016.
15. В.Г.Ким Повышение конкурентоспособности промышленных предприятий на основе инновационных технологий. Дисс. на соискание ученой степени доктора философии по экономическим наукам – Т.: ТГТУ им. И.Каримова, 2019. с.186.

**ZARAFSHON MINTAQASIDA AGRAR SALOHİYAT VA QAYTA ISHLASH
INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISHNING OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGIGA
TA’SIRI**

**ВЛИЯНИЕ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО ПОТЕНЦИАЛА И ПЕРЕРАБАТЫВАЮЩЕЙ
ИНФРАСТРУКТУРЫ В ЗАРАФШАНСКОМ РЕГИОНЕ НА
ПРОДОВОЛЬСТВЕННУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ**

**THE IMPACT OF DEVELOPING AGRICULTURAL POTENTIAL AND PROCESSING
INFRASTRUCTURE IN THE ZARAFSHAN REGION ON FOOD SECURITY**

Murtazayev Isabek Bazarbayevich Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti,
Iqtisodiyot fakulteti, Iqtisodiyot nazariyasi kafedrası dotsent v.b., i.f.f.d. (PhD).

Annotatsiya

Mazkur maqolada Zarafshon mintaqasi tumanlarida (G‘ijduvon, Romitan, Karmana, Qiziltepa, Nurobod va Urgut) agrar tarmoqning rivojlanish dinamikasi, qayta ishlash infratuzilmasi imkoniyatlari hamda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda ularning strategik ahamiyati ilmiy tahlil qilingan. 2000-2024 yillar statistik ma'lumotlari asosida qishloq xo'jaligi hosildorligi va qayta ishlash quvvatlarining o'sish trendlari baholanib, resurs tejamkor texnologiyalar, intellektual fermerlik, klaster yondashuvi va logistik zanjirlar integratsiyasining hududiy mutanosiblikni ta'minlashdagi roli asoslab berilgan. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, Urgut, G‘ijduvon va Nurobod tumanlari qayta ishlash va agrar mahsulotlar hajmini oshirish bo'yicha yetakchi o'rinni egallamoqda; Karmana va Qiziltepa esa yangi agrotexnologik investitsiyalar hisobiga tez rivojlanish salohiyatiga ega. Ilmiy xulosalar oziq-ovqat xavfsizligi, hududiy iqtisodiy mutanosiblik va agrosanoat zanjirini modernizatsiya qilish uchun amaliy tavsiyalar bilan boyitilgan.

Kalit so'zlar: agrar salohiyat, oziq-ovqat xavfsizligi, qayta ishlash infratuzilmasi, hududiy mutanosiblik, intellektual fermerlik, resurs tejamkor texnologiyalar, agrologistika, Zarafshon mintaqasi.

В данной статье научно проанализированы динамика развития аграрного сектора, возможности перерабатывающей инфраструктуры и их стратегическое значение в обеспечении продовольственной безопасности в районах Зарафшанского региона (Гиждуван, Ромитан, Кармана, Кызылтепа, Нурабад и Urgut). На основе статистических данных за 2000-2024 годы оценены тенденции роста урожайности сельского хозяйства и перерабатывающих мощностей, а также обоснована роль ресурсосберегающих технологий, интеллектуального фермерства, кластерного подхода и интеграции логистических цепочек в обеспечении региональной сбалансированности. Анализ показывает, что Urgut, Гиждуван и Нурабад являются лидирующими районами по увеличению объемов переработки и аграрной продукции; Кармана и Кызылтепа обладают высоким потенциалом ускоренного развития благодаря новым агротехнологическим инвестициям. Научные выводы дополнены практическими рекомендациями по обеспечению продовольственной безопасности, региональной экономической сбалансированности и модернизации агропромышленной цепочки.

Ключевые слова: аграрный потенциал, продовольственная безопасность, перерабатывающая инфраструктура, региональная сбалансированность, интеллектуальное фермерство, ресурсосберегающие технологии, агрологистика, Зарафшанский регион.

In this article, the development dynamics of the agricultural sector, the capacities of processing infrastructure, and their strategic importance in ensuring food security in the districts of the Zarafshan

region (G‘ijduvon, Romitan, Karmana, Qiziltepa, Nurobod, and Urgut) are scientifically analyzed. Based on statistical data for 2000-2024, trends in agricultural productivity and the expansion of processing capacities are assessed, and the role of resource-saving technologies, intelligent farming, the cluster approach, and the integration of logistic chains in achieving regional balance is substantiated. The analysis shows that Urgut, G‘ijduvon, and Nurobod are the leading districts in increasing processing volumes and agricultural output, while Karmana and Qiziltepa demonstrate strong potential for rapid development due to new agrotechnological investments. The scientific conclusions are enriched with practical recommendations aimed at strengthening food security, regional economic balance, and the modernization of the agro-industrial value chain.

Keywords: agricultural potential, food security, processing infrastructure, regional balance, intelligent farming, resource-saving technologies, agro-logistics, Zarafshan region.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda agrar sektorni modernizatsiya qilish, qayta ishlash infratuzilmasini rivojlantirish va hududlar o‘rtasidagi iqtisodiy mutanosiblikni ta‘minlash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylandi. Ayniqsa Zarafshon mintaqasi (Samarqand, Navoiy, Buxoro) agrar tarmoqning strategik hududi sifatida yuqori tabiiy-iqlimiy salohiyat, mehnat resurslari, sug‘oriladigan yerlar va qayta ishlash uchun muhim homashyo bazasiga ega. Mintaqaning G‘ijduvon, Romitan, Karmana, Qiziltepa, Nurobod va Urgut tumanlari qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish va qayta ishlashda muhim o‘rin tutadi.

Bu hududlarda agrar ishlab chiqarish hajmini oshirish, eksportbop mahsulotlarni diversifikatsiya qilish, resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish va qayta ishlash korxonalarini kengaytirish orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashning ilmiy asoslarini ishlab chiqish dolzarb masala hisoblanadi. Shu bois, ushbu maqolada 2000-2024 yillar davomida hududlardagi hosildorlik dinamikasi, qayta ishlash infratuzilmasi quvvati va agrar klasterlarning shakllanish jarayonlari kompleks tahlil qilingan.

Aytish lozimki, mintaqaviy salohiyat jihatidan - G‘ijduvon tumani - Buxoro viloyati ichidagi sug‘oriladigan hududlardan biri hisoblanadi; bu tuman uzum, meva, sabzavot ekinlarini ko‘paytirish uchun yaxshi imkoniyatga ega.

Romitan tumanida esa qayta ishlash infratuzilmasi yaxshi rivojlangan: 2010-2015 yillarda 500 tonnaga yaqin saqlash omborlari tashkil qilingan, bu meva-sabzavotni saqlash va qayta ishlash imkoniyatini kengaytirgan.

Shu bilan birga, 2025 yilgacha bo‘lgan hududiy rivojlanish dasturi doirasida G‘ijduvon, Romitan va boshqa tumanlarda 10 000 gektar yangi uzumzorlar va 5 000 gektar eksportbop mevalar bog‘larini barpo etish orqali qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining eksport salohiyatini oshirishni maqsad qilgan.

Hududdagi sug‘orilgan yerlar va mavjud bog‘dorchilik maydonlari raqobatbardosh agrar salohiyatga ega bo‘lib, personallashtirilgan qishloq xo‘jaligi texnikalari, sensorli monitoring tizimlari hamda mikroklimate avtomatlashtirilgan issiqxona komplekslarini joriy etish orqali hosildorlik va resurs tejamkorligini oshirish mumkin.


Masalan, Romitan tumanida zamonaviy sovuqxona majmuasi ishga tushirilishi natijasida mahsulotlarni yig‘ish, sarflash va saqlash jarayonlaridagi yo‘qotishlar minimallashtirilgan. Bu yechim qayta ishlash tarmoqlari uchun uzluksiz xomashyo ta‘minotini yo‘lga qo‘yib, mahalliy meva va sabzavot resurslaridan samarali foydalanish imkoniyatini kengaytirgan.

G‘ijduvon tumanida uzumzorlar va meva bog‘lari salohiyatini oshirishda “intellektual fermerlik” modellarini joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu model yerdan foydalanish xarajatlarini qisqartirish, urug‘ va navlarni mahalliy iqlim sharoitiga moslashtirish, sensorli va raqamli boshqaruv tizimlarini joriy etish hamda texnika resurslarini integratsiya qilish orqali qishloq xo‘jaligida yuqori samaradorlik va barqaror ishlab chiqarishni ta‘minlaydi.

Demak, G‘ijduvon va Romitan tumanlari hozirgi kunda yuqori hosildorlikka ega mevalar hamda sabzavotlar yetishtirish salohiyati bilan ajralib turadi. Bu hududlarda mavjud tabiiy-iqlimiy sharoitlar, sug‘orish tizimlarining rivojlanganligi va agrotexnika tadbirlarining samarali yo‘lga qo‘yilgani ichki bozorni mahalliy mahsulot bilan ta‘minlash hamda eksportbop mahsulot yetishtirish

imkoniyatini kengaytirmoqda. Shu jihatdan, mazkur hududlarda yuqori hosildor navlarni tanlash, resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini kengaytirish ustuvor vazifalardan hisoblanadi.

Buxoro viloyatida oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashning muhim omili sifatida qayta ishlash infratuzilmasini modernizatsiya qilish va kengaytirish dolzarb ahamiyatga ega. Xususan, sovuqxonalar, saqlash quvvatlari va mahsulotlarni qadoqlash komplekslarini ko‘paytirish orqali hosilning mavsumiy zahirasi yaratiladi hamda mavsumdan tashqari davrda ham ichki bozorda barqaror ta‘minotni ta‘minlash imkoniyati oshadi. Bu esa oziq-ovqat xavfsizligi tizimidagi uzluksizlikni ta‘minlash va mahsulotni yo‘qotish darajasini minimallashtirish nuqtai nazaridan muhim ahamiyat kasb etadi (1-rasm).



1-rasm. 2000-2024 yillarda hududlar bo‘yicha qishloq xo‘jaligi hosildorligi dinamikasi [1]

Bunda, 2000-2024 yillar davomida tanlangan tumanlardagi qishloq xo‘jaligi hosildorligi dinamikasini ko‘rsatadi. Diagrammada, Urgut va Nurobod tumanlari - eng tez o‘shishga ega hududlar bo‘lib, ularda innovatsion agrotexnologiyalar joriy etilishi natijasida hosildorlik 2 barobarga oshgan. G‘ijduvon va Romitan - barqaror o‘shish tendentsiyasini saqlagan hududlar, qayta ishlash infratuzilmasining mavjudligi bu yerda asosiy ustunlikdir. Karmana va Qiziltepa - yangi texnologiyalar hisobiga so‘nggi yillarda o‘shish sur‘ati tezlashgan, bu hududlarda innovatsion issiqxona tizimlari muhim ahamiyat kasb etadi.

7. <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-i-perspektivy-razvitiya-meditsinskogo-turizma-v-rossii/viewer>

TADBIRKORLIK RISKLARINING MOHIYATI, MAZMUNI VA TURLARI

СУЩНОСТЬ, СОДЕРЖАНИЕ И ВИДЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ РИСКОВ

ESSENCE, CONTENT AND TYPES OF BUSINESS RISKS

Tursunov Mansur Bekpulatovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tadqiqotchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada tadbirkorlik faoliyatida “risk” kategoriyasining mohiyati, mazmuni va uni aniqlashga turlicha ilmiy yondashuvlar, riskning tadbirkorlik faoliyati samaradorligiga ta’siri va uning o‘ziga xos xususiyatlari va bosqichlari, riskning subyektiv, obyektiv yoki subyektiv-obyektiv xususiyatlari, risklarning turlari, har bir davrda tadbirkorlik riski fenomenini tushunishdagi o‘ziga xos jihatlar tadqiq qilingan.

Kalit so‘zlar: tadbirkorlik faoliyati, risk, riskning subyektiv-obyektiv xususiyatlari, risk turi, noaniqlik, riskni boshqarish, baholash.

В статье рассматриваются сущность, содержание и различные научные подходы к определению категории «риск» в предпринимательской деятельности, влияние риска на эффективность предпринимательской деятельности, его отдельные характеристики и этапы, субъективные, объективные или субъективно-объективные характеристики риска, виды рисков, а также особенности понимания феномена предпринимательского риска в каждый период.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, риск, субъективно-объективные характеристики риска, вид риска, неопределенность, управление рисками, оценка.

This article examines the essence, content and various scientific approaches to defining the category of “risk” in business activities, the impact of risk on the efficiency of business activities and its specific characteristics and stages, subjective, objective or subjective-objective characteristics of risk, types of risks, and specific aspects of understanding the phenomenon of business risk in each period.

Keywords: business activities, risk, subjective-objective characteristics of risk, type of risk, uncertainty, risk management, assessment.

Iqtisodiyotning transformatsiyalashishi sharoitida tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishda noaniqlik va tavakkalchilik alohida o‘rin tutadi. Atrofdagi iqtisodiy vaziyat, institutsional va huquqiy muhitning yuqori darajadagi o‘zgaruvchanligi respublikamizda tadbirkorlik faoliyatining muhim atributlari sifatida talqin qilinadi. Shunga ko‘ra, hozirgi vaqtda rivojlanayotgan mamlakatlarda tadbirkorlar duch kelishi mumkin bo‘lgan risklarning umumiy darajasi dunyoning iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlariga qaraganda ikki baravar yuqoridir. Bu esa respublikamiz iqtisodiyoti uchun ham xos bo‘lib, iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarida tadbirkorlik risklarini baholash va uni kamaytirish muammosini dolzarb ekanligini ko‘rsatmoqda. Mazkur holat zamonaviy menejment amaliyotida tadbirkorlik risklarini boshqarish bo‘yicha umume’tirof etilgan tamoyillarga asoslangan holda riskni baholash usullari va vositalarini samarali qo‘llashni zarurat etmoqda.

Ilmiy adabiyotlarda tadbirkorlik faoliyatida risklarning paydo bo‘lish xususiyatlari, risklarning turlari, risklarni baholash va ularni boshqarish, risklarning tadbirkorlik faoliyati samaradorligiga ta’siri omillari ilmiy-nazariy hamda uslubiy jihatdan tadqiq etilgan.

V.V.CHerkasovning asarida [12, 85 b.] iqtisodiyot soha va tarmoqlarida turli xil kombinatsiyalardagi risklar tavsif, ularning o‘ziga xos xususiyatlari, davlat xususiy sherikligi

loyihasini realizatsiya qilish jarayonidagi risklar guruhlar bo‘yicha tasnifi hamda davlat va xususiy sherik mas‘uliyatidagi risklar va ularni tomonlar o‘rtasida taqsimlash masalalari yoritib berilgan.

Rossiyalik olim A.P.Erofeyeva [4, 241 b.] o‘z asarida xizmat ko‘rsatish korxonalarida riskni boshqarish tizimini ishlab chiqish va uni baholash usullari, sohada riskni boshqarish tizimining xorij tajribasi, riskni boshqarish tizimini tadqiq etish usullari hamda xizmat ko‘rsatish korxonalarida investitsion loyihalarni boshqarish samaradorligini oshirish jarayonlari tadqiq etilgan.

E.D.Frolova [10, 31-32 b.] maqolasida tadbirkorlik sohasida strategik loyihalarni boshqarish jarayonida vujudga keladigan risklar, ularni baholash va boshqarish, keng doiradagi iqtisodiy faoliyat turlarida ijtimoiy ahamiyatga molik loyihalarni amalga oshirish yo‘llari, har bir davrda tadbirkorlik riski fenomenini tushunishdagi o‘ziga xos jihatlar yoritib berilgan.

Iqtisodchi olim G.X.Utemuradovanning ilmiy asarida [8] risklarni boshqarish bosqichlari, davlat-xususiy sherikligi loyihalaridagi risklar, xizmat ko‘rsatish sohasida DXSH loyihalarini boshqarish doirasida risklarni boshqarishning quyidagi bosqichlari, risklarning turlari, risklarni taqsimlash masalalari tadqiq qilingan.

Bugungi kunda respublikamiz iqtisodiyot soha va tarmoqlarida amalga oshirilayotgan turli xil (investitsion, innovatsion, davlat-xususiy sherikligi) loyihalarini amalga oshirilishini ta‘minlash va qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini takomillashtirish hamda ushbu jarayonlarda risklarni kamaytirish va ularni boshqarish usullari va vositalarini tadqiq etishni nazarda tutadi. Shuning uchun tadbirkorlikni rivojlantirish va turli xil loyihalarda risklarni boshqarish samaradorligini oshirish dolzarb masalalardan hisoblanadi.

Risk har qanday biznes sohasida mutlaq o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lib, odatda u tadbirkorlik faoliyati natijalariga ta‘sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan noaniqlik holati sifatida aniqlanadi. Tadbirkorlik risk – bu tadbirkorlik faoliyati bilan bog‘liq ko‘rsatkichlarni ilgari aniqlangan (ko‘rsatkichlarni istiqbollash-tirishda) parametrlardan chetga chiqishga sabab bo‘lishi mumkin bo‘lgan ehtimoliy jarayondir.

Zamonaviy tadbirkorlik risklarni kompleks baholashsiz muvaffaqiyatli rivojlana olmaydi. Boshqacha qilib aytganda, barqaror rivojlanishga intilayotgan har bir korxonada xavf-xatarlarni zararsizlantirish mexanizmlariga ega bo‘lishi kerak. Shu bois, biz risk kategoriyasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va uning ta‘rifini nazariy jihatdan tadqiq etamiz.

Iqtisodiy adabiyotlarda riskning belgilari, xususiyatlari va elementlarini talqin qilishda, uning mazmuni, obyektiv va subyektiv tomonlari o‘rtasidagi munosabatni tushunishda noaniqliklar mavjud. Qayd etilishicha, “risk” atamasi yunoncha ridsikon, ridsa – “jar, qoya” so‘zlaridan kelib chiqqan bo‘lib, birinchi navbatda xo‘jalik faoliyati va ijtimoiy-iqtisodiy hayotning istalgan sohasida xavf yoki noaniqlikning paydo bo‘lishi bilan bog‘liqdir.

Djoel Bessil ta‘kidlaganidek, bugungi kunda “nomoddiy va ko‘rinmas bo‘lgan risklarni baholash va ularni aniq nazorat qilinishiga ishonch hosil qilish zarurati mavjud. Risk ta‘riflari turli risklarni tartibga solishning boshlang‘ich nuqtasi bo‘lib xizmat qiladi” [14].

Risk – bu juda ko‘p turli va ba‘zan qarama-qarshi real asoslarga ega bo‘lgan murakkab hodisadir. Bu o‘z navbatida, risk tushunchasi ta‘riflarining bir nechta variantlari mavjudligidan dalolat beradi.

“Risk” atamasining kelib chiqishi yunoncha ridsikon, ridsa – tik qoya, qoya so‘zlariga borib taqaladi. Italyan tilida risiko – xavf, tahdid; risicare – toshlar orasidagi manevr ma‘nosini bildiradi. Ingliz adabiyotlarida “risk” so‘zi XVIII asr o‘rtalarida Fransiyadan “risk” (xavfli, shubhali) so‘zi sifatida kirib kelgan.

V.Vebster lug‘atida “risk” deganda “xavf, yo‘qotish yoki zararlanish ehtimoli” tushuniladi [16]. Ojegov lug‘atida “risk” – “xavf ehtimoli” yoki “baxtli natija umidida tasodifiy harakat” [6] deb ta‘riflanadi.

I.A.Blank riskni “moliyaviy-xo‘jalik faoliyatining noaniqlik sharoitida daromad yoki kapitalni yo‘qotish va salbiy oqibatlarining yuzaga kelish ehtimoli” [15] deb tushuntiradi.

Bozor munosabatlari nazariyasiga risk tushunchasini birinchi marta fransuz iqtisodchisi R.Katilon kiritib, riskni raqobat muhitida amalga oshiriladigan har qanday savdo faoliyatining mulki deb hisoblagan. U savdogarning foyda va zararini noaniqlik va risk natijasi sifatida baholaydi. O‘sha

davrning iqtisodiy g‘oyalari ma’lum bir cheklangan dunyoqarashi bilan ajralib turishiga qaramay, zamonaviy G‘arb iqtisodchilari bu fransuz olimini risk nazariyasining asoschisi deb bilishadi [7].

Xususiy mulkning vujudga kelishi ilmiy tafakkurning faollashuvini va “xavf” tushunchasini yanada o‘rganishni taqozo etdi.

Umuman olganda, riskning mohiyati bo‘yicha klassik va neoklassik nazariya doirasida shakllangan ikki qarama-qarshi qarash ustunlik qiladi.

Klassik iqtisodiy nazariyada risk qaror qabul qilish natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan yo‘qotishlarni miqdoriy kutish bilan belgilanadi. Bu erda risk ushbu qarorni amalga oshirish natijasida yetkazilgan zarar sifatida qabul qilinadi. Shu nuqtayi nazardan, risk tanlangan yechimni amalga oshirish natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan omadsizlik, xavf va moddiy yo‘qotish shaklida namoyon bo‘ladi.

Klassik nazariya vakillari (J.Mill, N.U.Senior) tadbirkorlik daromadi tarkibida foizni qo‘yilgan kapitalning ulushi, tadbirkorning ish haqi va risk uchun to‘lov sifatida ajratdilar. Bu shuni anglatadiki, risk qanchalik yuqori bo‘lsa, foyda me‘yori ham shunchalik yuqori bo‘lishi kerak [17].

XIX asrda nemis klassik maktabining vakili I. Fon Tyunen foyda miqdori va tadbirkorlik riski o‘rtasidagi bevosita bog‘liqlikni ochib berdi. U birinchi marta bozor munosabatlari nazariyasiga foydaning kamayib ketishiga olib keladigan foydalanilmagan muqobil imkoniyatlar riski tushunchasini kiritdi. Olimning fikricha, tadbirkorni risk qilishga undaydigan yagona harakatlantiruvchi kuch foyda bo‘lib, u riskning ortishiga mutanosib ravishda ortishi kerak.

Nemis klassik nazariyasining yana bir vakili G.Fon Mangold, I.Fon Tyunenning g‘oyalarini rivojlantirib, birinchi marta risk darajasini vaqt omilini hisobga olgan holda baholash zarurligi to‘g‘risidagi masalani ko‘tardi. G.Fon Mangoldning fikricha, risk darajasi, quyidagi ishlab chiqarish tavsifiga ham bog‘liqdir:

– buyurtma asosida tayyorlangan ishlab chiqarishda risk past, ya‘ni, har qanday mahsulotni ishlab chiqarish yoki xizmatlar ko‘rsatish tartibini aniq belgilab qo‘ygan taqdirda, risk minimal yoki mavjud bo‘lmaydi;

– bozor uchun mahsulot ishlab chiqarishda risk katta, ya‘ni, bozor raqobati sharoitida, oldindan aytib bo‘lmaydigan, tez-tez o‘zgarib turadigan vaziyatda, risk darajasi sezilarli darajada oshadi. Bundan tashqari, ishlab chiqarishning dastlabki bosqichidan pirovard mahsulotni sotishgacha bo‘lgan vaqt oralig‘i qanchalik katta bo‘lsa, mumkin bo‘lgan yo‘qotishlar riski shunchalik yuqori bo‘lib, uning uchun kompensatsiya yoki mukofot ham ortib boradi.

Neoklassik nazariyaga ko‘ra, iqtisodiy subyektning xatti-harakati chegaraviy foydalilik tushunchasi bilan bog‘liq, ya‘ni tadbirkor kutilayotgan foydaning tebranishlari kichikroq bo‘lgan variantni tanlaydi. Neoklassik nazariyaga ko‘ra, bir xil miqdordagi potensial foyda bilan tadbirkorlik riskining past darajasi bilan bog‘liq variantni tanlaydi. Riskning oqibatlari odatda moliyaviy yo‘qotishlar yoki kamroq foyda shaklida bo‘ladi. Qulay sharoitlarda esa rejalashtirish jarayonida kutilganidan yuqori rentabellikka erishish mumkin. Shunday qilib, bu holatda risk kutilgan omad va ijobiy natija bilan aniqlanadi [3].

Neoklassik nazariyaga J.M. Keynes sezilarli qo‘shimchalar kiritdi va riskning har bir turi uchun sabablar, mumkin bo‘lgan ko‘rinishlar va oqibatlarni to‘liq baholash zarurligini ta’kidladi. Shuningdek, u neoklassik nazariyaga tadbirkorning ko‘proq foyda olish uchun ko‘proq risk qilishga tayyorligini tushuntiruvchi “zavq omili” tushunchasini kiritdi.

Yozef Shumpeter risk va tadbirkorlikni bog‘lab, agar iqtisodiy rejada risklar hisobga olinmasa, ular bir tomondan foyda, ikkinchi tomondan zararlar manbaiga aylanishini ta’kidladi. Tadbirkor kamroq riskni o‘z ichiga olgan yechimni tanlashi mumkin, ammo natijada olingan foyda ham kamroq bo‘ladi [13].

Shu bilan birga, riskning tobora ortib borishi tadbirkorning daromadini faqat ma’lum miqdorgacha oshirishi umumiy qabul qilingan. Riskning asossiz o‘sishi va uning kritik darajadan oshib ketishi nafaqat daromadlar o‘sishining sekinlashishiga yordam beradi, balki katta yo‘qotishlarga ham olib kelishi mumkin. Shu sababli, risk darajasi halokatli risk zonasiga to‘g‘ri keladigan boshqaruv qarorlarini amalga oshirish tadbirkorlik subyekti tomonidan qabul qilinmasligi kerak.

Yuqorida ta’kidlanganidek, ilmiy adabiyotlarda “risk” tushunchasining mohiyatini tushunishdagi farqlargina emas, balki uning obyektiv va subyektiv tabiati haqida turlicha qarashlar ham mavjud.

Riskning subyektiv, obyektiv yoki subyektiv-obyektiv xususiyatlariga ega bo‘lgan uchta asosiy nuqtayi nazarni ko‘rib chiqamiz. Vaholanki, riskning subyektiv-obyektiv tabiati ustunlik qilishini e’tirof etish mumkin.

Obyektiv yondashuv tarafdorlari har qanday inson faoliyatini risk oqibatlarini oldini olishga qaratilgan deb hisoblashadi, chunki tabiatning obyektiv qonunlariga qarshi kurashish mantiqiy emas. SHu bilan birga, ular riskni boshqarish jarayonini zararni hisoblash va uning o‘rnini qoplash usullarini aniqlash tartibiga qisqartiradilar.

Ushbu konsepsiyaga ko‘ra “risk” tushunchasining obyektivligi, bu tushunchaning inson ongi va irodasiga bog‘liq bo‘lmagan holda mavjud bo‘lgan ijtimoiy hayotda haqiqatda sodir bo‘ladigan hodisa va jarayonlar bilan bog‘liqligida ifodalanadi. Riskning mavjudligi tasodifning namoyon bo‘lishi bilan izohlanadi.

Biroq iqtisodiy faoliyat subyektiv boshqaruv natijalarining miqdoriy va sifat xususiyatlariga nisbatan noaniqlik sifatida anglashi natijasida u iqtisodiy voqelikni tavsiflovchi kategoriyaga aylanadi.

Subyektiv yondashuv ham juda keng tarqalgan bo‘lib, unga ko‘ra risk har doim subyektivdir, chunki u mumkin bo‘lgan muqobil imkoniyatlarni hisobga olgan holda ongli tanlov sifatida harakatni shaxs (subyektiv) tomonidan baholash vazifasini bajaradi.

Shu nuqtayi nazardan qaraganda, riskning namoyon bo‘lishi insonning irodasi va ongi bilan bog‘liq bo‘lib, subyektiv tavsifga ega. Ushbu pozitsiya tarafdorlarining fikriga ko‘ra, risk har doim boshqaruv qarorlari uchun ma’lum muqobil variantlarni tanlash imkoniyatini va ularni amalga oshirish ehtimolini hisoblash zarurligini anglatadi.

Subyektiv riskni baholash subyektivning iqtisodiy voqelikni faol bilishiga asoslanadi va uning faoliyati hosilasi sifatida namoyon bo‘ladi. Faqatgina faoliyat jarayonida riskni anglash mumkin. Bundan tashqari, odamlar psixologik, axloqiy, mafkuraviy tamoyillar va munosabatlardagi farqlar tufayli bir xil miqdordagi riskni turlicha qabul qiladilar.

Riskning subyektiv-obyektiv tabiati va uning ta’sir darajasi shaxsning irodasiga bog‘liq bo‘lmagan subyektiv va obyektiv xarakterdagi jarayonlar tomonidan yuzaga kelishi bilan izohlanadi. Riskda ikkita tamoyil mavjudligini bilish, noaniqlik sharoitida amaliyotda qaror qabul qilish jarayonlarini optimallashtiradigan samaraliroq usullarni tanlash imkonini beradi.

“Risk” tushunchasi bir qator xarakterli xususiyatlarga ega: nomuvofiqlik, muqobillik va noaniqlik.

Riskning nomuvofiqligi kabi xususiyati obyektiv ravishda mavjud bo‘lgan xavfli harakatlarning subyektiv bahosi bilan to‘qnashuviga olib keladi. Riskning muqobilligi ikki yoki undan ortiq mumkin bo‘lgan yechimlar, yo‘nalishlar, harakatlarni tanlash zarurligini anglatadi. Agar tanlov imkoniyati bo‘lmasa, unda xavfli vaziyat bo‘lmaydi va natijada risk darajasi nolga teng bo‘ladi.

Noaniqlik deganda korxonaning iqtisodiy faoliyati shartlari, jumladan u bilan bog‘liq xarajatlar va olingan natijalar to‘g‘risidagi ma’lumotlarning noaniq, to‘liq emasligi tushunilishi kerak. Riskning mavjudligi shakl va mazmun jihatdan bir xil bo‘lmagan noaniqlikning mavjudligi bilan bevosita bog‘liq. Tadbirkorlik faoliyati tashqi muhitning noaniqligi (iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va boshqalar), ko‘plab o‘zgaruvchilar, kontragentlar xatti-harakatlarini har doim ham maqbul aniqlik bilan oldindan aytib bo‘lmaydigan ta’sir ostida amalga oshiriladi.


Noaniqlik spekulativ va sof bo‘lishi mumkin. Spekulativ noaniqlik shuni anglatadiki, natija kutilgan o‘rtacha qiymatdan yomon tomonga ham, yaxshi tomonga ham, sof noaniqlik esa faqat yomon tomonga og‘ishi mumkin. Risk holati noaniqlik holatidan sifat jihatidan farq qiladi. Risk – noaniqlik indikatoridir. Agar boshqaruv qarorini qabul qilgan menejerga aniq hodisalarning ehtimollik ko‘rsatkichlari ma’lum bo‘lsa, u risklar bilan ishlaydi [11]. Umumiy yondashuvda noaniqlik sabablari uchta asosiy omillar guruhiga ajratiladi: bilmaslik, tasodifiylik va qarama-qarshilik [9].

Yuqorida ta’kidlangan turli xil yondashuvlar risk mohiyatini tadqiq etishning dolzarbligini belgilaydi.

So’nggi paytlarda risk mohiyatini aniqlashda yangi yondashuvning shakllanishi, xavfli vaziyatni keltirib chiqaradigan omillarni boshqarishning moslashuvchan va birinchi navbatda profilaktik vositalariga asoslangan risklarni boshqarishning faol shaklini yaratish zarurati bilan bog’liq. Bu risk hodisasini keltirib chiqaradigan xavfning paydo bo’lishining oldini olish zarurligi va mumkinligini anglatadi. Ushbu tendensiya mualliflari riskni korxonalar samaradorligini kamaytirishi yoki oshirishi mumkin bo’lgan risk hodisalari omillari, ya’ni tijorat, iqtisodiy, ijtimoiy, moliyaviy, ishlab chiqarish, investitsiya va boshqa omillar majmui sifatida belgilaydi. Ushbu yondashuv korxonalar faoliyatiga salbiy ta’sir ko’rsatishi mumkin bo’lgan risk omillarini aniqlash va tasniflashga asoslanadi. Shundan kelib chiqib holda, Moskvin V.A. quyidagi ta’rifni beradi: “Risk – bu har qanday omillar ta’siri ostida sodir bo’lgan hodisaning ehtimolidir” [5]. Ushbu ta’rif riskni – boshqarish zarur bo’lgan tabiiy jarayon deb hisoblaydi.

Aytilganlarni umumlashtirgan holda, risk ko’plab mos kelmaydigan va ba’zan qarama-qarshi asoslarga ega bo’lgan murakkab hodisa ekanligini ta’kidlash mumkin. Bu “risk” tushunchasining bir qator turli xil ta’riflarining mavjudligiga olib keladi. Riskni korxonalar samaradorligini pasaytiruvchi yoki oshiruvchi omillar ta’siri ostida yuzaga keladigan natijaning tasodifiyligi va noaniqligi bilan bog’liq bo’lgan ma’lum bir ehtimollik sifatida ko’rish mumkin. Shu bilan birga, natija, albatta, salbiy bo’lishi kerak, degan xulosaga kelish bir muncha noto’g’ridir. Risk uning mumkin bo’lgan ijobiy va salbiy oqibatlarini hisobga olgan holda har tomonlama ko’rib chiqilishi kerak.

Tadbirkorlik faoliyatida risklarni qo’yidagi turlarga ajratish mumkin: siyosiy, huquqiy; texnik; tijorat; moliyaviy; ma’muriy.



1-rasm. Tadbirkorlik faoliyatida risklarning shakllanishi [1]

Odatda har bir risk uchta nuqtayi nazardan tahlil qilinadi: xavf hodisasining paydo bo’lish ehtimoli (foizda: 0% – juda past ehtimollik, 25% – past ehtimollik, 45% – o’rtacha, 75% – yuqori ehtimollik); ushbu hodisaning loyihani realizatsiya qilishga ta’siri va bunday ta’sir darajasini baholash (masalan, 10 ballik shkala bo’yicha: past – 2,5, o’rta – 5, yuqori – 10); loyihada keltirilgan maqsadlarga erishish bo’yicha ta’siri [2].

Bunday tahlil turli xil risklarning nisbiy qiymatini aniqlash va ularni samarali taqsimlash imkonini beradi. Har bir hamkor risklarni o’ziga qabul qilishni loyiha qiymatida ifodalaydi. Shunday ekan, xarajatlar bilan bog’liq bu harakatlar sug’urta mukofoti (insurance premium)ga o’xshaydi.

Tadbirkorlik faoliyatida paydo bo’ladigan asosiy risklardan biri, bu siyosiy risklar hisoblanadi. Ular quyidagilardan iborat:

1. Siyosiy konyunkturaning o’zgarishi: milliy lashtirish riski; siyosiy elitani almashinuvi; qaror qabul qiluvchi shaxslarning bosimi; soliq, byudjet, iqtisodiy siyosat sohasida davlat ustuvorliklarini qayta ko’rib chiqish va h.k.

2. Qonunchilik bilan bog’liq risk (huquqiy risk)lar quyidagilardan iborat: davlat qonunchiligining o’zgarishi bilan bog’liq risklar; mahalliy qonunchilik o’zgarishi bilan bog’liq risklar.

Tadbirkorlik faoliyatida paydo bo‘ladigan asosiy risklar tasnifi [2]

Risk turlari	Risklarning nomlanishi	Riskni qabul qiluvchi tomon
Huquqiy risklar	Qonunchilik tizimidagi o‘zgarishlar.	Davlat
Siyosiy risklar	Siyosiy konyunkturaning o‘zgarishi: milliy lashtirish riski; siyosiy hokimiyatdagi o‘zgarishlar; ijtimoiy vaziyat; mamlakatdagi korrupsiya.	Davlat
	Shartnoma loyihasini qayta ko‘rib chiqish riski.	
	Dastlabki qaytarib bo‘lmaydigan investitsiyalar riski.	
Moliyaviy risklar	Valyuta kursining o‘zgarishi riski.	Davlat
	Inflyatsiya riski.	Birgalikda
	Qayta moliyalashtirish riski.	Birgalikda
	Foiz stavkasining o‘zgarishi bilan bog‘liq risklar.	Birgalikda
Ma‘muriy risklar	Zarur litsenziya va ruxsatnomalarni olish riski.	Birgalikda
	Tarifni tartibga solish riski.	Davlat
Texnik risklar	Qurilish risklari: rejalashtirish riski; qurilish materiallariga inflyatsiya riski; fors-major.	Birgalikda
	Narxning o‘zgarishi riski, ekspluatatsiya riski. Xizmatlarni taqdim qilish riski: xizmatlar sifati; ekspluatatsion xarajatlar qiymatining oshishi.	Xususiy sektor
	Ekologik va arxeologik risk.	Davlat
Tijorat risklari	Talab riski, ekspluatatsiya riski – ekspluatatsiya xarajatlarining oshishi, xaridor riski, etkazib beruvchi riski.	Xususiy sherik
	Loyihaning tugallanmasligi riski.	Birgalikda

3. Moliyaviy risklar kategoriyasiga kelsak, agar loyiha qisman xorijiy valyutada moliyalashtirilgan bo‘lsa, u holda valyuta kurslarining o‘zgarishi riski davlatning mutlaq nazorati ostida bo‘ladi. Bundan tashqari, rivojlanayotgan mamlakatlarda valyuta konvertatsiyasi xavfi mavjud, ya‘ni milliy valyutani xorij valyutasiga almashtirish taqiqlanishi mumkin. Iqtisodiyotda sodir bo‘lgan inflyatsiya, foiz stavkalarining o‘zgarishi yoki qayta moliyalashtirish stavkalari bilan bog‘liq moliyaviy risklar ushbu turdagi risklarga kiradi.

4. Davlat boshqaruvda bo‘lgan risklar. Mazkur risklarni ma‘muriy risklar deyish mumkin. Ushbu turdagi risklarga ma‘muriy ruxsatnomalarni olish (odatda bunday risklarni hukumat xususiy sherik bilan taqsimlaydi) va tariflarni tartibga solish bilan bog‘liq risklar kiradi.

5. Hukumat o‘ziga oladigan texnik risklar. Ushbu risklar DXSH loyihalari doirasida qurilish obyektlarida yuzaga keladigan risklar hisoblanadi: ekologik va madaniy tarixiy qiymatga ega (masalan, arxeologik risklar) obyektlarni himoya qilish risklari.

6. Tijorat risklarini kategoriyalarga ajratishda qo‘yidagilarga e‘tibor qaratish lozim: bozor risklari (talab riski); o‘z vaqtida tugata olmaslik riski; ekspluatatsiya riski; sotib oluvchi riski; etkazib beruvchi riski. Qachonki qurilish tugatilsa va obyekt ekspluatatsiyaga berilsa, ko‘plab tijorat risklari paydo bo‘ladi. Xulosa qiladigan bo‘lsak, hozirgi sharoitda tadbirkorlik faoliyatini boshqarish mexanizmlarini amalga oshirish jarayonida risklarni boshqarish juda muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan, tadbirkorlik faoliyatida risklarni boshqarish tizimining o‘ziga xos xususiyati biron bir loyihani realizatsiya qilishda risklarni kamaytirish orqali ko‘zlangan maqsadga va yuqori natijadorlikka erishishdan iborat.

1. Risk har qanday biznes sohasida mutlaq o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lib, odatda u tadbirkorlik faoliyati natijalariga ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan noaniqlik holati sifatida aniqlanadi. Tadbirkorlik risk – bu tadbirkorlik faoliyati bilan bog‘liq ko‘rsatkichlarni ilgari aniqlangan (ko‘rsatkichlarni istiqbollash-tirishda) parametrlardan chetga chiqishga sabab bo‘lishi mumkin bo‘lgan ehtimoliy jarayondir.

2. Ko‘pgina hollarda, risk bilan bog‘liq boshqaruv qarori muqarrar bo‘lib, ba’zida undan chetlashishning iloji yo‘q. Albatta, nomaqbul riskni kamaytirish uchun zarur choralar ko‘riladi, biroq, agar risk bilan bog‘liq jarayonlar muqarrar bo‘lsa, u holda risk to‘g‘risidagi bilim va ko‘nikmalarni o‘zlashtirish orqali tavakkal qilish lozim bo‘ladi. Tadbirkor uchun qiyinchiliklarni oldindan ko‘ra bilish va ular to‘satdan yuzaga kelgan taqdirda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavfli vaziyatlardan chiqishning muqobil yo‘llarini oldindan ishlab chiqish juda muhimdir.

3. Riskning subyektiv-obyektiv tabiati va uning ta’sir darajasi shaxsning irodasiga bog‘liq bo‘lmagan subyektiv va obyektiv xarakterdagi jarayonlar tomonidan yuzaga kelishi bilan izohlanadi. Riskda ikkita tamoyil mavjudligini bilish, noaniqlik sharoitida amaliyotda qaror qabul qilish jarayonlarini optimallashtiradigan samaraliroq usullarni tanlash imkonini beradi.

4. Tadbirkorlik faoliyatida paydo bo‘ladigan asosiy risklarga siyosiy, huquqiy, moliyaviy, ma’muriy, hukumat o‘ziga oladigan texnik va tijorat risklariga bo‘linadi. Tadbirkorlik faoliyatini boshqarish mexanizmlarini amalga oshirish jarayonida risklarni boshqarish juda muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan, tadbirkorlik faoliyatida risklarni boshqarish tizimining o‘ziga xos xususiyati biron bir loyihani realizatsiya qilishda risklarni kamaytirish orqali ko‘zlangan maqsadga va yuqori natijadorlikka erishishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Бублик Н.Д., Силантьев В.Б. Риск-ресурс: проблемы венчурно-стохастической деятельности. – Уфа: Изд. центр «Башкирский территориальный институт профессиональных бухгалтеров», 1999. – 376 с. – С. 136.
2. Варлавский В.Г., Клименко А.В., Королев В. А., Базюеиов А.В., Воротников А.М. ГЧП в России: теория и практика. – М.: Издательский дом ГУ-ВШЭ, 2010.
3. Гермогентова М.Н., Кокурин Д.И., Серегин Е.В. Финансовая среда предпринимательства и предпринимательские риски: Учебное пособие. – М.: ФА, 2005. С.38.
4. Ерофеева А.П. Модернизация системы управления персоналом на предприятиях сферы услуг. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Великий Новгород: 2014. – С. 141.
5. Москвин В.А. Управление рисками при реализации инвестиционных проектов. – М.: Финансы и статистика, 2004. С 51.
6. Ожегов СИ. Словарь русского языка. - М.: Советская энциклопедия. 1970.С.672.
7. Титович А.А. Менеджмент риска и страхования - Минск: Вышэйшая школа, 2008. С. 6.
8. Утемуратова Г.Х. Иқтисодийнинг трансформацияланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожланишига методологик ёндашув. Журнал. Иқтисод ва молия №1(149) 2022.
9. Филин С.А. Неопределенность и риск. Место инновационного риска в классификации рисков// Управление риском. - 2000. - №4. С.25-30.
10. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.
11. Хейне П. Экономический образ мышления : Пер. с англ. – М.: Новости, 1997. С.319.
12. Черкасов В.В. Проблемы риска в управленческой деятельности: Монография – М.: Рефл-бук, Киев: Валлер, 1999.
13. Шумпетер И. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. С. 21.
14. Bessil Joel. Risk-management in Banking // USA NY John Wiley Inc. - 2004.p.34-35.
15. Blank, I.A., Osnovy finansovogo menedzhmenta. T.2. / I.A. Blank Kiev: Nikacentr, 1999.
16. English language - Dictionaries, juveniles. Merriam – Webster Inc. 1986.P.778.
17. Williams C.A. Jr., Heins R.M. Risk Management and insurance. New York, 1985. p. 59.

**YANGI O‘ZBEKISTONDA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH - DAVLAT
SIYOSATINING USTUVOR MASALASI SIFATIDA**

**СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ – ПРИОРИТЕТНЫЙ
ВОПРОС ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ**

**POVERTY REDUCTION IN NEW UZBEKISTAN - A PRIORITY ISSUE OF STATE
POLICY**

Danabekov Azimbek Sametovich
NavDU tarix fakulteti 1-kurs magistranti

Annotatsiya

Ushbu maqolada Yangi O‘zbekiston sharoitida kambag‘allikni qisqartirish masalasi davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida tahlil qilinadi. Maqolada kambag‘allikni kamaytirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar, ijtimoiy himoya tizimini takomillashtirish, aholini bandlik bilan ta‘minlash, tadbirkorlikni rivojlantirish va inson kapitaliga sarmoya kiritish choralari yoritib beriladi.

Ka‘lit so‘zlar: kambag‘allik, kam ta‘minlanganlik, ”Kambag‘allikdan farovonlik sari”, Harakatlar straregiyasi, Jahon banki, temir daftar, ayollar daftari, yoshlar daftari, Yagona ijtimoiy himoya registri .

В статье анализируется проблема сокращения бедности в условиях нового Узбекистана как одно из приоритетных направлений государственной политики. Освещаются реформы, реализуемые в целях сокращения бедности, совершенствования системы социальной защиты, обеспечения занятости населения, развития предпринимательства и инвестиций в человеческий капитал.

Ключевые слова: бедность, недоразвитость, «От бедности к процветанию», Стратегия действий, Всемирный банк, железная тетрадь, женская тетрадь, молодежная тетрадь, Единый регистр социальной защиты.

This article analyzes the issue of poverty reduction as one of the priority directions of state policy in the context of New Uzbekistan. The article highlights the reforms being implemented to reduce poverty, improve the social protection system, ensure employment, develop entrepreneurship, and invest in human capital.

Keywords: poverty, underdevelopment, "From Poverty to Prosperity", Action Strategy, World Bank, iron notebook, women's notebook, youth notebook, Unified Social Protection Register.

Respublikamizda 2017-yildan beri kam ta‘minlangan, kambag‘al, ijtimoiy himoyaga muhtoj fuqarolarni qo‘llab-quvvatlash maqsadida 20 dan ortiq Prezident farmon va qarorlari, 30 dan ortiq Vazirlar Mahkamasi qarorlari qabul qilindi [1]. Tarixiy tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, O‘zbekistonda kambag‘allik mavzusi uzoq yillar davomida “yopiq mavzu” sifatida bo‘lib, uning o‘rniga “kam ta‘minlanganlik” tushunchasi ishlatilib kelingan.

O‘zbekistonda 2016 yildan keyin kambag‘allikni qisqartirish borasida tizimli islohotlar amalga oshirilmog‘da. Xususan, O‘zbekiston tarixida ilk marotaba 2020-yilning 24-yanvarida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasida kambag‘allik masalasi ko‘tarilib, mazkur mavzu ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining dolzarb masalalaridan biriga aylandi. Xususan, Prezident Sh.Mirziyoyev o‘z nutqida “Kambag‘allikni kamaytirish – bu aholida tadbirkorlik ruhini uyg‘otish, insonning ichki kuch-quvvati va salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarish, yangi ish o‘rinlari yaratish bo‘yicha kompleks iqtisodiy va ijtimoiy siyosatni amalga oshirish, demakdir. Shuning uchun

Jahon banki, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Taraqqiyot dasturi va boshqa xalqaro tashkilotlar bilan birga Kambag‘allikni kamaytirish dasturini ishlab chiqishni taklif etaman. Bu borada xalqaro meyorlar asosida chuqur o‘rganishlar o‘tkazib, kambag‘allik tushunchasi, uni aniqlash mezonlari va baholash usullarini qamrab olgan yangi metodologiyani yaratish lozim” [2], - deb ta’kidladi. Shundan so‘ng, kambag‘allikni qisqartirishning aniq dastur va mexanizmlarini ishlab chiqish, xorijiy davlatlar tajribasini o‘rganish, kambag‘allik darajasini aniqlash maqsadida turli xalqaro tashkilotlar, xususan, BMT Taraqqiyot dasturi, Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, nufuzli xorijiy ekspertlar ishtirokida milliy tizim yaratila boshlandi.

O‘zbekiston Prezidenti Sh.Mirziyoyev mamlakatda kambag‘allar soni 4-5 million nafari ekanligini ta’kidlab [3] kam ta’minlanganlik va kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar paketi ishga tushirdi. Mamlakatda bevosita kambag‘allikni qisqartirish borasida xalqaro tashkilotlar (BMT Taraqqiyot dasturi, Shanxay hamkorlik tashkiloti, YUNISEF va boshqalar), moliyaviy institutlar (Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki) hamda ushbu yo‘nalishda ilg‘or tajribaga ega mamlakatlar ilmiy markazlari (Xitoy Kambag‘allikni qisqartirish xalqaro markazi) bilan mustahkam aloqalar o‘rnatildi [4].

O‘zbekiston – aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan milliy daromad ko‘rsatkichi bo‘yicha o‘rtacha daromadga ega mamlakatlaridan qatoridan joy oladi (yiliga kishi boshiga o‘rtacha 1533 AQSH dollari) [5]. O‘zbekiston uchun kambag‘allik chizig‘i – kuniga 3,2 dollardan kam pulga yashash degani, misol uchun besh kishidan iborat oilaning yalpi daromadi oyiga 480 dollardan kam bo‘lsa, bu oilani kambag‘al deb hisoblash mumkin [6]. 2018 yildan buyon Jahon banki va “Taraqqiyot strategiyasi” markazi hamkorlikda “O‘zbekiston fuqarolarini tinglab” deb nomlangan loyihani amalga oshirib kelmoqda. Mazkur loyiha doirasida Jahon bankining Qashshoqlik va tenglik bo‘yicha global amaliyot markazining eksperti Uilyam Zeyts rahbarligida “Ular qayerda yashaydilar? Markaziy Osiyoda tumanlar miqyosidagi qashshoqlik darajasi, o‘rtacha iste‘mol va aholining o‘rta sinfi ko‘rsatkichlari” nomli hisoboti tayyorlandi [7]. Ushbu hisobotda kam ta’minlangan va o‘rta sinf aholi yashaydigan tumanlarning xaritalari keltirilgan bo‘lib, unda eng tez rivojlanayotgan va aksincha orqada qolayotgan qoloq tumanlarni aniqlash imkoniyatlari ochib berilgan. Ushbu hisobotda foydalanilgan uslubning o‘ziga xos xususiyati shundaki, bu yerda xalqaro qashshoqlik chegarasidan (kuniga \$ 1,90) tashqari, shuningdek, mamlakatlarning rivojlanish xususiyatlari va bosqichlarini hisobga olgan holda daromadlar bo‘yicha boshqa qashshoqlik chegaralari qo‘llanilgan. Natijalar shuni ko‘rsatmoqdaki, O‘zbekistonning aksariyat hududlarida kambag‘allik darajasi kuniga 3,2 dollarni tashkil etgan holatda, Markaziy Osiyoning boshqa (Tojikiston, Qirg‘iziston) mamlakatlariga qaraganda nisbatan past [8] . 2018 yilda kuniga 3,2 dollarni tashkil etadigan kambag‘allik chegarasidan pastda bo‘lgan aholining ulushi 9,6 foizni, kuniga 5,5 dollarga teng bo‘lgan kambag‘allik darajasida esa 36,6 foizni tashkil etayotganini ko‘rsatmoqda. Jahon banki tomonidan qabul qilingan chegara (daromad darajasi o‘rtacha hisoblangan davlatlar uchun xarid qobiliyati pariteti jon boshiga bir kunda 3,2 AQSH dollarini tashkil etadi) asosida baholanganda, 2018 yilda O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi 9,5 foizni tashkil etgan. Jahon banki pandemiya boshlangandan so‘ng O‘zbekistondagi kambag‘allik darajasi pandemiya davrida avvalgi 7,4 foizdan 8,7–10 foizga ko‘tarilganini taxmin qildi. Bu esa kambag‘allar soni mamlakatda 0,45–0,88 millionga ko‘payganini anglatadi [9] . O‘zbekistonning salkam 16 foiz aholisi nochorlikda kun kechirib, ularning 75 foizi qishloq joylarga to‘g‘ri keladi. Mamlakat oldida turgan muammolardan biri ishga joylashtirish imkoniyatining yetarli emasligi bilan bog‘liq bo‘lib, qishloq va shahar tumanlari orasida farq kattaligicha qolmoqda. Ishsizlikning yuqoriligi, oylik maoshlarning pastligi aholining Rossiya, Qozog‘iston, Turkiya va Janubiy Koreyaga mehnat migratsiyasiga olib kelmoqda [10].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 27 martdagi “Iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirishga oid davlat siyosatini tubdan yangilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni [11] qabul qilinib, kambag‘allikni qisqartirishga qaratilgan chora-tadbirlar ishlab chiqish va amalga oshirish bo‘yicha mexanizmlar belgilab berildi. Dunyoda kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha qator mamlakatlarning tajribalari mavjud bo‘lib, O‘zbekistonda “Mahallabay” ish tizimining tashkil etilganligi bu aslida kambag‘allikni qisqartirishning nostandart usullaridan biri sanalib, mazkur masalaga o‘ziga xos tarzda yondashilmoqda. 2022 yildan respublika miqyosida 9

ming 309 nafar hokim yordamchisi ish boshladi. Ular mahallalarda kambag‘allikni qisqartirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga mas’ul bo‘ldi [12]. 2021 yilda aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari haqida barcha ma’lumotlar kiritilgan va ularga elektron shaklda ijtimoiy xizmat ko‘rsatish imkonini yaratuvchi “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” shakllantirildi [13]. Yil davomida kambag‘al va ishsiz aholini ish bilan ta’minlash va kasb-hunarga o‘qitish yuzasidan mehnat bozorida talab yuqori bo‘lgan 30 ga yaqin kasbga o‘qitish orqali ularning doimiy bandligini ta’minlash maqsadida band bo‘lmagan jami 70 ming fuqaroni qamrab olish quvvatiga ega 68 ta muassasa, 15 ta “Ishga marhamat” monomarkazi, 53 ta kasb-hunarga o‘qitish markazi tashkil etildi. 11 ta nodavlat ta’lim muassasalarida yiliga 800 nafar band bo‘lmagan fuqaroni mehnat bozorida talab yuqori bo‘lgan 21 turdagi kasblarga o‘qitish yo‘lga qo‘yildi [14].

O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha o‘ziga xos tajriba to‘plandi, “temir daftar”, “ayollar daftari”, “yoshlar daftari”, “mahallabay” va “xonadonbay” ishlash usullari joriy etilib, muammoga oid mavhum ko‘rsatkichlar emas, balki yordam va ko‘makka muhtoj har bir oila va fuqaroning muammolarini o‘z joyida aniq o‘rganib, o‘z vaqtida va samarali hal qilish mexanizmi yaratildi [15]. Bu borada amalga oshirilayotgan ishlar samarasida mazkur yo‘nalishda islohotlar bosqichma-bosqich rivojlanib bordi. Xususan, O‘zbekiston Prezidenti Sh.Mirziyoyev 2020 yil 23 sentyabrda BMT Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqida “qashshoqlikni tugatish va kambag‘allikka qarshi kurashishni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi navbatdagi sessiyasining asosiy mavzularidan biri sifatida belgilash hamda ushbu masalalarga bag‘ishlangan global sammitni o‘tkazishni” [16], 2021 yil 21 sentyabrda BMT Bosh Assambleyasining 76-sessiyasidagi nutqida “Asosiy maqsadimiz – 2030 yilga borib aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromadlar miqdori bo‘yicha “daromadi o‘rtachadan yuqori bo‘lgan davlatlar” qatoriga kirishdir. Bu rejamiz Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2030 yilgacha bo‘lgan Barqaror rivojlanish maqsadlari ruhiga uyg‘un ekanini ta’kidlash lozim. Shu ma’noda, pandemiyadan keyingi davrda jahon iqtisodiyotini qayta tiklash muammolarini o‘rganish, kambag‘allikni qisqartirish bo‘yicha ilg‘or tajribalarni hayotga tadbiiq etishga bag‘ishlangan Xalqaro konferensiyani Toshkentda o‘tkazishni taklif etamiz” [17], deb ta’kidladi. 2022-yil 1-yanvardan boshlab butun respublika bo‘ylab barcha mahallalarda tuman (shahar) hokimining “Mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha hokim yordamchisi” lavozimi joriy etildi. Ushbu lavozimga iqtisodiy va investitsiya komplekslariga kiruvchi barcha respublika idoralari, ularning hududiy bo‘linmalarida bo‘lim boshlig‘idan past bo‘lmagan lavozimda ishlovchi rahbar xodimlar, shuningdek, mahalliy hokimliklarning rahbar xodimlari tayinlandi. Prezident ularni mahalladagi “Prezident vakillari” deb nomlab, hududiy rahbarlarni ularni ishiga halaqit bermasligi, yig‘ilishlarga jalb qilmasligini qat’iy belgilab qo‘ydi. Hokim yordamchilarining moddiy ta’minotini yaxshilash maqsadida ularga avvalgi ish joyidagidan kam bo‘lmagan miqdorda oylik maosh berilishi, ish samaradorligiga ko‘ra qo‘shimcha rag‘batlantirilishi belgilandi. Yangi tizimning to‘g‘ri ishlashini ta’minlash hamda hokim yordamchilariga bevosita ko‘mak berish maqsadida har bir tuman shaharga respublika vazirlik va idoralari hamda tijorat banklaridan 1-3 tadan respublika vakillari bir yil muddatga doimiy ravishda asosiy ishidan ajralgan holda xizmat safariga yuborildi. Hokim yordamchilariga qo‘liga katta miqdorda moliyaviy resurslar (imtiyozli kreditlar, subsidiyalar) berildi. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2020-2021 yillarda davlat budjeti hisobidan nafaqa oladigan oilalar soni 2 barobar oshib, ularning ulushi qariyb 15 foizga yetdi. Kambag‘allik darajasini belgilashda yangi mezon – eng kam iste’mol xarajati miqdori joriy etildi [18], ushbu ko‘rsatkich 1 oyga 669 ming so‘m (2025 yil) etib belgilandi.

Yurtimizda aholining muayyan qatlami o‘rtasida kambag‘allik mavjudligi birinchi marta e’lon qilingan kundan boshlab uni qisqartirish bo‘yicha keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Barcha tuman va shaharlarda ehtiyojmand oilalar, ayollar va yoshlar bilan manzilli ishlash bo‘yicha mutlaqo yangi tizim — “Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari” joriy etildi. Shunga muvofiq temir daftarga quyidagi toifadagi oilalar kiritildi: oilaning mehnatga layoqatsiz nogironlari va surunkali kasallikka chalinganlar; yakka-yolg‘iz keksalar, bevalar va o‘zgal qaramog‘iga

muhtojlar; 5 va undan ortiq farzandi bor oilalar; karantin choralari natijasida daromad manbasini yo‘qotganlar; haqiqatda ehtiyojmandlar, nochor va moddiy ko‘makka muhtojlar.

Rasmiy statistik ma’lumotlarga ko‘ra, Jahon banki metodologiyasi bo‘yicha hisoblangan kambag‘allik darajasi 2016 yildagi 27,5 foizdan 2019 yilda 11 foizgacha pasaygan va pandemiya ta’sirida 2020 yil 11,3 foizga ko‘paygan [19]. Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda barcha sohalarda bo‘lgani kabi kambag‘allikni qisqartirish yo‘nalishida ham yaqin kelajak uchun ulkan rejalar qo‘yilgan. “O‘zbekiston-2030” strategiyasida respublika hududida 2026-yilga qadar kambag‘allikni 2022-yilga nisbatan 2 barobarga, 2030-yilgacha esa keskin qisqartirish, kambag‘allikka tushish xavfi mavjud 4,5 million aholi daromadini oshirish, iqtisodiyot hajmini 2 barobar oshirish va “daromadi o‘rtachadan yuqori bo‘lgan davlatlar” qatoriga kirish, yalpi ichki mahsulot hajmini 160 milliard dollarga va aholi jon boshiga daromadlarni 4 ming dollarga yetkazish kabi ulkan marralarga erishish maqsad qilib olindi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik,-T.: Fan nashriyoti, 2019 y. -595 b.
2. Abulqosimov H. Ijtimoiy himoya // Jamiyat va boshqaruv, - Toshkent, 2004. №3. -B. 27.
3. Abulqosimov H. Ish bilan bandlik muammosi // Jamiyat va boshqaruv, - Toshkent, 2001. №1. -B. 28.
4. Aslonov M. Biznes boshlash uchun 202 loyiha [Matn]. -T.: “Renessans press”, 2021 y., -760 b.
5. Davlatov S. Boy va kambag‘al odamlarning fikrlash strategiyasi. Bishkek, 2019 y. -308 b.

УДК: 338.48

РАБОТЫ ОСОБЕННОСТИ РЕГИОНАЛЬНОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО КЛАСТЕРА

MINTAQAVIY TURIZM KLASTERINING ISH XUSUSIYATLARI

WORK FEATURES OF THE REGIONAL TOURISM CLUSTER

Кадырова Ирина Владимировна Начальник Глобального Образования
Международный университет туризма и культурного наследия Шелковый путь

Аннотация

В статье рассматриваются особенности формирования и развития региональных туристических кластеров, их влияние на экономическое развитие территорий, улучшение туристической инфраструктуры и занятость населения. Анализируются вопросы интеграции, инновационных подходов и принципов устойчивого развития в рамках туристических кластеров.

Ключевые слова: региональный туризм, туристический кластер, территориальное развитие, устойчивый туризм, инновации, местная экономика.

Maqolada regional turistik klasterlarni shakllantirish va rivojlantirishning xususiyatlari, ular orqali hududiy iqtisodiy rivojlanishni rag‘batlantirish, turizm infratuzilmasini optimallashtirish va mahalliy aholining bandligini oshirish imkoniyatlari yoritilgan. Shuningdek, klasterlarning integratsiyalashuvi, innovatsion yondashuvlar va barqaror rivojlanish tamoyillari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: regional turizm, turistik klaster, hududiy rivojlanish, barqaror turizm, innovatsiya, mahalliy iqtisodiyot.

The article examines the formation and development features of regional tourism clusters, their impact on territorial economic growth, improvement of tourism infrastructure, and local employment

opportunities. It analyzes integration mechanisms, innovative approaches, and sustainability principles applied within tourism clusters.

Keywords: regional tourism, tourism cluster, territorial development, sustainable tourism, innovation, local economy.

Региональные туристические кластеры представляют собой одну из ключевых стратегий развития туризма на современном этапе. Их формирование позволяет концентрировать ресурсы, инфраструктуру, туристические услуги и культурные объекты на определенной территории, создавая устойчивую систему, способную привлекать как внутренний, так и международный туристический поток. В условиях глобальной конкуренции и растущего интереса к устойчивому туризму формирование кластеров становится инструментом повышения экономической эффективности, развития малых и средних предприятий, увеличения занятости местного населения и сохранения культурного и природного наследия. Особенно актуальным является развитие туристических кластеров в регионах с богатым культурным и историческим наследием. Для таких территорий кластеры не только обеспечивают систематизацию туристических услуг, но и способствуют сохранению архитектурных памятников, музеев, традиционных ремесел и гастрономических особенностей. Кроме того, кластеры создают условия для внедрения инновационных практик, таких как цифровизация туристических сервисов, электронные билеты, онлайн-бронирование и маркетинговые кампании, что повышает привлекательность региона на национальном и международном уровнях. Ключевым преимуществом региональных туристических кластеров является интеграция разнообразных участников туристического рынка. В рамках кластера объединяются отели, рестораны, транспортные компании, экскурсионные бюро, культурные и природные достопримечательности, а также организации, обеспечивающие сопутствующие услуги. Такой подход позволяет создать целостный туристический продукт, улучшает качество обслуживания и способствует формированию положительного имиджа региона. В последние годы многие регионы страны начали активное развитие туристических кластеров.

Это связано с государственной поддержкой, инвестициями в инфраструктуру, совершенствованием транспортной сети, модернизацией гостиничных и ресторанных услуг, а также с ростом интереса населения к внутреннему туризму. Одним из значимых факторов успеха является привлечение местного населения к участию в туристическом процессе: создание рабочих мест, обучение персонала, организация мастер-классов и мероприятий для туристов. Помимо экономической составляющей, кластеры решают экологические и социальные задачи. Концентрация туристической деятельности в пределах определенного региона позволяет более эффективно управлять ресурсами, контролировать нагрузку на природные территории и снижать негативное воздействие на экологическую среду [1]. При правильном планировании и управлении кластеры способствуют формированию устойчивого туризма, где сохраняются культурные и природные ценности для будущих поколений.

Вопрос формирования и развития региональных туристических кластеров активно исследуется в мировой и отечественной научной литературе. Основной теоретический фундамент для понимания кластерной модели был заложен Майклом Портером, который утверждает, что концентрация взаимосвязанных предприятий в определенном регионе повышает их конкурентоспособность, стимулирует инновации и способствует устойчивому экономическому росту [1]. Эта концепция была адаптирована к сфере туризма, где объединение гостиниц, ресторанов, экскурсионных компаний и культурных объектов позволяет создавать синергетический эффект и улучшать качество туристического продукта. В исследованиях отмечается, что туристические кластеры способствуют оптимизации распределения ресурсов, снижению транзакционных издержек и развитию совместного маркетинга, направленного на привлечение внутренних и иностранных туристов. Кластеры, интегрирующие природные и культурные достопримечательности, позволяют диверсифицировать туристические продукты, сочетая культурно-исторический туризм с экологическим и приключенческим [2]. Исследования подчеркивают, что для устойчивого

развития кластеров необходим комплексный подход: без управления и планирования рост туризма может привести к деградации окружающей среды, перенасыщению территории туристами и социальному неравенству. Успешные примеры туристических кластеров в Европе и Азии показывают, что их эффективность повышается при сочетании государственной поддержки, инициатив частного сектора и участия местного населения. В этих кластерах реализуются образовательные программы для работников сферы туризма, внедряются инновационные технологии и разрабатываются стратегии устойчивого использования ресурсов.

Развитие региональных туристических кластеров в современных условиях демонстрирует значительное влияние на экономическое, социальное и культурное развитие регионов. Анализ показал, что концентрация туристических ресурсов и услуг в пределах одного региона способствует увеличению потока туристов, улучшению инфраструктуры, созданию новых рабочих мест и стимулированию местного бизнеса. В то же время, такие кластеры создают благоприятные условия для внедрения инновационных технологий, включая цифровизацию туристических сервисов, онлайн-бронирование, информационные порталы и продвижение туристических продуктов на международном рынке. Регионы, где сформированы туристические кластеры, демонстрируют более высокие показатели занятости в сфере туризма, роста доходов населения и развития инфраструктуры. Концентрация гостиниц, ресторанов, культурных и природных объектов позволяет создавать комплексные туристические маршруты, что повышает привлекательность региона для туристов и увеличивает среднюю продолжительность пребывания.

Кроме того, совместные маркетинговые и рекламные кампании способствуют продвижению региона как единого туристического продукта, повышая конкурентоспособность на внутреннем и международном рынках. Однако развитие туристических кластеров сопряжено с рядом вызовов. Во-первых, наблюдается неравномерное развитие элементов кластера: популярные города и достопримечательности получают больше инвестиций, тогда как периферийные территории остаются недостаточно развитыми. Во-вторых, существует дефицит квалифицированного персонала в сфере гостиничного, экскурсионного и ресторанного обслуживания. Недостаток обученных специалистов негативно сказывается на качестве туристических услуг и уровне удовлетворенности туристов. В-третьих, интенсивное использование природных и культурных ресурсов создает экологическую нагрузку, что требует внедрения устойчивых практик и контроля туристических потоков. Эффективность функционирования туристических кластеров во многом зависит от взаимодействия различных участников: государственных органов, бизнеса и местного сообщества. Местные жители, вовлеченные в процессы туризма через создание рабочих мест, организацию мастер-классов, ремесленных производств и сервисных услуг, получают прямую экономическую выгоду и участвуют в формировании туристического продукта. Одновременно участие государства проявляется в разработке нормативной базы, стимулировании инвестиций и поддержке инфраструктурных проектов, включая транспортную сеть, гостиничное хозяйство и информационные технологии. Важным фактором является диверсификация туристических продуктов в рамках кластера. Совмещение культурного, исторического и природного туризма с приключенческими маршрутами, экотуризмом, агротуризмом и гастрономическими турами способствует привлечению различных сегментов туристов и снижению зависимости от сезонного туризма. Разнообразие туристических предложений увеличивает стабильность доходов и распределяет нагрузку между различными объектами и территориями кластера, что положительно сказывается на сохранении ресурсов и культурного наследия.

Ниже приведена таблица, которая демонстрирует сравнительные характеристики туристических кластеров в нескольких регионах, включая число туристов, уровень занятости, количество объектов размещения и объем инвестиций в инфраструктуру.

Сравнительные показатели региональных туристических кластеров

Регион	Число туристов (тыс.)	Занятость в туризме	Количество объектов размещения	Инвестиции в инфраструктуру (млн USD)
Регион А	400	2 500	50	28
Регион Б	550	3 200	65	42
Регион В	320	1 900	38	20
Регион Г	480	2 800	55	35

Анализ представленных данных показывает, что регионы с более высокими инвестициями и интеграцией туристических услуг привлекают большее число туристов и обеспечивают более высокую занятость. Эффективность работы кластера определяется качеством координации между участниками, уровнем сервиса, доступностью инфраструктуры и соблюдением принципов устойчивого развития. Регионы, сочетающие культурные и природные ресурсы с инновационными услугами, демонстрируют устойчивый рост и повышенную конкурентоспособность. Экономическая эффективность туристических кластеров проявляется также в росте доходов малого и среднего бизнеса, создании дополнительных рабочих мест и увеличении налоговых поступлений в бюджет региона. Рост числа туристов стимулирует развитие гостиничного и ресторанного бизнеса, ремесленных производств, транспортной инфраструктуры и сопутствующих услуг, создавая мультипликативный эффект для экономики региона. Кроме того, туристические кластеры способствуют сохранению культурного и природного наследия. Создание единых маршрутов и организация совместных мероприятий позволяют эффективно распределять туристические потоки, снижать нагрузку на отдельные объекты и обеспечивать защиту исторических и экологических ценностей. Введение стандартов качества обслуживания, обучение персонала и информационные кампании способствуют формированию положительного имиджа региона и увеличению туристической привлекательности. Успешные кластеры активно внедряют цифровые технологии. Электронные системы бронирования, онлайн-карты, мобильные приложения и платформы для отзывов позволяют туристам планировать поездки более эффективно и комфортно. Цифровизация также облегчает управление потоками туристов, мониторинг занятости объектов и оптимизацию ресурсов, что способствует устойчивому развитию кластера. Развитие региональных туристических кластеров является важным инструментом комплексного экономического, социального и культурного развития территорий. Проведённый анализ показал, что формирование кластеров способствует увеличению туристического потока, росту занятости, развитию малого и среднего бизнеса, улучшению инфраструктуры и внедрению инновационных технологий. Одновременно кластеры создают условия для сохранения культурного и природного наследия, повышения качества туристических услуг и формирования положительного имиджа региона как на внутреннем, так и на международном туристическом рынке. Эффективность работы туристических кластеров напрямую зависит от координации действий государственных органов, бизнеса и местных сообществ, уровня интеграции туристических ресурсов, качества

сервиса и соблюдения принципов устойчивого развития. Вовлечение местного населения в процессы туризма обеспечивает социальную включенность, сохранение традиций и ремесел, а также более равномерное распределение экономических выгод.

Список использованной литературы:

1. Porter, M. E. (1998). *Clusters and the New Economics of Competition*. Harvard Business Review.
2. Bramwell, B., & Lane, B. (2000). *Tourism Collaboration and Partnerships: Politics, Practice and Sustainability*. Channel View Publications.
3. Sharpley, R. (2009). *Tourism Development and the Environment: Beyond Sustainability?* Earthscan.
4. Collins-Kreiner, N. (2010). *Tourism Clusters: Conceptual and Practical Applications*. Journal of Sustainable Tourism, 18(1), 21–40.
5. Gössling, S., Scott, D., & Hall, C. M. (2015). *Tourism and Water: Interactions, Impacts and Challenges*. Channel View Publications.
6. Hall, C. M., & Page, S. J. (2014). *The Geography of Tourism and Recreation: Environment, Place and Space*. Routledge.
7. Lundberg, D. E., Krishnamoorthy, M., & Irwin, R. (1995). *Tourism Economics*. Wiley.
8. Enright, M. J., & Newton, J. (2004). *Tourism Clusters and Regional Development: An Analytical Approach*. International Journal of Tourism Research, 6(5), 353–367.
9. Novelli, M. (2005). *Niche Tourism: Contemporary Issues, Trends and Cases*. Elsevier.

UDK: 338.48

XORAZMDA GASTRONOMIK TURIZMNI RIVOJLANTIRISH

**РАЗВИТИЕ ГАСТРОНОМИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В ХОРЕЗМЕ
РУЗИМАТОВА ШАХЛО БАЛТАБОЙ КЫЗЫ**

DEVELOPMENT OF GASTRONOMIC TOURISM IN KHOREZM

Ro‘zimatova Shaxlo Baltaboy qizi

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada Xorazm viloyatida gastronomik turizmni rivojlantirish imkoniyatlari o‘rganilib, sohada amalga oshiralayotgan islohatlarning holati tahlil qilingan hamda turizmga gastronomik turizmni rivojlantirishdagi ro‘li ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: mintaqa, turizm, gastronomik turizm, oshxona turizm, etnografik turizm, infratuzilma, madaniy turizm.

В данной статье рассматриваются возможности развития гастрономического туризма в Хорезмской области, анализируется состояние проводимых реформ в этой области и раскрывается роль гастрономического туризма в туризме.

Ключевые слова: регион, туризм, гастрономический туризм, кулинарный туризм, этнографический туризм, инфраструктура, культурный туризм.

In this article, the opportunities for the development of gastronomic tourism in the Khorezm region were studied, the state of reforms carried out in the field was analyzed and the roller in the development of gastronomic tourism in tourism was revealed.

Keywords: Region, Tourism, gastronomic tourism, culinary tourism, ethnographic tourism, infrastructure, cultural tourism.

So‘nggi yillarda Xorazmda turizm salohiyatini rivojlantirishga katta ahamiyat berilmoqda. Bunga misol qilib, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarda Xorazm viloyatining turizm salohiyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 546-sonli qarorini olishimiz mumkin. Ushbu qarorda turizm infratuzilmasini rivojlantirish, shu jumladan “turizm mahallalari”ni tashkil etish, tashrif buyuruvchi turistlar uchun qo‘shimcha xizmat turlari va qulay shart-sharoitlar yaratish, milliy hunarmandchilikni rivojlantirish, madaniy ko‘ngilochar tadbirlar va festivallarni tashkil etish hamda yoshlarni sportga jalb etish, ekoturizm, tibbiyot, ta‘lim hamda etnografik, gastronomik, ishbilarmonlik turizmini rivojlantirish, turizm loyihalariga xorijiy va mahalliy investitsiyalarni hamda moliya institutlarining grand mablag‘larini jalb qilish masalalariga alohida ahamiyat berilgan [1].

Xorazmda gastronomik turizmni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan ishlarni misol qilib keltirishimizdan avval, gastronomik turizm o‘zi nima ekanligiga biroz to‘xtalib o‘tishni maqbul topdim.

Gastronomik turizm, yoki oshxona turizmi - turizmning asosiy turlaridan biri bo‘lib, asosiy maqsadi, sayyohlarning ma‘lum bir mamlakatga, sayohat qilishi asnosida, o‘sha davlatning milliy oshxonasi va ovqatlanish madaniyati bilan ham, yaqindan tanishishidir. Gastronomik sayyoh, birinchi navbatda, madaniyatning ajralmas qismi hisoblangan, milliy va an‘anaviy taomlarni, tayyorlash jarayoni, dasturxonga tortish usullari, ovqatlanish tartibi va pozitsiyalarini, ko‘rish va bilish barobarida, sayohat qilayotgan davlatining, tarixini, iqtisodiyotini, davlat siyosati hamda mahalliy aholining e‘tiqodlarini o‘rganadi [2].

Gastronomik turizm sohasi 2 ta turga bo‘linadi. Qishloq va shahar gastronomik turizmlariga. Qishloq gastronomik turizmida turistlar sayohat qilayotgan davlatning ekologik toza mahsulotlarini yig‘ib olish va qadoqlash jarayonini o‘z ko‘zi bilan ko‘rish va ta‘tib ko‘rish uchun borishadi. Shahar gastronomik turizmi esa mahalliy mahsulotlarni qayta ishlaydigan va ishlab chiqaradigan korxonalar milliy taom tayyorlaydigan ovqatlanish shahobchalariga va oziq ovqat do‘konlariga boshqa obyektlarga tashrif buyurib ularni o‘rganish, tatib ko‘rish uchun tashrif buyurishadi. Hozirgi kunga kelib dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida gastronomik turizm rivojlangan. Misol uchun Bolgariya va Fransiya uzumchilik va vinochilik, Germaniya, Avstriya, Belgiya va Chexiya davlatlarida pivochilik, Italiya Shvetsariyada va Gollandiyada bo‘lsa pishloqchilikka ixtisoslashgan hisoblanadi

Bizning yurtimizning gastronomik sayohati ko‘plab xorijlik sayyohlarimiz tomonidan doim yuqori baholanib kelinadi. Shu bilan birga mamlakatimiz National geographic tanlovida eng yaxshi gastronomik yo‘nalish g‘olibi sifatida e‘tirof qilingan. Bundan tashqari O‘zbekiston Butunjahon Turizm tashkiloti tashabbusi bilan tashkil etilgan gastronomik sayohatlarda faol qatnashmoqda. Bularning barchasi O‘zbekistonda gastronomik turizm rivojlanishiga kata hissa qo‘shganidan darak beradi. O‘zbek oshxonalarida ko‘proq mol go‘sh tidan ko‘proq foydalaniladi, qo‘y va ot go‘sh tidan kamroq qo‘llaniladi. Cho‘chqa go‘sh tidan Islom dini an‘analariga binoan taomlarda qo‘llanilmaydi. Bizning oshxonalarimizda eng mashhur taomlardan palov, manti, do‘lma, hasip, tandir nondir. Shu bilan birga respublikamizning har bir viloyati o‘zining milliy taomlari bilan mashhurdir. Rossiyaning “Tusr Stat” tahliliy agentligining ma‘lumotlariga ko‘ra Davlatimiz gastronomik turizm yo‘nalishida MDH va yaqin chet el mamlakatlari reytingida kuchli 5 likdan joy olgan. bu davlatlar Gruziya, Ozarbayjon, Armaniston, Qozoqiston va O‘zbekistondir. Xususan 2018- yilda National Geographik jurnali o‘tkazgan National geographik traveler mukofotida gastronomik turizm nominatsiyasi bo‘yicha O‘zbekiston birinchi o‘rinni egallagan.

Xorazm viloyati o‘zining taomlari va ularni tayyorlashning maxsus uslubi bilan mashhurdir. Har bir taom o‘zining maxsus ta‘miga ega ayniqsa, "Xorazm palovi", "Tuxum barak", "Ushoq barak", "Shivit oshi", qovurilgan baliq va boshqalar. Xorazm milliy taomlari O‘zbekistonning boshqa hududlarida tayyorlanadigan taomlardan farq qiladi. Ular asosan baliqdan turli xil taomlar tayyorlashni, hamirli taomlar iste‘mol qilishni hush ko‘radilar. Ushbu vohaga tashrif buyurgan turistlar albatta Xorazmcha "Tuxum barak" ni ta‘tib ko‘rishga qiziqish bildiradilar.

Shivit oshi, Xorazmcha lag‘mon, yashil lag‘mon nomlari bilan dunyo taomnomasiga kiritilgan bu taom voha ahlining yozning jazirama kunlaridagi eng taniq ovqatlaridan biri hisoblanadi. Shivit

oshi o‘zining chiroyli yashil ko‘rinishi va darmondorilarga boyligi bilan boshqa shu turdagi ovqatlardan farq qiladi. Bu o‘simlik tarkibida temir, kaltsiy, karotin, efir moyi, flavonoidlar, A, V1, V2, RR vitaminlari, fitontsitlar, mineral tuzlar va boshqa moddalar mavjud. U kletchatkaga boy bo‘lgani bois ichaklarni tozalaydi. Shuning uchun ham go‘shltli taomlarga shivit qo‘shiladi. U hazm qilishga yordam beradi va hazm bo‘lmagan taomlar qoldig‘ini tanadan chiqarib tashlaydi. Qadimdan tabobatda tinchlantiruvchi, el, siydik haydovchi, yo‘tal va yallig‘lanishga qarshi, emizikli onalar sutini ko‘paytiruvchi vosita sifatida tavsiya etilgan. Zamonaviy tibbiyotda shivit o‘tining damlamasi qon bosimini tushiruvchi, yurak - qon tomirlarini kengaytiruvchi hususiyatga ega ekanligi ilmiy tadqiqotlarda isbotlangan. Shivitdan ko‘kat sifatida foydalanilganda me‘da shirasi ajralishi, o‘t haydalishi yaxshilanadi [3]. Bu taom ayniqsa vegetarian turistlarga juda ma‘qul keladi.

Mazkur maqolada asosan mintaqada gastronomik turizmni rivojlantirish yo‘nalishlari o‘rganildi va tahlil qilindi, gastronomik turizmni rivojlantirish uchun ishlab chiqilgan milliy taomlar va milliy urf-odatlar yoritilib berildi. Tadqiqot jarayonida kuzatuv, nazariy va statistik tahlildan foydalanildi.

Dunyoning turli mamlakat turistlari asosan tez hazm bo‘ladigan taomlarni hush ko‘rar ekanlar. Xorazm taomlari ham tez hazm bo‘ladigan taomlar qatoriga kiradi. Ushbu mamlakatga turistlar oqimini keng jalb etish, mamlakatning gastronomik turizmini yanada rivojlantirish uchun:

- Gastronomik festivallar tashkil etish;
- Milliy koloritga ega bo‘lgan shinam restoranlar qurish;
- Internet saytlarida Xorazm milliy taomlari bo‘yicha ko‘proq ma‘lumotlarni joylashtirish;
- Gazeta, jurnallarda Xorazm taomlarining foydalilik hususiyatlari haqida maqolalar chop etish;
- Ijtimoiy saytlarda Xorazm milliy taomlariga oid ishtaxa ochar video roliklarni joylashtirish

kerak deb hisoblayman.

Turislarning aksariyati ijtimoiy tarmoqlarda ko‘proq yaxshi izoh qoldirilgan taomlarni iste‘mol qilishga qiziqishadi. Shuning uchun ham internet tarmoqlaridan keng foydalangan holda gastronomik turizmni rivojlantirish ko‘proq foyda beradi deb hisoblayman.

O‘zbekistonda turizmni jadal rivojlantirish bo‘yicha turistlarga xizmat ko‘rsatish tizimini kengaytirish va ular uchun barcha sharoitlarni yaratish maqsadida yangi turistik majmualar, mehmonxonalar, kempinglar va restoranlar, barlar qurilishi uchun kata mablag‘lar va imkoniyatlar yaratilib kelmoqda. Bunday e‘tiborda turizmni rivojlanitirish albatta umumiy ovqatlanishda ham rivojlantirishda ham kata yutuqlarni beradi. Chunki barcha turistlar goh ichki goh tashqi turist bo‘lsin bundan qat‘i nazar restoran xo‘jaligiga yoki ovqatlanish tarmog‘idan foydalanishga majbur. Aks holda inson ovqatlanish uchun barcha mahsulotlarni o‘zlari bilan olib yurishi kerak yoki uy sharoitlarida tayyorlab iste‘mol qilishlari kerak bo‘ladi. Ammo turistlarda bunday imkoniyatlar yo‘q, shuning uchun ham ular ovqatlanishj xizmatidan foydalanishga majburdir va mana shu holatlarning mavjud bo‘lishi turizm umumiy ovqatlanishni uyg‘un holda rivojlantirishi uchun imkon beradi. Gastronomik turizm sohasida yana bir gurmanlar degan tushuncha bor. Gurmanlar bu yangi ta‘mni kashf etuvchilar yani sayohat davomida mazali ovqatlarni ta‘tib ko‘ruvchilardir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Xorazmda gastronomik turizmni rivojlantirish uchun asosan reklamaga katta ahamiyat qaratish lozim deb hisoblayman. Chunki insonning tabiati shunday: “Ming marta eshitgandan ko‘ra bir marta ko‘rgan afzal” - degan naqlga amal qiladi. Internet saytlaridan Xorazm milliy taomlari deb qidiruv bersangiz juda kam ma‘lumot kelib chiqadi, o‘sha ma‘lumotlarning ham ko‘pi o‘zbek tilida mavjud. Lekin biz turistlar oqimini yanada kengayishini istasak, ushbu ma‘lumotlarni ham rus tilida ham boshqa xorijiy tillarga tarjima qilib internet tarmoqlariga joylashtirsak, unga qiziquvchi talabgorlarning soni yanada ortadi deb o‘ylayman. Har bir sohaning rivojlanishi tepaga qarab intilishi bu oson masala emas. Faqatgina kuchli mehnat va tashabbus orqali yuksaladi va rivojlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarda Xorazm viloyatining turizm salohiyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 546-sonli qarori// <https://lex.uz/docs/-6212915>

2. Tuxliev, S. (2008). Turizm asoslari. 2 G‘Ulomxasanov, E. M. O. G., & Rahmatillaev, O. X. O. (2021).
3. O‘zbekistonda turizm sohasining davlat rivojiga qo‘shgan hissasi. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 1(1), 52-56. 3 Ogli, I. S. I., & Adxamovich, I. A. (2021).
4. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish tarixiga nazar. Academic research in educational sciences, 2(10), 999-1007.
5. Vikipediya ochiq ensiklopediya// https://uz.wikipedia.org/wiki/Gastronomik_turizm
6. Xorazmiy.uz sayti ma’lumotlari// <http://xorazmiy.uz/oz/pages/view/528>

UDK: 336.512.2

GLOBAL IQTISODIY INTEGRATSIYA SHAROITIDA TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI XORIJIY INVESTITSİYALAR JALB QILISH: MAVJUD IMKONIYATLAR HAMDA TO‘SIQLAR

ПРИВЛЕЧЕНИЕ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УСЛОВИЯХ МИРОВОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ: ВОЗМОЖНОСТИ И ПРЕПЯТСТВИЯ

ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENT IN THE CONTEXT OF GLOBAL ECONOMIC INTEGRATION: OPPORTUNITIES AND BARRIERS

Doniyev Shahob O‘tkir o‘g‘li

Qarshi Davlat Universiteti, Iqtisodiyot fakulteti, Iqtisodiyot yo‘nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya

Ushbu maqolamizda global iqtisodiy integratsiya jarayonida xorijiy investitsiyalarni iqtisodiyotimizga to‘g‘ridan-to‘g‘ri jalb qilish borasida mavjud imkoniyatlari va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan to‘siqlari tizimli ravishda tahlil qilib chiqiladi. Mazkur tadqiqotlarimizda jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvning chuqurlashuvi, xalqaro kapital harakatining erkinlashuvi hamda global investitsiyalar muhitining yangi tendensiyalari o‘z aksini topgan. Shu bilan bir qatorda, maqolada to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TTXI) oqimlariga ta’sir ko‘rsatuvchi makroiqtisodiy, institutsional, siyosiy va texnologik omillar batafsil o‘rganilib, rivojlanayotgan davlatlar uchun strategik ahamiyatga ega bo‘lgan imkoniyatlar aniqlab beriladi.

Kalit so‘zlar. To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, global iqtisodiy integratsiya, investitsion muhit, kapital oqimlari, institutsional islohotlar, investitsion xavflar, texnologiya transferi, xalqaro raqobat, iqtisodiy o‘shish, investitsiya siyosati.

В данной статье систематически анализируются существующие возможности и возможные препятствия для привлечения прямых иностранных инвестиций в нашу экономику в процессе глобальной экономической интеграции. В этих исследованиях нашли отражение углубление интеграции в мировую экономику, либерализация международного движения капитала и новые тенденции глобальной инвестиционной среды. Кроме того, в статье подробно рассматриваются макроэкономические, институциональные, политические и технологические факторы, влияющие на потоки прямых иностранных инвестиций (ПИИ), и выявляются возможности, имеющие стратегическое значение для развивающихся стран.

Ключевые слова. Прямые иностранные инвестиции, глобальная экономическая интеграция, инвестиционный климат, приток капитала, институциональные реформы, инвестиционные риски, трансфер технологий, международная конкуренция, экономический рост, инвестиционная политика.

In this article, we systematically analyze the existing opportunities and possible barriers to attracting foreign direct investment to our economy in the process of global economic integration.

These studies reflect the deepening of integration into the world economy, the liberalization of international capital movement, and new trends in the global investment environment. At the same time, the article examines in detail the macroeconomic, institutional, political, and technological factors influencing the inflow of foreign direct investment (FDI) and identifies opportunities of strategic importance for developing countries.

Keywords. Foreign direct investment, global economic integration, investment climate, capital flows, institutional reforms, investment risks, technology transfer, international competition, economic growth, investment policy.

Bugungi globallashuv sharoitida xalqaro iqtisodiy integratsiyaning chuqurlashuvi davlatlar o‘rtasidagi iqtisodiy, moliyaviy hamda investitsion aloqalarning yanada erkinlashuviga olib kelmoqda. Buning natijasida esa to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TTXI) har bir davlat iqtisodiyotining raqobatbardoshligini yanada oshirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, yangi texnologiyalarni jalb etish va bandlikni ta‘minlashda asosiy omillardan biri sifatida maydonga chiqmoqda. Xususan, so‘nggi yillarda xalqaro kapital oqimlarining tarkibi, iqtisodiy geografiyasi hamda investitsiya strategiyalari keskin o‘zgarib bormoqda. Ushbu jarayonlar esa rivojlanayotgan mamlakatlar uchun yangi imkoniyatlarni yaratishi bilan bir qatorda, ba‘zi bir institutsional va geoiqtisodiy to‘siqlarni ham kelib chiqishiga sabab bo‘lmoqda.

Mazkur tadqiqotlarda esa global integratsiya sharoitida TTXI jalb qilishning nazariy asoslari, xalqaro investitsiya muhitidagi o‘zgarishlar, mavjud imkoniyat va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan to‘siqlarni tahlil qilishga harakat qilinadi. Shuningdek, maqolamizda investitsiya harakatchanligiga o‘z ta‘sirini ko‘rsatuvchi omillar hamda davlatlarning investitsion siyosatlarida qo‘llanayotgan zamonaviy yondashuvlar o‘rganiladi. Tadqiqot natijalari global iqtisodiy integratsiya jarayonida investitsion salohiyatni oshirish bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqishga xizmat qiladi.

So‘nggi yillarda mamalakatimiz iqtisodiyotiga investitsiyalarni yanada ko‘proq jalb qilish hamda ushbu yo‘l orqali iqtisodiyotimizni jadal sur‘atlarda rivojlantirish bo‘yicha bir qator salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan 2025-yil 25-iyun sanasidagi “Mamlakatimizga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni rag‘batlantirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-97-sonli Farmon [1] lariga muvofiq amalga oshirilayotgan ishlar sohani tubdan rivojlantirishga qo‘yilgan asosiy qadamlardan biri bo‘ldi.

Shu bilan bir qatorda, hurmatli Prezidentimiz tomonidan 19-sentyabr 2025-yildagi “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-289-sonli Qaror [2] larining qabul qilinishi mamlakatimizda milliy investitsiya jamg‘armasining faoliyatini tubdab isloh qilishga hamda yanada takomillashtirish uchun muhim asos bo‘lib xizmat qildi.

Bundan tashqari, xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan ham ushbu sohaga oid bir qator tadqiqotlar olib borilgan. J. Bhagwati, P. Krugman, M. Porter kabi iqtisodchilar global iqtisodiy integratsiya jarayonlarida transmilliy korporatsiyalarning roli, raqobat ustunligini shakllantiruvchi omillar va xalqaro bozorlarning liberallashuvi investitsion oqimlarga qanday ta‘sir ko‘rsatishini tahlil qilganlar. Ularning ta‘kidlashicha, savdo hamda investitsiya siyosatining uyg‘unlashuvi, normativ-huquqiy barqarorlik va ochiq bozor muhitining yaratilishi TTXI hajmini belgilovchi asosiy omillardandir.

Maqolamizda tahlil qilinayotgan sohani o‘rganish jarayonida tizimli yondashuv, tadqiqotning mantiqiy va taqqoslash usullari, kompleks yondashuv, ekspert tahlili, ko‘p variantli prognoz, kuzatishlar hamda statistik tahlil, omillarning korrelyatsion va regression ta‘siri, sifat hamda miqdor tahlili va shu kabi ko‘plab tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Hozirgi kundagi global iqtisodiy integratsiyaning chuqurlashuvi sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TTXI) mamlakatimiz uchun iqtisodiy o‘sishning asosiy omillaridan biri sifatida qaralmoqda. O‘zbekiston iqtisodiyotida so‘nggi yillarda amalga oshirilgan liberallashuv jarayonlari, huquqiy baza modernizatsiyasi va investorlar uchun yaratilgan qulay shart-sharoitlar TTXI oqimlarining sezilarli oshishiga sabab bo‘lgan. Tahlillarimiz natijalari shuni ko‘rsatdiki, global

iqtisodiy integratsiyaning zamonaviy bosqichi – bu raqamli iqtisodiyotning kengayishi, xalqaro miqyosda ishlab chiqarish zanjirlarining qayta shakllanishi va geoiqtisodiy raqobatning kuchayishi bilan tavsiflanadi. Natijada:

➤ transmilliy korporatsiyalar (TMK) o‘z investitsiya yo‘nalishlarini yangi bozorlarga mos ravishda o‘zgartirmoqda;

➤ yuqori samaradorlikka ega zamonaviy texnologiyali, yashil va innovatsion loyihalarga yo‘naltirilgan kapital oqimi keskin oshmoqda;

➤ rivojlanayotgan va tranzit iqtisodiyotlar uchun yangi imkoniyatlar shakllanmoqda.

Bu jarayonlar mamlakatimiz uchun ham TTXI jalb qilish masalasida muhim strategik ahamiyatga ega bo‘lib, iqtisodiyotimizni xalqaro iqtisodiy tizimga chuqurroq integratsiya qilish imkonini bermoqda.

1-jadval [3]

Iqtisodiyotimizga 2020/2024-yillar oralig‘ida kiritilgan investitsiyalar tahlili [4]

Yil	Asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi (mlrd. so‘m)	Asosiy kapitalga investitsiyalarning o‘sish sur‘ati (yillik, foizlarda)	Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning YaIMdagi ulushi(foizlarda)	Asosiy kapitalga investitsiyalarda davlat budjeti ulushi(foizlarda)
2020	210195,1	95,6	31,5	6,8
2021	239552,6	102,9	29,2	9,3
2022	266240	100,2	26,7	8
2023	356071,4	123,4	29,6	6,5
2024	507490,2	131,3	34,9	4,6

Yuqoridagi jadvaldan ham ko‘rinib turibdiki, iqtisodiyotimizga kiritilayotgan investitsiyalarning hajmi ham yildan-yilga o‘sib bormoqda. Buning natijasida esa mamlakatimizning iqtisodiy salohiyati hamda innovatsion rivojlanish darajasi yanada o‘sib bormoqda. Bundan tashqari, Yalpi-ichki mahsulot tarkibidagi investitsiyalarning ulushi ham ko‘payib bormoqda hamda bu ijobiy holat hisoblanadi. Natijada esa kelajakdagi ishlab chiqarish salohiyati ortadi, yangi ish o‘rinlari yaratiladi, innovatsiya va raqobatbardoshlik ortadi hamda iqtisodiy barqarorlik ham yanada mustahkamlanadi. Albatta ushbu o‘zgarishlar ham shunchaki o‘z-o‘zidan sodir bo‘lib qolmaydi. Buning uchun ham qulay hamda huquqiy shart-sharoitlarning yaratilishi bilan amalga oshadi. Aynan shu maqsadda, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda investitsiya siyosati tubdan isloh qilindi.

Kapital oqimi va moliyaviy resurslarning ko'payishi

Zamonaviy texnologiya va ilg'or tajribalarni olib kirish

Yangi ish o'rinlarini yaratish va malakalarni oshirish

1-rasm. To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning asosiy afzalliklari [5]

Valyuta bozorlarining erkinlashtirilishi, soliq stavkalarining optimallashtirilishi, davlat xizmatlarining raqamlashtirilishi va investorlarga berilayotgan kafolatlarni mustahkamlash iqtisodiy muhitni hamda investitsion jozibadorlikni sezilarli darajada yaxshiladi. Mamlakatimizda qabul qilinayotgan qonunlar va chiqarilayotgan qarorlar ushbu sohani mustahkamlash uchun normativ-

huquqiy bazani shakllantirmoqda. Ushbu normativ-huquqiy baza xorijiy hamda ichki investorlar ishonchini kuchaytirgan holda, O‘zbekistonni mintaqadagi eng faol investitsiya markazlaridan biriga aylantirmoqda.

O‘zbekistonning global iqtisodiy integratsiya sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishdagi imkoniyatlari bir nechta asosiy yo‘nalishda namoyon bo‘ladi. Bular: geoiqtisodiy pozitsiya, tabiiy resurslar, inson kapitali va davlat tomonidan taqdim etilayotgan rag‘batlantirish tizimi. Tahlil natijalariga ko‘ra, ushbu imkoniyatlar investorlarga raqobatbardosh va barqaror muhit yaratadi.

Global iqtisodiy integratsiyalashuv sharoitida TXXI harakati davlatlar iqtisodiy taraqqiyotining muhim manbalaridan biri sifatida qolmoqda. Integratsiya jarayonlari rivojlanayotgan mamlakatlarga texnologiyalar transferi, malakali mutaxassislar almashinuvi va yangi ish o‘rinlari yaratish kabi keng imkoniyatlar taqdim etadi. Shu bilan birga, investitsiyalarni jalb qilishda institutsional cheklovlar, makroiqtisodiy beqarorlik, geosiyosiy risklar va raqobatning kuchayishi kabi muammolar mavjud. Tadqiqot natijalari TXI jalb qilish bo‘yicha kompleks yondashuvlar - huquqiy islohotlar, investitsiya muhitini soddalashtirish, innovatsion infratuzilmalarni rivojlantirish va xalqaro hamkorlikni kengaytirish zarurligini ko‘rsatadi. Mazkur strategiyalarni amalga oshirish global integratsiya sharoitida mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishga xizmat qiladi. Global iqtisodiy integratsiya sharoitida O‘zbekistonning to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatlari sezilarli darajada oshgan. So‘nggi yillarda amalga oshirilgan islohotlar, xususan “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida” qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar investorlar uchun huquqiy kafolatlar, soliqqa oid imtiyozlar va foyda repatriatsiyasining erkinligini ta‘minladi. Natijada mamlakat mintaqaviy va global miqyosda jozibador investitsiya markaziga aylanishi uchun qulay imkoniyatlarga ega bo‘ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 19.09.2025 yildagi “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-289-sonli Qarori Manba: <https://lex.uz/uz/docs/-7736676>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.06.2025 yildagi “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-97-sonli Farmoni Manba: <https://lex.uz/uz/docs/-7594188>
3. <https://stat.uz/uz/> Davlat Statistika Qo‘mitasi
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments> Davlat Statistika qo‘mitasi ma‘lumotlari
5. Мелкумов Я.С. Инвестиций. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2003. – С.8.
6. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17
7. Kobilov, A., & Kurbonov O. (2020). A Multi-Criteria Decision-Making Model for Evaluating Priorities for Foreign Direct Investment in Kashkadarya Region. *International Journal of Social Science and Economics Invention*, 6(07), 310-315.
8. Dunning J.H. *International Production and the Multinational Enterprise*. London: Routledge, 2013.
9. Krugman P., Obstfeld M., Melitz M. *International Economics: Theory and Policy*. Pearson, 2022.
10. Oksan Bayulgen. *Foreign Investment and Political Regimes*. Cambridge, 2010. 12-p
11. *Doing Business 2020 “Economy Profile of Uzbekistan”*, World Bank Group. – 2020.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПАССАЖИРСКИХ
ПЕРЕВОЗОК НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ

TEMIR YO‘L TRANSPORTIDA YO‘LOVCHI TASHISH SIFATINI BOSHQARISH
BO‘YICHA XORIJIY TAJRIBA

FOREIGN EXPERIENCE IN QUALITY MANAGEMENT OF PASSENGER
TRANSPORTATION IN RAILWAY TRANSPORT

Давлетов Жахонгир Марксович

Старший преподаватель кафедры Экономики транспорта
Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация

В последние годы железнодорожный транспорт снова набирает популярность, особенно в Европе и Азии. Пассажиры сегодня ждут не просто поездки — они хотят комфорта, точности и сервиса, сравнимого с авиа- или автотранспортом. В статье рассматривается зарубежный опыт управления качеством пассажирских перевозок: от высокоскоростных поездов Японии до цифровых сервисов Deutsche Bahn и SNCF. Примеры показывают, что инвестиции в качество не только повышают удовлетворённость пассажиров, но и укрепляют доверие к железнодорожному транспорту как к современному и устойчивому виду передвижения.

Ключевые слова: железнодорожный транспорт, качество обслуживания, международный опыт, цифровизация, клиентский сервис.

So‘nggi yillarda temir yo‘l transporti, ayniqsa Yevropa va Osiyoda, yana ommalashmoqda. Bugungi yo‘lovchilar faqat manzilga yetishni emas, balki qulaylik, aniq jadval va yuqori darajadagi xizmatni kutishadi — xuddi aviatsiya yoki avtomobil transportidagidek. Mazkur maqolada temir yo‘l yo‘lovchi tashish sifatini boshqarish bo‘yicha xorijiy tajriba — Yaponiyaning tezyurar poezdlari, Germaniyaning Deutsche Bahn tizimi va Fransiyaning SNCF kompaniyasi misolida tahlil qilingan. Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, sifatga sarmoya kiritish nafaqat yo‘lovchilarni mamnun qiladi, balki temir yo‘l transportiga ishonchni mustahkamlaydi ham.

Kalit so‘zlar: temir yo‘l transporti, xizmat sifati, xalqaro tajriba, raqamlashtirish, mijozga yo‘naltirilgan yondashuv.

In recent years, railway transport has been regaining popularity, especially in Europe and Asia. Today’s passengers expect more than just transportation — they seek comfort, punctuality, and a level of service comparable to that of air or road travel. This article explores foreign experience in managing the quality of passenger railway services, ranging from Japan’s high-speed trains to the digital solutions of Deutsche Bahn and SNCF. The examples demonstrate that investment in quality not only increases passenger satisfaction but also strengthens public trust in railways as a modern and sustainable mode of transportation.

Keywords: railway transport, service quality, international experience, digitalization, customer service.

В последние годы железнодорожный пассажирский транспорт переживает «второе дыхание»: в Европе и Азии он вновь становится популярным среди путешественников, которые ценят комфорт, пунктуальность и современные цифровые сервисы. Сегодня пассажиры ожидают от поездки не просто перемещения из точки А в точку Б, а комплексного сервиса, сопоставимого с авиаперевозками или междугородним автотранспортом. Качество обслуживания становится главным фактором конкурентоспособности железнодорожных

компаний. Согласно отчёту Европейской комиссии “*Rail Market Monitoring Report*” (2023) [1], уровень удовлетворённости пассажиров зависит не только от стоимости билетов, но и от таких параметров, как доступность, пунктуальность, информированность и комфорт [1]. Например, немецкий оператор Deutsche Bahn AG в 2023 году провёл опрос около 240 000 пассажиров, и результаты показали, что модернизация подвижного состава и цифровизация обслуживания напрямую связаны с ростом доверия клиентов [2]. В то же время отрасль сталкивается с рядом вызовов: перегруженная инфраструктура, изношенность путей, нехватка инвестиций и слабая интеграция цифровых решений ограничивают возможности повышения качества [3].

Аналогичные проблемы наблюдаются и в азиатских странах, однако опыт Японии, Южной Кореи и Китая показывает, что системное управление качеством, основанное на стандартах ISO 9001 и постоянном мониторинге обратной связи, позволяет достичь высокого уровня удовлетворённости пассажиров [4]. В Узбекистане пассажирские железнодорожные перевозки переживают этап активной модернизации. За последние десять лет государственное предприятие АО “O‘zbekiston temir yo‘llari” (УТЙ) инвестировало значительные средства в обновление инфраструктуры, электрификацию линий и запуск скоростных поездов Afrosiyob, которые сократили время в пути между Ташкентом и Самаркандом более чем вдвое [5]. Согласно официальным данным УТЙ, в 2024 году железнодорожным транспортом перевезено свыше 11,2 млн пассажиров, что на 6,3 % больше по сравнению с предыдущим годом [6]. Однако наряду с ростом объёмов перевозок сохраняются проблемы, связанные с качеством обслуживания — жалобы на санитарное состояние вагонов, уровень сервиса и цифровую доступность билетов [7]. В стратегическом документе “Темир йўл транспортини ривожлантириш концепцияси 2020–2030” отмечено, что приоритетом компании является внедрение международных стандартов управления качеством и развитие “умного железнодорожного сервиса” на основе цифровых решений [8].

Методологической основой исследования послужил сравнительно-аналитический подход, основанный на обобщении результатов эмпирических исследований, проведённых в различных странах Азии и Европы в сфере управления качеством пассажирских железнодорожных перевозок. Учитывая стратегические цели «O‘zbekiston temir yo‘llari» по цифровизации и повышению клиентоориентированности, анализ зарубежных методик позволяет теоретически обосновать направления их внедрения. Методологическая схема соответствует принципам системного и институционального анализа, что делает возможным выявление адаптируемых элементов международного опыта.

1) В исследовании European Commission по ценам и качеству услуг пассажирского железнодорожного транспорта за 2012–2013 годы выяснилось, что лишь около 51 % европейских пользователей оценивают качество обслуживания на станциях как «высокое» или «хорошее» [9]. Например, по данным опроса Flash Eurobarometer 463 (январь-февраль 2018) — 64 % опрошенных заявили, что они довольны услугами железной дороги [10].

2) Пунктуальность, информирование и цифровые сервисы — важнейшие факторы качества. Систематический обзор выявил, что такие характеристики как надёжность движения поездов, качество информации для пассажиров в пути и в станциях, а также наличие цифровых сервисов — прямо коррелируют с удовлетворённостью пассажиров. В отчёте International Union of Railways (UIC) и McKinsey & Company отмечено, что внедрение мобильных приложений и автоматизированных систем бронирования способствует росту лояльности и готовности выбирать поезд как вид транспорта [11].

3) Связь между инвестициями в инфраструктуру и качеством сервиса. Отчёт Boston Consulting Group (2017) показывает, что системы железной дороги, получившие значительные государственные инвестиции, чаще занимают более высокие позиции в рейтингах качества и безопасности. Это подтверждает идею о том, что ресурсная база — инфраструктура, подвижной состав, технологии — является фундаментом качества.

4) Регулярное измерение удовлетворённости пассажиров важно для управления. В Великобритании ежегодное исследование National Rail Passenger Survey (NRPS) показывает, что существует высокая корреляция между уровнем удовлетворённости пользователей и их

доверием к железнодорожной компании (до 85 %) — исследование отмечает, что технические показатели (пунктуальность, надёжность) важны, но эмоциональные составляющие (взаимодействие, качество сервиса) также существенны [12].

Таблица 1

Уровень удовлетворённости пассажиров железнодорожным транспортом в отдельных странах (2023–2024 гг.)

№	Страна / Регион	Уровень удовлетворённости пассажиров, %	Основные факторы высокого качества	Источник
1	Германия (Deutsche Bahn)	72 %	Цифровизация сервиса, пунктуальность, Wi-Fi в поездах	UIC & McKinsey, 2022 [10]
2	Франция (SNCF)	68 %	Высокоскоростные линии TGV, клиентский сервис	BCG, 2017 [11]
3	Япония (JR Group)	92 %	Абсолютная пунктуальность, культура обслуживания	European Commission, 2023 [9]
4	Великобритания	81 %	Информирование в реальном времени, обратная связь с клиентом	NRPS, 2023 [12]
5	Южная Корея (KORAIL)	85 %	Интеграция цифровых платформ, комфортабельность поездов	Mail EJBMR, 2024 [13]
6	Узбекистан (UTY Afrosiyob)	74 %	Скоростное сообщение, обновлённый подвижной состав, онлайн-продажа билетов	O‘zbekiston temir yo‘llari, 2024 [5]

Анализ данных таблицы показывает, что страны с развитой цифровой инфраструктурой и регулярной оценкой удовлетворённости пассажиров (Япония, Южная Корея, Великобритания) демонстрируют стабильно высокий уровень качества — свыше 80 %. В то же время, Германия и Франция при высоких показателях скорости и технологичности сталкиваются с периодическими жалобами на пунктуальность и ценообразование. Для Узбекистана показатель 74 % (на основе внутренних опросов УТЙ 2024 года) свидетельствует о заметном прогрессе после внедрения скоростных поездов Afrosiyob и цифровых платформ продажи билетов. Однако сохраняется потенциал для повышения уровня сервиса на региональных маршрутах и совершенствования обратной связи с пассажирами.

Полученные результаты показывают, что качество пассажирских перевозок на железнодорожном транспорте зависит не только от технической оснащённости, но и от уровня клиентоориентированности компаний. В странах с развитой железнодорожной сетью (Япония, Германия, Франция) система управления качеством давно перешла от формальных стандартов ISO к комплексным моделям «управления впечатлением пассажира» (Passenger Experience Management) [13]. Одним из ключевых факторов успеха стало использование цифровых инструментов — мобильных приложений, чат-ботов, систем онлайн-обратной связи и предиктивной аналитики. Например, JR East внедрила систему анализа пассажиропотоков в реальном времени, которая позволяет корректировать расписание и загруженность вагонов [14]. В Узбекистане процесс цифровой трансформации начался относительно недавно, но уже демонстрирует ощутимые результаты. В частности, внедрение мобильного приложения «UTY Tickets» и платёжной интеграции с Payme, Click и Uzum Pay значительно упростило процесс покупки билетов. При этом сохраняются проблемы с сервисом в поездах дальнего следования

и низкий уровень удовлетворённости санитарными условиями, особенно на региональных направлениях [15].

Проведённое исследование показало, что зарубежный опыт управления качеством пассажирских перевозок на железнодорожном транспорте может служить ценным ориентиром для дальнейшего развития системы железнодорожных услуг в Узбекистане. Главный вывод заключается в том, что качество перевозок — это результат не только технологического обновления, но и системного подхода к управлению клиентским опытом. В странах с развитой железнодорожной культурой (Япония, Германия, Франция) акцент смещается от «скорости и безопасности» к «комфорту и персонализации сервиса». Например, программы лояльности и индивидуальные цифровые предложения способствуют увеличению доверия пассажиров и повышению частоты поездок. Кроме того, сотрудничество с международными организациями, такими как UIC и ADB, позволит ускорить модернизацию инфраструктуры и стандартизацию процедур обслуживания.

Таким образом, международный опыт показывает, что успех железнодорожного транспорта в XXI веке определяется не только скоростью передвижения, но и качеством человеческого взаимодействия. Узбекистан, обладая выгодным географическим положением и активной цифровизацией, имеет все предпосылки для того, чтобы войти в число лидеров Евразийского транспортного пространства

Список использованной литературы:

1. European Commission. *Rail Market Monitoring Report*. Brussels, 2023.
2. Deutsche Bahn AG. *Customer Satisfaction Survey Report 2023*. Berlin, 2023.
3. OECD Transport Forum. *Challenges and Future of Rail Infrastructure*. Paris, 2022.
4. Japan Railway Group. *ISO-based Quality Management in Passenger Transport*. Tokyo, 2021.
5. АО “O‘zbekiston temir yo‘llari”. *Годовой отчёт за 2024 год*. Ташкент, 2025.
6. Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan. *Transport and Communications Statistical Yearbook*. Tashkent, 2025.
7. Kun.uz. “Yo‘lovchilar temir yo‘l xizmatlarining sifati pastligidan shikoyat qilmoqda.” Апрель 2025.
8. Transport vazirligi (O‘zbekiston). “*Темир йўл транспортини ривожлантириш концепцияси 2020–2030.*” Ташкент, 2020.
9. European Commission. *Price and Quality of Rail Passenger Services (2012–2013 Report)*. Brussels, 2016.
10. Flash Eurobarometer 463. *Europeans’ Satisfaction with Passenger Rail Services*. Brussels, 2018.
11. International Union of Railways (UIC) & McKinsey & Company. *Boosting Passenger Preference for Rail*. Paris, 2022.
12. National Rail Passenger Survey (NRPS). *Annual Report on Passenger Satisfaction*. London, 2023.
13. Mail EJBMR. *Passenger Service Satisfaction Evaluation of Jakarta Region*.
14. UIC (International Union of Railways). *Passenger Experience Management Framework*. Paris, 2022.
15. JR East. *Smart Mobility Strategy 2024*. Tokyo, 2024.

**SHARQDA BUYUK MUTAFAKKIRLARNING ASARLARIDA «TADBIRKORLIK»
TUSHUNCHASI MOHIYATINING YORITILISHI**

**УТОЧНЕНИЕ СУЩНОСТИ ПОНЯТИЯ «ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО» В ТРУДАХ
ВЕЛИКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА**

**CLARIFICATION OF THE ESSENCE OF THE CONCEPT OF "ENTREPRENEURSHIP"
IN THE WORKS OF GREAT THINKERS IN THE EAST**

Aripov Oybek Abdullayevich

Namangan davlat texnika universiteti “Iqtisodiyot” kafedrası mudiri, DSc, professor

Annotatsiya

Maqolada Sharq mutafakkirlari – Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Az-Zamaxshariy va Ibn Xaldunning tadbirkorlik, mehnat, bilim va jamiyat taraqqiyotiga oid qarashlari tahlil qilingan. Ularning tadbirkorlik to‘g‘risidagi qarashlari, mehnat qadri, ijtimoiy hamkorlik, bilimning ustuvorligi va iqtisodiy tarbiyaga doir fikrlari zamonaviy iqtisodiy tafakkurga ta’siri bilan yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Sharq mutafakkirlari, tadbirkorlik, mehnat, bilim, ijtimoiy taraqqiyot, iqtisodiy tafakkur, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Ibn Xaldun.

В статье анализируются взгляды восточных мыслителей – ал-Фараби, ал-Бируни, Ибн Сины, Юсуфа Хас Хаджиба, аз-Замахшари и Ибн Халдуна – на предпринимательство, труд, знания и социальное развитие. Раскрывается их влияние на предпринимательство, сущность труда, социальное сотрудничество, главенство знаний и экономическое образование, а также их влияние на современную экономическую мысль.

Ключевые слова: восточные мыслители, предпринимательство, труд, знания, социальное развитие, экономическое мышление, ал-Фараби, ал-Бируни, Ибн Сина, Юсуф Хас Хаджиб, Ибн Халдун.

The article analyzes the views of Eastern thinkers - Al-Farabi, Al-Biruni, Ibn Sina, Yusuf Khas Hajib, Al-Zamakhshari and Ibn Khaldun on entrepreneurship, labor, knowledge and social development. Their views on entrepreneurship, the value of labor, social cooperation, the primacy of knowledge and economic education are highlighted with their impact on modern economic thinking.

Keywords: Eastern thinkers, entrepreneurship, labor, knowledge, social development, economic thinking, Al-Farabi, Al-Biruni, Ibn Sina, Yusuf Khas Hajib, Ibn Khaldun.

Markaziy Osiyoda iqtisodiy faoliyat va tadbirkorlikning shakllanishi ko‘p mingyillik tarixga ega. Ayniqsa, Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Yusuf Xos Hojib, Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi buyuk allomalar va mutafakkirlar o‘z asarlarida mehnat va iqtisodning ijtimoiy taqsimotiga katta o‘rin ajratishgan. Abu Nasr Forobiy boyliklarni insonning ishlab chiqarishda ishtirokiga qarab adolatli taqsimlash tarafdori bo‘lgan, urush va qullikni qoralagan, davlatlararo iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish g‘oyasini ilgari surgan.

Abu Nasr Forobiy. Asl ismi Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad ibn Uzlug‘ Tarxon (873-950). Uning asarlari markazida inson muammosi turadi. Insonning axloqiy fazilatları, erkinlikka erishish, shaxsiy va ijtimoiy baxtga intilishi, insonning go‘zal kelajakni izlashi masalalari alohida ustuvorlik kasb etadi.

Aytishlaricha, Forobiy Arastuning «Jon haqida» deb nomlangan asariga o‘z qo‘li bilan: «Men bu asarni 200 marta o‘qidim», — deb yozib qo‘ygan ekan.

Forobiy o‘zining «Fozil odamlar shahri» asarida yoshlar haqida gapirib, yoshlar «...kasb-hunar, ish tajriba, jahd va g‘ayratga ega bo‘lganlari va shu narsalarni o‘z vujudlarida singdirganlaridan so‘ng ularni asta-sekin egallay boradilar...» [1], degan fikrni ilgari surgan. Allomaning fikricha, muayyan kasb-hunarni o‘rganishda, avvalo, hunarga qanoat, g‘ayrat va shijoat bilan yondashilsa, undagi bu intilish ravon harakatga kelib, shu hunarga nisbatan ko‘nikish hosil qiladi. Bu yerda mazmunan, mehnatni insonning odatiy hayoti ehtiyojiga aylantirish haqida so‘z bormoqda.



«Har bir inson, – deydi Forobiy, – o‘z tabiati bilan shunday tuzilganki, u yashash va oliy darajadagi yetuklikka erishmoq uchun ko‘p narsalarga muhtoj bo‘ladi, u bir o‘zi uchun bunday narsalarni qo‘lga kiritmaydi, ularga ega bo‘lish uchun insonlar jamoasiga ehtiyoj tug‘iladi... Bunday jamoa a‘zolarining faoliyati bir butun holda ularning har biriga yashash va yetuklikka erishuv uchun zarur bo‘lgan narsalarni yetkazib beradi» [2]. Hozirgi iqtisodiyot nazariyasi buni ishlab chiqarishning ijtimoiyligi deb ataydi.

Al-Forobiy fikricha odamning ehtiyojlari jamiyatni shakllantirishdagi birinchi sabablardandir. U aytganidek, tadbirkorlik faoliyatining zaruriyati «odam... yashashi va kamolga yetishi uchun ko‘p narsalarga ehtiyoj sezishidan» kelib chiqadi. Al-Forobiyning tadbirkorlik faoliyati mohiyatini tushuntirishda o‘ziga xos jihatlari shundan iboratki, u o‘zaro yordam va do‘stlikni zarur shart deb hisoblab, faqat shu jihatlarga asoslangan shahargina fozil bo‘la oladi.

Abu Nasr Forobiy yoshlarni bilimli, sohibkor, uddaburron, zukko va ishbilarmon bo‘lib, kamolga yetguncha shu tartibda tarbiyalash zarurligini qayd etadi. Agar shaharda qancha fozil insonlar ko‘p bo‘lsa, shahar shuncha gurkirab rivojlanishi haqida fikr bildiradi.

«U yana qanday shahar fozil shahar va qanday odam fozil odam ekanligini tushuntiradi, qoidali va sog‘lom fikrlash fazilatiga ega bo‘lgan shahar va fozil odam hamisha g‘olib ekanligini ko‘rsatadi» [3].

Abu Rayhon Beruniy. To‘liq ismi Abu Rayhon Beruniy Muhammad ibn Ahmad (973 – 1048) – ulug‘ o‘zbek mutafakkir olimi, o‘rta asrning buyuk daholaridan. Uning asarlari nihoyatda ko‘p, yetuk va nihoyatda ishonchlidir.



Beruniy eng avvalo inson mehnatini ulug‘laydi. Inson hayotidagi zarur narsalar, shuningdek, qimmatbaho narsalar inson mehnati bilan yaratilishini tushuntiradi. Yangilik yaratish insonga xos fazilat ekanligini isbotlaydi. Insonning qadr-qimmatini uning avlod-ajdodlarining kim bo‘lganligi bilan emas, balki uning mehnati bilan belgilanadi. Agar V.Petti XVII asrda mehnatni boylikning otasi deb atagan bo‘lsa, IX asrda yashagan o‘zbek mutafakkiri A.R.Beruniy mehnat nafaqat moddiy ne‘matlar yaratish vositasi, balki bilim va fanni rivojlantirish omilidir, deb kengroq tushuncha bergan.

Abu Rayhon Beruniyning fikriga ko‘ra, odamlar zaruriy ehtiyojlarini qondirishga intilib, birgalikda, ya‘ni uyushgan holda yashaydi va ular shunday qilishga majburdirlar, deydi. Ammo, odamlarning birgalikdagi turmushi insonni haqiqiy qudratga, uning ehtiyojlarini qondirishga olib kelmaydi, buning uchun yana mehnat qilish ham zarurdir. Bu fikrni davom ettirib, «insonning qadr-qimmatini o‘z vazifasini a‘lo darajada bajarishdan iborat: shuning uchun insonning eng asosiy vazifasi va o‘rni mehnat bilan belgilanadi, inson o‘z xohishiga mehnat tufayli erishadi», deb yozgan edi u [4].

A.R.Beruniy asarlarida davlatning paydo bo‘lishi ham ehtiyojdan deb tushuntiriladi. U insonning bir qator ehtiyojlari tadbirkorlik, mehnat, izlanish, yaratish, qurish, bunyod qilish, ilm olish, bilish orqali qondirilishi mumkinligini e‘tirof etadi. Shu tufayli insonning faqat pul, mol-dunyo bilan emas, balki tevarak-atrofnı o‘rganish zarurligi bilan hayoti ko‘proq mazmunli bo‘lishini isbotlaydi.

«Menda eng oliy boylik – bilim bor. Va aslida – nega menga boylik kerak? Men juda boyman. Bilimga boy!» [5], deb qayd etadi Beruniy. U agar inson boy bo‘lishni istasa, u albatta bilimli bo‘lishi kerakligiga e‘tibor qaratadi. Bu g‘oyalar inson kapitali va bilimlar iqtisodiyoti konsepsiyalarida mujassamlashmoqda.

Aynan Beruniy o‘z yondashuvlarida insonni – bilimli va sohibkor tarzda iqtisodiy munosabatlarda ishtirok etishi bilan boshqalardan ajralib turadigan ongli jonzod ekanligini alohida e‘tirof etadi. Beruniy o‘z asarlarida insonparvarlik g‘oyalari, ma‘naviy qadriyatlar xususida ko‘p fikr va o‘gitlarini keltirgan. Uning bunday yondashuvlari hozirgi davrda yoshlarni barkamol inson etib tarbiyalashga xizmat qilmoqda. Beruniyning qarashlarini o‘rganish iqtisodiy jarayonlarda ma‘naviy omillarning rolini chuqurroq tasavvur qilishga yordam beradi.

Abu Ali Ibn Sino. O‘z davrida Abu Ali al-Husayn ibn Abdulloh ibn al-Hasan ibn Ali (980–1037) tibbiyot sohasida o‘ta mashhur olim bo‘lgan. G‘arbda Avisyenna nomi bilan taniqli.

Ibn Sino inson xulqida g‘ayrat va shijoat alohida o‘rin tutishini tasdiqlaydi. U ishsizlik va bekorchilik nafaqat jaholatni tug‘diradi, balki ular bir vaqtning o‘zida kasallikning ham sababidir, deb e‘tirof etadi. Demak, g‘ayratli va shijoatli insonlar sohibkorlik qila olishini bashorat etadi. Abu Ali Ibn sino o‘zining fozil (ideal) davlat to‘g‘risidagi fikrlarini bayon qilib, hamma o‘z foydasi uchun mehnat qilishi kerak deydi.



Ibn Sino fikricha, «hayvon tabiat ne‘matlariga qanoat qiladi, odamga esa tabiat ne‘matlari kamlik qiladi». Shuning uchun faqat odamlargina o‘z mehnati bilan mashg‘ul bo‘lib, biron-bir foydali ishni boshlaydi va ular «yolg‘izlikda vositalarini topa olmaganlaridek, ...muloqot va o‘zaro yordamga muhtoj bo‘ladilar» [6], ya‘ni murakkab iqtisodiy jarayonlarni ko‘pchilik bilan hal etishadi.

Ibn Sino 17 yoshdayoq Buxoro xalqi orasida mohir tabib sifatida tanilgan. O‘sha kezlarda hukmdor Nuh ibn Mansur betob bo‘lib, saroy tabiblari uni davolashdan ojiz edilar. Dovrug‘i butun shaharga yoyilgan yosh tabib amir saroyiga taklif qilinadi. Uning muolajasidan hukmdor tezda sog‘ayib, oyoqqa turadi. Evaziga Ibn Sino saroy kutubxonasidan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Ibn Sino o‘zining buyuk «Tib qonunlari» asarida iqtisodiy tarbiya haqida so‘z yuritib, inson bolasini tarbiyalashda mehnatning roli katta ekanligiga alohida e‘tibor qaratadi. Uning bu yondashuvlari A.R.Beruniyning qarashlari bilan mos keladi.

«Agar oila boshlig‘i tajribasizlik yoki nohaklik qilsa, u oila a‘zolarini yaxshi tarbiyalay olmaydi va uning oqibatida bundan-da yomon natijalar kelib chiqadi» [7]. Uning fikricha, bola tarbiyasi yaxshi yo‘lga qo‘yilsa, halol rizq topadi, farovon yashaydi va baxtli bo‘ladi. Demak, oilaning eng muhim vazifasi farzand tarbiyasi hisoblanar ekan, ularni jamiyatga foydali, sohibkor shaxs qilib tarbiyalash har bir ota-onaning vazifasidir, deb belgilaydi Ibn Sino.

Olim o‘zining dono fikrlari bilan barcha boyliklar halol mehnat bilan orttirilishi, ota-onalar o‘z farzandlarini kasb-hunarga o‘rgatishi va undan olingan daromad orqali halol yashash kerakligini, iqtisodiy faoliyatsiz, tadbirkorliksiz muvaffaqiyatga erishish mumkin emasligini ta‘kidlaydi.

Ibn Sino qarashlari mehnat insonning ma‘naviy shakllanishida eng birinchi omil ekanligini, kasbiy mahorat bilan ma‘naviy kamolot bir-birini taqazo etishini ifodalaydi.

Yusuf Xos Hojib (XI asrda yashagan, tahm. 1020/21 yilda tug‘ilgan lekin vafoti to‘g‘risida ma‘lumotlar yo‘q). U o‘z davrining yirik ma‘rifatparvari, donishmandi va davlat arbobi bo‘lgan. Yusuf Xos Hojib o‘z asarida dehqonlar, savdogarlar, chorvadorlar, hunarmandlar va kosiblar, kambag‘al qashshoqlar haqida gapirib, ularning hayoti, mafkuralari, odatlari, axloqlari haqida nozik fikrlar yuritadi [8].

Jamiyatni rivojlanishida foydani ko‘zlab, mehnat qilishning o‘rnini alohida ta‘qidlagan Yusuf Xos Hojib «odamga foydasi tegmaydigan odam – o‘lik, essiz o‘tgan umr emas, essiz sarflangan mehnat», deb qaraydi [9].

Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig» («Saodatga eltuvchi bilimlar») asari davlatning idora usullaridan tortib, to har xil qonun-qoidalar, axloq tamoyillarini o‘zida mujassamlashtirgan bir qomusiy asardir. U insonni jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy hayotining markaziga qo‘yadi. Shu jihatidan uning g‘oyalari fuqarolik jamiyati g‘oyalari hamohangdir.

Yusuf Xos Hojib farzand tarbiyasi haqida to‘xtalib shunday yozadi: «Farzand qanchalik bilimli, aqlli-hushli bo‘lsa, iqtisodni yaxshi o‘zlashtirsa, ota-onaning yuzi shunchalik yorug‘ bo‘ladi» [10]. Chunki mutafakkirning fikricha, aynan bilimli, tarbiyali farzand iqtisodiyot muhitida foydali ishlarga qo‘l uradi va jamiyatda farovonlik yaratishga hissa qo‘shadi. Har bir oila farzandi o‘zi qiziqqan kasb va hunarni o‘rganishi, hayotdan ta‘lim olishi, aqlli va bilimdon bo‘lishi, buning natijasida esa chinakam insoniy go‘zallikka erishishi mumkinligini alohida e‘tirof etadi.




O‘gal-qizga bilim, hunar o‘rgatish kerak,
Toki bu hunarlar bilan fe‘l-atvori go‘zal bo‘lsin.
Kimning xulq-atvori, fe‘li yaxshi bo‘lsa,
U tilagini topadi, oyu kun unga kulib boqadi.

Xos Hojib o‘z qarashlarida, tarbiya olgan va bilimga ega bo‘lgan shaxsning sohibkorlikda omadi keladi deb biladi. U boqimandalikdan, yalqovlikdan, o‘g‘irlik va harom-xarish ishlardan farzandlarni asrash zarurligini tushuntiradi.

Shuni alohida e‘tirof etish kerakki, Adam Smitning (XVIII asrda yashagan) iqtisodiy ta‘limotidagi mamlakatni iqtisodiy tanazzuldan chiqarishning uch jihati, ya‘ni, tinchlik-osoyishtalik, me‘yordagi soliqlar va iqtisodiy erkin faoliyat yuritish g‘oyasi, aynan Yusuf Xos Hojib tomonidan yetti asr avval bayon etilgan.

Abul Qosim Mahmud Az-Zamaxshariy (1075-1144) – o‘rta osiyolik yozuvchi, faylasuf, amaldor. Umuman, Az-Zamaxshariy bilim va umuminsoniy sifatlar orqali erishish mumkin bo‘lgan iroda haqida, insoniyatni farovonlik va xotirjamlikka intilishi haqida yozgan.



U shunday deydi: «Tadbirkorlik taqdiru qisमतlarda g‘oliblikka olib kelish demakdir» [11]. Az-Zamaxshariy yondashuvlariga ko‘ra tadbirkorlik noyob qobiliyat, bunday qobiliyat barchada ham uchrayvermaydi, ya‘ni, «Hunarmandu kosiblar ko‘pdir, biroq mohiru qobiliyatli lari ozdir (ya‘ni, usta ko‘pu, ustasi ozdir)» [12]. Az-Zamaxshariy bu fikri bilan tadbirkor xatoga kamdan-kam yo‘l qo‘yadigan shaxs ekanligini va faqat g‘alaba sari yurishini e‘tirof etadi.

Az-Zamaxshariy «Mol-mulkni behuda isrof qilish kufrona «ne‘matdir», uylamasdan boyligini sarflash to‘liq tanazzulga olib keladi» [13], deb isrofgarchilikdan tiyilishni aytadi. Shuningdek, tadbirkorlarning «Qaysiki molu mulkning zakoti bajo keltirilsa (berilsa), uning xayru barakati ko‘p bo‘ladi» [14] deydi, ya‘ni, tadbirkorlarning shariat yo‘lida saxiylik yo‘lidagi harakatlarini ham alohida qayd etadi.

Az-Zamaxshariy o‘z davrida tartib-intizomni kuchli o‘rnata olgan amaldor. Uning fikricha, «Biyor mamlakat (hokimiyat) ishlarining orqaga ketishiga sabab – vabo ko‘p bo‘lib, tuzuklariyu tartibotlarining susayishidandir». Uning fikricha, agar «Odamning sirtiyo botini (ichi) to‘g‘ri, salomat va – tuzuk bo‘lsa, uning zoxiri (tashqarisi) ham saxiy va salim bo‘lur». Demak, Az-Zamaxshariy har qanday tadbirkor yoki rahbar shaxsni insoniyatning rivoji yo‘lida faqat to‘g‘riso‘z, oqil va adolatli fazilatlarga ega bo‘lishlari yo‘liga chaqiradi. “Savdogarning hurmati va nufuzi uning hamyonida, olimniki – kitobida” [15]. Demakki, bilim olishni hamma narsadan ustun deb baholaydi. Uning g‘oyalari zamonaviy meritokratik yondashuvda ifodalanmoqda.



Ibn Xaldun [16] (1332-1406 y.y.) arab mutafakkiri va tarixchisi. Sharqcha iqtisodiy tafakkurning takomillashuvida Ibn Xaldunning hissasi benihoya katta bo‘lgan. U siyosiy iqtisod uchun ahamiyati katta bo‘lgan salmoqli fikrlar bayon qilgan. Uning asosiy asari «Kitob ul-ibar» («Ibratlar kitobi», 1370 y.) bo‘lib, unda o‘z davridagi tarixiy-ijtimoiy masalalar bayon etilgan. Asarda axloq va ijtimoiy muassasalar kishilar turmushi bilan bog‘liqligi, mehnat va kishilarning o‘zaro munosabati jamiyat hayotida muhim ahamiyatga ega ekanligi ta’kidlagan. Ibn Xaldunning nazarida jamiyat moddiy qiymatlar «ishlab chiqaruvchilar» jamoasidan iborat. Odamlarni hayvondan farqi – deydi u, – ijtimoiy hayot bo‘lib, uning asosini odamlarni birlashishga va o‘z ehtiyojlarini birgalikda qoniqtirishga moyilligi tashkil qiladi. Odam hayvonlardan o‘z xususiyatlari tufayli ajralib chiqqan, bu xususiyatlar ichida ilm va hunar alohida o‘rin tutadi [17].

Ibn Xaldun shaharlarni paydo bo‘lishini to‘g‘ridan-to‘g‘ri ishlab chiqarishning rivojlanishi bilan bog‘laydi. Shaharlarning shakllanishi uchun u odamlarning «o‘sib boruvchi ehtiyojlarini» qondiradigan turli hunarmandlarning bo‘lishini asosiy me‘zon deb bilgan. Ibn Xaldunning fikricha, hunarmandchilikning rivojlanishi, fan va san‘atning rivojlanishi bevosita «mehnat unumdorligining o‘sishi»ga olib keladi. Shunday qilib, mehnat unumdorligining o‘sishi, shaharlarni kengayishi va aholining o‘sishida asosiy omil deb hisoblaydi.

U mamlakat savdo-iqtisodiy ishlariga davlatning aralashuvi qanchalik ko‘paysa, tadbirkorlarning faoliyatlari shunchalik qiyinlashishini ilk bor qayd etgan. Ibn Xaldun ko‘p darajali boshqaruv tizimlari (byurokратиya) cheklangan, vazifasi, qonun va tartibni ta‘minlaydigan, kichik armiyasi bo‘lgan, davlat faoliyatini moliyalashtirish uchun fuqarolardan oz miqdordagi soliqlar undiradigan davlatni, eng yaxshi davlat, deb ataydi.

Ibn Xaldun tadbirkorlikning vazifasi ishlab chiqarish omillarini bozor munosabatlariga moslashtirish va ularning o‘zaro hamkorligini ta‘minlashdan iborat deb hisoblagan. Tinchlik va huquq-tartibot sharoitida aholi qanchalik ko‘p bo‘lsa, mehnat faoliyati turlari shunchalik ko‘p bo‘ladi. Boshqa tomondan, Ibn Xaldun ham «Inson oladigan foyda uning mehnatining qiymatidir», deb ta’kidlaydi. U «bu foyda keltiradigan sarflangan mehnatning katta miqdoridan olinadigan katta foyda» haqida gapiradi.

Ibn Xaldun ilmsizlik va rag‘basizlik tufayli byurokратиya tijorat faoliyatini samarali boshqara olmaydi, deb hisoblagan. Uning fikricha, davlat savdo va ishlab chiqarishda ishtirok etadigan mamlakatlarda iqtisodiy profisit va pasayishning nisbatan kamayishi kutilishi kerak. Ibn Xaldun shu va boshqa iqtisodiy tamoyillarni madaniyatli jamiyat qurishning zaruriy sharti deb bilgan. Olim iqtisodiyotning juda ko‘p fundamental tushunchalarini kashf etdi.

Ibn Xaldun Adam Smitdan oldin ham mehnat taqsimotining qadr-qimmatini va zarurligini kashf etgan olimdir. U qiymatning mehnat nazariyasini ochishda Devid Rikardodan oldinda edi va iqtisodiyotni barqarorlashtirishda davlatning rolini Jon Keynsdan avvalgi yillarda ko‘rib chiqqan sharq olimi edi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abu-l-Qosim Mahmud Az-Zamaxshariy. Nozik iboralar. (Sharxlar muallifi va tarj. U. Uvatov. Nashrga tayyorlovchi Asad Dilmurod). –T.: Kamalak, 1992. – 75-b.
2. Aripov O.A. Kichik biznes va tadbirkorlik. Darslik (lotinda). – Namangan. «Mashrab» nashriyoti. 2025. – 356 b.
3. Aripov O. A. O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solish // –T.: Fan. – 2012. – T. 272. – S. 332-334.
4. Aripov O. A. Kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solish va ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati //T.: TDIU. – 2020. – T. 72.

5. Umarova N.Sh. Sharq mutafakkirlarining iqtisodiy ijtimoiylashuv haqidagi qarashlari. // file:///C:/Users/admin/Downloads/shar-mutafakkirlarining-i-tisodiy-izhtimoiylashuv-a-idagi-arashlari.pdf
6. Forobiy, Abu Nasr. Fozil odamlar shahri. –T.: Yangi asr avlodi, 2016.
7. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. (To‘rtliklar). –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1991.
8. Razzoqov. A., Tolipov Sh., Toshmatov I., Muhammadjanova G. Iqtisodiy ta‘limotlar tarixi. Ma‘ruzalar matni. –T.: Kibernetika, 1992. 21 bet.
9. Hayot va iqtisod. / X-XV asrlarda tijorat ilmi. №8, 1991. 63 bet.
10. <https://asr.uz/36769/>
11. <https://e-tarix.uz/shaxslar/141-abu-rayhon-beruniy.html>
12. <https://uzbekistan.travel/ru/o/al-biruni-sverhchelovek/>

УДК: 338.1

**ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ЦИФРОВЫХ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA RAQAMLI XIZMATLARNING
INNOVATSION RIVOJLANISHI**

**INNOVATIVE DEVELOPMENT OF DIGITAL SERVICES IN THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Абдуллаев Жамшид Обидович
Ташкентский Государственный Экономический
Университет Самаркандский филиал
Ассистент кафедры «Зеленой экономики и стабильного бизнеса»
E-mail: jamshed1980@gmail.com

Аннотация

Статья исследует процесс цифровых инноваций в сфере услуг Узбекистана, подчеркивая их роль в модернизации национальной экономики и интеграции в глобальное цифровое пространство. В работе рассматривается влияние цифровых инноваций на улучшение качества услуг и повышение эффективности сферы услуг. Автор анализирует проблемы, возникающие при переходе к цифровой экономике и внедрении инновационных решений в сектор услуг.

Ключевые слова: глобальная интеграция и инновация сферы услуг, цифровизация сфера услуг, цифровая трансформация, качество услуг, цифровая инфраструктура, цифровая грамотность, инновационное развитие экономики.

Ushbu maqolada O‘zbekistonda raqamli innovatsiyalar jarayoni xizmatlari sohasida ko‘rib chiqilib, uning milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash va global raqamli makonga integratsiyalashuvdagi roli ta’kidlangan. Maqolada raqamli innovatsiyalarning xizmat ko‘rsatish sifatini yaxshilash va xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishga ta’siri ko‘rib chiqiladi. Muallif raqamli iqtisodiyotga o‘tish va xizmat ko‘rsatish sohasiga innovatsion yechimlarni joriy etish jarayonida yuzaga keladigan muammolarni tahlil qiladi.

Kalit so‘zlar: xizmat ko‘rsatish sohasida global integratsiya va innovatsiyalar, xizmat ko‘rsatish sohasini raqamlashtirish, raqamli transformatsiya, xizmatlar sifati, raqamli infratuzilma, raqamli savodxonlik, innovatsion iqtisodiy rivojlanish.

This article examines the process of digital innovation in the services sector of Uzbekistan, emphasizing its role in the modernization of the national economy and integration into the global

digital space. The paper examines the impact of digital innovation on improving service quality and enhancing the efficiency of the service sector. The author analyzes the challenges arising during the transition to a digital economy and the implementation of innovative solutions in the service sector.

Keywords: global integration and innovation in the service sector, digitalization of the service sector, digital transformation, service quality, digital infrastructure, digital literacy, innovative economic development.

В современных мировых экономических условиях разработка и внедрение инноваций цифровых технологий являются ключевым фактором устойчивого социально-экономического развития и обеспечения экономической безопасности. Для Республики Узбекистан, находящейся на пути активных реформ и модернизации, активизация инновационных процессов имеет особое значение инновационное развитие в эпоху цифровизации. Главная задача – помочь отечественным предприятиям усилить конкурентные преимущества и более полно удовлетворять растущий спрос населения на высококачественные цифровые товары и услуги.

Сфера цифровых услуг в структуре экономики Узбекистана играет всё более важную роль, отвечая за удовлетворение разнообразных потребностей общества. В условиях перехода к цифровой экономике и роста благосостояния населения значение этого сектора будет только возрастать. Развитие и повышение эффективности цифровых услуг напрямую связаны с внедрением инноваций, которые являются основным драйвером конкурентоспособности сервисных компаний.

Однако, как показывает практика, уровень внедрения инноваций на отечественных предприятиях, особенно малого и среднего бизнеса, остается недостаточным. Это связано не только с ограниченностью финансовых ресурсов, но и с недостаточной заинтересованностью и образованностью персонала в цифровой сфере, а также с тем, что инновации часто не воспринимаются как непрерывный процесс улучшений.

Для Узбекистана, обладающего значительным потенциалом в сфере услуг, инновационное цифровое развитие этого сектора может стать мощным источником экономического роста, возможно, даже более значимым, чем традиционные технологические инновации в промышленности. Это особенно актуально с учетом курса на диверсификацию экономики.

Под инновациями в сфере цифровых услуг в Узбекистане следует понимать новый сервисный продукт, технологию, метод организации деятельности, которые позволяют более эффективно удовлетворять потребности клиентов. Современный подход рассматривает инновации как непрерывный процесс улучшений, где основной акцент делается на обновление и совершенствование внутренних процессов и методов предоставления услуг.

Анализ показывает, что компании в сфере услуг основную часть инновационных затрат направляют на процессные инновации, то есть на улучшение методов работы. Меньше средств выделяется на создание совершенно новых услуг, а организационные и маркетинговые нововведения встречаются реже.

Важнейшим аспектом является финансирование инновационной деятельности. Мировой опыт демонстрирует успешные модели как государственного, так и частного финансирования. Для Узбекистана могут быть эффективны все формы: частные инвестиции, государственная поддержка и, что особенно перспективно, механизмы государственно-частного партнерства. Необходимо четко определить, какие сферы наиболее эффективно финансировать из каждого источника. Особое внимание следует уделить развитию венчурного финансирования для стартапов и высоко рискованных проектов.

В последние годы в Узбекистане в этой сфере последовательно реализуются системные реформы. Указом Президента от 6 июля 2022-го утверждена Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы. Цель - развитие непрерывной экосистемы «отрасль - регион - научная/высшая образовательная организация» от организации рабочих мест до создания капитала при формировании креативной экономики в

стране. За первый год реализации документа произошли системные реформы, направленные на повышение научного потенциала республики, улучшение инновационной инфраструктуры, совершенствование системных мер по стимулированию инноваций в регионах. Определены ключевые направления и механизмы развития, а также целевые показатели, служащие ориентирами для мониторинга и оценки эффективности стратегии. В настоящее время цифровая трансформация сферы услуг привело к формированию нового рынка электронных услуг и модернизации традиционных услуг. Распространение феномена «цифрового потребления» связано с переходом от концепции «обладания» к концепции «доступа к продуктам и услугам по запросу», распределенному и множественному потреблению, межотраслевой диффузии ожиданий и абсолютизации потребительского опыта, который оказывает более значимое воздействие на потребительское поведение, чем удовлетворенность качеством услуг[1].

Цифровизация влияет на все отрасли сферы услуг, начиная от транспорта и логистики до здравоохранения и образования. Проведенные исследования показали, что применение цифровых технологий в отраслях сферы услуг находится на различных уровнях. Так, облачные сервисы используются примерно третьей частью организаций торговли, гостиничного и ресторанного хозяйства, информации и связи, в здравоохранении и отрасли информационных технологий преимущественно для целей электронной почты, хранения данных и в гораздо меньшей степени для размещения и разработки программного обеспечения, специальных программных средств. Внедрение технологий сбора, обработки и анализа больших данных требует как времени на освоение приемов интеграции данных, статистической обработки, так и затрат на разработку машинного обучения, нейронных сетей. Возможности предиктивной аналитики и имитационного моделирования в повышении эффективности управленческих решений стимулируют дальнейшую разработку и применение этих технологий.

Инновации в сфере услуг - это принципиально новые или значительно усовершенствованные способы их производства и предоставления, которые не могут быть обеспечены предыдущими способами производства. К ним могут относиться туристические, банковские, консалтинговые услуги, новые информационные и другие сферы, ориентированные на коммуникационные технологии.

Учитывая, что предприятия, действующие во всех отраслях, имеют определенные особенности, естественно, что предприятия сферы услуг также отличаются своими особенностями. Таким образом, мы считаем целесообразным указать на специфические особенности этой области, определяющие и обосновывающие выбор тех или иных факторов.

В настоящее время нет единого четкого определения цифровых услуг. По экономической сущности при определении, в отличие от материальных благ, важно характеризовать услуги по экономической полезности. При этом основная характеристика услуг отражается в виде деятельности, удовлетворяющей потребности людей, не желаемого, а конечного результата определенного вида деятельности.

Впервые Узбекистан вошел в Глобальный инновационный индекс в рейтинг стран, превысивших ожидания по инновационному развитию и достигших высокой эффективности в этой сфере цифровых услуг вне зависимости от уровня затрат на инновации в ВВП на душу населения. В 2022-м страна поднялась на четыре позиции, заняв 82-е место, тем самым став первой среди государств Центральной Азии. Разработан проект постановления Кабинета Министров, который предлагает утвердить Стратегию дальнейшего повышения позиций Республики Узбекистан в Глобальном инновационном индексе на период с 2023 по 2026 годы [2].

Инновационная деятельность в сфере цифровых услуг Узбекистана должна быть нацелена на прогнозируемый результат, приводящий к позитивным изменениям как внутри компании, так и во внешней среде. Рост платежеспособного спроса населения ведет к повышению требований к качеству услуг, что вынуждает предприятия обновлять ассортимент, улучшать сервис и перестраивать маркетинговые стратегии. Новым этапом

развития в сфере стало подписание Президентом Указа «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года. Цель принятия документа - успешный переход на цифровую экономику с учетом современных реалий. Ведь сегодня доля цифровой экономики в ВВП в стране составляет 2,2 процента [3].

Повышение качества инновационных услуг в сфере услуг считалось важным фактором стимулирования спроса на каждом этапе экономического развития. Также в условиях трансформации современной сферы услуг повышение качества информационных услуг имеет особое значение. Непрерывное повышение качества услуг в условиях глубокой конкуренции на рынке информационных услуг является важным фактором достижения экономической стабильности и эффективности в отрасли. Разнообразие информационных услуг и их индивидуальные особенности показывают, что определение и оценка их качества является сложным процессом.

Инновационная деятельность - это важный инструмент, который позволяет предпринимателю использовать изменения и увеличивать свои новые возможности для открытия нового бизнеса и предоставления новых услуг. Роль инновационно-активных организаций станет расти за счет реализации проектов, предусмотренных стратегией, что приведет к созданию рабочих мест и увеличению доли инновационных предприятий в сфере информационных услуг.

Список литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 06.07.2022 г. N УП-165 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 18.05.2022 г. №ПП-246 «О мерах по обеспечению гармонизации научного потенциала и практической деятельности в работе с международными рейтингами и индексами».
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 г. N УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации».
4. Курбанова М. Л. Некоторые тенденции развития сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики // *Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan*. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 231-239.
5. Усманходжаева С. Цифровая трансформации предприятий сферы услуг в условиях глобализации в Республике Узбекистан // *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 242-248.

ISHCHI KUCHI SALOHİYATI – KAMBAG‘ALLIKDAN CHIQUISH MEZONI

ПОТЕНЦИАЛ РАБОЧЕЙ СИЛЫ – КРИТЕРИЙ ВЫХОДА ИЗ БЕДНОСТИ

LABOR FORCE POTENTIAL IS A CRITERION FOR ESCAPING POVERTY

Zufarova Gulmira Abduxalilovna

Andijon davlat texnika instituti

“Iqtisodiyot” kafedrası professori

Annotatsiya

Ushbu maqolada kambag‘allikdan chiqish mezoni, ishchi kuchi salohiyatining aholi daromadini oshirishdagi o‘rni tahlil qilinadi. Ishchi kuchi bandligini, malaka va bilim darajasini oshirish orqali aholining daromadlari va iqtisodiy faolligiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatish masalalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: ishchi kuchi, kambag‘allik, salohiyat, mehnat bozori, bandlik, iqtisodiy salohiyat.

В статье анализируется роль трудового потенциала в увеличении доходов населения как критерия выхода из бедности. Рассматриваются вопросы позитивного влияния на доходы и экономическую активность населения посредством повышения уровня занятости, квалификации и знаний рабочей силы.

Ключевые слова: рабочая сила, бедность, потенциал, рынок труда, занятость, экономический потенциал.

This article analyzes the role of labor force potential in increasing the income of the population, as a criterion for escaping poverty. The issues of positively influencing the income and economic activity of the population by increasing the employment, skills and knowledge of the labor force are highlighted.

Keywords: labor force, poverty, potential, labor market, employment, economic potential.

Har bir davlatning asosiy va ustuvor vazifalaridan biri yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash va inson resurslarini rivojlantirishdir, ularning amalga oshirilishi mamlakatning barqaror iqtisodiy rivojlanishini, shuningdek, uning global iqtisodiy makonga integratsiyalashuvini kafolatlaydi.

Bugungi kunda kambag‘allikni qisqartirish masalasi har bir mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Kambag‘allikning asosiy sabablaridan biri – mehnat bozorida ishchi kuchining salohiyati pastligi, malaka va bilim yetishmasligidir.

Shu munosabat bilan inson kapitaliga sarmoya kiritish va mehnat salohiyatini rivojlantirish milliy iqtisodiyot barqarorligi uchun muhim omil hisoblanadi.

Ishchi kuchi salohiyati — insonning mehnat qobiliyati, bilimi, malakasi, ish tajribasi va ijtimoiy faolligining umumiy ifodasi hisoblanadi. U mehnat bozorida raqobatbardoshlikning asosiy mezonidir.

Kambag‘allik — faqat moddiy tanqislik emas, balki iqtisodiy imkoniyatlardan foydalana olmaslik holatidir. Ta‘lim va malaka yetishmasligi natijasida inson mehnat bozorida to‘laqonli ishtirok eta olmaydi, bu esa uning daromadini cheklaydi.

Ishchi kuchi salohiyati Kambag‘allikdan qutqarishi uchun malakalarni rivojlantirish, ishchilarni yuqori unumdorlikdagi sohalarga o‘tkazish va munosib ish haqi va mehnat sharoitlariga ega ko‘proq ish o‘rinlarini yaratish kabi omillar orqali uning unumdorligi va daromadlarini oshirishga qaratilishi kerak.

Hozirgi kunda kambag‘allik darajasi mehnat salohiyati pastligi bilan chambarchas bog‘liq.

Makrodarajada kambag‘allikning daromad o‘lchami va ishlab chiqarishning o‘sishi o‘rtasidagi bog‘liqlikni ish bilan band bo‘lgan ishchi kuchining o‘rtacha unumdorligi nuqtai nazaridan kontseptsiyalash mumkin, bu esa o‘z navbatida real ish haqining past darajasida va o‘z-o‘zini ish bilan ta‘minlashda daromadning past darajasida namoyon bo‘ladi. Uy xo‘jaligining mikro darajasida kambag‘allik va bandlik o‘rtasidagi bir xil bog‘liqlik uy xo‘jaligining daromadli a‘zolari shug‘ullanadigan iqtisodiy faoliyatning turi va past mahsuldorligi, ishchi kuchi a‘zolarining inson kapitalining past darajasi, ish kuchida ishtirok etishni cheklaydigan qaramlik yuki va shunchaki haq to‘lanadigan ish bilan ta‘minlanishi orqali amalga oshiriladi.

Kambag‘allikka qarshi kurash rivojlanayotgan va rivojlangan mamlakatlarning eng muhim rivojlanish ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Ushbu maqsadga erishishda taraqqiyot siyosatchilar, ayniqsa rivojlanayotgan mamlakatlarda, so‘nggi o‘n yilliklarda iqtisodiy o‘shishni rag‘batlantirish, islohot siyosatini amalga oshirish yoki ikkalasini birlashtirish orqali juda zarur bo‘lgan narsa bo‘lishi mumkin. Biroq, kambag‘allik darajasi mamlakatlar bo‘ylab sezilarli darajada farq qiladi, bu ularning iqtisodiy o‘shishining haqiqiy muvaffaqiyatiga bog‘liq bo‘lib, bu barqaror rivojlanishga olib keladi[2]. Masalan Hindistonda kambag‘al aholi ko‘p bo‘lishiga qaramay iqtisodiy o‘shish yuqori darajada. Xindistonda iqtisodiy o‘shish ma‘lum guruhlar va sohalarda jamlangan, lekin aholining katta qismi bu o‘shishdan foyda ko‘ra olmayapti. Kambag‘al aholiga sog‘liqni saqlash, ta‘lim, suv, elektr kabi asosiy xizmatlar yetarli darajada yetmaydi. Bu odamlarni iqtisodiy imkoniyatlardan uzib qo‘yadi. Ko‘pchilik aholi hanuz sifatli ta‘lim va kasbiy malakaga ega emas. Shu sababli ular faqat past maoshli, noqonuniy yoki vaqtinchalik ishlarda band bo‘ladi[3].

Qashshoqlikni kamaytirish nafaqat iqtisodiy sharoitlar bilan bog‘liq; bu xalqaro miqyosga qarab ekologik, ijtimoiy, axloqiy, huquqiy va boshqa masalalarni ham o‘z ichiga olgan yaxlit jarayondir. Masalan, siyosatchilar ba‘zan atrof-muhit sharoitlari va qashshoqlikni kamaytirish o‘rtasida murosa borligini aniqlashlari mumkin. Qashshoqlikni kamaytirish atrof-muhitning vayron bo‘lishiga ham olib kelishi mumkin — yuqori turmush sharoitlari ko‘proq resurslarni talab qiladi. Yuqorida aytib o‘tilgan muammolarning tez-tez bir-birining ustiga chiqishi tufayli qashshoqlikni kamaytirish jarayoni o‘z-o‘zidan qiyinchilik tug‘diradi. Ushbu murakkablik va turli xil murosalarning mavjudligini hisobga olgan holda, mualliflar barqaror rivojlanishni ta‘minlaydigan mamlakat osongina to‘g‘ri muvozanatni yaratishi va qashshoqlikni kamaytirish va boshqa sharoitlar bo‘yicha eng yaxshi siyosat natijalariga erishishi mumkin degan fikrni qo‘llab-quvvatlaydilar[4].

Kambag‘allikka mamlakatning ko‘plab iqtisodiy va ijtimoiy omillari ta‘sir qiladi va uni yo‘q qilish yechimlarini topish borasida dolzarb masala bo‘lib kelgan. Daromadlar tengsizligidan tortib, narxlar indeksleri va investitsiya imkoniyatlarining o‘zgarishigacha, uning aniq sababini va hech bo‘lmaganda bu darajani qanday pasaytirishni aniqlash qiyin. Biroq, ushbu maqolaning asosiy maqsadi 5,50 AQSh dollari miqdoridagi qashshoqlik, daromadlar tengsizligi, iqtisodiy o‘shish, boshqaruv, investitsiya muhiti, ta‘lim va nihoyat, Yevropa Ittifoqi va G‘arbiy Bolqonda ishsizlik o‘rtasidagi bog‘liqlikni tahlil qilishdir. Bundan tashqari, biz ushbu omillar qaram o‘zgaruvchiga, ya‘ni qashshoqlikka sezilarli darajada ta‘sir qiladimi yoki yo‘qligini ham kuzatmoqchimiz. Oxirgi maqsad Yevropa Ittifoqi va G‘arbiy Bolqon mamlakatlari o‘rtasidagi taqqoslashni yakunlash uchun asosiy o‘zgaruvchilar, ya‘ni qashshoqlik, daromadlar tengsizligi va iqtisodiy o‘shish o‘rtasida vaqt tendentsiyasi bor-yo‘qligini ko‘rishdir[5].

Ish kuchining past o‘rtacha unumdorligi mehnatga nisbatan kapitalning etishmasligi va qoloq texnologiyadan foydalanish bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Iqtisodiy o‘shishning yuqori sur‘atlari ishlab chiqarish quvvatlarining barqaror o‘shishiga olib kelganda, mehnat unumdorligi oshishi bilan bandlik imkoniyatlari yaratiladi. Bu, o‘z navbatida, ishsizlar va to‘liq band bo‘lmaganlarni ishlab chiqarish darajasi yuqori bo‘lgan iqtisodiy faoliyatni kengaytirishga bosqichma-bosqich singdirish va integratsiyalashuviga imkon beradi. Bu jarayonda kambag‘allar o‘zlarining mavjud kasblarida yuqori mahsuldorlikka erishishlari va daromadlarini oshirishlari yoki yuqori darajadagi ko‘nikmalar va/yoki yaxshi texnologiyani o‘z ichiga olgan yangi kasblarga o‘tishlari mumkin.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida uy xo‘jaliklarining daromadi nafaqat iqtisodiy vaziyatning ko‘rsatkichi, balki iqtisodiy rivojlanish omili hamdir. Bir tomondan, daromadlarning tuzilishi va

darajasi milliy iqtisodiyotning rivojlanish darajasini tavsiflaydi; boshqa tomondan, uy xo‘jaliklarining daromadi samarali talabni belgilaydi, bu esa o‘z navbatida ishlab chiqarishni rag‘batlantiradi va bandlikning oshishiga hissa qo‘shadi. Uy xo‘jaliklari daromadlarining shakllanishi, taqsimlanishi, tuzilishi va yakuniy darajasi ko‘plab omillarga bog‘liq. Ularning asosiylari: iqtisodiy (xususiylashtirish natijalari, professional sohadagi tengsizlik, shahar va qishloq aholisi o‘rtasidagi tengsizlik, soya iqtisodiyotidagi daromadlar, qo‘shimcha bandlikning mavjudligi, uy xo‘jaliklarining iqtisodiy resurslaridan foydalanish tabiati); ijtimoiy (jamiyatda yoki ma‘lum bir faoliyat sohasida ijtimoiy aloqalar va aloqalarning mavjudligi, yaqinlarning qo‘llab-quvvatlashi va boshqalar); shaxsiy omillar (inson kapitali).

Aholi daromadlarining tabaqalanishiga ta‘sir qiluvchi omillar tarkibida quyidagilarni ajratib ko‘rsatish kerak: makro darajadagi omillar (soyali biznesning rivojlanishi; globallashuv jarayonlari; teng mehnat uchun teng haq to‘lash tamoyilining buzilishi; davlat soliq, iqtisodiy va ijtimoiy siyosatining nomukammalligi; daromad keltirishi mumkin bo‘lgan axborot resurslari va iqtisodiy foydalarga teng bo‘lmagan kirish imkoniyati); mezo darajadagi omillar: mintaqalarning iqtisodiy rivojlanish darajasi, mintaqada tabiiy resurslar va biznes imkoniyatlarining turlicha konsentratsiyasi bo‘yicha dastlabki tabaqalanishi; monopolistik korxonalarining mavjudligi; mikro darajadagi omillar: individual qobiliyatlarning tengsizligi; soyali daromadlarning, ortiqcha ish vaqtining, qo‘shimcha bandlikning mavjudligi; inson kapitalining yuqori darajasi; uy xo‘jaligi xarajatlari; shaxs yoki oilaning ko‘chmas mulk va uzoq muddatli tovarlarga egalik qilishi.

Ushbu mexanizm (tizim)ning quyidagi elementlari yoki tarkibiy qismlarini ajratish mumkin: 1) aholi daromadi; 2) yalpi talab; 3) ishchi kuchi taklifi; 4) mehnat resurslari (ishchi kuchi) sifati; 5) bandlik darajasi va tuzilishi. Fikrimizcha, aholi daromadi va bandligining o‘zaro ta‘sirining ikkita yo‘nalishini ajratish mumkin. Birinchidan, daromadning aholi bandligiga ta‘sirini ta‘kidlash kerak. Bu quyidagilarda namoyon bo‘ladi: 1) tovarlar bozorida aholi daromadi samarali talab sifatida ishlaydi, unga ko‘ra tovar ishlab chiqaruvchilar ma‘lum bir tovarni ishlab chiqarishning zarur darajasini va shunga mos ravishda uni ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan bandlik darajasini belgilaydilar; 2) aholi daromadi bandlik tuzilmasidagi o‘zgarishlarga, bandlikning mavjud shakllari va turlariga ta‘sir qiladi; 3) aholi daromadi bandlikning asosiy sub‘ektlari: xodim va ish beruvchining sifat xususiyatlariga ta‘sir qiladi (sog‘liq, malaka oshirish imkoniyati, yaxshi dam olish, bu esa o‘z navbatida inson kapitali sifatini belgilaydi). Fikrimizcha, yuqorida aytilganlarning barchasini aholi tomonidan olingan daromadning bandlikka ta‘sirining miqdoriy, tarkibiy va sifat xususiyatlarining mavjudligi sifatida aniqlash mumkin.

Ikkinchidan, aholi daromadlariga bandlikning ma‘lum darajada ta‘siri mavjud. Bu asosan bandlik sohasi, shakli va turi mehnat faoliyati bilan shug‘ullanuvchi aholi daromadlarining hajmi va tuzilishini belgilashida namoyon bo‘ladi. Aholi daromadlarining o‘sishi bilan quyidagilar kuzatiladi: 1) ishchi kuchi taklifining pasayishi; 2) ishchi kuchi sifatiga (ta‘lim, malaka va boshqalar) talablarning oshishi; 3) ishchi kuchi sifatining oshishi; 4) ishchi kuchiga talabning oshishi; 5) ish o‘rinlari sifatiga talablarning oshishi; 6) mehnat unumdorligining oshishi; 7) ikkilamchi va yashirin bandlik darajasining pasayishi; 8) ta‘limga talabning oshishi; 9) bandlikning tarmoq va mintaqaviy tuzilmasining o‘zgarishi. Aholi daromadlarining kamayishi bilan quyidagilar kuzatiladi: 1) ishchi kuchi taklifining oshishi; 2) ish o‘rinlari sifatiga talablarning pasayishi; 3) ishchi kuchiga umumiy talabning pasayishi; 4) ishchi kuchi sifatining pasayishi; 5) arzon, malakasiz ishchi kuchiga talabning oshishi; 6) mehnat unumdorligining pasayishi; 7) yashirin va ikkilamchi bandlikning ko‘payishi; 8) bandlikning tarmoq va mintaqaviy tuzilmasining o‘zgarishi; 9) ta‘limga talabning pasayishi.

Mehnat unumdorligining o‘sishi real ish haqi va iste‘molni oshirishning zaruriy shartidir. Mikro va makro darajada mehnat unumdorligini turli vositalar orqali oshirish mumkin: asosiy kapitalga investitsiyalarni ko‘paytirish, infratuzilmani yaxshilash, tarkibiy o‘zgarishlar, innovatsiya va texnologiyalarni joriy etish, yanada muvaffaqiyatli biznes strategiyalarini qo‘llash, ishchilarning ta‘limi va ko‘nikmalarini oshirish, ishchilarning sog‘lig‘i va xavfsizligini yaxshilash hamda ishlab chiqarish jarayonida yanada samarali ijtimoiy muloqotni yaratish[6]. Uy xo‘jaliklari daromadini yaratish jarayoni ikki bosqichda sodir bo‘ladi: birinchi bosqichda ishlab chiqarish omillarining o‘zaro ta‘siri orqali yangi qiymat yaratiladi; ikkinchi bosqichda bu yangi yaratilgan qiymat mulkiy

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 11-son 2025 yil*

munosabatlar asosida, ya’ni ishlab chiqarish omillariga muvofiq taqsimlanadi. Davlat byudjeti orqali amalga oshiriladigan daromadlarni qayta taqsimlash uy xo‘jaliklari daromadlarini yakunlash jarayonini yakunlaydi.

Minimal ish haqining oshirilishi nafaqat daromadning oshishini ta’minlash chorasi sifatida, balki mehnat unumdorligini oshirishga turtki sifatida ham qaralishi kerak, chunki ishchilarga ish haqining har qanday o‘shishi muqarrar ravishda mahsulot ishlab chiqarishning o‘shishi bilan birga bo‘lishi kerak. Agar ish haqi va shuning uchun ishlab chiqarish xarajatlari oshsa, unda mahsulot ishlab chiqarish ham oshishi kerak.

Aks holda, qo‘shimcha ishchi kompaniya uchun zarar keltiradi. Mahsulot ishlab chiqarishning o‘shishi mehnat unumdorligining oshishi bilan ta’minlanadi. Natijada, ishchilar ish haqining oshishi mehnat unumdorligi me’yorini oshiradi, kompaniyaning qo‘shimcha ishchi kuchini jalb qilish qobiliyatini iqtisodiy jihatdan cheklaydi va shu bilan kompaniya menejerlarini mehnatdan samaraliroq foydalanishga undaydi. Shu bilan birga, ishlab chiqarish samaradorligining oshishiga ta’sir qiluvchi boshqa omillar ham samaraliroq bo‘ladi. Xususan, ish haqining oshishi ishchilarning unumdorlikni oshirishga bo‘lgan ishtiyoqini kuchaytiradi va kompaniya rahbariyati mehnatni texnologiya bilan almashtirishga undaladi, bu esa o‘z navbatida barcha resurslar unumdorligining yanada o‘shishini ta’minlaydi.

Ishlab chiqarish omili sifatida mehnat uchun to‘lov bo‘lgan ish haqi uy xo‘jaliklari daromadlari tarkibida muhim rol o‘ynaydi. Ular xodimlar uchun eng muhim daromad shakli va samarali mehnat uchun rag‘batlantiruvchi omil hisoblanadi.

1-jadval ma’lumotlari bo‘yicha aytish mumkinki, Andijon viloyati mehnat resurslarini bandlik ko‘rsatkichi respublika o‘rtacha bandlik ko‘rsatkichidan yuqori, lekin o‘rtacha oylik ish haqi respublika ko‘rsatkichidan past miqdorda. Sababi Andijon viloyatidagi ish bilan bandlarning umumiy o‘rtacha mehnati yuqori salohiyatli emas.

Ishchi kuchi salohiyati oshishi bilan shaxsning ish bilan ta’minlanish darajasi va mehnat samaradorligi ortadi. Bu o‘z navbatida shaxsiy va oilaviy daromadlarni ko‘paytirib, kambag‘allik darajasini pasaytiradi.

1-jadval

O‘zbekiston respublikasi va Andijon viloyati bo‘yicha o‘rtacha oylik ish haqi[7]

Ko‘rsatkichlar/yil	2020	2021	2022	2023	2024
O‘zbekiston respublikasi bo‘yicha. o‘rtacha oylik ish haqi	2227141	2262003	3204301	3799614	4404168
Andijon viloyati o‘rtacha ish xaqi	1939863	2248201	2804454	3260316	3782163
O‘zbekiston respublikasi bo‘yicha Mehnat resurslari bandligi. %	66	67	67.2	67.9	68.3
Andijon viloyati bo‘yicha %	66.5	68.2	69.5	70.6	70.2

Ma’lum qilinishicha, bugungi kunda respublika bo‘yicha 1 million 307 ming 800 ta kambag‘al oila mavjud bo‘lib, O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi 14,1 foizni tashkil qilmoqda. O‘tgan yili bu ko‘rsatkich 17 foiz bo‘lgan bo‘lsa, shu yil yakuniga qadar kambag‘allik darajasini 12 foizga (1 million 180 ming oila) qadar tushirib, 130 mingga yaqin oilani kambag‘allikdan chiqarish reja qilingan[7].

Statistikaga ko‘ra, mamlakat bo‘yicha kambag‘allik darajasi eng past bo‘lgan hududlar Toshkent shahri (8,5 foiz), Navoiy (9,2 foiz), Andijon va Farg‘ona viloyatlari (11,6 foiz) hisoblanadi. Qoraqalpog‘iston Respublikasi (19,7 foiz), Sirdaryo (19,5 foiz) va Xorazm (19,1) viloyatlari esa aksincha, kambag‘al oilalar nisbatan ko‘proq bo‘lgan hududlar sifatida tasniflangan[7].

So‘nggi yillarda mamlakatimizda kasbiy ta’limni rivojlantirish, qayta tayyorlash kurslari tashkil etish va yoshlarni ish bilan ta’minlashga qaratilgan davlat dasturlari amalga oshirilmoqda.

Jumladan, “Yoshlar daftari”, “Ayollar daftari” va “Temir daftar” tizimlari orqali aholining mehnat bozorida faolligi oshirilmoqda[1].

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.09.2024 йилдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ-143-сон Фармони.
2. Raimi, L.; Akhmemonkhan, I.; Ogunjirin, O.D. Corporate Social Responsibility and Entrepreneurship (CSRE): Antidotes to poverty, insecurity and underdevelopment in Nigeria. *Soc. Responsib. J.* 2015, 11, 56–81. [[Google Scholar](#)] [[CrossRef](#)]
3. World Bank (2024) – *India Overview: Development news, research*
4. Lorena, I.P.; Florin, R.; Iuliana, T.A. Needs of Local Sustainable Development. *Ann. Fac. Econ.* 2011, 1, 91–97. [[Google Scholar](#)]
5. Bourguignon, F.; Morisson, C. *Adjustment and Equity in Developing Countries: A New Approach*; OECD Development Centre: Paris, France, 1992; pp. 109–111. [[Google Scholar](#)]
6. Bhushan K. Impact of Globalization on human resource management // *The Journal of international management studies.* 2011. Vol. 6, No. 1 [Электронный ресурс]. URL:<http://www.jimsjournal.org/6%20Bhushan%20Kapoor.pdf> (дата обращения: 17.12.2015)
7. <https://stat.uz/uz/ma'lumotlari/asosida/hisoblandi>

UDK: 338.2

**O‘ZBEKISTONDA MAKROIQTISODIY MUVOZANATNI TA‘MINLASHNING
USTUVOR YO‘NALISHLARI**

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОГО РАВНОВЕСИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**PRIORITY DIRECTIONS FOR ENSURING MACROECONOMIC BALANCE IN
UZBEKISTAN**

Madrahimov Ulug‘bek Abduxalilovich
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Annotatsiya

Mazkur maqolada O‘zbekistonda makroiqtisodiy muvozanatni ta‘minlashning ustuvor yo‘nalishlari, ularning nazariy asoslari va amaliy mexanizmlari yoritiladi. Tahlillar fiskal, monetar va institutsional siyosat choralarining iqtisodiy barqarorlikka ta‘sirini o‘rganishga qaratilgan, bo‘lib, mamlakatda barqaror o‘shishni ta‘minlash bo‘yicha taklif va tavsiyalarni shakllantiradi.

Kalit so‘zlar: makroiqtisodiy muvozanat, pul-kredit siyosati, fiskal siyosat, inflyatsiya, iqtisodiy o‘shish, institutsional islohotlar, investitsiya, iqtisodiy barqarorlik.

В данной статье раскрываются приоритетные направления обеспечения макроэкономического равновесия в Узбекистане, их теоретические основы и практические механизмы. Анализ направлен на изучение влияния фискальных, монетарных и институциональных мер политики на экономическую стабильность, а также формирование предложений и рекомендаций по обеспечению устойчивого экономического роста в стране.

Ключевые слова: макроэкономическое равновесие, денежно-кредитная политика, фискальная политика, инфляция, экономический рост, институциональные реформы, инвестиции, экономическая стабильность

This article highlights the priority directions for ensuring macroeconomic balance in Uzbekistan, along with their theoretical foundations and practical mechanisms. The analysis focuses on examining the impact of fiscal, monetary, and institutional policy measures on economic stability and on formulating proposals and recommendations aimed at ensuring sustainable economic growth in the country.

Keywords: macroeconomic balance, monetary policy, fiscal policy, inflation, economic growth, institutional reforms, investment, economic stability

Mamlakatda ishlab chiqarilayotgan tovar va xizmatlarning o‘z vaqtida realizatsiya qilinishi uchun yalpi talabning yetarliligi muhim ahamiyatga ega. Ya’ni, yalpi talabning hajmi doimiy ravishda yalpi taklif yoki YAIMning o‘shish yo‘nalishini belgilab beradi. Shu bilan birga, iqtisodiyotda yalpi talab va yalpi taklifning muvozanatini ta’minlash murakkab ijtimoiy-iqtisodiy jarayon bo‘lib, har bir milliy iqtisodiy tizim ushbu holatni ta’minlashga harakat qiladi.

Makroiqtisodiy muvozanat – bu milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va iqtisodiy o‘shishni ta’minlovchi eng muhim shartlardan biridir. U ishlab chiqarish, investitsiyalar, inflyatsiya, pul-kredit siyosati va tashqi savdo kabi asosiy iqtisodiy ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi muvozanatni saqlash orqali iqtisodiyotning uzoq muddatli barqarorligini kafolatlaydi. So‘nggi yillarda O‘zbekistonda iqtisodiy o‘shish sur‘atlari oshgani, struktura islohotlari va investitsion faollikning kengayishi mamlakat iqtisodiy muvozanatini ta’minlash muammolarini yanada dolzarb qilmoqda.

Milliy iqtisodiyotning sezilarli darajada global iqtisodiy jarayonlarga bog‘liqligi, tashqi bozor shoklari va narxlar o‘zgarishiga sezgirligi makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlash masalasini strategik darajaga ko‘taradi. Ayniqsa, inflyatsiya darajasini nazorat qilish, valyuta kursining barqarorligini ta’minlash, fiskal va monetar siyosatni muvofiqlashtirish, shuningdek, ichki va tashqi investitsiyalarni samarali yo‘naltirish bugungi kunda ahamiyati yuqori. O‘zbekistonda makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlashning ustuvor yo‘nalishlari, shuningdek, iqtisodiy barqarorlikni oshirish va ijtimoiy rivojlanishni rag‘batlantirishga xizmat qiladi. Bular orasida milliy valyuta kursini mustahkamlash, inflyatsiyani nazorat qilish, byudjet siyosatini samarali boshqarish, investitsiyalarni rag‘batlantirish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish kabi chora-tadbirlar alohida ahamiyatga ega. Shu nuqtai nazardan, mazkur mavzu nafaqat iqtisodiy nazariya va siyosatni o‘rganish uchun, balki amaliy iqtisodiy rivojlanish strategiyasini ishlab chiqishda ham katta ahamiyat kasb etadi.

Shu bilan birga, makroiqtisodiy muvozanatni saqlash orqali mamlakatning tashqi qarz majburiyatlari, valyuta rezervlari va ichki moliyaviy resurslaridan samarali foydalanish imkoniyati oshadi. Bu esa iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash, sarmoyadorlar ishonchini oshirish va aholining hayot darajasini yaxshilash uchun zarur shart-sharoit yaratadi. Shu bois, O‘zbekistonda makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlashning ustuvor yo‘nalishlarini o‘rganish va amalga oshirish bugungi iqtisodiy vaziyatda juda dolzarb va strategik ahamiyatga ega.

Odatda, iqtisodiy o‘shishni rag‘batlantirishda yalpi talabni oshirish alohida ahamiyat kasb etadi. Bu esa iqtisodiy o‘shishning yalpi talab tarkibini tahliliy jihatdan o‘rganishni va uning tarkibiy ko‘rsatkichlarini oshirish hamda rivojlantirishga e’tibor qaratishni talab etadi. Ushbu jarayon

davlatning tegishli makroiqtisodiy siyosatlaridan biri - fiskal yoki monetar siyosat orqali amalga oshiriladi.

Bugungi kunda O‘zbekiston iqtisodiyoti uchun yalpi talabni rag‘batlantirish muhim, chunki u orqali ish bilan bandlik darajasi oshadi. Shuningdek, O‘zbekiston iqtisodiyotida yalpi talab omillari bilan birga yalpi taklif omillariga ham alohida e‘tibor qaratish zarur. Yalpi taklif omillari tarkibidagi bir qator elementlar iqtisodiyotning samarali ishlashi va raqobatbardoshligida muhim manba hisoblanadi. Masalan, mehnat omili iqtisodiyotni texnika va texnologiya taraqqiyoti bilan ta‘minlovchi asosiy faktor bo‘lib, uning aqliy salohiyati ixtirolar va yangi g‘oyalarni ishlab chiqarishga olib kiradi, natijada yangi texnika va texnologiyalarni joriy etish imkonini yaratadi.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, inson omilini rivojlantirish uchun ta‘lim darajasiga e‘tibor qaratish muhim, chunki ta‘lim darajasi va iqtisodiy o‘shish o‘rtasida bevosita bog‘liqlik mavjud. Zamonaviy iqtisodiy o‘shish nazariyalarida ishlab chiqarish jarayonida energiya va xom ashyo sifati asosiy omil sifatida ko‘rilmaydi; asosiy ahamiyat inson mehnati orqali ishlab chiqarilgan axborotning mahsulot holiga keltirilishi va iste‘mol qilinishiga beriladi. Axborotlar miqdor va sifat jihatidan ekstensiv va intensiv shaklda ko‘riladi. Ya‘ni, yangi texnologiyalar yaratishga qaratilgan sifatli axborot intensiv axborot hisoblanadi. Axborot yaratish tizimini davlat tomonidan tartibga solish ishlab chiqarishning texnologik tarkibini boshqarish bilan bog‘liq bo‘lib, milliy iqtisodiyotning texnik-iqtisodiy rivojlanishiga asos yaratadi.

Shu bilan birga, mamlakatda real holatni aniqlash, ya‘ni yalpi talab va taklif hajmlarini o‘rganish, taqchil omillarni aniqlash va shu asosda taklif va tavsiyalar ishlab chiqish muhimdir.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston iqtisodiyoti 1996–2024-yillar oralig‘ida yalpi talab va yalpi taklif omillari asosida ikki asosiy bosqichga ajraladi. Birinchi bosqich 1996–2001-yillarni qamrab olib, iqtisodiyotda asosan **yalpi taklif taqchilligi** kuzatilgan davr sifatida ajralib turadi. Bu davrda yalpi taklif omili iqtisodiy tebranuvchanlikka sabab bo‘lgan: eng past qiymat 1997-yilda 1,8 birlikni tashkil qilgan bo‘lsa, eng yuqori qiymat 1998-yilda 6 birlikni tashkil qilgan. 1997-yildagi past ko‘rsatkich, asosan 1996-yildagi iqtisodiy o‘shish sur‘ati 1,7% dan 5,2% ga oshgani bilan izohlanadi. Ya‘ni, iqtisodiyotda talabning oshishi taklifni qisman yetishmovchilikka olib kelgan. Shu bilan birga, 1998-yildagi yuqori ko‘rsatkich global iqtisodiy inqiroz, xususan, Jahon iqtisodiy inqirozi bilan bog‘liq bo‘lib, ichki ishlab chiqarishning yetishmovchiligini yanada kuchaytirgan. Umumiy holda, 1996–2001-yillarda yalpi taklif taqchilligi 21,1 birlikni tashkil etgan va o‘rtacha qiymati 3,52 birlikni tashkil qilgan. Bu davr ichki ishlab chiqarish imkoniyatlarining cheklanganligi, investitsiyalarning pastligi va modernizatsiya darajasining pastligi bilan izohlanadi.

Ikkinchi bosqich 2002–2024-yillarni qamrab olib, iqtisodiyotni **yalpi talab taqchilligi** xarakterlaydi. Bu davrda talab taqchilligi 2002–2007-yillarda 2,6 birlikdan 22,8 birlikgacha oshgan, keyinchalik esa pasayish tendensiyasi kuzatilgan va 2022–2023-yillarda 7–9 birlik darajasiga yetgan. 2008-yildagi jahon moliyaviy-iqtisodiy inqiroz esa talabning qisqarishiga sabab bo‘lgan bo‘lsa, keyingi yillarda ichki va tashqi talabni rag‘batlantiruvchi fiskal va monetar siyosatlar orqali barqarorlikni ta‘minlashga harakat qilingan. Shu davrda yalpi talab taqchilligining o‘rtacha qiymati 12,8 birlikni tashkil etgan.

Tahlil shuni ko‘rsatadiki, 2001-yildan boshlab yalpi talab va taklif omillari o‘rtasidagi nomuvofiqlik asta-sekin bartaraf etilgan. Natijada YAIMning real hajmi 1990-yildagi darajaga yetib, iqtisodiy o‘shish barqaror sur‘atga ko‘tarilgan. Ayniqsa, 1991–1995-yillardagi YAIMning pasayishi 2001-yilda qoplanib, mamlakat iqtisodiyotida **ijobiy davr boshlanishi** uchun asos yaratgan. Ushbu tendensiyalarni shakllantirgan asosiy omillar qatoriga quyidagilar kiradi: ichki investitsiyalar hajmi va samaradorligi, ishlab chiqarish quvvatlarining kengayishi, ishbilarmonlik muhitining

yaxshilanishi, inflyatsiya darajasi va pul-kredit siyosatining barqarorligi, shuningdek, tashqi savdo va eksport salohiyatining o‘shishi.

Shu bilan birga, ichki omillarga quyidagilar ham ta’sir qilgan: texnologik yangilanish darajasi, xomashyo yetkazib berishdagi uzilishlar, ishlab chiqarish jarayonlarining samaradorligi va mehnat unumdorligi. Tashqi omillar esa global iqtisodiy sharoitlar, jahon moliya bozorlaridagi tebranishlar, tashqi talab o‘zgarishi va xorijiy investitsiya oqimlari bilan belgilanadi. Bu davrda iqtisodiy o‘shishning barqarorligi ko‘proq ichki ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish va investitsiyalarni samarali yo‘naltirish orqali ta’minlangan.

Natijada, O‘zbekiston iqtisodiyoti 1996–2024-yillarda makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlash va o‘shishni rag‘batlantirish nuqtai nazaridan ikki bosqichli o‘zgarishlarni boshdan kechirgan. Ushbu o‘zgarishlar iqtisodiy o‘shish sur‘atini shakllantiruvchi ichki va tashqi omillarning o‘zaro ta’sirini ko‘rsatadi hamda kelajakda siyosat va strategik qarorlar qabul qilish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

Birinchi bosqichning xususiyati salbiy va ijobiy omillarda namoyon bo‘ladi: ishlab chiqarish o‘shishi ijobiy, lekin uning omillari samaradorligi past. Bu davr ishlab chiqarishning pasayishi, ishsizlik va kapital taqchilligi kabi holatlarni asta-sekin ijobiylashuvi bilan izohlanadi. Shu bilan birga, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar mavjud kapitalni ishga tushirishga sarflangan, yangi texnologiyalarga asoslangan qo‘shma korxonalar kengaygan.

1996–2001-yillar davrida O‘zbekiston iqtisodiyotida **yalpi investitsiyalardagi xorijiy investitsiyalar ulushi** o‘rtacha 21,2% ni tashkil qilgan bo‘lsa, to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ulushi faqat 4,5% darajasida bo‘lgan. Bu davr ichida ichki iqtisodiy barqarorlik pastligi, investitsion muhitning rivojlanmaganligi va texnologik modernizatsiya darajasining cheklanganligi sababli chet el investorlarini jalb qilish imkoniyati nisbatan past bo‘lgan. Shu bilan birga, ichki ishbilarmonlik muhitining yetarlicha rivojlanmaganligi va moliyaviy institutlarning rivojlanishi cheklanganligi ham xorijiy kapitalning past ulushida aks etgan. Bu davrda yalpi taklif taqchilligi iqtisodiyotning investitsion salohiyatini cheklab, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga imkon bermagan.

2002–2024-yillar davrida vaziyat tubdan o‘zgardi. Yalpi investitsiyalardagi umumiy ulush 56,7% ga, xorijiy investitsiyalar ulushi esa 35,8% darajasiga yetdi. Bu o‘shishning asosiy omillari quyidagilardan iborat:

1. **Iqtisodiy va siyosiy islohotlar** – ichki investitsion muhitni yaxshilashga qaratilgan fiskal va monetar siyosatlar, soliq va kredit qulayliklari, shuningdek, biznesni qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari.

2. **Xorijiy investitsiyalarni jalb qilish choralari** – maxsus iqtisodiy zonalar, tashqi investitsiya kafolatlari va xorijiy investorlar uchun soddalashtirilgan tartiblar.

3. **Texnologik yangilanish va ishlab chiqarish modernizatsiyasi** – ichki korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, eksport salohiyatini kengaytirish va raqobatbardosh mahsulotlarni yaratish.

4. **Global iqtisodiy sharoitlarning qulayligi** – 2000-yillarning boshlarida jahon iqtisodiyotining barqaror o‘shishi, tashqi talabning oshishi va investitsiya oqimlarining ko‘payishi.

Shuningdek, **ish bilan bandlik darajasi** 1996–2001-yillarda o‘rtacha 1,3% bo‘lgan bo‘lsa, 2002–2023-yillarda u o‘rtacha 2,3% ga ko‘tarilgan. Oxirgi yillarda ish bilan bandlik darajasi 2,7–3% oralig‘ida bo‘lib, iqtisodiy faollikning oshganini ko‘rsatadi. Bandlik darajasining o‘shishiga quyidagi omillar ta’sir qilgan:

- **Investitsiya hajmining oshishi** – ishlab chiqarish quvvatlarining kengayishi va yangi korxonalar tashkil etilishi.

- **Ichki talabning o‘shishi** – iqtisodiy o‘shish bilan birga ish bilan ta’minlash darajasi oshgan.

- **Ishbilarmonlik muhitining yaxshilanishi** – xususiy sektorning rivojlanishi, kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash, shuningdek, bandlikni rag‘batlantiruvchi siyosatlar.

• **Sektorlararo o‘zgarishlar** – sanoat, xizmat ko‘rsatish va qurilish sohalarida ish o‘rinlari ko‘payishi.

Umumiy tahlil shuni ko‘rsatadiki, 2002–2024-yillar davrida O‘zbekiston iqtisodiyoti ichki va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish, ish bilan bandlikni oshirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlashga muvaffaq bo‘lgan. Shu bilan birga, bu jarayon global iqtisodiy sharoitlar va ichki siyosiy-iqtisodiy islohotlar bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, yalpi talab va taklifni uyg‘unlashtirish orqali YAIMning real hajmini oshirish imkonini yaratgan.

Yangi texnologiyalar joriy etilishi mehnat unumdorligi va kapital qaytimi oshishiga olib keldi. Natijada ishlab chiqarilgan tovar va xizmatlar realizatsiyasi ortdi, zahiralar kamaydi, ishlab chiqarish iste‘mol dan ortdi. Shu bilan birga, yalpi talab taqchilligi oshishi ham muhim, chunki iste‘mol talabdan past bo‘lsa, mahsulot realizatsiyasi va ishlab chiqarish pasayishi mumkin.

Shu bois iqtisodiyotda yalpi talabni rag‘batlantirish uchun quyidagi chora-tadbirlar taklif etiladi:

• eksportbop va import o‘rnini bosuvchi tovar hamda xizmat ishlab chiqaruvchilarga imtiyozlarni kengaytirish;

- mehnatni moddiy rag‘batlantirishni oshirish;
- ipoteka va iste‘mol kreditlarini soddalashtirish va kengaytirish;
- tabiiy monopol ishlab chiqaruvchilar tovar va xizmat narxlarini pasaytirish;
- davlatning ishlab chiqarishni rivojlantirishga qaratilgan xarajatlarini oshirish;
- monetizatsiya darajasini oshirish orqali daromad va xarajatlarni doiraviy aylanishini tezlashtirish;

• inflyatsiyani barqaror darajada ushlab turishga qaratilgan monetar siyosatni qo‘llash;

• korxonalarining asosiy kapitalga investitsiyalarini soliq imtiyozlari orqali rag‘batlantirish;

• aholining jamg‘armalarini iqtisodiyotga jalb qilishni rag‘batlantirish, tijorat banklarida yuqori foiz stavkalarini tatbiq etish;

- qishloqlarda kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqali ish bilan bandlikni oshirish;
- yalpi talabni oshirishda samaradorlik va daromadlarni oshirishga e‘tibor qaratish.

Shunday qilib, aholining iste‘moli o‘sishi yalpi talab taqchilligini kamaytiradi. Yalpi talab tarkibida asosiy ulush iste‘molga tegishli bo‘lib, u davlat va xususiy iste‘molga ajraladi. Qolgan qismi yalpi jamg‘armaga tegishli bo‘lib, kapital o‘sishi va milliy investitsiyalarni oshirishni ta‘minlaydi. Iste‘mol va jamg‘armani samarali boshqarish barqaror iqtisodiy o‘shish va uning sifatini oshirishga olib keladi

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Стрижкова Л. Факторы экономического роста // Экономист. -М.: 2004, №6. с.7-13.
2. Hanushek, Eric A and Dennis D. Kimko. 2000. “Schooling, Labor-Force Quality, and the Growth of Nations” The American Economic Review 90(5): 1184-208.
3. Инновации и экономический рост / Колл. авт. Отв. ред. Микульский К.. - М.: Наука, 2002. С. 40.
4. Инновации и экономический рост / Колл. авт. Отв. ред. Микульский К.. - М.: Наука, 2002. С. 46.
5. Губанов С. Новая целевая задача и условия ее решения // Экономист. -М.: 2008, №3. с.3-21.

JAHON BOZOR IQTISODIYOTIDA ISHLAB CHIQUARISH XARAJATLARINI
TARTIBGA SOLISHNING NAZARIY JIHATLARI

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИЗДЕРЖЕК НА
ПРОИЗВОДСТВО В МИРОВОЙ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ

THEORETICAL ASPECTS OF REGULATING PRODUCTION COSTS IN GLOBAL
MARKET ECONOMY

Turebekov Anvarbek Adilbekovich

Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti professori, i.f.n.

Annotasiya

Mazkur maqolada ishlab chiqarish xarajatlari tushunchasining iqtisodiy nazariyada shakllanishi va rivojlanishi klassik hamda neoklassik iqtisodiy maktab vakillari qarashlari asosida tahlil qilingan. Tadqiqotda Ksenofont va Aristotelning almashuv, qiymat va tovarlar tengligiga oid g‘oyalari, A. Smit va D. Rikardoning mehnat qiymat nazariyasi hamda nisbiy ishlab chiqarish xarajatlari konsepsiyasi yoritilgan. Shuningdek, neoklassik iqtisodiy maktab vakillari, jumladan A. Marshall tomonidan taklif etilgan mikroiqtisodiy yondashuvlar zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar faoliyati samaradorligini oshirishda muhim ahamiyatga ega ekanligi asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: ishlab chiqarish xarajatlari, qiymat nazariyasi, mehnat qiymati, kapital xarajatlari, klassik iqtisodiy maktab, neoklassik iqtisodiy maktab, doimiy va o‘zgaruvchan xarajatlar, mahsulot tannarxi.

В данной статье анализируется формирование и развитие понятия производственных затрат в экономической теории на основе взглядов представителей классической и неоклассической экономических школ. В исследовании освещены идеи Ксенофонта и Аристотеля об обмене, стоимости и равенстве товаров, теория стоимости труда А. Смита и Д. Рикардо, а также концепция относительных издержек производства. Также обосновано, что микроэкономические подходы, предложенные представителями неоклассической экономической школы, в том числе А. Маршаллом, имеют важное значение в повышении эффективности деятельности предприятий в условиях современной рыночной экономики.

Ключевые слова: издержки производства, теория стоимости, стоимость труда, капитальные затраты, классическая экономическая школа, неоклассическая экономическая школа, постоянные и переменные издержки, себестоимость продукции.

This article analyses the formation and development of the concept of production costs in economic theory based on the views of representatives of the classical and neoclassical economic schools. The study highlights the ideas of Xenophon and Aristotle on exchange, value and equality of goods, the theory of labour value by A. Smith and D. Ricardo, as well as the concept of relative production costs. It also substantiates that microeconomic approaches proposed by representatives of the neoclassical economic school, including A. Marshall, are important in improving the efficiency of enterprises in the modern market economy.

Keywords: production costs, theory of value, labour value, capital costs, classical economic school, neoclassical economic school, fixed and variable costs, production cost.

Ksenofont quyidagi fikrlarni bildirgan: “Agarda pul ishlab chiqarish xarajatlari tariqasida xo‘jalikdan to‘liq ketsa, ishlab chiqarish jarayoni talabga javob bermagan holda bo‘lsa”, kirish xarajatning bajarilishini ta‘minlamasa, bu holatning aqli joyi yo‘q. “Kirish xarajatlarini bajarsa”, yetishmovchilik yuzaga keladi [1],- deb hisoblagan. Aristotel o‘zining ilmiy ishlarida ishlab chiqarish

xarajatlarini o‘rgangan holda u almashuv, qiymat va pul iqtisodiy ko‘rsatkichlarning iqtisodiy mohiyatlarini o‘rgangan. U almashuv tovarlari qaysidir darajada teng bo‘lishi va almashuv savdo xodimlarining ko‘rgan ziyonini qoplashi lozimligini aytib o‘tgan. Uning fikricha tovarlar tengligisiz ularning almashuvini sotuvchi ziyoniga qoplab bo‘lmaydi,- deb hisoblagan.

Kapitalistik sinfiy siyosiy iqtisod vakillaridan A.Smit [2] va D.Rikardo [3] ilmiy ishlamlarida mehnat qiymat nazariyasi ko‘rib chiqilgan. Adam Smit qiymatni mehnat yaratadi, tovarlarning almashuv jarayoni esa ishlab chiqarilgan tovarlarga ishlab chiqarish jarayonida sarflangan mehnat darajasiga bog‘liq deb hisoblagan. A.Smit tomonidan birinchi marotaba mehnat tovar qiymatini ifoda etuvchi manba ekanligi ko‘rsatib berilgan va absolyut ishlab chiqarish xarajatlari tushunchasi iqtisodiy nazariyaga kiritilgan.

A. Smit shunday degan:

«Agar qaysidir xorijiy mamlakat o‘z tovarlarini bizning ishlab chiqarishimizga nisbatan arzonroq narxda ishlab chiqara olsa, u holda biz ulardan muayyan qismini xarid qilishimiz kerak, va bu orqali esa o‘zimiz ustunlikka ega bo‘lgan sohalarda sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishni rivojlantirishimiz zarur».

Sinfiy iqtisod vakili bo‘lgan D.Rikardo ishlab chiqarish xarajatlarini taqqoslash muallifi bo‘lib, u ikki tovarni nisbiy ishlab chiqarish xarajatlari taxminan unga sarflangan mehnat tenglik nisbatida bo‘lib, har biriga sarflangan mehnat boshidan to oxirigacha sarflangan mehnatga mos keladi, deb hisoblaydi.

Sinfiy kapitalizm vakillari ishlab chiqarish xarajatlari tushunchasini mahsulot birligini ishlab chiqarishga sarflangan ijtimoiy ishlab chiqarish xarajatlari deb tushunganlar. Ular ishlab chiqarish xarajatlarini tovar renta to‘lovini e‘tiborga olgan holda ishlab chiqarish narxini belgilaganlar. Ishlab chiqarish xarajatlarining marksistik nazariyasi yuzaga kelishi natijasida iqtisodiyot fanida ishlab chiqarish xarajatlari to‘g‘risida ikki xil yondashuv, ya‘ni mehnat nazariyasi va bozor nazariyasi yuzaga keldi.

Jaxon iqtisodiyoti nazariyasiga asoslangan holda ishlab chiqarish jarayonida ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil qilishda bu ishlab chiqarish xarajatlarining ikki tomonini ko‘rib, uni moddiy buyumlashgan va ijtimoiy xarajatni ko‘rsatib bergan. Moddiy buyumlashgan ishlab chiqarish xarajatlari birinchidan ishlab chiqarish omili sifatida ishlab chiqarish munosabatlariga bog‘liq bo‘lmagan omil hisoblanadi. Ikkinchi tomondan ishlab chiqarish xarajatlari ishlab chiqarish munosabatlari xususiyatlari ijtimoiy-iqtisodiy tizim holatini bozor iqtisodiyoti sharoitida turli mulkchilik shakllariga asoslangan ishlab chiqarish shakllarini ifoda etsada, ularda ishlab chiqarilgan mahsulot shakllari jamiyat miqyosida ijtimoiy mahsulotni ifoda etadi.

Birinchidan harakatdagi ishlab chiqarish xarajatlari bu ishlab chiqarishdagi xarajatlar qiymat shaklida bo‘lgan holda ishlab chiqarish asosiy vositalari va uni ishlab chiqarishga sarflangan inson mehnatining ishlab chiqarish uchun sarflangan buyumlashgan ishlab chiqarish mablag‘larini ifoda etadi.

Inson mehnati ishlab chiqarish xarajatlarini ishlab chiqarishga har qanday ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish uchun zarur bo‘lgan ishlab chiqarish vositasi va xomashyolarini ishlab chiqarishda foydalaniladi. K.Marks tomonidan ishlab chiqarish jarayonida kapitalistik ishlab chiqarish xarajatlarini kapital xarajati sifatida ko‘rgan. U kapitalistik ishlab chiqarish xarajatlarini bo‘lgan tovarni uni tovar qiymatining bir qismi, qaysiki tovar qiymatini ishlab chiqarish xarajatlarini qoplaydigan va ishchi kuchlarini xarid qilib olish xarajatlarini qoplaydi, deb hisoblagan. K.Marks tomonidan ishlab chiqarish xarajatlarini iqtisodiy kategoriya sifatida qoplashi asosida u uni qiymat shaklida korxonada ishlab chiqarish xarajatlarini pul shaklida ko‘rish asosida barcha ishlab chiqarish xarajatlari hajmini aniqlash va oddiy ishlab chiqarish jarayonini qayta tashkil etish uchun ishlab chiqarish xarajatlarini pul hajmida aniqlash zarurligini ko‘rsatib bergan [4]. K.Marks tomonidan taklif etilgan ishlab chiqarish xarajatlari bu tartiblashtirilgan nazariya deb hisoblaydi A.M.Fabrichnov [5].

Ishlab chiqarish xarajatlari iqtisodchi olimlardan A.Marshall, Dj, Klark, V.Pareto va boshqa olimlar tomonidan o‘rganilgan. Ularning ishlab chiqarish xarajatlarini ishlab chiqarish jarayonidagi iqtisodiy mohiyatlari to‘g‘risida hozirgi zamon ilm-fan taraqqiyotlariga bag‘ishlangan ilmiy ishlarda ko‘rish mumkin. Bu iqtisodchilarning ishlab chiqarish xarajatlari nosinfiy qarash bo‘lib, uni ishlab

chiqarish jarayonining asosiy obyekti bo‘lgan moddiy ishlab chiqarish jarayoni nosinfiiy nuqtai nazaridan o‘rganib, ishlab chiqarish xarajatlarini ishlab chiqarish subyektlari bo‘lgan kichik biznes ishlab chiqarish korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlarini tashkiliy va iqtisodiy tahlil qilish asosida ularni ishlab chiqarish hajmi va tovar narxlari bilan bog‘liqliklarini iqtisodiy tahlil qilganlar.

Qayd etilgan ishlab chiqarish subyektlari ishlab chiqarish xarajatlari ana shu korxonalar asosida tashkiliy va iqtisodiy ishlab chiqarishni tashkil etish va olib borishni tahlil qilib bormoqdalar. Ishlab chiqarish xarajatlariga talab ishlab chiqarish korxonalarida ishlab chiqarishni tashkil etish hajmiga bog‘liqligidan kelib chiqqan holda o‘rganilib borilmoqda. Umuman ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil qilib borishda bizning fikrimizcha nosinfiiy shaklda ishlab chiqarish xarajatlarini kichik biznes va firmalarda bu ishlab chiqarish xarajatlarini doimiy o‘zgaruvchan xarajatlarga va yalpi ishlab chiqarish xarajatlarini ishlab chiqarishda ishlab chiqarilgan tovarlardan olingan daromad bilan solishtirilgan holda iqtisodiy tahlil qilib berish zarur.

Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy tahlilini iqtisodiy va buxgalteriya hisobotlari asosida olib borish zarur.

A.Marshall o‘zining ilmiy ishlamlarida ishlab chiqarish xarajatlarini chegaraviy o‘rganish asosida korxonalar ishlab chiqarish xarajatlarini tashkil etish hajmini aniqlash qonuniyatiga asosan ishlab chiqarish jarayoni hajmining o‘shishiga qarab ishlab chiqarish xarajatlarining o‘shib borishi yoki ishlab chiqarish korxonasi hajmining kamayishi ishlab chiqarish xarajatlarining kamayishiga olib kelishini va ishlab chiqarish xarajatlarining ishlab chiqarish hajmiga nisbatan yuqori bo‘lmasligini asoslab bergan.

Shunga asosan A.Marshall [6]: “uzoq muddatda doimiy ishlab chiqarish xarajatlari o‘zgaruvchan xarajatlar holatiga keladi. O‘zgaruvchan xarajat bozor narxlariga nisbatan ustun holatda bo‘lib, firmaning bozorni tashlab ketishiga olib keladi”,- deb hisoblaydi.

Klassik iqtisodiy maktabga nisbatan, neoklassik iqtisodiy maktab vakillari tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlarda mikroiqtisodiy yondashuvlarga ustuvorlik qaratilganligi ular tomonidan ishlab chiqilgan ilmiy qarashlar bugungi kunda sanoat korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlarini shakllantirish va takomillashtirish amaliyotiga yaqinroq ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Shuningdek, neoklassik iqtisodiy maktab vakillari tomonidan ishlab chiqilgan va tadqiqot jarayonida foydalanilgan “me‘yoriy miqdorlar” bugungi kunda ham aksariyat ishlab chiqarish korxonalarida amaliyotida keng foydalaniladi.

Zamonaviy iqtisodiy munosabatlar tizimida sanoat korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari iqtisodiy nazariya, korxonalar iqtisodiyoti, ishlab chiqarish jarayonlarini tashkil etish va boshqarish texnologiyasi, buxgalteriya hisobi, kadrlar boshqaruvi, mahsulot sifatini boshqarish, korxonalar faoliyatining texnik-iqtisodiy va moliyaviy-xo‘jalik tahlili, moliyaviy hisob va boshqaruv hisobi kabi sohalar obyekti sifatida baholanadi. Ushbu holat bugungi kunda sanoat korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlarini tashkil etish va uning samaradorligini oshirish bilan bog‘liq bo‘lgan masalalar iqtisodiy munosabatlar tizimida turli fan sohalarining ustuvor yo‘nalishlaridan biri ekanligidan dalolat beradi.

Bozor iqtisodiyoti munosabatlarining ilmiy nazariy asoslarini shakllantirishda muhim o‘rin tutgan klassik va neoklassik iqtisodiy maktab vakillari tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlar natijalariga asoslangan holda, ishlab chiqarish xarajatlari va mahsulot tannarxi iqtisodiy kategoriyalari o‘zaro bir biriga bog‘liq bo‘lgan tushunchalar ekanligini aniqlash mumkin. Bu esa ushbu iqtisodiy kategoriya o‘rtasidagi umumiy va farqli jihatlarini ajratib olish zarurligini ko‘rsatadi.

Arxipov A.I. [7] boshchiligidagi bir guruh iqtisodchilar ishlab chiqarish xarajatlari sarfi iste‘mol bozorlariga ishlab chiqarilgan ishlab chiqarish xarajatlariga bog‘liq, moddiy ishlab chiqarish xarajatlari ishlab chiqarishni rejalashtirilgan tovarga firma tomonidan belgilangan narxga bog‘liq deb hisoblaydilar.

Biz bu firmaga qo‘shilishimiz bilan birga bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish subyektlari bo‘lgan firmalarning maqsadi foyda olish hisoblanadi. Firma foyda olishni, o‘shib borishini ta‘minlashi uchun ishlab chiqarish xarajatlari tejamkorligini ta‘minlash asosida foyda olishga firma daromadi va ishlab chiqarish xarajatlari o‘rtasidagi farq darajasini ishlab chiqarish

moddiy darajada o‘sib borishiga erishishlari zarur. Buning oqibatida firmalar o‘zlarining iqtisodiy va ijtimoiy holatlarini ishlab chiqarish va iste‘mol bozorlarida saqlab qolishlarini ta‘minlaydi.

Iqtisodchi G.M. Gukasyan ishlab chiqarish xarajatlari xarid qilib olingan ishlab chiqarish xarajatlaridan tashkil topadi [8] deb hisoblaydi.

Iqtisodchi A.F.Shishkin firma ishlab chiqarish xarajatini quyidagicha ta‘riflagan. Ishlab chiqarish xarajatlari bu umumlashgan jonli va buyumlashgan o‘tish xarajatlarni mahsulot ishlab chiqarishiga bo‘lgan xarajatidir [9]. U ijtimoiy ishlab chiqarish bu jamiyat uchun zarur bo‘lgan umumiy (jonli va buyumlashgan) mehnatning ishlab chiqarilgan mahsulotga bo‘lgan sarfi deb hisoblaydi. Biz bu iqtisodchi tomonidan ishlab chiqarish yakka tartibdagi va ijtimoiy ishlab chiqarish xarajatlariga bo‘lib o‘rganish to‘g‘risidagi fikrlariga qo‘shilgan holda asosiy maqsad firma va jamiyat maqsadi bu ishlab chiqarish xarajatlariga nisbatan ko‘proq mahsulot ishlab chiqarish, uni xarid iste‘mol narxlarini arzonlashtirish asosida iste‘molchilarning xaridorgir talablarini o‘sib borishini ta‘minlashimiz zarur.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish xarajatlarini samarali tashkil etish va tahlil qilish korxonalar raqobatbardoshligini oshirish, foyda hajmini ko‘paytirish hamda barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta‘minlashning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ксенофонт, Сократические сочинения – СПб АО “Комплект”, 1993 г., С.311.
2. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. — Москва: АСТ, 2023. — 1072 с.
3. Рикардо Д. Сочинения. Т.3-М.: Госпитиз, 1955. с.111.
4. Маркс К., Теория прибавочной стоимости. Маркс К. и Энгельс Ф. соч. т. 26 ч.3 – М. Политиздат, 1962. с.563.
5. Фабричнов А.М. Проблемы издержек производства в экономическом учении К.Маркса. Воронеж.: Издательство Воронежского университета, 1987. - 199 с.
6. Маршалл А., Принципы экономической науки. М.: «Прогресс», 1993. С. 401-405.
7. Архипов А.И. и др. Экономика. Учебник. М. Проспект, 2001. С. 86-87.
8. Г.М. Гукасян «Экономическая теория» 3-е издания Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Самара, Новосибирск, Киев, Харьков, Минск, 2010 с. 214-215.
9. А.Ф. Шишкин «Экономическая теория» М: Гуманитарный издательский центр «ВЛАДОС», 1996. с. 87.

Muassis: Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Muharrirlar:

dots. N.A.Kudratxodjayeva

Texnik muharrir:

I.M.Nigmatullayev

Ro‘yxatdan o‘tish tartibi № 4715

Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti» dan olindi, deb yozilishi shart.

Chop etishga tavsiya etildi: 30.08.2025 nusxa 50

Format 70x108 1/8. Shartli bosma taboq 18,0. Buyurtma №__11__

Sotuvda kelishilgan holda

ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etilgan.

Toshkent sh., Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy

Учредитель: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Редакторы:

доц. М.И.Саидкаримова

Тех. редактор:

И.М.Нигматуллаев

Регистр № 4715

При использовании материалов журнала «Экономика Нового Узбекистана» необходимо сделать на него ссылку

Подписано к печати: 30.08.2025

Формат 70x108 1/8. Усл. печ. л. 18,0 Тираж 50 экз. Заказ №__11__

Цена договорная

Отпечатано в типографии ООО «KLASSIC PRINT» г. Ташкент, ул Чилонзор 19, 28 дом.

Founder: The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Editors:

I.M.Nigmatullayev

Technical editor:

I.M.Nigmatullayev

Registration № 4715

When copying the entire journal material, it should be indicated that material was taken from the journal: “The economy of New Uzbekistan”.

Signed for printing: 30.08.2025

Format 70x108 1/8. The number of printed pages accepted 18,0. Circulation 50 copies.

The order № 11

Cost agreed.

Printed at the Tashkent ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ. Press. Tashkent, Chilanzar street 19, 28.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ” ЖУРНАЛИГА МАҚОЛА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Журнал таҳририяти 7 бетдан кам бўлмаган ҳажмдаги мақолани қабул қилади. Мақола матни Microsoft Word дастурида 14 шрифт ўлчамида, 1.5 интервалда, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 2 см, чапдан 2.5 см жой қолдирилиб, таҳририятга топширилиши лозим. Мақолада чизма, графиклар, жадваллар ва расмлар келтирилиши мумкин. Журнал бир йилда 6 марта нашр этилади.

Мақола таркиби:

- юқорида чап томонда УДК кўрсатилади;
- муаллиф исм-шарифи ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқартирилмаган ҳолда ўнг томонга ёзилади;
- шаҳар ва ташкилот номи;
- мақола номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилди;
- мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар ёзилади.
- матн сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилди.

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЬИ В ЖУРНАЛ “ЭКОНОМИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА” НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУҒБЕКА

Редакция журнала принимает статьи объемом не менее 5 страниц, набранных в редакторе Microsoft Word в виде компьютерного файла. Шрифт - Times New Roman – 14, междустрочный интервал 1.5, все поля страницы сверху и снизу – 2 см, справа – 2 см, слева – 2.5 см. В статью можно добавлять графические материалы – рисунки, таблицы и т.д.

Структура статьи:

- в верхнем левом углу указывается УДК;
- имя и фамилия автора без сокращений на узбекском, русском и английском языках по правому краю;
- название города, организации;
- название научной статьи на узбекском, русском и английском языках;
- после названия статьи - аннотация, ключевые слова на трех языках;
- список источников и литературы размещается в конце текста.

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

11

ISBN 978-9943-5256-3-4

Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog‘i 18, Adadi 25. Buyurtma № 11

Bahosi kelishuv asosida

OOO «KLASSIC PRINT» MCHJ MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy